

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ” КАФЕДРАСИ



**НОН, МАКАРОН ВА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

- | | |
|-------------------------|---|
| Билим соҳаси: | 300000-Ишлаб чиқариш техник соҳа |
| Таълим соҳаси: | 320000 – Ишлаб чиқариш технологиялари |
| Таълим йўналиши: | 5321000 - Озиқ-овқат технологияси (дон
маҳсулотлари) |

Гулистон - 2018

Фаннинг ўқув –услубий мажмуаси ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан 2015 йил 8-август 303-сонли бўйруғи билан тасдиқланган фан дастури асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчи: Тўхтамишова Г.Қ. - ООТ кафедраси ўқитувчisi

Тақризчи: Сатторов К.Қ. - ООТ кафедраси катта ўқитувчisi, т.ф.н.

Фаннинг ўқув –услубий мажмуаси «ООТ» кафедрасининг 2018 йил 24 августдаги 1-сонли мажлисида кўриб чиқилиб, факультет Илмий-услубий Кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия қилинди.

Фаннинг ўқув–услубий мажмуаси Табиий фанлар факультети Илмий-услубий Кенгашининг 2018 йил 25 августдаги 1–сонли мажлисида тасдиқланди.

МУНДАРИЖА

№	Мавзулар номи	бет
1	Кириш	4
2	Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари технологияси фани силлабуси	5
3	Назарий материаллар (маъruzалар курси)	7
4	Амалий ишларни бажариш бўйича услугбий кўрсатмалар	140
5	Лаборатория машғулотларини бажариш бўйича услугбий кўрсатмалар	156
6	Мустақил таълим бўйича материаллар	177
7	Глоссарий	194
	Иловалар:	
8	Фан дастури	195
9	Ишчи фан дастури	195
10	Тарқатма материаллар	196
11	Тест саволлари	202
12	Ишчи фан дастурига мувофиқ баҳолаш мезонларини қўллаш бўйича услугбий кўрсатмалар	201
13	Информацион-услубий таъминот	201
14	Инглиз ва рус тилидаги хорижий ўқув материаллари (электрон шаклда)	203
15	Тақдимотлар ва мультимедиа воситалари (электрон шаклда)	203
16	Ўқув-услубий мажмуанинг электрон шакли	204

КИРИШ

Олий таълимнинг Давлат таълим стандартига қўра талабалар Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари инсоннинг кундалик ҳаётида оммавий истеъмол қилинадиган маҳсулот турлари дидир. Ҳар бир инсоннинг ҳаёт фаолияти учун зарур оқсиллар, углеводлар, липидлар, витаминлар. минерал моддалар ва озуқа толалари каби моддаларга бой маҳсулотлар. "Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари технологияси" фан дастури нон, макарон ва қандолат ишлаб чиқариш саноатининг тарихи, ривожланиш босқичи келажаги ва истиқболли режалари, асосий ва қўшимча хом ашёларнинг хоссалари, уларни сақлаш ва ишлаб чиқаришга тайёрлашни, хамир тайёрлаш усуслари, ретцептура ҳақида тушунча, хамирни бўлакларга бўлиш, тиндириш, нон маҳсулотларини сақлашни, нон чиқиши ҳақида тушунчани, технологик сарфлар, йўқотишлар ва уларни камайтириш йўлларини, нон нуқсонлари ва касалликларини, нонларнинг сифатини яхшилаш усусларини, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг озуқавий қимматини, макарон хамирини тайёрлаш ва пресслашни, макарон маҳсулотларини қуритиш усусларини, макарон маҳсулотларини қадоқлаш ва сақлашни, унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, унли қандолат маҳсулотлари тавсифи, турлари ва озуқавий қимматини, шакарли қандолат маҳсулотлари технологияси, тавсифи ва турларини, макаронларнинг сифатига қўйиладиган талабларни, унли қандолат маҳсулотлари уларнинг сифатига қўйиладиган талабларни билишни ўрганадилар.

Ўкув-услубий мажмуя қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Назарий материаллар (маъruzalар курси)
2. Амалий ишларини бажариш буйича услубий кўрсатмалар.
3. Таалаба мустақил ишлари буйича материаллар (мустақил иш топшириқлари)
4. Назорат саволлари ва тестлар.
5. Глоссарий.

Иловалар:

1. Намунавий ва ишчи ўкув дастурлар.
2. Инглиз ва рус тилидаги хорижий ўкув материаллари (электрон шаклда).
3. Тақдимотлар ва мультимедиа воситалари (электрон шаклда)
4. Кўшимча дидактик материаллар.

Мазкур ўкув-услубий мажмуя "Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари технологияси" курсидан Вазирликнинг 2017 йил 1 март 107-сонли бўйруғи билан тасдиқланган "Олий таълим ўкув режалари фанларининг янги ўкув мажмуалариини тайёрлаш бўйича услубий кўрсатма" асосида яратилган дастлабки ўкув-услубий мажмуалардан бири бўлганлиги сабабли, унда баъзи жузъий камчиликлар, мунозарали қарашлар ва атамалар учраши мумкин. Шунга кўра мажмуя ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳамкасларига муаллиф олдиндан ўз миннатдорчилигини билдиради.

Ўкув-услубий мажмуя замонавий педтехнология талабларига мос равиша ишланиб, унда ўкув мақсадлари, назорат саволлари ва мустақил иш топшириқлари келтирилган.

Манзилимиз: 120100, Гулистон шахри, 4-мавзе, Университет бош биноси, 2-қават «Озиқ-овқат технологиялари» кафедраси.

**1. «Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари технологияси» фанининг силлабуси
(2017/2018 ўқув йили)**

Фанинг қисқача тавсифи							
ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:	Гулистан давлат университети			Гулистан шаҳри, 4-мавзе			
Кафедра:	Озиқ-овқат технологиялари			“Табиий фанлар” факультети			
Таълим соҳаси ва йўналиши:	320000 – Ишлаб чиқариш технологиялари		5321000 - Озиқ-овқат технологияси (дон маҳсулотлари)				
Фани (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:	ўқитувчи Тухтамишова Гулноза Қаршибоевна		e-mail:		Gulnoz 84 @ umail uz		
Дарс вақти ва жойи:	Бош бино 229- аудитория		Курснинг давомийлиги:		01.02.2018-24.05.2018		
Индивидуал график асосида ишлаш вақти:	Сешанба ва пайшанба кунлари 15.00 дан 17.00 гача						
Фанга ажратилган соатлар	Аудитория соатлари				Муста- қил таълим		52
	Маър уза:	36	Амалиёт машғу- лотлари	30	Лабора тория машғу- лотлар и		
Фанинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги :	органик ва аналитик кимё, биокимё, физик ва коллоид кимё экология, микробиология, озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари, метрология, стандартлаштириш ва сифатини бошқариш, озиқ-овқат кимёси фанлари						
Фанинг мазмуни							
Фанинг долзарблиги ва қисқача мазмуни:	<p>Фанинг ўқитишдан мақсад – давр билан, ижтимоий ҳаёт билан узвий боғлиқ. Ижтимоий ҳаётдаги туб бурилишлар, фанинг интенсив ривожланиши, таълим модернизацияси, янги дидактик имкониятлар, инсонпарварлаштириш шубҳасиз таълим мақсадини ҳам тубдан ўзгартирди. Таълим мақсадининг тубдан ўзгариши таълим мазмунидага ўз ифодасини топади. "Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари технологияси" фани мазмунига хом ашёларни қабул қилиб сақлаш омборларига жойлаштириш ва уларни қайта ишлаб то тайёр маҳсулот ҳолига келтириб, истеъмолчиларга реализация қилишгача бўлган жараённинг технологиясини ва жараёнлар бўйича ҳисоб-китобларни тўғри олиб бориш, технологик жараёнларнинг</p>						

	<p>бузилиши содир бўлган ҳолларда қайси йўллар билан бартараф қилиш, технологик кўрсаткичларни нормал ҳолатга келтириш йўл - йўриқларини ўргатиш ҳамда эгаллаган билимлар бўйича, кўникма ва малакаларни шакллантиришдир.</p> <p>Фанинг вазифаси - талабаларни мустақил фикрлашга, нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси бўйича барча жараёнларни тўғри олиб боришни, ишлаб чиқариш технологиясида юзага келадиган технологик нуқсонларни бартараф этиш чораларини, маҳсулот балансини тўғри юритиш ва ҳисоб китобларни тўғри олиб боришни ўргатишдан иборат.</p>
Талабалар учун талаблар	<ul style="list-style-type: none"> - ўқитувчига ва гурӯҳдошларга нисбатан хурмат билан муносабатда бўлиш; - университет ички тартиб - интизом қоидаларига риоя қилиш; - уяли телефонни дарс давомида ўчириш; - берилган уй вазифаси ва мустақил иш топширикларини ўз вақтида ва сифатли бажариш; - кўчирмачилик (плағиат) қатъян ман этилади; - дарсларга қатнашиш мажбурий ҳисобланади, дарс қолдирилган ҳолатда қолдирилган дарслар қайта ўзлаштирилиши шарт; - дарсларга олдиндан тайёрланиб келиш ва фаол иштирок этиш; - талаба ўқитувчидан сўнг, дарс хонасига - машғулотга киритилмайди; - талаба рейтинг баллидан норози бўлса эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 кун мобайнида апелляция комиссиясига мурожат қилиши мумкин
Электрон почта орқали муносабатлар тартиби	Профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги алоқа электрон почта орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, телефон орқали баҳо масаласи мухокама қилинмайди, баҳолаш фақатгина университет худудида, ажратилган хоналарда ва дарс давомида амалга оширилади. Электрон почтани очиш вақти соат 16.00 дан 19.00 гача

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

1-маъруза. Республикада нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий ва қўшимча хом ашё

Режа:

1.1. Ноннинг инсон озиқасидаги аҳамияти. Новвойлик саноатининг ривожланиши.

1.2. Буғдой унининг новвойлик хоссалари ва уни белгиловчи омиллар

1.3. Уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти ва уни белгиловчи омиллар

1.4. Уннинг газ ҳосил қилиш қобилиятини технологик аҳамияти ва аниқлаш усуллари

1.5. «Уннинг кучи» ва уни белгиловчи омиллар

1.6. «Уннинг кучи»ни технологик аҳамияти ва аниқлаш усуллари

Таянч сўз ва иборалар: Нон, булка, мейёр, сифат, намуна, миқдор, харражат, муддат.

1- савол баёни: Нон бу ун, сув ва туздан шакар, ёғ, сут ва бошқа маҳсулотларни қўшиб (ёки қўшмасдан) тайёрланган, ачитки ва хамиртурушлар ёрдамида бижғитилган хамирни пишириш натижасида олинадиган озиқ-овқат маҳсулотидир. Нон тайёрлаш учун асосан буғдой ва жавдар унидан фойдаланилади. Баъзида қўшимча сифатида маккажухори, арпа, нўхат, соя ёки оқ жухори унидан фойдаланилади.

Юқори озиқлиқ қиймати, аъло дарражадаги таъми, кўнгилга тегмаслиги, яхши ҳазм бўлиши, тайёрлашнинг осонлиги, сақлаш шароитларининг оддийлиги ва турғунлиги билан нон маҳсулотлари ер юзидаги инсонларнинг асосий озиқ-овқат маҳсулоти, баъзи давлатларда эса овқатланиш растионида биринчи ўриндаги маҳсулот ҳисобланади.

Иссик, хушбўй, юмшоқ ва ширин тамли нонни истеъмол қилиш инсонга ором бағишлайди. Шунинг учун XX аср олимларидан бири "яхши пишган буғдой ноннинг бир бўлаги, инсон ақлининг буюк қашфиётларидан бирини ташкил қиласди" деган экан.

Нон ҳакида кўплаб ажойиб мақоллар айтилган: "Нон неъматлар султони - нонни эъзозланг", "Нон мўллиги - эл тўклиги", "Нонга ҳурмат - элга ҳурмат" ва бошқалар.

Нонни биз билган кўринишида тайёрлаш бундан 6000 йил илгари маълум эди. Қадим замонларда одамлар сувга солиб бўқтирилган донли экинлар уруғларини истеъмол қилганлар. Кейинчалик донни майдалаб ва пишириб истемол қилиш бошланган. Бу даврда дон маҳсулотларини асосан бўтқасимон кўринишида истеъмол қилган. Турли хил тегирмонларнинг ихтиро қилиниши натижасида, қиздирилган тошларнинг юзасида ёки орасида, сопол тошлар орасида хамирдан пиширилган юмалоқ нонлар пиширилган.

Инсон томонидан бижғитилган хамирдан нон тайёрлашнинг ихтиро қилинишидан бошлаб новвойлик ривожланган. Кўп асрлар давомида нон уй шароитида тайёрлаб келинган. Катта шаҳарларнинг ахолисини, ҳарбий қўшинни ва бошқаларни нон билан таъминлашга зарурат, новвойлик саноатининг ривожланишига олиб келди.

Энг олдин нон ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари қўлда бажариладиган кичик нонвойхоналар ташкил қилинди. Хамир қориш, хамирни бўлаклаш ва нонни пишириш жараёнини механизациялаш-тириш натижасида, Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган машина ва печлар билан жиҳозланган кичик ва йирик новвойлик корхоналар ташкил топа бошлади.

Ўзбекистонда XX асрнинг бошларида бундай корхоналар аввало шаҳарларда (Тошкент, Самарқанд, Фарғона каби) ташкил топди. Бу шаҳарларда миллий нон

¹ 1. Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 3-11 бет

2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-3-6 бет.

**1-маъруза.Республикада нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг
ривожланиши,нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий
ва қўшимча ҳом ашё**

маҳсулотлари билан бир қаторда европали нон турлари ва навлари ҳам тайёрлана бошланди.

1925 йилда новвойликни тубдан қайта жиҳозлаш, нон корхоналарини қуриш ва новвойлик жиҳозлари ишлаб чиқарувчи машинасозлик базасини яратиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 30-чи йилларга келиб ҳамма катта шаҳарларда, шу жумладан Ўзбекистоннинг вилоят марказларида ҳам, машина ва печлар билан жиҳозланган новвойлик корхоналари мавжуд эди. Кейинчалик механизация-лаштирилган нонвойхоналар барча район марказларида фаолият кўрсата бошлади.

Ҳаммага маълумки, янги пишган нонда унинг барча хусусиятлари: мулойимлик, таъми ва ёқимли ҳиди яққол кўриниб туради. Бундай нон иштаҳа билан ейилади, овқат ҳазм қилишда ошқозон шираси таъсирига тез учрайди ва яхши ҳазм бўлади. Шунинг учун кейинги вақтларда республикамиз аҳоли шаҳарчаларида Винклер фирмаси машина ва печлари билан жиҳозланган механизациялаштирилган кичик нонвойхоналар вужудга келди.

Бу нонвойхоналар кенг ассортиментдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлиб, аҳолига иссиқ нон маҳсулотлари етказиб берувчи дўкон билан ҳам таъминланган. Бу нонвойхоналарнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида ташкил топган новвойлик тармоғи, республика аҳоли-сини нон маҳсулотлари билан таъминлашга қодирдир.

Нон-булка маҳсулотлари орасида ўзбек миллий нонлари алоҳида ўрин эгаллади.

Ўзбек нонларини тайёрлашда маҳаллий усталаримиз катта ютуқ-ларга эришганлар.

Л.И.Ремпелнинг баён этишича XX аср бошида Бухорода ўзбек нонлари катта дўконларда жойлашган нонвойхоналарда тайёрланган. Дўконниниг бир қисмини катта тандир эгаллаган. Ёқилғи сифатида ўтин ва шоҳлардан фойдаланилган. Битта тандирда икки смена даво-мидга б минг донагача нон пишириш мумкин бўлган.

Энг катта нон савдогари бўлиб - уста Исмоил нонвой ҳисобланиб, унинг катта тегирмони (харосхона) ва нонвойхонаси бўлган. Харосхона от билан харакатга келтириладиган тегирмондан, нонвойхона эса тўртта тандирдан иборат бўлган. Нонвойхона икки сменада 20 мингтагача нон ишлаб чиқарган. Унинг нонвойхонасида тандирга нон ёпувчи саккизта нонпаз, хамир маҳсулотларга шакл берувчи ўн иккита ноншикан, саккизта хамир корувчи хамиргарлар ва ўнлаб хизматкорлари бўлган. Ташиб воситаларидан: саккизта ароба, тегирмонда хизмат қилаётган ўн олтига отдан ташқари яна ўнга яқин отлари бўлган.

Нонларнинг турли хиллари: "Тафтон" (катта юпқа нонлар), патир (ёғда қорилган), кулчаи ширмол (сутли), кулчаи назараки (кичик кулчалар), "Нони забони гав" (узун, тил шаклидаги), хонаги" (уй нонлари) ва бошқалар тайёрланган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бундай нонвойхоналар ҳозирги кунда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шаҳарларнинг турли худудларида жойлашган бундай нонвойхоналар аҳолини иссиқ ўзбек нонлари билан таъминлаб турибдилар.

Нон тайёрлаш технологияси деярли ўзгармаган. Фарқи шундаки ун марказлаштирилган усолда ташиб келтирилади, хамир машиналарда қорилади, хамир тайёрлашда

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.- 3-11 бет.

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-3-6 бет.

**1-маъруза. Республикада нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг
ривожланиши, нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий ва
кўшимча хом ашё**

хамиртурушлар ўрнига прессланган ачитқи ишлатилади. Аммо бу нонвойхоналар ишлаб чиқариш қувватининг камлиги, меҳнатни механизастиялаш даражасининг пастлиги сабабли, аҳолининг ўзбек нонларига бўлган талабини тўлиқкондира олмайди. Бу нонларнинг катта қисми новвойлик корхоналарининг маҳсус стехларида ишлаб чиқарилади. Бу цехларда хамир маҳсулотга шакл беришдан бошқа, ҳамма жараёнлар механизастиялаштирилган. Нонларнинг пишириш Ўзбекистонда лойиҳаланган (Брувер-Солихов, Данко-Султонхўжаев) конвейер печларида амалга оширилади. Москва ва Киев лойиҳачилари томонидан ўзбек нонлари хамирига шакл беришни механизастиялаштиришга ҳаракат қилинган эди. Аммо бу жараёнлар ҳозирча корхоналарда асосан қўл ёрдамида амалга оширилмоқда.

2-савол баёни: Буғдой унининг новвойлик хоссалари деганда, технологик жараённи тўғри олиб борганда, уннинг яхши сифатли нон ҳосил қилиш қобилияти тушунилади.

Яхши пишган буғдой нони етарли ҳажмга, тўғри шаклга, ёриқлар ва йиртиқлар бўлмаган биртекис бўялган қобиққа, бир хилда тарқалган, майин ғоваклиқдаги эластик мағизга эга бўлиши керак.

Нон хушбўй ва хуштам бўлиши керак. Маълум турдаги буғдой нонининг мағизи қанчалик очик рангда бўлса, у шунчалик истеъмолчилар томонидан қадрланади.

Буғдой унининг новвойлик хоссалари асосан унинг қуидаги хусусиятлари билан белгиланади:

- газ ҳосил қилиш қобилияти;
- маълум аниқлиқдаги структуравий-механик хусусиятларга эга бўлган хамир ҳосил қилиш қобилияти – «уннинг кучи»;
- уннинг ранги ва нон тайёрлашда қорайиш хусусияти.

Ун заррачаларининг ўлчамлари ҳам сезиларли аҳамиятга эга.

Уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти деганда, маълум миқдордаги ун, сув ва ачитқидан тайёрланган хамирнинг бижгиши давомидаги маълум бир вақт ичида ажralиб чиқсан карбонат ангидрид гази (углерод икки оксиди) миқдори тушунилади.

Уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти шу ундаги (хусусий) қандлар миқдори ва қанд ҳосил қилиш қобилияти билан боғлиқ.

Уннинг хусусий қандлари. Доннинг марказий қисмидаги (эндосперма) қанд миқдори, муртаги, қобиги, эндоспермага ёпишиб турувчи алейрон қатламидагига кўра нисбатан камдир. Шунинг учун уннинг чиқиши қанчалик юқори бўлса, дон қобиқларининг миқдори, шундан келиб чиқиб қанд миқдори ҳам кам бўлади.

Буғдой унида ачитқи томонидан бижгитиладиган қандларнинг умумий миқдори, дон таркиби ва ун чиқишидан келиб чиқиб, уннинг қуруқ моддаларига нисбатан 0,7...1,8 % атрофида бўлади.

Дон ва ундаги қанд миқдори, хусусан малтоза миқдори, доннинг ўсиши натижасида ортиб кетиши мумкин.

Уннинг қанд ҳосил қилиш қобилияти. Уннинг қанд ҳосил қилиш қобилияти деганда, ундан тайёрланган сув-ун қоришмасининг ўзгармас ҳарорат ва маълум бир вақт ичида у ёки бу миқдордаги малтозани ҳосил қилиши тушунилади.

1. **Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.-
Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.- 3-11 бет**

2. **Айходжаева Н.К., Ҷахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси:
Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-3-6 бет.**

1-маъруза.Республикада нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ривожланиши,нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий ва қўшимча хом ашё

Қанд ҳосил қилиш, ундаги амилолитик ферментларнинг ун крахмалига таъсири билан боғланган бўлиб, амилолитик (алфа ва бетта-амилаза) ферментларнинг миқдорига ҳам, ун зарраларининг ўлчамлари ва ҳолати, улардаги крахмал донларининг табиати ва ҳолатига, яъни крахмалнинг фермент таъсирига берилувчанлигига ҳам, боғлиқ.

Уннинг қанд ҳосил қилиш кўрсатгичи бўлиб, 10 г ун ва 50 см^3 сувдан тайёрланган сув-ун суспензиясини 27°C ҳароратда бир соат давомида сақлаш натижасида ҳосил бўладиган малтозанинг милли-граммдаги миқдори ҳисобланади.

Одатдаги унмаган донда фақат бетта-амилаза мавжуд бўлади. Унган буғдоиди эса бетта-амилаза билан биргаликда фаол алфа-амилаза ҳам мавжуд. Бетта-амилаза крахмалга таъсир қилиб асосан малтозани ҳосил қилиш билан бир қаторда, кам миқдорда юқори молекуляр декстринларни ҳам ҳосил қиласди, алфа-амилаза эса крахмал гидролизининг асосий маҳсулоти сифатида паст молекуляр (камроқ массага эга бўлган) декстринларни ва кам миқдордаги малтозани ҳосил қиласди. Икки ферментнинг биргаликда таъсир қилиши крахмалнинг қўпроқ шакарланишини таъминлайди.

Алфа- ва бетта-амилазалар муҳитнинг ҳарорати ва таъсирига боғ-лиқлиги билан фарқланади. Алфа-амилаза, бетта-амилазага нисбатан $70\dots74^\circ\text{C}$ ҳароратда юқори даражада фаолликка эга бўлади ва $97\dots98^\circ\text{C}$ ҳароратда фаоллигини йўқотади. Бетта-амилаза эса $62\dots64^\circ\text{C}$ ҳароратда юқори фаолликка эга бўлиб, $82\dots84^\circ\text{C}$ ҳароратда фаоллигини йўқотади. Бетта-амилаза алфа-амилазага қараганда муҳитнинг кислота-лилигининг ортишига чидамлироқдир.

Алфа-амилаза $10,5\dots11,0$ град кислоталилиқда ва 71°C ҳароратда фаоллигини йўқотади, $4,4$ град. кислоталилиқда эса фаоллигини 96°C гача сақлаб қолади.

Бетта-амилаза $10\dots11,5$ град кислоталилиқда 60°C ҳароратда, $4,5\dots6,5$ град. кислоталилиқда эса $-73\dots78^\circ\text{C}$ ҳароратда фаоллигини йўқотади.

Одатдаги унмаган буғдоидан донида етарли миқдорда актив бетта-амилаза мавжуд бўлади. Шунинг учун бундай буғдоидан олинган уннинг қанд ҳосил қилиш қобилияти асосан крахмалнинг фермент таъсирига берилувчанлигига, яъни крахмалнинг таъсирчанлигига боғлиқ бўлади.

Ун крахмалининг таъсирга берилувчанлиги асосан ун зарра-чаларининг ўлчамлари, крахмал донларининг ўлчамлари ва уларнинг механик заараланганлиги даражасига боғлиқ. Бу заррачалар қанчалик кичик бўлса, шунчалик кўп миқдорда бетта-амилаза таъсирига берилувчан бўлади ва бундай уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти ҳам юқори бўлади.

Уннинг қанд ҳосил қилиши қобилияти. Уннинг қанд ҳосил қилиш қобилияти деганда, ундан тайёрланган сув-ун қоришмасининг ўзгармас ҳарорат ва маълум бир вақт ичida у ёки бу миқдордаги малтозани ҳосил қилиши тушунилади.

Унган буғдоидан олинган унда актив алфа-амилаза миқдори қўшимча ва қарийб ҳал қилувчи ўринга эга бўлади.

Уннинг хусусий қандлари хамир бижғишининг бошланғич босқи-чидагина сезиларли аҳамиятга эга бўлади. Хамир бижғишининг охирида, тиндириш ва пиширишнинг бошланғич босқиchlаридаги газ ҳосил бўлиши, ноннинг сифатли бўлишини таъминлайди. Шунинг учун уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти уннинг хусусий қандларига маълум миқдорда боғлиқ бўлсада, асосан уннинг қанд ҳосил қилиш қобилияти билан аниқланади.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.-
Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 3-11 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш
технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-3-6 бет.

1-маъруза.Республикада нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ривожланиши,нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий ва қўшимча хом ашё

Бинобарин, уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти уннинг углевод-амилаза комплекси билан аниқланади.

3-савол баёни: Уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти, рестептурасида шакар кўрсатилмаган нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда катта технологик аҳамиятга эга. Уннинг газ ҳосил қилиш қобилиятига қараб, хамирнинг бижғиш жадаллиги ва тиндиришнинг тезлиги, ундаги клейковинанинг миқдори ва сифатига қараб - ноннинг ғоваклиги ва ҳажми ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин. Уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти нон қобиғининг рангига ҳам таъсир қиласди.

Газ ҳосил қилиш қобилияти паст бўлган ундан тайёрланган хамир-да, уннинг хусусий қандлари бижғиш жараёнининг биринчи соатлари-даёқ бижғишга сарфланади. Уннинг газ ҳосил қилиш қобилиятининг паст бўлиши, хамир бижғишининг охирида, тиндириш ва пиширишнинг биринчи босқичида етарли бўладиган миқдорда қанд мавжуд бўлишини таъминлай олмайди. Бундай хамирдан тайёрланган ноннинг ҳажми кичик ва ғоваклиги кам бўлади.

Буғдой нони қобиғининг ранги сезиларли равишда хамирда бижғимасдан қолган қандлар миқдорига боғлиқ бўлади. Пиширилаётган хамир маҳсулотнинг қобиқҳосил қилувчи сиртининг қизиши натижа-сида бижғимасдан қолган қандлар, оқсилларнинг парчаланиш маҳсулотлари билан ўзаро таъсирлашиб, сарғиш жигаррангли моддалар – м е л а н о и д и н л а р ҳосил бўлади. Бу эса истеъмолчилар қадрланадиган нон қопиғининг тўқ тиллоранглигини таъминлайди.

Бир текисда бўялган, бир хил рангдаги қобиқли нон олиш учун, пишириш вақтида хамирда бижғимасдан қолган қандлар миқдори қуруқ моддалар миқдорига нисбатан 2...3 % дан кам бўлмаслиги керак. Қолдиққандларнинг жуда кам миқдорда бўлиши, хамирни юқори ҳароратда узоқ вақт давомида пиширишдан сўнг ҳам нон қобиғининг оқ рангли бўлишига сабаб бўлади.

Азалдан газ ҳосил қилиш қобилияти паст бўлган унни нонвойлар "иссиққа чидамли" деб атаганлар. Бундай ун туркумлари олий ва биринчи навли буғдой унидан нон пиширишда кўп учрайди. "Ўзбекистон", иккинчи навли ва жайдари бўғдой унлари етарлича газ ҳосил қилиш ҳобилиятига эга бўлади.

Уннинг чиқиши қанчалик юқори бўлса, унда қандлар миқдори ва ферментлар фаоллиги шунчалик баланд, шу туфайли уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти ҳам юқори бўлади.

Ўсган буғдой унининг газ ҳосил қилиш қобилияти кескин ортиб кетиши мумкин. Унни хусусиятларини текширганда бу ҳолатни назарда тутиш

4-савол баёни: Уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти деб, 100 г ун, 60 см³ сув ва 10 г прессланган ачитқидан тайёрланган хамирнинг 30 °C ҳароратда 5 соат бижғиши натижасида ҳосил бўлган карбонат ангидрид гази (углерод икки оксиди) нинг см³ миқдори тушунилади.

Ачитқининг кўп миқдорда бўлиши туфайли, уларнинг бижғитиш фаоллиги унча аҳамиятга эга бўлмай қолади. Бунинг натижасида хамирдаги газ ҳосил бўлиши амалда бижғитилувчи қандлар миқдорига боғлиқ бўлиб қолади. Текшириш ўтказилаётган вақтда ҳар бир соат бижғишдан сўнг газ миқдорини аниқлаш, газ ҳосил бўлиш кинетикаси ҳақида фикр юритишга ёрдам беради.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 3-11 бет

1-маъруза.Республикада нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ривожланиши,нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий ва қўшимча хом ашё

Таъкидлаб ўтиш лозимки, жорий текширишлар учун 100 г ундан тайёрланган хамирнинг газ ҳосил қилиш қобилиятини текширишга ҳожат йўқ. 10...25 г ундан тайёрланган хамир учун мўлжалланган жиҳозлар қўлланилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда фақат ун эмас, балки тажрибахонада жиҳоз эгаллайдиган жой ҳам тежалади. Бундай пайтда аниқлаш натижаларини, 100 гр ундан тайёрланган хамирга нисбатан ҳисоблаш керак.

Уннинг газ ҳосил қилиш қобилиятини ўлчаш учун турли хилдаги асбоблар ишлатилиб, улар икки гурухга бўлинади: в о л ю м о м е т – р и к - ҳосил бўлган карбонат ангидрид газининг ҳажмини аниқловчи асбоблар, м а н о м е т р и к - ҳосил бўлган газнинг босимини аниқловчи асбоблар.

Бизнинг новвойлик корхоналаримиз тажрибахоналарида уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти волюметрик усул билан, яъни ҳосил бўлган карбонат ангидрид газининг ҳажмига қараб аниқланади.

5-савол баёни: Уннинг, хамир қоришда, бишғиши ва тиндириш жараёнларида маълум структуравий - механик хусусиятга эга бўлган хамир ҳосил қилиш қобилиятига «уннинг кучи» деб шартли ном берилган.

Нормал консистенсияга эга бўлган хамирни қоришда нисбатан кўп миқдордаги сувни сингдирив олиш қобилиятига эга бўлган ун к у ч л и у н дейилади. Кучли ундан тайёрланган хамир қориш ва бижгиш вақтида ўзининг структуравий-механик хоссаларини (нормал консис-тенсияси, эластиклиги ва юзасининг куруқлигини) ўзгартирмасдан сақлаб қолади. Шунинг учун кучли ундан тайёрланган хамир бўлаклари думалоқлаш ва шакл берувчи машиналарда яхши ишланади ва ишчи қисмларига ёпишмайди.

Шакл берилган хамир бўлаклари карбонат ангидрид газини яхши сақлаб қолади ва тиндириш, пишириш жараённада кам ёйилади. Шунинг учун етарли даражада газ ҳосил қилиш қобилиятига эга бўлган кучли ундан тайёрланган тагдонли нон яхши ғовакланган, кам ёйилган ва катта ҳажмли бўлади.

Нормал консистенсияли хамирни қориш жараённада нисбатан кам миқдордаги сувни сингдирив олувчи унга к у ч с и з у н дейилади. Бундай ундан тайёрланган хамирнинг структуравий - механик хоссалари қориш ва бижгитиш жараёнларида тезда ёмонлашади, хамир бижгитиш охирида нисбатан суюқланиб, эластиклиги кам, ёпишқоқ ва суркалувчан бўлиб қолади.

Бундай хамир бўлаклари кўпинча думалоқлаш ва шакл бериш машиналарининг ишчи органларига ёпишиб қолиб уларнинг ишини қийинлаштиради. Тагдонли нон маҳсулотларини тиндириш ва пишириш вақтида хамир бўлаклари тезда ёйилиб кетади. газ сақлаб қолиш қобилияти пасаяди. Шунинг учун кучсиз ундан тайёрланган ноннинг ҳажми кичик, тагдонда пиширилган маҳсулотлар ёйилган бўлади. Кучи ўртача бўлган уннинг хусусиятлари оралиқҳолатни эгал-лайди.

Уннинг кучини асосан уннинг оқсил-протеиназа комплекси белги-лайди. Шу билан бирга уннинг кучи яна, камрок даражада бўлсада ҳам, ундаги крахмал, амилаза, елимлар, липидлар ва уларга таъсир қилувчи ферментлар ва бошқалар миқдори, ҳолати ва хусусиятига боғлиқ бўлади.

«Оқсил-протеиназа комплекси» тушунчаси, оқсил моддалари, протеолитик ферментлари ва протеолизнинг фаоллантирувчиларини ва ингибиторларини қамраб олади.

Уннинг оқсил моддалари. Ундаги оқсил моддаларининг миқдори, уларнинг таркиби, ҳолати ва хусусиятлари биринчи даражадаги аҳамиятга эгадир.

Буғдой хамирининг эластиклиги, пластиклиги ва қовушқоқлигини белгиловчи структуравий-механик хусусиятлари айнан уннинг оқсиллари билан белгиланади.

1-маъруза. Республикада нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий ва қўшимча ҳам ашё

Ундаги оқсил моддаларнинг микдори 8 дан 18 % гача ўзгариб туриши мумкин. Буғдой унининг оқсиллари таркибига асосан протеин-лар киради. Уларда катта бўлмаган микдорда оқсилларнинг оқсилмас моддалар билан бирикмалари (липопротеидлар, гликопротеидлар ва нуклео-протеидлар) ҳам мавжуд бўлади.

Буғдой дони ва ундан тайёрланган уннинг оқсилиниң 2/3 дан 3/4 қисмигача микдорини уннинг глиадин ва глютаъмин фракстиялари ташкил қиласди. Бунда глиадин фракстиясининг микдори, глютаъмин фракстиясига нисбатан катта бўлади. Асосан ана шу фракстиялар буғдой уннинг кучини белгилайди. Буғдой уннинг қолган оқсиллари, уннинг албумин ва глобулин фракстияларини ташкил қиласди.

Буғдой унида липопротеидлар ва гликопротеидларнинг бўлиши ва уларнинг хоссалари ҳам уннинг кучига таъсири қиласди.

Уннинг протеолитик ферментлари, уларнинг фаоллантирувчи-лари ва ингибиторлари. Оқсилларни (протеинларни) пептид боғларидан гидролитик парчаловчи ферментларни про т е и н а з а л а р дейилади. Уларнинг таъсирида оқсилларнинг

гидролитик парчаланиши (про т е о л и з) юзага келиб, пептонлар, полипептонлар ва эркин аминокислоталар ҳосил бўлади.

Бошоқли экинлар, улардан олинган уннинг таркибида, қайта-рувчи бирикмалар, хусусан, сүлфогидрил гурух -SH га эга бўлган (стистейн, глютатион) моддалар таъсирида фаолланиш хусусиятига эга бўлган протеиназа мавжуд бўлади. Протеиназаларга шу билан бирга оксидловчи ($KBrO_3$, KJO_3 , ҳаво кислороди) бирикмалар таъсирида нофаол шаклга айланиш хусусияти ҳам ҳосдир.

Шундай қилиб кўрсатиб ўтилган ва шу каби қайтарувчи бирик-малар протеолизнинг ф а о л л а н т и р у в ч и, оксидловчилар эса т ў х т а т у в ч и (ингибитор) ролини ижро этишларини қайд қилиб лозим.

Оқсилнинг пептид бөгининг протеиназаларнинг гидролитик таъсирида узилиши натижасида эркин амино- ва карбоксил гурухлар ҳосил бўлади. Шундан келиб чиқиб, протеолизнинг жадаллиги ҳақида сўз юритиш мумкин. Аммо протеиназанинг таъсирининг бошланғич шакли бўлиб оқсилнинг дезагрегатланиш, структурасининг бузилиши хисобланади, шундан сўнггина оқсилнинг полипептид занжирининг пептид боғлари узилади.

Протеиназанинг клейковина ва хамирга таъсири, уларнинг кучли суюланишига, қайишқоқлигини пасайиши ва окувчанлигининг ошишига олиб келади. Шу вақтни ўзида эркин аминокислоталарнинг ва карбоксил гурухларининг микдори камроқ ортиши ёки умуман ўзгармаслиги кузатилади. Бу протеиназанинг таъсирининг бошланғич шакли оқсил-полипептид занжирининг пептид боғларининг узилиши эмас, балки оқсилнинг дезагрегатланиши, уннинг тўртламчи ва учламчи структурасининг, ёки оқсилнинг структурасининг айрим элементларининг бузилишидан далолат беради.

Протеиназанинг таъсир қилишининг энг қулай муҳити бўлиб, pH 4-5,5 орасида ва 45 °C ҳарорат хисобланади. Аммо шароитга кўра энг қулай бўлган pH ва ҳароратнинг катталиги бошқача бўлиши мумкин.

Аниқланишича, 95 °C ҳароратда (pH = 5,8) 15 мин давомида қиздирилганда ҳам, протеиназанинг фаоллигининг бутунлай йўқолиши кузатилмаган, яъни пишган нон мағзининг ўрталарида, камроқ бўлса ҳам, протеиназанинг фаоллиги сақланиб қолган.

Протеолизнинг фаоллантирувчилари т ў х т а т у в ч и л а р и . Ун протеиназасининг қайтарувчилар билан фаолланиши ва оксидланувчилар билан фаоллигини йўқотиши, бу фер-ментнинг оқсил молекулаларининг структурасида CH-

1-маъруза. Республикада нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий ва қўшимча ҳом ашё

гурухи бўлиши билан боғлиқ. Оксидланишда бу гурухларнинг дисулфид боғлар - кўприкларга айланиши ферментни фаоллигини тўхтатилади.

Фермент қайтарилигандан шаклда, унинг структурасида -SH – гурухи бўлганда, фаолликга эга бўлади.

Протеолизнинг фаоллантирувчиси бўлиб, буғдойда, унда ва ачитқида, бинобарин, хамирда ҳам сақланадиган, глютатион ҳисобланади.

Глютатион оксидланган шаклда протеолизни фаоллаштира олмайди. Фаоллантирувчилар (глютатион ёки стистеин) бўлмагандан, унда протеиназанинг миқдори етарлича бўлганда ҳам, у кам фаолдир. Фаоллантирувчиларнинг қўшилиши эса протеолизни бирданига кучайтириб юборади. Глютатион ёки стистеиннинг протеолизни фаоллаштириш ҳаракатлари, нофаол протеиназада боғхолидаги SH-гурухининг қайтарилиши билан боғлиқдир.

Дон ва уннинг оқсил моддаларининг таркибида ва структурасида стистеин ва стистин аминокислоталарининг қолдиқлари, шунинг учун ҳам -SH ва -S-S- боғли гурухлар мавжуд бўлади.

Дисулфид боғларнинг (-S-S-)хосил бўлиши оқсил молекуласининг структурасини мустаҳкамлаб, уни қаттиқ ва зич қиласи. Дисулфид боғларнинг узилиши эса оқсил молекулаларининг структурасини сусайтиради, бўш ва ҳаракатчан қилиб қўяди.

Шундай қилиб, буғдой уннинг кучини белгиловчи асосий омил бўлиб, оқсил-протеиназа комплекси ҳисобланади.

Унда оқсил қанчалик кўп, унинг структураси ҳам шунчалик зич ва мустаҳкам бўлса, у протеиназа таъсирига берилувчан бўлмайди; унда протеиназа ва протеолизнинг фаоллантирувчилари (қайтарилигандан глютатион)нинг ҳаракатчанлиги кам бўлса, ун шунчалик кучли ва бу ундан тайёрланган хамирнинг структуравий-механик хоссалари барқарор бўлади.

Уннинг кучига, уннинг таркибида мавжуд бўлган ёғлар, тўйинмаган мой кислоталари, фосфатидлар, липопротеидларга бой бўлган липидлар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Уннинг липидлари хамир оқсиллининг ва хамирнинг структурасига ва структуравий-механик хоссаларига таъсир қилиш қобилиятига эга. Бундан ташқари тўйинмаган мой кислоталари липоксигеназа ферментининг таъсири остида -S-S- кўприкли боғларни ҳосил қилувчи -SH гурухларини оксидловчи гидропероксидларни ҳосил қиласи.

Сувда эрувчи пентозанлар (елимлар), крахмал донларининг ўлчами ва ҳолати ҳам хамирнинг структуравий-механик хоссаларига таъсир қилиши мумкин.

Ун ва хамир оқсилларининг ҳолати ва хоссалари, унда мавжуд бўлган оксидловчи-қайтарувчи системаларнинг оксидловчи-қайтарувчи потенсиалига ҳам боғлиқ. Бу потенсиалнинг қайтарувчилик таъсири кучайиши томонига силжиши оқсил

молекуласинининг структурасини сусайтиради ва ун протеиназаларини фаоллаштиради, яъни, уннинг кучини пасайтиради.

Оксидланиш таъсири томонига силжиши эса оқсил структурасини мустаҳкамлайди, протеолизни тўхтатишими таъминлайди ва натижада уннинг кучини оширади.

Уннинг оқсил моддалари сув иштирокида хамир кориганда ва кейинги бижғиши ва тиндириш жараёнларида жадал равишда бўкиши кузатилади. Бунда уннинг сувда эримайдиган фракстиялари глиадин ва глютенин, к л е й к о в и н а деб номланувчи қайишшоқлик ва чўзилувчан хусусиятларга эга боғланувчан массани ҳосил қиласи.

Клейковинанинг асоси оқсил моддалардан иборат бўлса ҳам, унинг қуруқ моддалари таркибига оқсилмас моддалар ҳам киради. Оддий усул билан ювиб олинган клейковина

1-маъруза. Республикада нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий ва қўшимча хом ашё

қуруқ моддаларининг 75...90% ни оқсиллар, қолган 10...25 % ни эса крахмал, клетчатка, кул элементлари, қандлар ва лиpidлар ташкил қиласди.

Буғдой унида структуравий-механик хоссалари яхши ифодаланган клейковина миқдори қанчалик кўп бўлса, ун шунчалик кучли бўлади.

6-савол баёни: Уннинг кучи нормал констистенсиядаги хамир олиш учун керак бўладиган сувнинг миқдорини, бижгишдаги структуравий-механик ҳолатининг ўзгаришини ва шу билан боғлиқ бўлган хамирни бўлак-лашдаги ва тиндиришдаги ҳолатини аниқлайди. Уннинг кучи хамирнинг газ сақлаш қобилиятини, ноннинг ҳажмини, мағиз ғоваклигининг ўлчами ва структурасини белгилайди. Бундан ташқари уннинг кучи хамирнинг шаклини сақлаб қолиш қобилиятини, шундан келиб чиқиб тагдонли ноннинг ёйилувчанлигини белгилайди.

Шунинг учун буғдой унининг кучи, ноннинг сифатини таъмин-ловчи омиллардан бири хисобланади.

Уннинг кучини аниқлаш усуллари. Уннинг кучини клейковинасининг миқдори ва сифатига қараб, ёки баҳоланаётган ундан тайёрланган хамирнинг структуравий-механик хоссаларини баҳолаш билан аниқланади. Бу мақсад учун бошқа йўллардан ҳам фойдаланиш мумкин (уннинг органик кислоталар эритмасида бўкиши, намунавий нон пишириши ва бошк.). Амалда тажрибахоналарда уннинг кучи клейковинасининг миқдори ва сифатига қараб аниқланади.

Уннинг ранги ва хамир тайёрлаш жараёнида қорайиш хусусияти.

Истъемолчилар одатда навли буғдой унидан тайёрланган ноннинг мағзини рангига кўпроқ аҳамият берадилар.

Мағизнинг ранги уннинг ранги билан боғлиқ. Қора ундан мағзи қора нон ҳосил бўлади. Аммо оқ рангли ун ҳам байзи ҳолатларда қора мағизли нон ҳосил қилиши мумкин. Шунинг учун уннинг новвойлик хусусиятларини баҳолаганда уннинг рангигина эмас, балки қорайиш хусусиятини ҳам инобатга олиниши керак.

Уннинг ранги асосан ун тортилган доннинг эндоспермасининг ранги, шу билан бирга ундаги дон пўстлоғи заррачаларининг ранги ва миқдори билан ҳам аниқланади.

Қайта ишлаш жараёнида уннинг қорайиши эса ундаги эркин тирозин миқдори ва тирозанни оксидлаб қора рангли меланинлар ҳосил қилишига сабаб бўлувчи полифенолоксидаза (тирозиназа) ферментининг фаоллигига боғлиқ. Хамирда меланинларнинг ҳосил бўлиши, хамир-нинг ва нон мағзининг қорайишига сабаб бўлади.

Уннинг қорайиш хусусиятига полифенолоксидазага қараганда тирозиннинг миқдори кўпроқ таъсир қиласди.

Уннинг рангини органолептик усулда этalon ранг билан солиштириб, ёки маҳсус асбоблар - ранг ўлчагичлар ёрдамида аниқ-лаш мумкин.

Бунинг учун ФПМ-1, ФПМ-56М фотометрлари, Карл СТейс-Йена (Германия) фирмасининг лейкometрлари ва шу каби асбоблардан фойдаланиш мумкин. Уннинг

қорайиш хусусиятини қорилган хамир-нинг маълум вақтдан сўнг органолептик усулда ёки асбоблар ёрдамида рангини ўлчаш йўли билан аниқлаш мумкин.

Ун заррачаларининг ўлчами _ Ун заррачаларининг ўлчами хамирда борадиган биокимёвий ва коллоид жараёнларнинг тезлигига, шундан келиб чиқиб, хамирнинг хоссаларига, ноннинг сифатига ва чиқишига таъсир қилувчи омилдир.

Олий ва биринчи навли ун заррачаларининг ўлчами бир неча микрометрдан (мкм) 180...190 мкм гача ўзгариб туради.

1-маъруза. Республикада нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий ва қўшимча хом ашё

Одатдаги новвойлик унида заррачаларнинг тахминин ярмисининг ўлчамлари 40...50 мкм дан кичик, қолганлари эса 40...50 дан 190 мкм оралиғида бўлади.

Юмшоқ буғдойдан олинган ун заррачалари қаттиқ буғдойдан олинган ун заррачаларига қараганда кичик ўлчамли бўлади.

Уннинг керагидан кам ёки ортиқча майдаланиши унинг новвойлик хусусиятларини ёмонлаштиради. Жуда катта заррачали ундан тайёрланган ноннинг ҳажми кичик, ғовакларининг пардалари қалин, қобиғи оқ рангда бўлади. Керагидан ортиқча майдаланган ундан тайёрланган ноннинг ҳажми кичик, қобиғи қорайган, мағзи кора бўлади. Бундай ундан тайёрланган тагдонли нон ёйилган бўлади.

Оптимал ўлчамдаги ундан сифати яхши нон олинади. Ун заррачаларининг оптимал ўлчами дондаги клейковинанинг микдорли ва сифатига кўра белгиланади. Клейковина қанчалик кучли бўлса ун шунчалик кўп майдаланиши керак. Новвойлик нуқтаи назаридан ўлчамлари бир хил бўлган ундан фойдаланган маъкул.

Пневмосепараторлаш ёрдамида ун заррачаларига қараб ажратиш шуни кўрсатдики, кичик ўлчамли фракстиялар оқсилга бой, юқори кулликга, қанд ва газ ҳосил қилиш қобилиятига эга экан. Бундай унда клейковинанинг микдори кўп ва чўзилувчанлиги паст бўлади.

Уннинг катта заррачали фракстияси таркибида оқсил микдори анча кам бўлади.

Шундай қилиб ун заррачаларини пневмосепарастиялаб, биргина буғдой донининг ўзидан унли қандолат маҳсулотлари, кекслар ва печенелар учун оқсили кам ун ҳам, оддий ун кучини ошириш учун ишлатиладиган оқсилга бой ун ҳам, олиш мумкин экан.

Намунавий нон пиширишбуғдой унининг новвойлик хусусиятларини бевосита баҳолаш усули. Буғдой унининг новвойлик хусусиятларини баҳолаш учун, уннинг кучи, газ ҳосил қилиш қобилияти ва рангини аниқлашдан ташқари яна шу ундан нон намунасини пишириш усулидан ҳам фойдаланилади.

Тегирмонлар ва новвойлик корхоналарининг лабораторияларида одатда текширилаётган уннинг бироз микдоридан, лабораториявий намунавий пиширишини бажариб, нон намунаси тайёрланади. Уннинг новвойлик хусусиятлари тўғрисида нон намунасининг сифати - уннинг ҳажми, шакли, қобигининг ранги, мағзининг ранги, ғоваклиги, эластиклиги, таъми ва ҳиди бўйича хулоса чиқарилади. Ўз навбатида ноннинг бу кўрсатгичлари уннинг юқорида баён этилган новвойлик хусусиятлари комплекси билан белгиланади.

Назорат саволлари

1. «Уннинг новвойлик хоссаларилари» таянч иборанинг таърифини келтиринг.
2. «Уннинг газ ҳосил қилиш хоссаси» таянч иборанинг таърифини келтиринг.
3. Қайси қандлар уннинг хусусий қандларининг таркибига киради ва улар қайси микдорларда мавжуд?
4. Уннинг хусусий қандлари қандай аҳамиятга эга?
5. «Уннинг қанд ҳосил қилиш хусусияти» таянч иборанинг таърифини келтиринг. У қайси омиллар билан боғлиқ?
6. Алфа-амилаза ва бетта-амилаза фаоллиги учун қандай шароит энг қулай ҳисобланади?
7. «Иссиқлиққа чидамли» деган тушунча нимани билдиради?

1. Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 3-11 бет

- 2.Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-3-6 бет.
8. Меланоидинлар қандай аҳамиятга эга?
 9. Уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти манометрик ва волюметрик усуларининг моҳияти нимада?
 10. Уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти қандай аҳамиятга эга?
 11. «Уннинг кучи» таянч иборанинг таърифини келтиринг.
 12. Кучли ва кучсиз ун қандай хусусиятларга эга?
 13. Уннинг оқсил-протеиназа комплексининг таркибига қайси компо-нентлар киради?
 14. Протеолиз деган сўз нимани билдиради?
 15. Протеолизнинг фаоллантирувчи нималарга ва қандай таъсир этади?
 16. Протеолизнинг ингибитори нималарга ва қандай таъсир этади?
 17. Липоксигеназа қайси моддаларга таъсир этади ва уннинг роли нимадан иборат?
 18. «Оқсилнинг оксидлантириш-қайтарилиш потенциали»деган ибора нимани билдиради?
 19. Клейковина – бу нима? Уннинг таркибига қайси моддалар киради?
 20. «Унни қорайиш хусусияти» деган ибора нимани билдиради?
 21. Ун заррачаларининг ўлчами хамир хоссаларига қандай таъсир этади?
 22. Уннинг пневмосепторлаш натижаларини ўрганиш қандай хуло- саларга олиб келди?
 23. Намунавий нон пишириш қайси мақсад учун ўтказилади?

Мавзуга оид мустақил иш топшириқлари:

Нонвойлик касбининг ривожланиш тарихи.

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
- 2.Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
- 3.Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.- 428с.

2-маъруза.Хом ашёни қабул қилиш, сақлаш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш. Нонвойлик хамиртурушлари, туз ва бошқа хом ашёлар.

Режа:

2.1.Унни қабул қилиш. Сақлаш.

2.2.Унни ишлаб чиқаришга тайёрлаш

2.3.Нонвойлик хамиртурушлари, туз ва бошқа хом ашёлар.

Таянч сўз ва иборалар: Стелажлар;эловчи машина;ун захираси;силослар, бункер;магнит тутқичлар;

1- савол баёни: Нон корхонасига ун алоҳида партияси, сифат хужжати (качест.удост.) билан келтирилади ва хужжат корхона лабораториясига берилади. Сифат хужжатида ун тури, нави, ранги, хиди, таъми, намлиги, ун йириклиги, клейковина сифати, кул миқдори ва бошқа сифат кўрсаткичлари кўрсатилиади. Ун намлигини икки хили:

1. Ун тортилгандаги намлиги.
2. Жўнатилаётгандаги намлиги кўрсатилиади.

Нон корхонасига ун, навли буғдой уни 5 кундан сўнг, жавдар уни 3 кундан кейин, обойная уни 2 кун сақлангандан сўнг юборилиши керак. Ун корхонага тўкма ҳолда ва қопларда келтирилади ва қўшимча хом ашёдан алоҳида сақланади. Унни қопда сақлаш учун омбори куруқ, иситиладиган, вентилястия мосламаси бўлган, пол ёриқларсиз асфальтланган, деворлари оқланган ёки керамик плиткалар қўйилган бўлиши керак. Омбор 10 °C гача иситилиши керак.

Қоплардаги ун баландлиги 15 см бўлган ёғоч стелажларда 10-12 қатор баландлиқда штабел қилиб тахлаб сақланади. Штабеллар девордан 0,5 м орлиқда бир-биридан ҳар 12 м дан сўнг 0,75 м орлиқда ўтишга жой қолдирилади. Омборда платформали тароз, эловчи машина бўлиши керак. Ун тўкма ҳолда силосларда ёки бункерларда сақланади. Ҳар бир нав учун 2 тадан бункер ажратилиши зарур. 1-унни қабул қилиш учун. 2- ишлаб чиқаришга узатиш учун. Корхонада 7 кунлик ун захираси бўлиши керак. Ун омборлари очиқ ёки ёпиқ ҳолда ишлаб чиқариш корпусида ёки алоҳида бўлади. Очиқ турдаги омборларни қуриш ва эксплуатастия қилиши арzonроқ.

Очиқ омборларда силосларда унни сақлаш давомида сифати ўзгармайди. Уннинг физик хоссасига кўра ўзидан иссиқлик ўтказиши паст бўлганлиги сабабли киши кунларида 12-15 % деворга яқин қисми совийди. Тўғри бурчакли бункерларга нисбатан стилиндрли силосларда ун совуши камроқ кузатилган. Силослар бўшатилганда. Транспортировка ва элаш давомида ун 3-6 °C га кўтарилади. Катта ҳажмли сифимларда сақланаётган ун қатламланиб, зичлашиб қолади. Агар ун намлиги юқори бўлса, узоқ муддат сақланса зичланиши, қатламланиши ортади ва уннинг тўкилиши қийинлашади. Бункерлардан уннинг тўкилишини тезлаштириш учун силос ташқарисидан, конус қисмига вибраторлар ўрнатилади ёки силосга сиқилган ҳаво берилади.

Унни ишлаб чиқаришга тайёрлашда корхона лабораторияси кўрсатмасига кўра алоҳида партиялар аралаштирилади. Бунда ун ранги, ун кучи, намлиги, нордонлиги эътиборга олинади (ҳар хил нав аралаштирилмайди). Ишлаб чиқаришга узатилаётган ун бегона аралашмалардан ажратиш, ҳамда исиб, ҳаво билан тўйиниши учун эланади. Бунинг учун бурага типидаги эловчи машиналар ишлатилади. Навли ун учун № 1, 6; жайдари (обойная) уни учун № 1. 8-2 металл элаклар ўрнатилади, (ёки № 2. 8-3,5). Унни металл аралашмалардан ажратиш учун магнитли тутқичлар

**2-маъруза.Хом ашёни қабул қилиш, сақлаш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш.
Нонвойлик хамиртурушлари, туз ва бошқа хом ашёлар.**

ўрнатилади. Магнит тутқичларнинг ҳар бири ўлчамлари 48x12 мм, юк кўтариш кучи 8-12 кг, уларнинг ишлаши ҳар 10-15 кунда текширилади. Унни ўлчаш учун порстинон автомат торозлар ДМП-100 эловчи машинадан сўнг ўрнатилади (20-100 кг гача ўлчайди) .

Унни тортилгандан сўнг яхши шароитларда сақланганда уннинг нон пиширишга оид хусусиятлари яхшиланади. Бу ходисанинг уннинг етилиши деб қабул қилинган. Унни ёмон шароитларда сақлаш, уннинг сифатини ёмонлашувига, баъзан эса уннинг айнишига олиб келади.

Янги тортилган ун, айниқса янги йиғиштириб олинган доннинг уни одатда ёпишқоқ , ёйилувчан ва қўпчиши пайтида туз суюловчан ҳамирни ҳосил қиласди. Бундай ундан белгиланган меъёрдаги зиччикка эга бўлган ҳамир тайёрлаш учун оз миқдорда сув қўшишга тўғри келади. Янги тортилган ундан тайёрланган ноннинг ҳажми кичик бўлади ва под (тўр)да пиширилганда ёпишиб кетади. Сақлаш пайтида уннинг намлиги мувозанат намлиги даражасига пасаяди. Агар уннинг нон заводига келиб тушаётган пайтида намлиги омборхонадаги ҳавонинг параметрларига мос келучи мувозанат намлигидан кам бўлса, у ҳолда сақланиш пайтида уннинг намлиги ортади. Унни сақлаш даврида уннинг ранги тиниқлашади. Ундаги каратиноидли ва ксатнофилли пигментларининг оксидланиши уннинг рангининг тиниқиб, оқаришига сабаб бўлади.

Уннинг кислоталилигига – ун ёгининг гидронетик парчаланиши туфайли вужудга келган ҳосилалар, ёғли кислоталарнинг, фосфор-органик моддаларнинг парчаланиши натижасида вужудга келган фосфорли маъданли тузларнинг ҳамда жуда оз миқдордадаги кислоталик характеристига эга бўлган оқсилининг гидрозланиши натижасида вужудга келган фосфат оксидлари ва органик кислоталар (сут, уксус ва шовул кислоталари) мавжуд бўлиши билан белгиланади.

Янги тортилган уннинг сақланиш пайтидаги кислоталигининг ортишига, уннинг таркибида банд бўлган кислоталарнинг йиғилиб қолиши сабаб бўлади. Унни сақлаш пайтида банд бўлган кислоталарнинг йиғилиб қолиши ёғларни глистерин ва банд бўлмаган ёғли кислоталарга ажратувчи липаза ферментининг уннинг ёғида таъсир этиши туфайли содир бўлади. Доннинг ёғи асосан уннинг муртагида 15% атрофидаги миқдорда бўлади. Муртак ёғи анча миқдордаги тўйинмаган кислоталар-линолли ва олинли кислоталарни ўз таркибига олади. Ёғнинг гидролизлаши ва банд бўлмаган (мустакил) ёғ кислоталарининг йиғилиб қолиши туфайли ундаги ёғ миқдори уннинг

сақланиш даврида ортиб боради. Уннинг етилиш даражаси ва сақланиш ҳарорати қанчалик юқори бўлса уннинг гидролизланиб парчаланиши шунча тезлашади.

Уннинг кучининг ортиши. уннинг тортилгандан кейинги сақланиш даврида ундаги оқсили моддаларнинг ферментатив хужумкорлигининг пасайиши протеолизни фаоллаштирувчиларнинг миқдори ва протеиннозанинг фаоллиги пасайишининг натижаси деб хисобланади.Буғдой уни етилиш натижасида кучга тўлади ва шунга мувофиқ равишда ноннинг сифат кўрсаткичлари ҳам ўзгаради. Ноннинг ҳажми, мағзининг ғоваклиги ошади ва яхшиланади, ҳамда под маҳсулотларининг ёйилувчанлиги камаяди. Шундай қилиб, ун тортилгандан кейин қанча кучсиз бўлса, етилиш даврида уннинг хусусиятлари шунча ошади.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.-

Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 3-11 бет

2.Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-3-6 бет.

2-маъруза.Хом ашёни қабул қилиш, сақлаш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш. Нонвойлик хамиртурушлари, туз ва бошқа хом ашёлар.

Оқсил моддаларнинг протеокли фаоллиги, ҳужумкорлиги ва протеолиши фаоллаштирувчиларнинг микдори камаяди. Бунинг натижасида клейковина ва хамирнинг структуравий-механик сифатлари яхшиланади, уннинг сув ютиш хусусияти ортади ва у кучли унга айланади;

Қанд ва газ ҳосил қилиш хусусияти деярли ўзгармайди ёки бир оз пасаяди.

Етилиш жараёнининг моҳияти клейковина ва хамирнинг яъни уннинг оқсил протеинли комплексининг структуравий-механик хусусиятларини ўзгартирувчи ва унни янада кучлироқ қиласиган жараёнлардан келиб чиқади.

Буғдой унининг етилиши жараёнида сувда эрувчан пентозанларнинг ва уларнинг сувдаги эритмаларининг қовушқоқлигини оширувчи полимерлашув содир бўлиши мумкинлиги жавдvr буғдой уни устидан ўтказилган тадқиқотларда аниқланган. Лекин буғдой унининг етилиши даврида уннинг нон пиширишга оид хусусиятларининг ўзгаришига жадал кечишини уннинг таркибидаги мустақил тўйинмаган ёғли кислоталарнинг оксидланиши билан узвий равишда боғлиқ бўлган оксидланиш жараёнлари деб ҳисобламоқ лозим.

Буғдой унининг етилиш жараёнини тезлаштиришнинг бир қатор усуllibарини қўллаш мумкин. Унни тегирмонларда ва нон корхоналарида пневматик усуlda аралаштириш уннинг етилишини сезиларли даражада тезлаштириши мумкин. Жавдар буғдой уннигига қараганда секинроқ кечади. Жавдар буғдой унни сақлаш даврида ундаги амилолетик ферментларнинг фаоллиги сусаяди ва крахмалнинг амилазалар таъсирига бардошлиги ортади. Шунингдек , крахмалнинг клейстерланишнинг бошланишида ҳароратнинг кўтарилиши ҳам кузатилади. Банд бўлмаган (мустақил кислоталарнинг тўпланиши, сақланаётган ундан қилинган хамирнинг физик хусусиятлари консистенсияси) ни яхшилади. Эланган уннинг етилиши натижасида бу ундан қилинган хамирнинг структуравий-механик хусусиятлари ортади. Уннинг консистенсияси яхшиланиб ёйилувчанлиги камаяди. Уннинг коллоидли хусусиятларининг кўрсаткичлари уннинг гидрофиллигининг пасайганлиги ва коллоидлари тузилишининг ўзгарганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Унни узоқ муддат ичидаги (30 кундан ортиқ) сакланганда уннинг қанд моддаларини ҳосил қилиш хусусияти бироз ортади.

2- савол баёни: Унни етилтириш жараёнида ундан яхши тарафга сезиларли ўзгаришлар 6 ой давомида содир бўлади, бунда қонуниятларга мувофиқ ундаги кислоталик ортади, эланган уннинг ранги очилади, крахмалнинг катализлар таъсирига нисбатан бардошлиги ортади, ҳамда оқсилларнинг ва протеолизларнинг фаоллиги ортади. Шунингдек ноннинг, мағизнинг эластиклиги, уннинг органолептик баҳолаш ва под ноннинг ёйилувчанлигининг кўрсаткичи яхшиланади шунинг учун ҳам жавдар буғдой унни узоқ сақлаш натижасида ноннинг ҳажми ва ғоваклик даражаси бир оз камайсада, бундай уннинг нон пиширишга оид хусусиятларининг маълум даражада яхшиланиши ижобий ҳолдир.

3- савол баёни: Прессланган хамиртурушлар корхонага тарада келтирилади. Хамиртурушларнинг сақланиши муддати 0-4 °C ҳароратда 12 кун. Сақлашнинг энг қулагай шароитлари: ҳарорат 1-2 °C ҳавонинг намлиги 82-96 %. Совутилган хамиртурушларнинг ҳужайралари анабиоз ҳолатида бўлади. Хамиртурушнинг намлиги

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.-

Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 23-31 бет

2.Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси:
Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-9-16 бет.

2-маъруза.Хом ашёни қабул қилиш, сақлаш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш. Нонвойлик хамиртурушлари, туз ва бошқа хом ашёлар.

75 % дан юқори, хамирнинг кўпчитиш тезлиги эса 60-75 минутдан юқори бўлмаслиги керак.

Хамиртурушнинг кўтариш кучи спиртли ачиш (зимаза) келтириб чиқарувчи ферментлар йиғмаси (комплекти) ни фаоллигини характерлайди, бироқ хамиртурушнинг хамири юмшатиш қобилияти мальтоза фаоллигига ҳам боғлиқ.

Ишлаб чиқаришда хамиртурушлар анабиоз ҳолатида бўлганлиги сабабли опара да яхши тақсиланиши учун фаоллаштирилади. Прессланган хамиртурушларни фаоллаштириш учун хамирнинг массасига нисбатан 1,5 % бўлган дамлама тайёрланади ва унга ундириб янчилган буғдой қўшиб 29-30 °C гача совутилади. Мазкур озиқлантирувчи муҳитга хамиртуруш аралаштирилиб 1 соат давомида фаоллаштирилади, сўнгра хамиртурушни опара ёки хамир қориш учун ишлатилади.

Курилманинг таркиби қуйидагилардан иборат: автоунўлчагич, сув ўлчаш бочкаси, дамлама тайёрлаш учун бак, хамиртурушни фаоллаштириш учун бак. Бак икки тарафлама айланувчи куракчаларга эга.

Курилган хамиртурушни прессланган сифатли хамиртурушдан тайёрланади. Хамиртурушни тасмали ёки барабанли иссиқ ҳаволи қуритиш аппаратларида ҳарорат (50 °C ёки 60-80 °C) нинг қандай бўлишига қараб 5-10 соат давомида етиштирилади. Кейинги вақтларда флюидизастияловчи қуритиш аппаратлари қўлланилмоқда. Вакуум остида қуритиш орқали сифатнинг яхши бўлишига эришилди.

Курилган хамиртурушларни қопча (пакет)ларга қадоқланади. Омборхонадиги ҳарорат 15 °C дан ошмаслиги керак. Хамир тайёрлаш учун ишлатиладиган қуруқ хамиртурушнинг миқдори унинг кўтариш кучига боғлиқ. Курилган хамиртурушларни фаоллаштириш қуйидагича амалга оширилади: тайёр қандлаштирилган дамламага қуритилган хамиртурушни қўшиб 4 соат давомида фаоллаштирилади, унинг самарадорлитини ошириш учун Оризин (сифат яхшиловчи) қўшимча фаоллашиш муддати 2 соатга қисқаради.

Нон маҳсулотларини тайёрлашда ош тузи хамир учун ишлатилаётган уннинг массасига нисбатан 1,5-2% миқдорда қўшилади. Ош тузининг 4 хил нави мавжуд: экстра, олий, биринчи ва иккинчи навлар. Турли навдаги тузлар рангига ва таркибидаги натрий хлориднинг миқдорига қараб фарқланади (97-99,7 %).

Туз нон корхонасига қопланмасдан, шундай ўзини автосамосвалларга юкланиб келтирилади ва ишлаб чиқариш биноларининг ертўлаларига ўрнатилган темир-бетон ҳовуз (резервуарларга) туширилади. Туз туширилиб олинаётганда ҳовузларга сув қуйилади, туз

сувда эриб эритма ҳолида сақланади. Туз эритмаси ишлатилишидан олдин филтрланади ва насослар ёрдамида сарфлаш бакларига ўтказилиб, белгиланган зичликка етказилади ва шундан кейин ишлаб чиқаришга юборилади.

Шакар барча булка ва ёғли-ширин (сдоба) маҳсулотларининг рестептурасидан ўрин олган, хамирга қўшилган шакар хамирнинг физик хусусиятларига ва уннинг кўпайишига таъсир кўрсатади. Оз миқдордаги шакар хамирнинг кўпчиш ва тиниш муддатини узайтиради. Шакар қўшиб тайёрланган ноннинг таъми мазали бўлади ва калориялиги ортади. Шакарни қанд лавлагиси ёки шакар қамишдан олинади. Шакар таркибидаги 1,23

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 23-31 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-9-16 бет.

2-маъруза.Хом ашёни қабул қилиш, сақлаш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш. Нонвойлик хамиртурушлари, туз ва бошқа хом ашёлар.

зичликка эга бўлган эритма (сув ва шакарнинг нисбати 1:1) ҳолатида совук ўтказмайдиган стистерналарда келтирилиб, зангламайдиган пўлатдан ясалган идишларга қуйилади ва эритма ҳолатида сақланади.

Ёғларга – мол ёғи, маргарин, қизитилган мой ва ўсимлик ёғи киради. Турли маҳсулотлар учун ишлатиладиган ёғнинг миқдори 2,5 % дан 20 % гача ташкил этади.

Ундириб янчилган, жавдар буғдойнинг ранги қизил, ундириб янчилган ферментлаштирилмаган тариқнинг ранги оқ бўлади.

Оқ рангли ундириб янчилган (оқ солод) ни нонвойчиликда юқори амилолептик фаоллиги туфайли дамламаларни қандлаштириш ва ноннинг сифатини ошириш учун кўлланилади.

Донни ундириб янчиш (солод тайёрлаш) қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади: донни тозалаш, ивтиш, ювиш, ундириш, ферментлаш (фақат жавдар буғдой донидан тайёрланган қизил солод учун), қуритиш, совутиш, янчиш, элаш ва қадоқлаш. Тайёр бўлган оқ солод текис ёрқин сариқ рангли, ширинроқ таъмга ва маҳсус хидга эга бўлади. Қизил солоднинг ранги жигарранг ёки қорамтири-қўнғир, таъми нордон-ширин, ҳиди хушбўй бўлади.

Нон пиширишда ишлатиладиган сут ва сут маҳсулотлари. Сут қуйидаги кимёвий таркибга эга, сув 87,6 %, ёғ 3,4- 4,6 %, оқсилилар 3,6-4 % , лактозалар 4,7 %, маъданли тузлар 0,7 %. Булардан ташқари, сутнинг таркибида фосфатидлар, ферментлар ва кўп дармондорилар мавжуд. Сутнинг оқсилилари асосан 80 % казеиндан иборат, сут оқсилилари нордон характерга эга.

Назорат саволлар

1. Ун келтирилганда сифат хужжатида қандай сифат кўрсаткичлар кўрсатилади?
2. Унни сақлаш пайтида содир бўладиган жараёнларни айтиб беринг?
3. Хамиртурушлар ишлаб чиқаришга қандай тайёрланади?
4. Бошқа қўшимча хом ашёлар ишлаб чиқаришга қандай тайёрланади?

Мавзуга оид мустақил иш топшириклиари:

1. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган арпа уни, маккажўхори уни.
2. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган соя уни кепак.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Вашиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.

3-маъруза.Хамир тайёрлаш усуллари.

Режа:

3.1.Буғдой хамирини тайёрлаш рестептураси ва асосий усуллари

3.2.Хом ашёни дозалаш. Опара ва хамир қориш. Опара ва хамир қоришида кечадиган жараёнлар

3.3.Хамирни ғоваклаштириш усулларининг қисқача тавсифи.

Таянч сўз ва иборалар: Суюқ фаза,қаттиқ фаза,гассимон фаза,хамирнинг пластликлиги,диспера система,хамирни етилиши,бункерли агрегатлар,олти секцияли бункер,ХТР агрегати.

1- савол баёни: Хамир тайёрлаш нон ишлаб чиқариш технологик жараёнининг асосий босқичларидан бири ҳисобланади. Тайёр хамирнинг ҳолати ва хоссалари бундан кейинги шакл бериш, тиндириш ва пишириш жараёнларида унинг ҳолатига сезиларли даражада таъсир этиб, шундан келиб чиқиб, тайёр ноннинг сифатини ҳам белгилайди.

Буғдой хамири ун, сув, туз, ачитқи, шакар, ёғ ва бошқа хил хом ашёлардан тайёрланади.

Маълум навдаги нон маҳсулотини ишлаб чиқариш учун қўлланила-диган алоҳида хом ашёлар нисбатларининг йиғиндиси р е ст е п т у р а дейилади.

Нон ва булка маҳсулотларининг рестептураларида сув, туз, ачитқи ва қўшимча маҳсулотларнинг миқдори 100 кг унга нисбатан кило-граммларда ифодалаш қабул қилинган.

Нон ва булка маҳсулотлари асосий навларининг рестептурасида алоҳида хом ашёларнинг қўйидаги тахминий нисбати кўзда тутилган (кг):

Ун	100
Сув	50-70
Прессланган ачитқилар	0,5-2,5
Туз	1,3-2,5
Шакар	0-20
Ёғ	0,5-13

Бир қатор нон маҳсулотлари навларининг рестептураларида қўшимча хом ашёларнинг (тухум, майиз, сут, сут зардоби, ёғсизлантирилган қуруқ сут, зираворлар, ванилин каби) бошқа турлари ҳам кўрсатилган бўлади. Бундан келиб чиқадики, нон маҳсулотларининг турли хиллари ва навларининг хамирида хом ашёларнинг миқдори ва нисбати ҳар хил бўлиши мумкин. Ун, сув, туз ва ачитқи буғдой нони навларининг барчасининг хамири таркибиға кирганлиги учун, а с о с и й н о н в о й л и к х о м а ш ё л а р и гурухини ташкил этади.

Буғдой хамири даврий (порстион) ва узлуксиз усулларда тайёрланади.

Буғдой хамири тайёрлашнинг иккита асосий, о п а р а л и ва о п а р а с и з усули мавжуд.

О п а р а л и усулда хамир икки босқичда тайёрланади: биринчи босқич – о п а р а тайёрлаш ва иккинчи босқич – х а м и р тайёрлаш.

Опарани тайёрлашда одатда хамир тайёрлаш учун мўлжалланган ун миқдорининг тахминан ярмини, сувнинг учдан икки қисмини ва ачитқининг ҳаммаси ишлатилади.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 57-81 бет

2.Айходжаева Н.К., Ҷаҳангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.10-26 бет.

3-маъруза.Хамир тайёрлаш усуллари.

Консистенциясига кўра опара хамирга қараганда суюқроқ бўлади. Опаранинг бошланғич ҳарорати 28 дан 30 °C гача бўлади. Опаранинг бижғиши 3 соатдан 4,5 соатгача давом этади. Тайёр бўлган опарада хамир қорилади. Хамир қоришда опарага ун ва сувнинг қолган қисми ва туз солинади. Агар рестептурада шакар ва ёғ кўрсатилган бўлса, улар ҳам шу пайтда солинади. Хамир 28...30 °C бошланғич ҳароратга эга бўлади. Хамирнинг бижғиши одатда 1 соатдан 1 соат 45 минутгача давом этади. Навли ундан тайёрланган хамир бижғиши давомида бир ёки икки марта 1...2 мин давомида қорилади. Бу жараённи хамирни «муштлаш» деб қабул қилган эдик (1-маъруза).

Буғдой хамири фақатгина юқорида кўрсатилган оддий опарадагина эмас, балки суюқ, қуюқ ва катта қуюқ опараларда ҳам тайёрланади. Опарали усулда хамир тайёрлашнинг бу варианtlари алоҳида кўриб ўтилади.

О парасиз усул - бир босқичдан иборат бўлиб, бунда хамирнинг маълум миқдорини тайёрлаш учун мўлжалланган ун, сув ва ачитқининг ҳаммасидан бирданига хамир қорилади. Шу пайтда шакар, ёғ ва бошқа қўшимча маҳсулотлар ҳам хамирга солинади.

Опарасиз усулда тайёрланган хамирнинг ҳарорати 28...30 °C атрофида бўлади. Бижғиши ачитқининг миқдорига қараб 2 соатдан 4 соатгача давом этиши мумкин. Бижғиши давомида навли ундан тайёрланган хамир бир ёки бир нечта марта «муштланади».

Опарали ва опарасиз усулда хамир тайёрлаш қўйидаги операстиялар ва босқичлардан иборат бўлади:

- тайёрланган хом ашёларни дозалаш;
- опарани ёки хамирни қориш;
- хамир ёки опаранинг бижғиши;
- хамирни «муштлаш».

Бу операстиялар ва жараёнларни кўриб чиқамиз.

2- савол баёни: Хамир қоришда қўлланиладиган технологик жиҳозларга, дозалаш аппаратлари ва хамир қориш машиналари киради.

Дозалаш жиҳозлари қўлланилишига қараб ун дозаторлари, ярим тайёр маҳсулотлар дозаторлари ва хамирнинг суюқ компонентлари дозаторларига бўлинади

Аралашмаларни дозалашнинг аниқлиги айниқса узлуксиз хамир тайёрлашда катта аҳамиятга эгадир. Агар узлукли усулда хамир қоришда етишмаётган компонентларни қўшиб аралаштириб, хатони тўғрилаш мумкин бўлса, узлуксиз оқимли усулда қорилган хамирни тузатиб бўлмайди.

Порстион усулда ярим тайёр маҳсулотларни қоришда ун МД-100 ёки МД-200 автоунўлчагичлар ёрдамида дозаланади. Дозалашдаги хатолик $\pm 2\%$ ни ташкил қилади. Узлуксиз усулда хамир қоришда эса ун, хатолиги 3 % бўлган, ҳажмий ўлчаш учун мўлжалланган, барабанли дозатор ёрда-м�다 дозаланади. Унни аниқроқўлчаш учун узлуксиз ишловчи Ш2-ХДА дозатори ишлатилади.

Узлуксиз усулда хамир қоришда, суюқ консистенцияли ярим тайёр маҳсулотлар жумракли ёки чўмичли дозаторлар ёрдамида дозаланади.

Қуюқ консистенцияли ярим тайёр маҳсулотлар, узлуксиз усулда хамир тайёрлашда, уларни ташувчи кувурга ўрнатилган шибер ёрдамида дозаланади. Қуюқ массаларни дозалаш учун мўлжалланган барабанли ёки валли дозаторлар катта аниқлик билан ишлайди.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 57-81 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.10-26 бет.

3-маъруза.Хамир тайёрлаш усуллари.

Порцион усулда хамир тайёрлашда суюқ компонентлар ҳажми бўйича: АСБ-20 - туз ўлчовчи, АВБ-100 ва АВБ-200 - сув ўлчовчи автоматик баклар ёрдамида ўлчаниши мумкин. Массасига асосланиб ўлчаш учун мўлжалланган, 5 тагача компонентни дозаловчи, ВНИИХП-04А дозалаш станстияси кенг тарқалган.

Опара ёки хамирни қориш. Хамир қориш жиҳозининг тузилишига қараб хамир қориш даврий ва узлуксиз усулларга бўлинади. Даврий ишловчи хамир қориш машиналари маълум вақт оралиғида алоҳида хамир порстияларини қориёди (қориш ритми 10...30 минутни ташкил қиласди).

Узлуксиз ишловчи машиналарда қориш идишига хом ашёни дозалаш, хамирни қориш ва бўшатиш узлуксиз усулда олиб борилади.

Узлуксиз усулда хамир қорилган пайтда меҳнат унумдорлиги ортади ва унинг шароитлари енгиллашади. Порстиион усулда тайёрланган хамирда кислоталилик, намлик ва бошқа кўрсаткичлар қийматидан четга чиқишидан қутулиб бўлмаган бир пайтда, узлуксиз усулда хамир тайёрлашда хамир параметрлари ва унда кечётган жараёнларни бир зайлда сақлаб туришнинг имконияти мавжуд.

Шу билан бирга порстиион усулда хамир тайёрлаш катта технологик ихчамлиги билан ажralиб туради. Бу усулда технологик тартибни бошқариш, хамир қориш ва тайёрлашдаги хатоларни тузатиш анча осон. Икки сменали иш тартиби таъминланиб, бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришдан иккинчи турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга осон ўтилади. Печларнинг қуввати кичик бўлганда ёки битта ишлаб чиқариш қаторида кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, порстиион усул қулай ҳисобланади.

Новвойлик корхоналарида қўлланиладиган даврий ишловчи хамир қориш машиналарининг кўпчилиги секин ишловчи бўлиб, қориш органларининг айланиш тезлиги доимий бўлиб, 25...50 айл/мин ни ташкил қиласди. Хамирга механик ишлов беришни кучайтириш учун 20...25 мин. керак бўлади.

Узлуксиз ишловчи хамир қориш машиналаридан X-12, X-26 машиналари кенг тарқалган. Ишлаб чиқаришда интенсив хамир қориш машиналаридан охирги йилларда РЗ-ХТИ, РЗ-ХТО машиналари ишлатилмоқда.

Опара ва хамирни қоришда кечадиган жараёнлар.

Опарани қориш жараёни хамир қориш машиналарида ёки тузилиши содда бўлган қоргичларда амалга оширилади.

Опарани қоришнинг асосий мақсади, бутун ҳажм бўйича ун, сув ва ачитқидан бир жинсли аралашма олишдан иборат. Бу аралашмада ун қумалоқларининг бўлмаслиги, опара қориш жараённинг ниҳоясига етганини билдиради.

Хамир қориш ва унда борадиган ўзгаришлар бугдой нонини тайёрлаш технологик жараёнига ва унинг сифатига катта таъсир қиласди.

Ун, сув, туз ва ачитқи (бир қаторлар маҳсулот навлари учун шакар, ёғ ва бошқа қўшимча хом ашёлар) дан қориш натижасида, бутун ҳажми бўйича бир жинсли хамир ҳосил бўлади.

Шу билан биргалиқда, хамир қориш пайтида уни бўлаклашга жўнатишда, бўлаклаш, шакл бериш, тиндириш ва пишириш каби жараёнларнинг қулай кечишини таъминлайдиган ва яхши сифатли нон олиш имконини берадиган шароитни яратиш лозим.

Қориш бошланиши билан ун сув, ачитқи ва туз билан аралашади ва бунда ҳосил бўлган хамир массасида бир қатор жараёнлар содир бўлади. Улардан физик-кимёвий, коллоид ва биокимёвий жараёнлар кўпроқ аҳамиятга эга бўлади.

Хамирни қоришда ун заррачалари сувни сингдириб олади ва бўка бошлайди. Қорилган массага механик таъсир қилиш натижасида бўккан ун заррачалари бир-бири билан ёпишиб

З-маъруза.Хамир тайёрлаш усуллари.

яхлит массага айланиб, ун, сув ва бошқа хом ашёлардан иборат бўлган хамирни ҳосил қиласди.

Қайишқоқлиқ, пластик ва қовушқоқлиққа эга бўлган бўғдой хамирининг ҳосил бўлишида уннинг оқсил моддалари етакчи рол ўйнайди. Уннинг клейковинани ҳосил қилувчи, сувда эримайдиган оқсил моддалари, хамирда сувни фақатгина адсорбстон эмас, балки осмотик усулда ҳам бириктириб олади.

Хамир қоришда ун заррачаларининг бўккан оқсил моддалари механикавий таъсир натижасида парда ёки иплар кўринишида чўзилиб, ўз навбатида бошқа ун заррачаларининг бўккан оқсил моддалари пардалари ва ипчалари билан бирлашади. Бунинг натижасида бўккан сувда эримайдиган оқсил моддалари хамирда буғдой хамирнинг қийишқоқлиги ва чўзилувчанлиги каби структуравий-механик хоссасини белгиловчиғовакли каркас («скелет») ни ҳосил қиласди.

Бу оқсилли структуравий каркасни кўпинча «клейковинали каркас» деб ҳам аталади. Ушбу каркас хамирдан сув билан ювиб олингандан сўнг маълум таркиб ва ҳолатга эга бўлган клейковинадан тузилган деб фикр пайдо бўлиши мумкин

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, клейковина биз уни хамирдан ювиб олгандагидек кўринишида бўлмайди. Хамирнинг оқсил каркаси ва ювиб олинган клейковина ўртасидаги умумийлик, улар сувда эримайдиган ун оқсили асосига эга эканлигидадир.

Хамирнинг оқсилли каркасига крахмал донлари ва дон қобик-ларининг заррачалари илинган ҳолда бўлади. Каркаснинг асосини ташкил этувчи оқсил моддалар бўкиш жараёнида на фақат сувни, балки эриган, ҳаттоқи пептидланган моддаларни ҳам осмотик равишида сингдириб оладилар. Хамирнинг оқсилли каркасидаги оқсилларнинг ҳолатига қандлар, тузлар, кислоталар таъсир этадилар.

Хамир қориши жараёнида механикавий ҳолда киритилган ҳаво пуфакчаларидаги кислород, каркас оқсилларнинг структурасига оксидловчи сифатада таъсир этади.

Оқсилларнинг бўкишига қатнашадиган хамирдаги эркин сувнинг миқдори, хамирдан клейковинани ювиш учун сарфландиган сувнинг миқдоридан кўп маротаба кам эканлигини назарада тутиш керак. Шунинг учун ҳам клейкованани хамирдан ювиб олиш жараёнида сувда эридиган оқсил моддалари, тузлар, қандлар, кислоталар ва чексиз бўкиладиган елимлар «ювилиб» олинади. Механикавий равишида ювиладиган хамирдан сувда эримайдиган крахмал ва доннинг қобиқлари ҳам сув билан ажralиб кетадилар.

Оқсилли каркас ва клейковинанинг таркиби, ҳолати ва хусусиятларининг орасидаги кескин фарқланишлар шу сабаблар туфайли вужудга келишини тушинтириш мумкин.

Шу билан биргалиқда, хамирнинг структуравий-механик хусусиятлари ва ундан ювиб олинган клейковинанинг миқдори ва хоссалари орасида маълум боғлиқлиқ мавжуддир. Хамирни бижгиши билан уннинг структуравий хусусиятлари анча ўзгаради. Шунга ухшаб хамирдан ювиб олинган клейковинанинг хоссалари ҳам ўзгаради.

Оқсил моддалар ўзининг массасидан икки-икки ярим баравар кўпроқ миқдордаги сувни бириктириб олади. Сувнинг бу миқдоридан тўртдан бир қисмидан камроғи адсорбстон боғланган бўлади. Сувнинг қолган қисми осмотик сингдириб олиниб, хамирда оқсилларнинг бўкишига ва ҳажми-нинг бирдан ошишига олиб келади.

Ун крахмали миқдоран хамирнинг асосий қисмини ташкил қиласди. Ун крахмали донларининг бир қисми (одатда 15 % гача) ун тортишда шикастланади. Агар бутун крахмал донлари қуруқ моддага нисбатан кўпи билан 44 % гача намни бириктириб олса, шикастланган крахмал донлари эса 200 % гача сувни бириктириб олиши мумкин.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 57-81 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.10-26 бет.

3-маъруза.Хамир тайёрлаш усуллари.

Куруқ моддаларга нисбатан 1500 % микдорда сувни бириктириб олувчи ун елимлари сувни боғлаб олишда катта рол ўйнаши мумкин.

Хамирда қаттиқ фаза билан биргаликда суюқ фаза ҳам мавжуд бўлади. Сувнинг крахмал, оқсил ва ун қобиги заррачалари томонидан адсорбстсион боғлаб олинмаган қисмида хамирнинг сувда эрийдиган моддалари - минерал ва органик (сувда эрийдиган оқсиллар, декстрин-лар, қанд, туз ва бошқалар) моддалар эритма ҳолида бўлади.

Одатда, сувда қисман бўкиб сувда эримайдиган оқсиллар, маълум бир шароитларда чексиз бўкиб, пептидланиши ва қовушқоқ коллоид эритма ҳолатига ўтиши мумкин. Бу, асосан оқсилнинг структуравий мустаҳкамлиги пасайган, жуда кучсиз ундан хамир қорилганда содир бўлади. Хамирнинг юқорида санаб ўтилган таркибий қисмлардан иборат бўлган суюқ фазаси, қисман қаттиқ фаза элементларини ўраб турган эркин қовушқоқ суюқлик ҳолатида бўлиши мумкин. Аммо буғдой хамирида суюқ фазанинг катта қисми хамирнинг бўккан оқсиллари томонидан осмотик ютилган бўлиши мумкин.

Хамирда суюқ ва қаттиқ фазалар билан биргаликда газсимон фаза ҳам мавжуд бўлади. У бижғиши жараёнинг бошланиши, аниқроғи углерод икки оксидининг ажралиши, шу билан бирга хамир томонидан ҳаво пуфакчаларининг бириктириб олиши натижасида ҳосил бўлади. Қориш жараёнининг узайтирилиши натижасида газсимон фаза хамир ҳажми-нинг 20 % гача қўтарилиши мумкин. Ҳатто одатдаги давомийликда қорилган хамирнинг ҳажмининг 10 % ни газсимон фаза ташкил қилиши мумкин. Хамирнинг газсимон фазаси нон мағизининг ғоваклигини ташкил қилишда алоҳида моҳиятга эга деб хисобланади.

Шундай қилиб бевосита қоришдан сўнг хамирга қаттиқ, суюқ ва газсимон фазадан иборат дисперс система деб қараш мумкин. Алоҳида фазалар массаларининг нисбати сезиларли тарзда хамирнинг струк-туравий-механик хоссаларини белгилайди. Эркин суюқ ва газсимон фазалар нисбатининг ортиши, хамирни "кучсизлантириб", суюқ ва окув-чан қилиб қўяди. Бу эса, хамирни ёпишқоқлигининг ортишига ҳам сабаб бўлади.

Хамирни қоришда ун ва ачитқилар ферментлари таъсири натижа-сида биокимёвий жараёнлар ҳам содир бўла бошлайди. Ферментларнинг гидролитик таъсири натижасида, улар таъсир қилаётган моддаларнинг (оқсил, крахмал) парчаланиши ва ҳолатининг бузулиши содир бўлади. Бунинг натижасида хамирнинг суюқ фазасига ўтиб, унинг маълум бир структуравий-механик хоссасининг ўзгаришига олиб келувчи моддалар-нинг миқдори ортади.

3- савол баёни: Коришнинг турли босқичларида хамирга механик таъсир кўрсатиш унинг структуравий механик хоссаларига турлича таъсир кўрсатиши мумкин.

Коришнинг бошланғич босқичида механик таъсир ун, сув ва бошқа турдаги хом ашёларнинг араласиши ва бўккан заррачаларнинг ёпишиши, хамирнинг умумий массасининг ҳосил қилишига олиб келади. Коришнинг бу босқичида механик таъсир хамир ҳосил бўлишини тезлаштиради.

Хамирга бундан кейин ҳам бир қанча вақт механик таъсир кўрса-тиш оқсилларнинг бўкишини тезлаштириб ва ғоваксимон клейковина каркасининг ҳосил бўлишига ёрдам бериши мумкин. Хамирнинг бундан кейинги қорилиши, унинг клейковина каркасининг бузулиши ва бўккан оқсил моддаларнинг структурасининг бузулиши билан хамирнинг структуравий-механик хоссаларининг яхшиланишига эмас, балки ёмон-ланишига олиб келиши мумкин.

Хамирнинг қорилишида унинг ҳароратини бироз қўтарилиши куза-тилади. Ун заррачаларининг гидратастион иссиқлигининг ажралиши, механикавий энергиянинг бир қисмини иссиқлик энергиясияга айланиши бунга сабаб бўлиши мумкин. Хамир қоришнинг бошланғич босқичида ҳароратнинг қўтарилиши хамирнинг ҳосил бўлиши ва унга

З-маъруза.Хамир тайёрлаш усуллари.

мувофиқ бўлган структуравий-механик хоссаларга эга бўлишига ёрдам беради. Аммо бундан кейинги ҳароратнинг кўтарилиши, ферментларнинг гидролитик таъсирини кучайтиради ва хамирнинг қовушқоқлигини пасайтириб, унинг структуравий-механик хоссаларини ёмонлаштирилади.

Хамирни қоришда борадиган турли хил жараёнлар унинг структуравий-механик хоссаларига тарбия таъсир қилиши мумкин.

Намликни адсорбстон ва осмотик боғлаб олиб, хамир коллоидла-рининг бўкиши ва шу билан қаттиқ фазанинг микдори ва ҳажмини орти-шига ёрдам берадиган жараёнлар хамирнинг структуравий-механик хосса-ларини яхшилайди, консистенстиясини қуюқ, эластик ва қуруққилади.

Хамирнинг таркибий қисмларини дезагрегатловчи, чексиз бўкишига, пептидланишига ва эришига, бунинг натижасида суюқ фазанинг ортишига сабаб бўладиган жараёнлар, хамирнинг структуравий-механик хоссаларини ёмонлаштириб, уни суюқ консистенстияли, оқувчан, ёпишқоқ ва суркалувчан қилиб кўяди. Қоришининг давомийлиги ва жадаллиги, ун қанчалик кучсиз ва хамирнинг ҳарорати юқори бўлса, хамирнинг структуравий-механик хоссаларига шунчалик кўпроқ таъсир қиласи.

Шунинг учун кучли ундан тайёрланган хамирни кучсиз ундан тайёрланган хамирни, қорилмаган ун қолдикларисиз бир жинсли масса ҳосил бўлганидан кейин ҳам бир қанча вақт қориш керак.

Хамирни ғоваклаштириш усулларининг қисқача тавсифи.

Нонни фақат яхшилаб ғоваклаштирилган хамирни пишириш йўли билан олиш мумкин. Хамирни ғоваклаштиришнинг учта усули мавжуд бўлиб булар: механик, кимёвий ва биологик усуллардир.

М е х а н и к у с у л д а .хамирни ғоваклаштириш икки йўл билан амалга оширилади.

Биринчи усул бўйича қориш машинасининг герметик маҳкамлан-ган қозонига ун, туз, сув ва бошқа хом ашёлар дозаланади; қориш бошла-ниб, бир неча минутдан сўнг 60...120 кПа босим остида углерод икки оксиди берилиб, босим орттирилади. Босимни пасайтирганда хамирнинг юксак даражада ғовакланиши юзага келади ва у бижғиши босқичини ўтамасдан бўлакларга бўлинади ва пишириш камерасида секинлик билан қиздириш ёрдамида пиширилади.

Иккинчи усул билан эса, хамир жадаллик билан кувланади, натижада қовушқоқ хамир массаси томонидан ҳаво пуфакчаларининг ушлаб олиниши сабабли, хамир юксак даражада ғовакланади.

Бисквит массаси худди шундай, меланжни шакар қукуни ва ун би-лан бирга кувлаш натижасида ғоваклантирилади. Катта қовушқоқликка эга бўлган тухум оқсили кувлашда турғун кўпикни ҳосил қиласи.

Юқорилардагидан кўриниб турибдики, ғоваклаштиришнинг механик усули нон ишлаб чиқаришда деярли қўлланилмайди.

К и м ё в и й у с у л - қоришда қўшилган кимёвий етилтирувчиларнинг иссиқлик таъсирида парчаланиши ва бунинг натижасида ҳосил бўладиган газларнинг хамирни

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 57-81 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакхангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.10-26 бет.

3-маъруза.Хамир тайёрлаш усуллари.

ғоваклаштиришини таъминлашига асосланган. Бу усул ёрдамида таркибда кўп миқдорда ёғ ва шакар сақланадиган печене, пряник ва бошқа хил унли қандолат маҳсулотлари-нинг хамири ғоваклаштирилади. Чунки ёғ ва шакарнинг миқдори баланд, намликнинг миқдори паст (16-22%) бўлган қандолат хамирида ачитқиларнинг ҳаёт фаолияти амалий нуқтаи назардан бутунлай тўхтайди.

Кўпчилик унли қандолат маҳсулотларини етилтиришда иккита кимёвий етилтирувчи: аммоний карбонат ва натрий гидрокарбонат (ичимлик содаси) биргаликда қўлланилади. Кимёвий етилтирувчиларнинг дозаланадиган миқдори рестептурадан аниқланади ва 1 т печене учун ўрта-ча 5...7 кг ичимлик содаси ва 0,6...1 кг аммоний карбонатни ташкил этади. Олдиндан сувда эритилган кимёвий етилтирувчилар хамирга қоришининг охирида қўшилади.

Пишириш жараёнида иссиқлик таъсирида бу моддалардан газсимон углерод икки оксиди ва амиак (аммоний карбонатдан) ёки углерод икки оксиди (натрий гидрокарбонатдан) ҳосил бўлади.

Булардан ташқари бошқа хил кимёвий етилтирувчилар ҳам қўлла-нилиши мумкин.

Б и о л о г и к у с у л билан хамирни етилтиришда, хамирга (опарага) қўшилган ачитқилар қандларни бижғитиб, хамирга ғоваксимон структура берадиган карбонат ангидрид (углероди икки оксиди) газини ҳосил қиласди.

Ярим тайёр маҳсулотларда керакли миқдорда карбонат ангидрид гази тўпланиши учун уларга қорищдан сўнг (60 мин ва кўпроқ) дам бериш зарур. Карбонат ангидридининг ҳаммаси бижғиши охирида бутунлай чиқиб кетади, аммо улар ҳосил қилган ярим тайёр маҳсулотларнинг ғоваксимон ҳолати сақланади, бунинг натижасида куруқ моддаларнинг бир қисми (2...3 %) бижғиши натижасида йўқотилади.

Назорат саволлари

1. Нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда «рестептура» сўзи нимани англатади?
2. Нон маҳсулотлари рестептурасининг алоҳида хусусияти нимадан иборат?
3. Нималар хамир тайёрлашнинг ярим тайёр маҳсулотлари хисобланади?
4. Буғдой хамири тайёрлашининг қайси усулларини биласиз?
5. «Хамирни опарали усули билан тайёрлаш» ибораси нимани англатади?
6. «Хамирни опарасиз усул билан тайёрлаш» ибораси нимани англатади?
7. Узлуксиз хамир тайёрлашданинг хусусияти нимадан иборат?
8. Порстион (даврий) хамир тайёрлашнинг хусусияти нимадан иборат?
9. Хамир қориш жараёнида хом ашёларнинг аниқ дозаланишининг аҳамияти нимадан иборат?
10. Хамир тайёрлашда, унинг қайишқоқлик, эластик ва пластик хусу-сиятларини ва қовушқоқлигини таъминлашда қайси моддалар энг асосий ролни бажаради?

Мавзуга оид мустақил иш топшириқлари:

- 1.Нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган арпа уни, маккажўхори уни, соя уни кепакларнинг таснифи.

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
- 2.Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
- 3.Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
- 4.Пашченко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.- М.:КолосС, 2006.-389с.

4-маъруза.Хамирни бўлакларга бўлиш.

Режа:

- 4.1**Хамирни бўлакларга бўлиш. Хамир бўлагининг массасини ҳисоблаш.
- 4.2**.Хамир бўлакларини думалатиш ва уларни дастлабки тиндириш.
- 4.3**.Хамир зувалаларига нон навига хос бўлган шаклни бериш
- 4.4**.Хамир зувалаларини охирги тиндириш
- 4.5**.Хамир зувалаларини тиндириш шкафи ва печга жойлаш, уларни сиртини кесиши
- 4.6.«Иссик нон» дўконига эга бўлган кичик нонвойхоналарда хамирни бўлаклаш**

Таянч сўз ва иборалар:хамирни бўлиш,бўлиш аниқлиги, бўлиш хатолиги, поршонли узаткичли,куракли,валли,шнеклар, ўлчов чўнтаклари.

1- савол баёни:Буғдой унидан нон ва нон маҳсулотларини тайёрлашда хамирни бўлаклаш қўйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- хамирни маълум массага эга бўлган бўлакларга бўлиш;
- бўлакларни думалатиш;
- бошланғич ёки оралиқ тиндириш;
- маҳсулотларга охирги шакл бериш;
- охирги тиндириш.

Жавдар хамирини бўлаклаш уни бўлакларга бўлиш, бўлакларга шакл бериш ва тиндириш босқичларидан иборат.

Бижғиган хамирнинг ҳаддан ташқари турушланишини олдини олиш учун уни 30...40 мин оралиғида бўлаклаш лозим.

Хамирни бўлакларга бўлиш.

Новоийлик корхоналарида хамирни бўлакларга бўлиш хамир бўлакловчи машиналарда амалга оширилади.

Бижғиган хамир бўлакловчи машина устидаги бункерга келиб тушиб, унинг тагидаги тирқишидан шибер ёрдамида бўлакловчи машина воронкасига солинади. Воронкада хамирнинг доимий сатҳини сақ-ланиб туришини таъминлаш, бўлакларнинг массасини аниқ бўлишига ва машинанинг бошқарадиган ишчининг вақтини тежашга олиб келади.

Хамир бўлаклагич воронкасидан хамир машинанинг ишчи камера-сига тушади, кейин маҳсус мослама ёрдамида ўлчов чўнтакларга босиб остида узатилади ва у ердан бир хил ҳажмдаги ва массадаги бўлаклар ҳолида чиқарилади. Бўлакловчи машинада хамир маълум бир босимда сиқилади ва аралаштиририлади, бу эса хамирнинг зичлигининиг бар-қарорлигини ва бўлакларнинг массасини аниқлигини ошишини. таъминлайди.

Хамирни ўлчов чўнтакларига узатиш (босим остида) шнеклар, поршенлар, валлар, парраклар ёрдамида амалга оширилади. Шнекли узаткичли бўлаклагичлар ("Кузбасс", ХДФ-М-2) буғдой ва жавдар унидан қолипли нон тайёрлашда ишлатилади.

Шнеклар хамирнинг структуравий-механик хоссаларини ёмонлаштирганлиги учун

-
- ¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 133-147 бет**
 - 2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.10-26 бет.**

4-маъруза.Хамирни бўлакларга бўлиш.

улар тагдонли нон ва булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланилмайди. Бунинг учун вали, парракли, поршенли хамирни сурib берувчи (A2-XTH, РМК-60А, А3-ХЛ1-С9) хамир бўлаклагичлар қўлланилади.

Бўлаклагичдан чиқаётган хамир бўлагининг массаси ноннинг совугандан кейинги стандарт талабини қониқтирадиган массасини таъминлаб бериши керак. Хамир бўлагининг массаси совуган нон массасидан, ўртacha олган ҳолда, 10...12 % кўпроқ бўлиши даркор, чунки пишириш ва сақлашда сарфланишларнинг ҳисобига хамир ва нон массасининг камайиши содир бўлади.

Хамир бўлагининг массасини, пишириш ва сақлашда сарфланиш-ларнинг ҳисобга олиб, қуидаги формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$M_x = M_n \cdot 10000 (100 - C_{n.c}) \cdot (100 - C_{c.c}),$$

бу ерда M_x - хамир бўлагининг бўлаклагичдан чиқишидаги массаси, кг;

M_n - совуган ноннинг массаси, кг;

$C_{n.c}$ - пиширишдаги сарфланишлар, хамир массасига нисбатан % ҳисобида;

$C_{c.c}$ - сақлашдаги сарфланишлар, иссиқ нон массасига нисбатан % ҳисобида.



4. 1-расм. Вазнили бўлиш принципига асосланган Rheon фирмаси хамир бўлакловчи машина

хамир струк-турасининг қисман бузилиши содир бўлади.

Алоҳида бўлаклар массасининг белгиланганидан четга чиқиши энг кичик бўлиши керак. Сезиларли четга чиқишига ҳатто тортиб сотиладиган нон ишлаб чиқаришда ҳам йўл қўйилмайди. Массаси фарқи турлича бўлган хамир бўлаклари турли муддатда тиндирилади ва пиширилади.

Доналик нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланила-диган бўлакловчи машиналар хамирни $\pm 2,5$ % аниқликда бўлакларга бўлишни таъминлаши шарт. Доналик нон массасидан четга чиқишига пишириш ва сақлашдаги сарфланишларни ҳам таъсир қилганлиги учун бўлакловчи машиналари хамирни $\pm 1,5$ % аниқликда бўлакларга бўлиши керак.

Бугунги кунда новвойлик корхоналарига хамир бўлакловчи машиналарнинг янги авлоди ўрин олмоқда. Буларга мисол қилиб Япония **Rheon** фирмаси ишлаб чиқариладиган хамир бўлаклагичларни келтирилиш мумкин .

Хамир бўлакловчи машиналарларнинг асосий қисми хамирни бўлакларни ҳажмли принстипга асосланган ҳолда бўлинади. Бунда

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 133-147 бет
2.Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.33-56 бет.

4-маъруза.Хамирни бўлакларга бўлиш.

Rheon фирмаси хамир бўлакловчи машина-ларнинг иш принстипи вазнли бўлаклашга асосланган. Хамир бўлаклари массаси белгиландан масса-дан оғиши жуда кам, корпус ичидаги жойлашган тўрт жуфт валоклар хамирга керакли қалинликдаги қатлам шак-лини бериб, хамир струк-турасига зиён етказилмайди. Демак маҳсулот турига кўра машинада ҳам бўлакларга бўлиш, ҳам оддий шакл бериш операстиялари биргалиқда бажарилади.

2- савол баёни: Хамирни думалатиш, яъни унга шар шаклини бериш, бўлакларга бўлингандан кейин амалга оширилади. Бу босқич думалоқ тагдонли нон маҳсулотларига шакл беришнинг охирги операстияси бўлганлиги учун улар думалатишдан кейин охирги тиндиришга юборилади. Олий, биринчи ва иккинчи навли буғдои унидан тайёрланадиган (батонлар, булкалар, ва бошқалар) нон маҳсулотлари учун думалатиш охирги операстия бўлмасдан, ундан кейин оралиқ ёки бошланғич тиндириш жараёнлари қўлланилади.

Бундай ҳолда думалатиш жараёни хамирнинг структурасини яхшилаб, кичик ва бир хилда тарқалган ғоваклиқдаги маҳсулот олишга ёрдам беради. Бундан ташқари хамир юзасидаги ғоваклар ёпилиб, маҳсулот ҳажми ва ғоваклигини яхшилашга ёрдам берувчи силлиқ газ ўтказмайдиган қобиқ хосил бўлади. Бу қобиқ ва хамир бўлагининг шарсизон шакли маҳсулотга шакл беришни осонлаштиради.

Новвойлик саноатида қўлланиладиган хамир думалатувчи машиналарнинг (ХТО, Т1-XTH, Т1-ХТС) ишчи органи бўлиб асосан конуссимон идиш ва унда жойлашган қўзғалмас спиралсимон лента ҳисобланади. Хамир бўлаклари воронка орқали идишнинг тубига тушади ва лента бўйлаб мураккаб айланувчи харакат қилиб юқорига йўналади. Думалатишнинг сифати хамир консистенсияси ва думалатувчи машинанинг ишига боғлиқ. Машина ишчи органларига хамирнинг суркалиб қолишига хамирнинг кучсиз бўлиши ёки хамир бўлакларига ҳаво етарлича пуркалмаганлигидан юзага келиши мумкин. Хамирнинг кучсиз бўлиши ва бўлакларнинг машинага нотўғри ритм билан берилиши натижасида бўлаклар бир бирига қўшилиб кетиши мумкин. Конуссимон идиш ва спиралсимон лента орасидаги масофа кичик бўлиши керак. Акс ҳолда хамир маҳсулотдан бўлаклар ажралиб чиқиб бўлакларнинг массасини камайтириши мумкин.

T1-XTH русумли думалатгич ёрдамида хамир бўлакларига думалоқ шакл беришнинг тавсифи қуйида келтирилган.


Хамир думалатувчи машина батонсимон ва майда донали маҳсулотларнинг хамир бўлакларига думалоқ шакл бериш учун қўлланилади. Хамир бўлакларининг массаси кенг оралиқда - 0,2 дан 1,1 кг гача бўлиши мумкин. Корпус 4 нинг ичидаги электродвигател, иккитағонали понасимон тасмали узатма ва кирмаксион редуктор жойлашган. Кирмаксимон редуктор гидрираги 1 нинг ичи кавак вали ичидаги кавак вал 5 жойлашган, унга шакллантирувчи спирал 11 ва ҳаво ташувчи қувурчалар 10 маҳкамланган. Қувурчалар зувалаларнинг ишчи органларга ёпишишини олдини олиш мақсадида пуфлаш учун тайинланган.

Айланма тезликнинг чиқиши жойида катталashi туфайли зувалалар орасидаги масофа ошади, бу эса икки зувалани бир-бирига ёпишишини олдини олади. Аммо машинанинг пастги қисмидаги айланма тезлигини пастлиги ва спиралсимон новнинг кўтарилиши тикроқ бўлганлиги туфай-ли иккити зувала бир-бирига ёпишиб қолиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун хамир бўлакларини ритмик тарзда берилишини таъминлаш лозим.

Спиралнинг чиқувчи участкасини керакли йўналишга ўрнатиш учун, спирални бураш ва тешикчали диск 8 ва бармоқ 9 ёрдамида маҳкам ўрнатиш мумкин. Конуссимон идиш ва шакллантирувчи спирал орасидаги масофани ростлаш учун винт 7 хизмат қиласи. Хамир бўлаклари қабул воронкаси 7 орқали берилади. Воронка ҳолатини ўзгартириб, кичик оралиқда думалатгичда хамир бўлакларига ишлов бериш муддатини ўзгартириш мумкин.

4-маъзуа.Хамирни бўлакларга бўлиш.

Пуфлаш учун машинага хаво қувур 12 орқали берилади. Қувур корхонанинг ҳавоташувчи магистралига уланади. Узатмада иккиариқчали понасимон тасмали узатма мавжудлиги туфайли, конуссимон идишни икки хил тезликда айланма ҳаракатини таъминлаш мумкин.



4.2-расм. Т1-ХТС русумли

Машинанинг афзалликларига конструкциясининг соддалиги, ишлатишнинг қулайлиги, конуссимон идиш ва спирал орасидаги масофани ўзгартириш имкониятининг мавжудлигини қайд қилиш мумкин.

Шунга ўхшаш конструкцияда Т1-ХТС русумли майда донали маҳсулотлар хамир бўлакларини думалатувчи машина ишлаб чиқарилади. Бу машина спиралнинг тузилиши ва кичикроқ ўлчамлари билан фарқланади.

Сезиларли даражада ёпишқоқ бўлган жавдар хамири бўғдой хамирга мўлжаллан-ган машиналарда думалатилмайди. Думалоқ шаклдаги жавдар нон маҳ-сулотлари хамири бўлакларига бўлингандан кейин тиндириш шкафининг думалоқ шаклдаги кассеталарига жойланиб, тиндириш жараёнида думалоқ шаклни олади.

Бугдой хамирини думалатиш ва охирги шакл бериш операстиялари орасида дастлабки ёки оралиқ тиндириш бўлиши керак. Думалатилган хамир бўлаклари 5...8 минут оралигига осоиш ҳолатда бўлиши, яъни дам олиши даркор.

Хамирни бўлакларга бўлиш ва думалатиш жараёнларида кўрсатиладиган механик таъсиrlар натижасида ички зўриқиши юзага келади ва клейковина структуравий каркасининг қисман бузилиши кузатилади.

Агар думалатилган хамир бўлаклари бирданига хамирга жадал равища механик таъсиrlар кўрсатадиган шакл берувчи (тоблаш) машинасига узатилса, унда хамирнинг структуравий-механик хоссалари бузилиши мумкин.

Дастлабки тиндириш жараёнида хамирдаги ички зўриқиши тарқалиб кетади ва хамир структурасидаги бузилган звенолар қисман тикланади. Натижада хамирнинг структуравий-механик хоссалари, унинг структураси ва газ сақлаш қобилияти яхшиланади. Бу тайёр маҳсулотлар ҳажмининг ошишига ва мағизнинг структурасини яхшиланишига олиб келади.

Думалатилган хамир бўлакларини дастлабки тиндириш жараёни-даги бижғиши сезиларли аҳамиятга эга бўлмайди. Шунинг учун техноло-гик жараённинг бу босқичи учун маҳсус ҳарорат шароитлари шарт эмас. Шу билан бирга ҳавонинг намланиши ҳам керак

4-маъруза.Хамирни бўлакларга бўлиш.

эмас. Хамир бўлаклари юзасининг оз-моз қуриши уларнинг шакллантирувчи машинасидан ўтишини осонлаштиради ҳам

3- савол баёни: Дастребки тиндиришдан кейин хамир бўлакларига нон навига хос бўлган шакл берилади. Масалан оддий батонларни тайёрлаш учун думалоқ хамирга учлари тўмтоқ бўлган стилиндсимон шакл бериш керак. Шаҳар булкаларни тайёрлаш учун хамир бўлакларига учлари ўткир, ўртаси калта стилиндсимон шакл бериш керак.

Хамир бўлакларига стилиндсимон шакл бериш тоблаш машиналарида амалга оширилади,

Думалатилган хамир бўлакларига дастребки тиндиришдан кейин шакл бериш учун турли маркадаги (ХТЗ, МЗЛ-51, Т1-ХТ2-3, Т1-ХТ2-3-1) тоблаш машиналари қўлланилади.

Махсулотларга тоблаш машинасида шакл бериш қўйидаги босқич-лардан иборат бўлади:

- думалатилган хамир бўлакларини айланувчи валлар ёрдамида 6...8 мм қалинликдаги лента шаклида ёйиш;
- хамир лентасини ташувчи транспортёр устига ўрнатилган маҳсус қурилма ёрдамида ўраш;
- ташувчи транспортёр устида маълум масофада жойлашган тахта ёрдамида ўралган хамирни тоблаш. Бунда ўралган хамир узаяди, учларига ҳам ишлов берилади;
- турли шаклга эга бўлган қолиплаш тахтаси ва ташувчи транспортёр орасидаги тиркишдан ўтказиб хамир бўлакларига охирги шакл бериш.

Хамир бўлакларига тоблаш машинаси ёрдамида ишлов бериш қўйидаги технологик афзалликларга эга:

- хамирни валлар ёрдамида ёйиш газ пуфакчаларини бир хилда тарқалишига ёрдам бераб, маҳсулот ғоваклиги структурасини яхшилайди;
- ўралган хамирни тоблаш ва шакл бериш натижасида тиндириш вақтида углерод икки оксидини сақлаб турувчи қават ҳосил бўлади.

Хамир бўлакларига шакл бериш режимларининг бузилиши турли хил сабабларга кўра юзага келади. Хамирнинг машина ишчи органларига ёпишиб қолиши хамир консистенсиясининг заифлиги ёки хамирнинг ёпишишининг олдини олиш чоралари қўрилмаганлигидан юзага келади. Хамир бўлакларини нотўғри жойлаштириш ёки шакл берувчи тахтанинг қийшиқ бўлиши маҳсулотларнинг деформастия-ланишига олиб келади.

Тобловчи валлар орасидаги масофанинг катта бўлиши маҳсулотга етарлича ишлов берилмаслигига ва мағизда бўшликлар юзага келишига сабаб бўлади.

T1-ХТ2-3 русумли хамирни тоблаш машинасида хамир зувалларига шакл беришнинг принстипи қуйида баён этилган.

Машина (4.3-расм) кетириб берувчи транспортёр 8, икки жуфт ёйилувчи валоклар 9 ва 10, 12 ва 13, ўровчи эгилувчан тўр 14, ташувчи 1 ва шакллантирувчи 3 транспортёрлардан иборат. Машинанинг барча элементлари станина 11 да, транспортёрлар 1 ва 3 - консолли каркасада монтаж қилинган.


Хамир зуваласининг массаси ўзгарганда қўйидаги ишларин бажариш керак: штурвал 6 билан валок 7 ни кўтариш ёки пасайтириш; штурвал 4 билан валоклар 9 ва 10, 12 ва 13 лар орасидаги масофани ўзгартириш; штурвал 15 билан ташувчи транспортёр лентасини кўтариб ёки пасайтириб ташувчи ва шакллантирувчи транспортёрлар орасида масофани ўзгартириш.

Хамир зуваласининг узунлиги иккита йўналтирувчилар билан чегараланади. Насадкалар 5 ёрдамида ишчи органлари ҳаво билан пуфланади.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 133-147 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.33-56 бет.

4-маъзуа.Хамирни бўлакларга бўлиш.



4.3-расм. Тасмали типидаги T1-XT2-3 русумли хамирни тоблаш

Жавдар ва жавдар-буғдой хамирларини тоблаш машинаси иккита чексиз ҳаракатланувчи транспортёр ленталаридан иборат. Пастки лентанинг ҳаракати тезлиги юқоридаги лентаникidan катта бўлади. Юқориги ва пастки лентали транспортёрлар оралиғидаги тирқишидан ўтишда хамир бўлаклари илгарланма-айланма ҳаракат қиласи ва юзаси силлиқроқ ва тўғрироқ бўлади.

Хамир тоблаш машиналаридан ташқари яна маҳсус турдаги маҳсулотларга шакл бериш учун мўлжалланган машиналар (нон қаламчаларига шакл берувчи, шохчаларга шакл берувчи ва бошқалар) ҳам мавжуд.

Шакл берувчи машиналарни ишлатишда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим:

- хамирга шакл бериш машиналарга хизмат кўрсатиш учун иш тартиби ва қоидаларини, ҳавфсизлик техникасидан инструктажни ўтган ходимлар қўйилади. Ишни бошлашдан олдин машинанинг беками-кўстлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Машина қопқоқлари очилган, тўсиклар ажралган ҳолда бўлгандан ишлаш мумкин эмас. Машинанинг айланадиган ва ҳаракатланадиган қисмларига тегиши ман қилинади;
- думалатувчи машиналарда хамир бўлаклари иккитадан ёпишиб қолишини олдини олиш учун уларни бешда зувала диаметрига тенг бўлган интервал билан бериш;
- тоблаш машиналарида хамир зувалларини чўзилиб кетиши ва бири бирига илиниб қолишини олдини олиш учун ташувчи ва шакллантирувчи орган орасида доимий масофани сақлаш;
- маҳсулотни бир навидан иккинчи навига ўтишда хамирга керакли механик ишлов ва шакл бериш мақсадида тоблаш машиналарида ёйувчи валоклар ва шакл берувчи органларнинг орасидаги оралиқни ростлаш, керак бўлгандан валокларни алмаштириш;
- доимий тарзда машинадан чиқсан хамир зувалалари шаклини кузатиш, керакли ҳолда талаб қилинадиган ростлаш ишларини бажариш;
- ун сепувчи қурилмаларнинг ҳолатини ва уларда ун мавжудлигини текшириш, машина ишчи юзаларини тозаликда сақлаш.
- **4- савол баёни:** Хамир бўлакларига шакл беришда улардан углерод икки оксиди гази бутунлай сиқиб чиқарилади. Агар шакл берилган хамир зувалалари бирданига печга қўйилса, зич, ёмон ғовакли ёки ғовакланмаган мағизга эга бўлган, қобигида ёриқлар бўлган нон ҳосил бўлади. Мағзи яхши ғовакланган нон тайёрлаш учун шакл берилган хамир зувалалари охирги тиндиришга юборилади.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 133-147 бет

4-маъруза.Хамирни бўлакларга бўлиш.

Дастлабки тиндиришдан ўтган буғдой хамири бўлаклари учун бу иккинчи, охирги тиндириш бўлса, жавдар хамири маҳсулотлари учун бу биринчи ва шу билан охирги тиндириш бўлади.

Охирги тиндириш жараёнида хамир бўлакларида бижғиш давом этади. Бунда ажралиб чиқсан углерод икки оксиди хамирни ғоваклантириб, ҳажмини оширади. Тагдонли нон маҳсулотларини хамир зувалалари темир ёки ёғоч тахталарда териб тиндирилганда уларнинг ҳажми ортиши билан биргаликда шаклини ўзгариши, маълум даражада ёйилиши ҳам кузатилади.

Бошланғич тиндиришдан фарқли равища охирги тиндириш маълум ҳароратдаги (35...40 °C атрофида) ва маълум нисбий намлиқдаги (75...85 %) ҳаво мухитида амалга оширилиши лозим.

Ҳаво ҳароратининг оширилиши тиндирилаётган хамир бўлакла-рининг бижғишини тезлаштиради. Ҳавонинг нисбий намлигининг юқори бўлиши эса хамир зувалалари юзасининг қурилышидан сақлайди.

Қуриган устки қатлам тиндириш ёки пишириш вақтида хамир зуваласи ҳажмининг катталашиши натижасида ёрилади ва нон юзасида тирқишлиар ва ёриклар ҳосил бўлишига олиб келади.

Тиндириш жараёнида хамир бўлакларининг тайёр бўлганлиги одатда органолептик усулида хамир бўлаклари ҳажмининг, шаклининг ва структуравий-механик хоссаларининг ўзгариши асосида аниқланади. Ха-мир зувалаларининг тиндириш жараёнида тайёр бўлганлигини аниқлаш тажрибияй ва амалий малакани талаб қилади. Ҳозирча буни асбоблар ёрдамида аналитик аниқлашнинг услублари ишлаб чиқилмаган.

Етарли бўлмаган тиндириш билан бирга керагидан ортиқ тинди-риш ҳам нон сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Агар печга биринчisi етарлича тиндирилмаган, иккинчisi етар-лича тиндирилган ва учинчisi керагидан ортиқ тиндирилган учта батон қўйилса, улар пиширишдан кейин бир биридан кескин фарқ қиласади.

Етарлича тиндирилмаган батон кўндаланглиги бўйича кесилганда кесим думалоқ шаклда, етарлича тиндирилган батон овалсимон ва керагидан ортиқ тиндирилган батон эса ёйилган текис шаклда бўлади. Бундан ташқари етарли тиндирилмаган ноннинг қобиғи ёрилиб, ичидан мағзи чиқиб қолган бўлади.

Қолипли нон етарлича тиндирилмагандага юзаси юмалоқроқ, ёрил-ган бўлади; керагидан ортиқ тиндиришда эса юқори қобиғи ичига чўқ-кан бўлаши мумкин. Бундан ташқари хамир қаттиқ бўлганда ҳам етар-лича тиндирмаслик мағиз ичидага ёриқ ҳосил бўлишига олиб келади.

Шакл берилган хамир зувалаларининг тиндирилиш давомийлиги уларнинг массаси, тиндириш шароитлари, хамир рестептураси, уннинг хоссалари ва бошқа омилларга кўра кенг чегараларда (25 дан 120 минутгача) тебраниб туради.

Ҳаво ҳароратининг 80...85 % нисбий намлиқда 30 дан 45°C гача ошириш тиндириш давомийлигини 23...25 % га қисқартиради.

Ҳаво нисбий намлигининг 35 °C ҳароратда 65 дан 85 % га кўтарилиши тиндиришнинг 20 % га тезлаштиради. Тиндиришнинг кучайиши ҳаво ҳароратининг 45 °C гача ва ҳавонинг нисбий намлигининг 90 % гача оширилганда кузатилади. Аммо ҳавонинг нисбий намлигини 85 % дан оширмаслик керак. Чунки бу хамир зувалаларининг беланчаклар тахталарига ёки чўнтакларига ёпишиб қолишига олиб келиши мумкин.

Хамир зувалаларининг тиндирилиши давомийлиги кучли ун қўлланилганда, хамирнинг намлиги ва ҳарорати пасайтирилганда, хамирга қўп миқдорда шакар ва ёғ солингандага, хамирга кучли механик ишлов берилганда, оксидловчи таъсирга эга бўлган

4-маъруза.Хамирни бўлакларга бўлиш.

яхшиловчилардан фойдала-нилганда, хамир маҳсулотлар массаси кичик бўлганда ва тиндириш учун ҳаво ҳарорати ва нисбий намлиги пасайтирилганда узяди.

Замонавий узлуксиз хамир бўлаклаш жиҳозлар қаторларида охирги тиндириш турли конструкциядаги тиндириш шкафларида амалга ошири-лади. Баъзи бир (кичик) корхоналарда охирги тиндириш маҳсус тинди-риш камерасида вагонеткаларда амалга оширилади.

Хамирнинг бўлаклаш жараёнида ёпишишининг олдини олиш. Хамир бўлаклари ишлов берувчи машиналарнинг ишчи органларига ёпи-шиб қолиш (адгезия) хусусиятига эга. Хамир бўлаклари транспортёр ленталарига, думалатиш машинанинг конуссимон органи ва спирал-симон тарновининг юзаларига, тиндириш шкафлари беланчакларининг сиртига, тоблаш машиналари валларига ёпишиб қолиши мумкин. Буни бартараф этиш учун йўналтирилган ун сепиш, ёғ суркаш каби тадбир-лар хом ашёларнинг ишлаб чиқаришга

боғлиқ бўлмаган қўшимча йўқотилишига олиб келади. Қолипли жавдар нонининг хамирини бўлаклашда бу масала резиналанган транспортёр ленталарини қўллаш ва уларнинг ва хамир бўлакларининг юзасини сув билан намлаш орқали ечимини топган.

Навли буғдой унидан тайёрланган хамирни бўлаклашда бу усулдан фойдаланиб бўлмайди.

Саноатда бу мақсад учун хамир бўлаклари бўлакловчи машинадан думалатиш машинасигача бўлган масофада, думалатувчи машинага келишда ва ундан чиқишида, тоблаш машинасига келишда ва ундан чиқишида иссиқ ($28\ldots30^{\circ}\text{C}$) ҳаво билан пуфлаш қўлланилади. Бу ун сарфини кескин камайтириш ёки бу сарфидан қутулиш имкониятини беради.

Саноатда шу билан биргалиқда хамирни бўлаклаш жиҳозларнинг хамир билан таъсирлашадиган юзаларини антиадгезион ва гидрофоб полимер материаллар билан қоплаш ҳам қўлланилади.

Нон қолипларини ёғлаш ва тайёрлаш. Қолипли нон навларини ишлаб чиқаришда энг сермеҳнат операстия бўлиб, хамирни қолип юзала-рига ёпишиб қолишини олдини олиш ва ноннинг осон чиқишини тъминлаш учун қолипларни ёғлаш ҳисобланади.

Кўп корхоналарда ўсимлик мойини тежаш мақсадида ёғлаш учун 15% ўсимлик мойи, 5 % фосфатид констентрати ва 80 % сувдан тайёрланган сув-ёғ эмулсиясидан фойдаланилади. Эмулсия маҳсус курилмада тайёрланади.

Ишлаб чиқаришда пурковчи турдаги автоматик қолип ёғловчилар қўлланилади.

Нон қолипларидан узоқ вакт давомидан фойдаланилганда уларнинг деворларида куйган катлам ҳосил бўлиб, бу ноннинг деформастияланишига, қолипларни бўшатишга ва хамирни яхши қиздирилмаслигига олиб келади. Шунинг учун ифлосланган қолипларни даврий равища тозалари билан алмаштириб туриш керак.

Қолипларни қурумдан асосан куйдириш йўли билан тозаланади. Бунинг учун қолиплар тупикили печга жойлаштирилиб, печнинг ҳамма тирқишилари ёпилади ва 6 соат давомида $340\ldots350^{\circ}\text{C}$ ҳароратда қиздирилади. Бунда ҳаво оқими бўлмаган шароитда қурум йўқолади ва кичик миқдорда кул ҳосил бўлади. Қолиплар тозаланиб, сув билан ювиб ташланади.

Қолиплар яна ёғлашда мой сарфини камайтирувчи ва маҳсулот сифатини яхшиланишига имкониятини берувчи антиадгезион материал билан ҳам қопланиши мумкин.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 133-147 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.33-56 бет.

4-маъруза.Хамирни бўлакларга бўлиш.

5- савол баёни: Хамир маҳсулотларини тиндириш шкафлари беланчакларининг тагдонларида ёки беланчакларга маҳкамланган қолипларга жойлай одатда кўлда бажариладиган сермашаққат жараёндир. Кўп корхоналарда бу жараённи механизациялаштириш учун турли хил механизмлардан фойдаланилади.

Бу мақсадда таркибига "Кузбасс" хамир бўлакловчиси ва звено-ларига чўмичлар биркитилган (чўмичлар сони беланчакдаги қолиплар сонига тенг бўлиши керак) икки занжирли транспортёр киравчи бўлакловчи-жойловчи агрегат (ДПА) кенг кўлланилади. Жойловчи агрегатининг транспортёри тиндириш - пишириш агрегатига ҳар бир чўмич тагига нон қолипи тўғри келадиган тартибда жойлаштирилади. Хамир бўлаклари бўлаклагичдан чўмичларга тушади, 16...20 чўмич тўлгач бўшатиш механизми ишга тушади, чўмичлар 80...90 градусга бурилиб хамир бўлаклари қолипларга тушади.

Саноатда П6-ХРМ тиндириш-пишириш агрегатининг таркибига киравчи замонавийлаштирилган Ш33-ХД3-У маркали бўлакловчи-жойловчи механизм қўлланилади.

Шунга ўхшаш бошқа турдаги бўлакловчи-жойловчи агрегат Р3-ХД2-У маркаси остида чиқарилади. Бу бўлакловчи-жойловчи агрегатлар кўпгина тиндириш- пишириш агрегат-лари таркибига киради.

Думолоқ шаклдаги қолипсиз пишириладиган нон, батонлар ва булкалар ишлаб чиқарувчи комплекс механизациялаштирилган ва узлуксиз ишлайдиган жиҳозлар қаторларида хамир зувалаларини тиндириш шкафлари беланчакларига ва печларнинг тагдонларига жойлаш учун турли хилдаги қурилмалардан фойдаланилади.

Тиндириш шкафларига хамир зувалаларини жойлаш қурилмалари турли конструкцияда бўлиши мумкин, аммо уларнинг ҳаммаси хамир зувалаларини беланчакларга жойлашнинг қадамларини тўғрилигини таъминлаб зувалаларни белгиланган ўрнига жойлаб бериши керак. Тиндириш шкафларидан хамир зувалаларини печларнинг тагдонига бўшатиш қурилмалари беланчакларни печларнинг чиқиб турган қисми устида бўшатишни таъминлайди.

Массаси 0,4...1 кг бўлган батонсимон нон маҳсулотларининг хамир зувалалари юзаси одатда 4...6 та эгри кесим бўлиши керак. Кесимлар маҳсулот турига хос бўлган ташки кўриниш бериш ва бижғитиш, тиндириш ва пиширишнинг биринчи бисқичида бижғиши натижасида маҳсулотнинг ташки кўринишини сақлаб қолиш мақсадида амалга оширилади. Қирқимлар сони ноннинг массаси ва навига боғлиқ бўлади. Батонларни қирқувчи ускуна турли кўрининшда бўлади.

Қирқувчи қуидаги тартибда ишлайди: ростлаш механизми штурвали ёрдамида керакли чуқурликгача кесишни таъминлаш мақса-дида станина маълум баландликда ростланади. Қирқимлар керакли бурчак остида бўлиши учун станина хамирни олиб келувчи транспортёр лентасига шу бурчак остида жойлаштирилади. Кейин қирқувчи қурилма ва транспортёр ишга туширилиб транспортёр лентасига хамир зувалалари қўйилади.

Батонлар ва булкалар учун комплекс механизациялаштирилган уз-луксиз ишлайдиган жиҳозлар қаторларида кесувчи қурулмалар печлар-нинг чиқиб турган қисми устига жойлаштирилади. Маҳсулот турига кўра кесувчининг жойлашиш бурчаги ва пичоқлар сони ўзгартириб турилади.

6- савол баёни: Кичик нонвойхоналарда хамирни бўлакларга бўлиш, думалатиш, хамир бўлакларига аниқ бир шаклни бериш кичик нонвойхоналарнинг жиҳозлари комплексига киравчи «Винклер» ва «Экмасан» фирмаси жиҳозларида амалга оширилади.


¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 133-147 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.33-56 бет.

Замонавий кичик корхоналарда турли конструкцияга эга тобловчи машиналардан фойдаланилади. Буларга 17-расмда тасвирланган «Bistro» русумли тобловчи машина мисол бўлади.

Машина турли узунликка эга буғдой унidan тайёрланган батонсимон нон маҳсулотлари хамир зувалаларига шакл бериш учун мўлжалланган. Хамир зуваласи массаси 0,2 кг дан 1,0 кг ва ундан ҳам ортиқроқни ташкил қилиши мумкин.

Машинанинг афзалликлари ихчамлиги, кичик ишлаб чиқариш майдонини эгаллаши, турли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ишлати-шидан иборат.



4.4-расм. Кичик корхоналарда қўлланиладиган хамирни тобловчи машина

Хамир зувалалари иккита турли тезликда қарама-қарши ҳаракатлана-диган транспортёрлар ленталари орасида ўтказиш натижасида тобланади ва стилиндрик ёки сигарасимон шаклга эга бўлади. Зувалани четлари йўналтирувчилар ёрдамида текисланади. Тунука тахталарига тахланган хамир зувалаларини вақтинча сақлаш учун машина ғилдиракли токчали шкаф билан таъминланган.

Бурاما ва ўрама маҳсулотлар хамир зувалаларига шакл бериш айланувчи матристали шакл берувчи қурилмалар ёрдамида амалга оширилади Мазкур қурилмаларда хамирнинг маълум порстияси шакл берувчи машина бункерига солинади, кейин хамир валли суриб берувчи ёрдамида матристага узатилади. Шнек ва матристанинг биргаликда айланниши ҳисобига хамир бовлиқларини пресслаб чиқариш ва уларни буриш бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Буралган бовлик алоҳида бўлакларга маҳсус мослама ёрдамида бўлинади. Машина конструкцияси соддалиги билан фарқ қиласи, бироқ мураккаб геометрик шаклдаги хамир бўлакларини ҳосил қила олмайди. Айланувчи матриста ёрдамида бурама маҳсулотларга шакл бериш узлуксиз ишлаб чиқариш билан уйғунлашади, бироқ хамир бўлаклари, қўлда шакл бергандагидек, бовлиқларни дастлабки думалатиш босқичини ўтмайди.

Хамир маҳсулотларнинг охирги тиндирилиши хамир зувалалари жойлашган 20 токчали вагонеткалар учун мўлжалланган тиндириш шкафларида амалга оширилади. Шкафларда автоматик тарзда ҳавонинг 32-36 °C ҳарорати ва 80...85 % нисбий намлиги таъминланиб турилади.

Назорат саволлари

1. Хамирни бўлаклаш қайси босқичлардан иборат?
2. Хамирни бўлакларга бўлишга қандай талаблар қўйилади?
3. Қайси омилларни назарда тутиб хамир бўлагини массаси аниқланади?
4. Қандай мақсадлар учун хамир бўлагига думалоқ шакл берилади?
5. Нима учун хамир зувалаларига дастлабки тиндириш берилади ва бу операстия ҳамма вақт керакми?
6. Тоблаш машиналарида хамир зуваласига шакл бериш қайси опера-стиялардан иборат? Улар хамир хоссаларига қандай таъсир этади?
7. «Адгезия» деган сўз нимани билдиради? Уни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилади?
- 8.Хамир зувалаларини охирги тиндириш қайси мақсад учун амалга оширилади?
- 9.Охирги тиндиришнинг режимига риоя қилинмаганда тайёр маҳсулот қандай нуқсонларга эга бўлиши мумкин?
- 10.Хамир зувалаларини тиндириш шкафи ва печга жойлаш, уларни сиртини кесиш учун қандай мосламалар ишлатилади?
- 11.Кичик корхоналарда хамирни бўлаклаш қандай жиҳозларда амалга оширилади?

Мавзуга оид мустақил иш топшириқлари:

1. Пишириш қолиплари, листлар, подлар турлари

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
- 2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
- 3.Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
- 4.Пашенко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.-М.:КолосС, 2006.-389с.

5-маъруза.Нон пишириш.

Режа:

- 5.1.Пишириш вақтида хамир зуваласида юз берадиган жараёнлар**
- 5.2.Хамир маҳсулотнинг пишириш жараёнида қиздирилиши, хамир зу-валаси билан пишириш камераси орасидаги намлик алмашинуви**
- 5.3.Пиширилаётган хамир зуваласида бижғитувчи микрофлоранинг ҳаёт фаолияти**
- 5.4.Пиширилаётган хамир зуваласида кечадиган биокимёвий жараёнлар**

Таянч сўз ва иборалар:Ноннинг пишириш,нам алмашиниши,пишириш камераси, терманамўтказувчанлик,концентрацияли қўчиш.

1- савол баёни:Пишириш - бу хамир маҳсулотларини хамир ҳолатидан нон ҳола-тига ўтказадиган қиздириш жараёнидир.

Нон ва нон маҳсулотларини пишириш учун иссиқлик бериш юза-ларининг ҳарорати 300...400 °C ва пишириш камерасининг тахминин 200...250 °C га teng буғ-ҳаво муҳити орқали пиширилаётган хамир зува-лаларига иссиқликни нурланиш ва конвекстия орқали бериладиган печлар қўлланилади.

Пиширилаётган хамир зувалаларига иссиқликнинг бир қисми тин-дирилган хамир зувалалари жойлаштирилган тагдондан иссиқлик ўтка-зиш (кондукстия) йўли билан ҳам берилади.

Замонавий печларнинг тагдони ҳам пиширилаётган хамир зувала-лари каби иссиқлик нурлари ва конвекстия билан қиздирилади. Бунда ис-сиқликнинг нурланиши конвектив иссиқлик узатишдан 2...3,5 маротаба катта бўлади. Шунинг учун оддий новвойлик печларида пишириш жараёнига пиширилаётган хамир зувалаларни радиацион-конвектив қиздириш жараёни деб қараш мумкин.

Пишириш вақтида хамир зувалаларида юз берадиган жараёнлар.

Агар пишириш жараёнига кўз билан қабул қилинадиган ўлчамлар орқали ёндошадиган бўлсак, пишириш камерасига қўйилиши билан пиширилаётган хамир зуваланинг ҳажми тезлик билан ошиб боришини қайд этиш мумкин. Маълум вақтдан сўнг уни ҳажмининг ортиши секинлашади ва тўхтайди. Бу вақтга келиб пиширилаётган хамир маҳсулотларнинг олган ҳажми амалда пиширишнинг охиригача ўзгармасдан қолади.

Пишириш камерасига қўйилгандан сўнг хамир зуваласининг юзаси юпқа қуруқ парда билан қопланиб пиширишнинг охирига етгунча бу парда мунтазам ҳолда қалинлашиб нон қобиғига айланади. Пиширилаётган хамир зуваласида қобиқнинг ранги ўзгариб туриб, тобора қорайиб боради.

Агар турли вақт оралиғида пиширилаётган хамир зуваласини кесиб кўриб, кузатиб борилса, қобиқнинг тобора қалинлашиб, қаттиқлашиб ва қорайиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Қобиқ остида, пишириш давомида тобора қалинлашиб борувчи, нисбатан эгилувчан, структурасини турғун сақлайдиган ва бармоқ билан сезиладиган нисбатан қуруқ мағизнинг ҳосил бўлишини кузатиш мумкин.

Пиширилаётган хамир зуваласининг марказида, мағизнинг қалин-лашиши билан, камайиб борувчи хамир мавжуд бўлади. Пиширишнинг тугашидан бироз олдин, пиширилаётган хамир зуваласининг маркази бутунлай хамир ҳолатидан мағиз ҳолатига ўтади. Пишириш давомида мағизнинг эластиклиги, структурасининг турғунлиги ва бармоқ билан сезиладиган қуруқлиги олдин қобиққа яқин бўлган жойларда, кейинчалик ноннинг марказида орта боради.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 147-170 бет
2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.60-76 бет.

5-маъруза.Нон пишириш.

Хамир зуваласининг нонга айланишини тавсифловчи барча ўзгаришлар физикавий, микробиологик, коллоид ва биокимёвий жараёнлар комплекси натижасида вужудга келади.

2- савол баёни: Нонни пиширишда юз берадиган асосий жараёнлардан бўлиб, пишириш камерасига жойлаштирилган ва пиширилаётган хамир зуваласини қиздирилиши ҳисобланади. Бу эса пишириш камерасининг иссиқлик берувчи элементлари ва уни тўлдириб турган ҳаво-буғ аралашмаси билан пиширилаётган хамир зуваласининг орасидаги иссиқлик алмашиниши натижасида юзага келади.

Пишириш вақтида хамир зуваласининг турли қатламларида ҳароратнинг ўзгариши, пиширилаётган хамир зуваласининг бу қатламларида хамирдан тайёр нон ҳосил бўлишига олиб келувчи ўзгаришларнинг юзага келишини таъминлайди.

Ҳарорати 250 °C га тенг бўлган пишириш камерасининг нам-ланмаган ҳавосида хамир маҳсулотнинг юзаси тезда қизиб намини йўқота боради. Орадан 1-2 минут вақт ўтгач хамирнинг юза қисми қарийб бутунлай намини йўқотади ва намлиги пишириш камераси муҳитининг нисбий намлиги ва ҳароратига боғлиқ бўлган мувозанат-даги намликка тенглашади.

Бу қатламдан намнинг буғланиши ниҳоясига етганлиги туфайли, унинг ҳарорати 100 °C да тўхтамасдан бундан юқори ҳароратгача қизиб кетиши кузатилади. Пиширилаётган хамир зуваласининг юзасига ички қатламлардан намнинг келиши юза қатламининг сувсизланиш тезлигидан орқади қолади ва буғланиш зонаси борган сари ноннинг ички қатламларига силжий бошлади.

Буғланиш зонасида ҳосил бўлган сув буғлари асосан сувсизланган қобиқдан пишириш камерасига ўтиб кетади, қисман эса қобиққа туташган хамир қаватлари томон ҳаракат қилади.

Нондаги нам 100 °C га яқин ҳароратда фақат қобиқ ва магиз оралиғида жойлашган буғланиш зонасида буғланади; қобиқ бутунлай сувсизланган қават бўлиб, ноннинг ички қаватларидан ажралган нам буғ ҳолатида қобиқдан ўтиб кетади. Пишириш жараёни қанчалик узоқ давом этмасин буғланиш зонаси билан ўралган магизнинг ҳарорати 100 °C дан ошмайди.

Пишириш вақтида пиширилаётган хамир маҳсулотнинг қиздири-лишига пишириш камерасининг иссиқлик ва физикавий параметрлари, шу билан бирга пиширилаётган хамир маҳсулотнинг массаси, шакли, намлиги, ғоваклиги ва бошқи қўргина қўрсатгичлари таъсир этади. Пишириш ҳарорати қанчалик юқори бўлса, пиширилаётган хамир зуваласининг марказий қисмининг қиздирилиши шунчалик тез боради.

Пишириш камерасининг ҳаво муҳитининг намлиги ҳам пишири-лаётган хамир зуваласининг қиздирилишига таъсир қилади. Ҳар қандай новвойлик печининг пишириш камерасининг атмосфераси маҳсулотдан ажralиб чиқаётган сув буғлари ҳисобига ёки пишириш камерасига қў-шимча тарзда буғ берилиши ҳисобига у ёки бу микдорда сув буғлари би-лан тўйинган бўлади. Сув буғларининг конденсастияси ҳисобига иссиқлик хамир зуваласига узатилиб унинг қиздирилишини тезлаштиради.

Пишириш камераси ҳавосининг намланиши, пиширишдаги сарф-лар қийматининг пасайишига ва нон ҳажмининг ортишига, шунинг билан бирга нон юзасининг ялтироқ бўлишига ёрдам беради. Аниқланишича пиширилаётган хамир зуваласининг массаси қанчалик катта бўлса, унинг марказий қисми шунчалик секин қизиди ва пишириш жараёни узоқ давом этади. Пиширилаётган хамир зуваласининг ҳажмий юзаси қанчалик катта бўлса, унинг қиздирилиши ҳам шунчалик тез боради.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 147-170 бет
2.Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.60-76 бет.

5-маъруза.Нон пишириш.

Хамирнинг намлиги оширилганда пиширилаётган хамир зуваласининг қиздирилиши тезлашади.

Пишириш жараёнида пиширилаётган хамир зуваласи билан пиши-риш камераси орасидаги намлик алмашинуви. Нонни пишириш жараё-нида пиширилаётган хамир зуваласи билан пишириш камерасининг газ-симон мухити орасида нам алмашинуви ва пишириш вақтида пишири-лаётган хамир зуваласининг ичидаги намнинг ҳаракатланиши юзага кела-ди. Бу жараёнлар бир вақтда ва бир-бирига боғлиқ ҳолда содир бўлади.

Пиширишнинг биринчи босқичида пишириш камерасининг газсимон мухитидан намнинг хамир зуваласининг юза қисми томонидан ютилиши содир бўлади.

Пишириш камерасининг етарлича намланган газ мухитида хамир зуваласи томонидан сингдириб олган сув микдорини унинг массасининг ортишидан аниқлаш мумкин. Пиширилаётган хамир зуваласи масса-сини ортиши пиширишнинг 3...5 минутлари орасида энг юқори нуктасига эришади ва хамир бўлагининг бошлангич массасининг 1,3 % микдорига эришади.

Намликнинг конденсастияланиши фақатгина пиширилаётган хамир зуваласининг юзасидагина эмас балки балки унга туташган қатламларда ҳам юз беради.

Пишириш камераси газ мухитининг намнинг сақлаш қобилияти қанчалик катта бўлса, микдори қанчалик катта бўлса, бу мухитнинг ҳарорати ва хамир зуваласи юзасининг ҳарорати қанчалик паст бўлса, пиширилаётган хамир зуваласининг юзасида ва юзасига туташган қат-ламларида конденсастияланаётган намнинг ютилиш суръати шунчалик юқори ва давомийлиги узоқ бўлади

Пиширилаётган хамир зуваласи юзасининг ҳарорати шудринг нук-таси ҳароратидан ортиши билан унда намнинг конденсастияланиши ниҳо-ясига этиб, намликнинг буғланиши бошланади: олдин пиширилаётган хамир зуваласининг юзасидан, кейин юзасига туташган юпқа қатламдан ва охирида хамир зуваласининг ташки юзаси намлик мувозанатига эриш-гач, буғланиш зонасидан, яъни қобиқ остидаги қаватдан.

Кобиғнинг қалинлаши билан буғланиш зонаси пиширилаётган хамир зуваласи юзасидан узоқлашиб, тобора чуқурлашиб бориб, қобиқ ва мағизни чегарали зонаси бўлиб туради.

Пиширилаётган хамир зуваласининг ички қисмида намнинг ҳаракатланиши. Пишириш вақтида пиширилаётган хамир зуваласининг ички қисмининг намлиги ўзгаради. Пишириш жараёниг бошлангич босқичида пишириш камерасининг газ мухитининг кучли намланиши ҳисобига пиширилаётган хамир маҳсулотнинг ташки қисмларининг намлиги ортади.

Бундан кейин юза қатламнинг қобиқ ҳосил қилиб намлигининг пасайиши олдин айтилганди. Бунда буғланиш зонасидан намнинг барчаси қобиқнинг ғовакларидан пишириш камерасига ўтиб кетмаслиги қайд этилган эди.

Қобиқ мағизга қараганда кўпроқ зичланган ва ғоваклиги кам. Қобикдаги, асосан сирттидаги, ғовакларининг ўлчамлари унга туташган мағизнинг ғовакларининг ўлчамларидан бир неча маротаба кичик. Шунинг учун қобиқ ўзи орқали пишириш камерасига ўтиб кетаётган намликга катта қаршилик кўрсатади. Буғланиш зонасидан ажralган намнинг бир қисми, айниқса пастги қобиқнинг устида жойлашган буғланиш зонасидан нам мағизнинг ғоваклари орқали унинг ички қатлам-ларига интилади. Марказга яқин бўлган кам қиздирилган қатламларга этиб боргач нам конденсастияланади ва шу билан бу қатламнинг намлигини оширади. Нам материалда ички намликнинг ҳаракатланиши учун узатиш потенсиаллари фарқи мавжуд бўлиши керак.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 147-170 бет
2.Айходжаева Н.К., Джакхангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.60-76 бет.

5-маъруза.Нон пишириш.

Пиширилаётган хамир зуваласида намнинг ҳаракатланишининг иккита асосий сабаби бўлиши мумкин: пиширилаётган хамир зуваласининг ҳажмининг турли ерларида намнинг констентрастиясининг турлича бўлиши;

- пиширилаётган хамир зуваласиниг алоҳида қисмларида ҳарорат-нинг турлича бўлиши.

Намнинг констентрастиясининг фарқи намни констентрастияси юқори қисмлардан констентрастияси паст қисмларга ҳаракатланишини қўзғал-тирувчи куч бўлиб ҳисобланади. Намнинг бундай ҳаракатланишини коностеңтрастиа-намнинг турлича деб аташ мумкин.

Намнинг ҳарорати юқори бўлган қисмлардан ҳарорати паст бўлган қисмларга ҳаракатланишини термодиффузия ёки термо-намнинг турлича деб аташ мумкин.

Пиширилаётган хамир маҳсулотда бир вақтнинг ўзида қобиқ ва мағиз намлигининг катта фарқи ва пиширишнинг бошланғич босқичида унинг ташқи ва ички қатламлари орасидаги катта ҳарорат фарқини кузатиш мумкин.

Нон мағзининг намлиги пишириш жараёниг охирига келиб хамирнинг бошланғич намлигидан 2 % гача юқори бўлиши мумкин. Пишириш жараёниг биринчи босқичларида пиширилаётган хамир зуваласининг ташқи ва ички қаватлари ҳароратларининг фарқи туфайли мағизнинг ташқи қаватларида намлик тез ортиб боради, яъни бу босқичда термо намнинг роли етакчи бўлганлиги шундан маълум бўлади.

3- савол баёни:Хамир микрофлорасининг (ачитқи ҳужайралари ва кислота ҳосил қилувчи бактериялар) хаёт фаолияти хамир зуваласининг пишириш жараёнида қиздирилиши билан ўзгариб боради.

Хамирнинг 35 °C ҳароратгача қиздирилиши натижасида ачитқи ҳужайралари бижғитиши ва газ ҳосил қилиш жараёнини энг юқори қий-матгача тезлаштирадилар. Ҳарорат 40 °C гача кўтарилигунича пиширилаётган хамир бўлагидаги ачитқи ҳужайраларининг хаёт фаолияти жадал боради. Хамир 45 °C дан юқори ҳароратгача қиздирила бошлагандан ачитқилар юзага келтирадиган газ ҳосил қилиш жараёни кескин пасаяди.

Хамирнинг кислота ҳосил қилувчи микрофлорасининг ҳароратга боғлиқ бўлган хаёт фаолияти ҳам (нотермофил бактериялар учун 35 °C атрофида, термофил бактериялар учун 48...54 °C) хамир қиздирила бошлаши билан кучаяди, ҳарорат оптимал қийматга эришгандан кейин секинлашади ва кейинчалик бутунлай тўхтайди.

Пиширилаётган хамир маҳсулот қатламларининг 60 °C ҳароратга-ча қиздирилиши натижасида хамирдаги ачитқи ҳужайралари ва нотермо-фил кислота ҳосил қилувчи бактерияларининг хаёт фаолияти тўхтайди.

Делбрюк бактериялари типидаги термофил сут кислотаси бакте-риялари юқори ҳароратларди ҳам (аникроғи 75...80 °C гача) биж-ғитувчи актив ҳолатда бўлиши мумкин.

Оддий жайдари жавдар унидан тайёрланган ноннинг мағзида заифлашган бўлса ҳам бир оз миқдорда ачитқи ҳужайралари ва кислота ҳосил қилувчи бактериялар тирик ҳолда сақланади. Хамирнинг бижғитувчи микрофлорасининг бир қисмининг нон мағзида сақланиб қолишини мағиздаги жуда оз миқдордаги эркин сувнинг мавжуд бўлиши билан бирга, мағиз марказида ҳароратнинг қисқа муддатгагина 90 °C дан кўтарилиши билан тушунириш мумкин.

4- савол баёни:Пиширилаётган хамир зуваласида ва ундан ҳосил бўладиган мағизда қуйидаги биокимёвий жараёнлар ва ўзгаришлар кузатилади.

Ачитқилар ва кислота ҳосил қилувчи бактериялар чақирилган бижғиши пиширилаётган хамир зуваласи қатламларида ҳароратнинг бу бижғитувчи микроорганизмлар ҳаёт фаолияти тўхтайдиган қийматига етгунича давом этади. Шунинг учун пиширишнинг бошланғич

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 147-170 бет

5-маъруза.Нон пишириш.

босқичларида хамирда ва пиширилаётган хамир зуваласининг мағзида кичик миқдорларда спирт, карбонат ангидрид гази, сут ва сирка кислотаси ва бошқа бижғиш маҳсулотлари ҳосил бўлиши давом этади.

Клейстерланишнинг биринчи босқичини ўтган хамир зуваласидаги крахмал пиширишда қисман гидролизланади. Бунинг натижасида пиширилаётган хамир зуваласидаги крахмал миқдори бироз камаяди.

Хамир амилазалари инактивлашмагунча хамир ҳароратининг ортиши натижасида улар томонидан крахмални гидролизлаш давом этади. Крахмалнинг парчаланиши ортиб кетади.

Крахмалнинг амилолизи натижасида ҳосил бўлган қандлар пиширишнинг биринчи боқичида бижғишга сарфланади. Пишириш жараёнида юқори молекулали пентозанлар ҳам қисман гидролизланади.

Шундай қилиб нонни пишириш жараёнида сувда эрувчи углеводлар миқдори кескин ортиб кетади.

Пиширилаётган хамир маҳсулотнинг оқсил-протеиназа комплекси ҳам пишириш натижасида уларнинг қиздирилиш билан боғлик бўлган бир анча ўзгаришларга учрайди.

Маълум даражада оқсилларнинг протеолизи юз беради. Сувда эрувчи моддалар ҳосил бўлади.

Нонни пиширишда унинг мағзида юз берадиган биокимёвий жараёнлар ҳам ноннинг сифатига сезиларли таъсир қиласди. Қобиқда катта миқдорда сувда эрувчи моддалар в декстринлар мавжуддир. Қобиқ тез қиздирилиб, ундаги ферментларнинг фаолияти тўхтатилади, шунинг учун улар сезиларли аҳамиятга эга бўлмайди. Қобиқда сувда эрувчи моддаларнинг тўпланиши крахмалнинг термик ўзгаришга учраши билан тушунтирилади.

Ноннинг сифатини баҳолашда қобиғининг ранги катта аҳамиятга эга бўлади. Буғдои нони қопиғининг бўялиши даражаси унданда қайтарувчи қандларнинг ва оқсиллар протеолизи маҳсулотларининг ўзаро оксидловчи-қайтарувчи таъсири натижасида меленоидинларнинг ҳосил бўлиши билан белгиланади.

Аминокислоталар ва қайтарувчи қандларнинг ўзаро таъсири нати-жасида меленоидин ҳосил бўлиш реакциясини биринчи бўлиб 1912 йил-да франстуз олимни Майяр (Maillard L) тавсифлаб берди, шунинг учун уни кўпинча Майяр реакцияси ҳам деб аташади. Бу реакция натижасида ноннинг хушбўй ҳидини шакллантирувчи алдегидлар, кетонлар каби оралиқ маҳсулотлар ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган меленоидинлар ноннинг қобиғининг рангини асослаши билан бирга, ноннинг ҳиди ва таъмига ҳам таъсир этади.

Пиширилаётган хамир зуваласида кечадиган коллоид жараёнлар.

Пиширилаётганхамир зуваласининг қиздириш натижасида кечдиган коллоид жараёнларнинг муҳимлиги шундаки, айнан шулар хамирнинг мағизга айланишини таъминлайдилар.

Хамирнинг клейковинаси 30°C ҳароратда энг кўп бўкишга эришади. Ҳароратнинг бундан кейинги ортиши бўкиш қобилиятининг пасайишига олиб келади. Ҳарорат $60\text{--}70^{\circ}\text{C}$ га етганда хамирнинг оқсил моддалари (клейковинаси) табиий ҳолатини йўқотади. (денатурастияла-нади) ва бунинг натижасида бўкишда сингдириб олган сувларни чиқарив юборади.

Уннинг крахмали ҳарорат ортиши билан борган сари букиши кескин ривожланади. Бўкиш хусусан $40\text{--}60^{\circ}\text{C}$ ҳароратда тез ортади. Ана шу ҳарорат оралиғида бўкиш билан бирга крахмалнинг клейстерланиши ҳам бошланади.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.-
Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 147-170 бет

5-маъруза.Нон пишириш.

Пиширилаётган хамир зуваласида крахмалнинг тўла клейстерланиши учун сув камлиги бўлган мухитда унинг қ и с м а н клейстерланиши юз беради. Шунинг учун крахмал донлари нонда ўзининг крисстал шаклини сақлаб, ярим клейстерланган ҳолатда қолади. 50...70 °C ҳарорат оралиғида бир вақтнинг ўзида оқсилларнинг коагулястияси ва крахмалнинг клейстерланиши содир бўлади. Хамир оқсиллари томонидан бўкиш натижасида сингдириб олинган сувнинг асосий қисми клейстерланаётган крахмалга ўтади.

Назорат саволлари

1. «Нон пишириш» ибораси нимани англатади?
2. Пиширилаётган хамир зуваласига иссиқлик қайси йўллар орқали узатилади?
3. Нима учун новвойлик печларида кечадиган пишириш жараёнига радиастион-конвектив қиздириш жараёни деб қараш мумкин?
4. Агар турли вақт оралиғида пиширилаётган хамир зуваласини кесиб кўриб, кузатиб борилса, қандай ўзгаришларни кўриш мумкин?
5. Констентарсион намланиш ва термонамланишнинг моҳияти нимада?
6. Пишириш вақтида пиширилаётган хамир зуваласининг ички қисмининг намлиги қандай ўзгаради?

Мавзуга оид мустақил иш топшириқлари:

1. Пишириш қолиплари, листлар, подлар турлари ва уларнинг нон ишлаб чиқаришдаги роли.

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
- 2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
- 3.Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.- 428с.
- 4.Пащенко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.- М.:КолосС, 2006.-389с.
- 5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.

6-маъруза.Нон маҳсулотларини сақлаш.

Режа:

- 6.1. Ташувчи қурилмаларнинг таснифи ва уларни ишлаш принциплари.**
- 6.2. Нон маҳсулотларини совутиш усуллари.**
- 6.3.Нон маҳсулотларини сақлаш давомида содир бўладиган жараёнлар.**
- 6.4. Нонни суви қочишига таъсир қилувчи омиллар.**
- 6.5. Ноннинг суви қочишини олдини олиш чоралари.**

Таянч сўз ва иборалар: Конвейер, транспортер, совутиш, музлатиш, лоток, вагонетка, платформа.

1- савол баёни: Нон сақланадиган жойда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳисобга олиш, саралаш ва сифатига баҳо бериш ишлари амалга оширилади. Нон маҳсулотларини тахлаш, сақлаш ва ташиш 82-27 ДАСТ (ГОСТ) бўйича белгиланади. Маҳсулот пишириб бўлингандан сўнг уни икки хил типдаги 780x450 мм ўлчамдаги ёғоч лотокларга тахланади, булар-панжарали тубга эга бўлган уч бортли ва яхлит тубга эга бўлган тўрт бортли лотоклар. 14-28 та нон тахланган лотокни вагонёткаларга жойлаштирилади. Вагонеткаларни керак бўлганда юклаш майдончасига қўл кучи билан келгирилади. Ҳозирги пайтда юклаш тушириш ишларини комплекс механизациялашнинг системаси ишлаб чиқилган ва амалга оширилган. Бу система катта қувват билан ишловчи нон заводлари учун мўлжалланган. Нон сақланадиган жойни механизациялаш системаси қуидаги ишларни автоматлаштиришини қўзда тутади: маҳсулотларни лотокларга тахлаш, нон тахланган лотокларни контейнерларга юклаш, юкларни транспортерлар орқали юклаш майдончасига олиб чиқиши, контейнерларни автомобилнинг фургонига юклаш. Система нон маҳсулотларини сақлаш жойдаги қўл меҳнатини бартараф қиласди, лекин магазинлардаги юклаш тушириш ишларини таъминламайди. Ҳозирги вақтда магазинларга юк билан олиб келиниб, юки туширилмасдан магазиннинг ўзига хизмат кўрсатиладиган савдо залига ўрнатилиб нонни контейнерда турган ҳолатида сотиладиган ёпиқ контейнерлар кўп қўлланмоқда.

Контейнерлар автомашиналарга маҳсус кўтаргичлар ёрдамида юланади ва туширилади. Нонни ёпиқ контейнерларда сақлаш маҳсулотлари янги (ўралган) холда сақлашга ва унинг санитария ҳолатининг яхши бўлишига имкон беради. Бундан ташқари, нонни контейнерларда ташиш автомобилнинг бекор туриш вақтини 4 марта га қисқартиради ва нонни қайта тахлаш муаммосини бартараф қиласди. Ноннинг янги ҳолатида туриши-унинг асосий сифат кўрсаткичларидан биридир. Бу эса ноннинг сақланиши муддати билан боғлиқ. Нон сақлаш жойи ёруғлик коэффициенти 12 бўлган табиий ёруғлик билан таъминланган бўлиши керак. Ёзда ортиқча иссиқликни ва қишидаги ортиқча намликни бартараф қилиш учун соатига уч марта ҳаво алмаштирадиган оқимли сўрувчи вентилястия қўзда тутилади. Иситиш мавсуми даврида нон сақлаш жойида 15°C ли ҳароратни сақлаб туриш тавсия қилинади. Нон сақлаш жойи озода бўлиши ва у ерда бошқа маҳсулотлар ёки материаллар сақламаслиги лозим. Нон маҳсуслаштирилган автомашиналарда ташилади. Нон ташувчи транспортни камида 5 кунда бир марта хлорли охакнинг 2 % ли эритмаси билан дезинфекстия қилинади. Нон лотоклари кирлаганда уларни озиқ-овқат корхоналарида маҳсус ювиш воситалари билан ювилиб, сўнгра яна бир марта иссиқ сув билан ювилгандан сўнг иссиқ ҳаво ёрдамида қуритилади. Бу мақсадда лоток юувучи машиналар қўлланилиади.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 170-180 бет
2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет.

6-маъруза.Нон маҳсулотларини сақлаш.

2- савол баёни: Маҳсулотларни саралаш ва жўнатиш асбоб ускуналари. Музлатиш услублари. Транспортларда совутиш усууларининг ишлаш принстiplари ва таснифи.

Амалда ишлатиш принстiplари ва таснифи.

Катта нон заводларида сақланган нонларни текшириш, магазинларга жўнатиш учун ҳар хил механизацияланган транспорт воситаларидан фойдаланилади. Нон сақлаш ва жўнатиш перспектив усуулардан бири контейнерли юк ташиш ҳисобланади. Тайёр маҳсулотлар стиркуляр столлардан қўлда савдо столчасига жойлаштиради.

Тўлдирилган лотоклар қўлда маҳсус контейнерларга жойлаштириш, сўнг юкланган нонлар пломбаланиб, нон сақлаш омборга жойлаштирилади.

Бу контейнер жўнатиш контейнерга юклатгунга қадар сақланади. Контейнерлардан нон магазинларига жўнатиш юк ташиш автомобилида амалга оширилади. Юклash ва тушириш учун маҳсус кранлар билан фойдаланилади. Бу ерда ҳайдовчи конттейнеровоз бортига контейнерни юклайди, у ерда контейнер маҳсус платформа ячейкасига жойлаштирилади. Ҳамма контейнерларни юклаб бўлган ҳайдовчи охирги магазиннинг (майдончасига) бўшатиш майдонга етказилади.

Бу ерда нон юклатилган контейнерларнинг белгиланган сонини маҳсус кран ёрдамида туширади. Магазиннинг савдо залига киритилади. Контейнер нонни сақлаш жойдан кўчириш магазинларда савдо қилиш учун харидорларнинг ўз-ўзига хизмат белгиланган лотокнинг ҳар икки томонидан бўшатилади ҳар томондан 8 тадан.

Контейнернинг умумий ҳажми тахминан 200 кг нонга 16 лоток.

Контейнер алюминий билан қопланган каркасидан ва ичидан юпқа тахта ва фанера билан иситилган. Контейнер нонни сақлаш ва санитар ҳолатини белгилаш учун шароит яратади, шунингдек ҳисоб учун эшиклари ёпилади. Каркаснинг ён деворига ичидан лоток учун учбурчак темир бириктирилади.

Контейнер ғилдирак устига ўрнатилади. Бугунги кунда нон заводларида контейнерларга маҳсус механизацияланган агрегатлардан нон жойлаштириш учун фойдаланилади. У икки қисмдан иборат: лотокга нонни жойлаштириш механизацияланган ва нон жойлаштирилган лотокни конвейерга жойлаштириш ва тушириш механизмидан иборат.

Нон 1 буханка ҳажмида лотокга 14 дан икки қатор қилиб жойлашади.

Печкадан янги чиққан нонларни икки қатор қилиб қабул қилиш транспортерга узатилади. Шундан кейин нонлар тартибли равишила лотоклар орқали узатувчи транспортерга узатилади. 4 қатор терилган нонлар айналиш столи орқали складка тахланади, кейин тахланган нонлар тепага кўтарилади. Ўзидаги куч орқали лотокка тахланади. Лотокка нонни тахлаш вақтида лоток ҳаракатламайди. Тахланган нонлар электри расмлар асосида назорат қилинади.

Нондан бўшаган лотоклар маҳсус механизм асосида ҳаракатлантирилади ва ўз жойига жойлашади. Қачонки полкалар ҳаракатланаётганида 8 та нонни лоток ўзига олади ва маҳсус механизм нонли лотокларни контейнерга тўлдирилган лоток контейнерга узатилганда битта бўш лоток ҳаракатга келади. Бўш лоток контейнерга юк узатиш жойга, пастга ҳаракат қилади.

Бўш лоток юқори чиқиши жойига борганда тахлаш механизми тахлаш операстияси тутаганлиги ҳақида сигнал беради, ва жойига ҳаракатлантиради ва юкли лотокни пастга

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 170-180 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет.

6-маъруза. Нон маҳсулотларини сақлаш.

ҳаракатлантиради. Шундан кейин бир вақтининг ўзида кўтарилиш ва тушириш полкалари бир қадам, яъни 160 мм силжиди. Шу ҳаракат яна тақрорланади. Таъминловчи механизм битта ёки бир нечта печкаларга хизмат қиласди.

Танлаш ва саралаш тахлаш жойга боргунча бажарилади. Шундан кейин нонлар қўлда тахлаш учун столга узатилади.

Нон ва булочкалар сифати бузилмаслик учун яхши сақланадиган музлатгичларга жойлашади. Бундай механизмлар Тошкентда йўқ, бор бўлса жуда қиммат. Бу масалалар бўйича Чехословакия ва АҚШ билан ҳамкорлигида ишлашга тўғри келади.

3- савол баёни: Нонни сақлаш давомида қуйидаги бир қатор жараёнлар содир бўлади: маълум вақт ичида давом этадиган жараёнлар натижасида ноннинг таркибидаги сувда эрувчан моддаларнинг миқдори бир оз кўпаяди. Нон совугандан кейин унинг нордонлиги, учувчан кислоталарнинг учиб чиқиб кетиши натижасида $0,6-0,7^{\circ}\text{C}$ га пасайди. Нон совугандан кейин унинг мағизи янада мулайимроқ бўлиб қолади.

Нонни печдан олиниши биланоқ, унинг куриш жараёни, намлигининг ва массасининг камайиш жараёни бошланади. Бир неча соат сақлангандан сўнг ноннинг суви қочишининг белгилари пайдо бўла бошлайди. Печдан чиқсан ноннинг қобиғининг ҳарорати 140°C мағзининг ҳарорати эса 97°C . Сақланаётган нон ўзининг массаси, шакли ва сақланиш шароитларига боғлиқ ҳолда 2-6 соат вақт ичида нон омборининг ҳарорати даражасигача совийди. Ноннинг қобиғи нисбатан тезроқ, мағзи эса секинроқ совуйди.

Бунинг натижасида термодиффузия ва констентрастияли диффузия-намликтининг мағизидан қобиғига кўчиш жараёни содир бўлади. Ноннинг сиртидаги намликтининг атроф-муҳитга буғланиши сақлаш жараёнида ноннинг массасининг камайишига сабаб бўлади.

4- савол баёни: Ноннинг суви қочиши жараёни иккита даврда кечади. Биринчи даври иссиқ ноннинг совуши ўзгарувчан тезлиқда суви қочиши даври хисобланади. Ноннинг қобиғи билан мағзи ўртасидаги ҳароратлар фарқи ноннинг тез суратда суви қочишининг асосий фактори хисобланади. Ноннинг юқори ҳарорати натижасида бу даврда намликтининг констентрастияланган кўчиши ҳам тезлашади. Нон совуган сари унинг суви қочиши тезлиги ҳам камая боради ва маълум бир даврдан эътиборан бу тезлик доимий бўлиб қолади. Ноннинг суви қочиши унинг барқарор намликка (14-16%) эришгунича қадар давом этади.

Ноннинг суви қочишининг иккинчи даврига намликтининг мағиздан қобиғида констентрастияли кўчиши сабабчи бўлади. Ноннинг совуш даврида суви қочиши ноннинг печдан чиқарилган вақтидаги массасига нисбатан 2,5-4% ни ташкил этади. Бир вақтнинг ўзида суви қочишининг даражаси уннинг ҳароратига (агар у совумаган бўлса), шунингдек, намлигига, унинг солиштирма юзасига, қобиқларининг ҳолатига ва нон сақланадиган омбор ҳавосининг параметрларига боғлиқ. Юқори намликка эга ва қобиқлари юпқа бўлган нон нисбатан тез қурийди. Ноннинг суви қочишининг дастлабки белгилари уни печдан чиқарилгандан 8-10 соат ўтгандан сўнг пайдо бўлади. Ноннинг қобиғи хира тортиб қаттиқ бўлиб қолади, мағизнинг физик ва гидрофиллик хусусиятлари сезиларли даражада камаяди. Унинг мулойимлиги камайиб қўйполлашади ва увоқланадиган бўлиб қолади, мағизининг гидрофиллиги ва сувда эрувчан, ҳамда хушбўй моддаларнинг миқдори камаяди. Мағиз крахмалига β -амилаза томонидан ҳужум қилишлар камаяди. Ноннинг суви қочганлик даражасини аниқловчи турли усуллар мағизининг юқорида кўрсатилган хоссаларини ўлчашга асосланади, мағизнинг суви қочиши даражасини аниқлашга пенетрометрлардан айниқса кўп фойдаланилади. Суви қочган ноннинг эзилувчанлиги 40% га қисқаради.

6-маъруза.Нон маҳсулотларини сақлаш.

Кўп ҳолларда ноннинг суви қочганлик даражасини органолептик усул билан, қобиқнинг ҳолатини ва мағизнинг қайишқоқлик даражасини маҳсулотнинг таъми ва хушбўйлигини баҳолаш орқали аниқланади. Нондаги крахмалнинг структуравий ҳолатининг ўзгариши ноннинг суви қочишининг асосий сабаби ҳисобланади.

Нон пиширилаётган пайтда крахмалнинг тез-тез клейстерланиши натижасида ҳосил бўлган крахмал лойқаси беқарор бўлади. Ноннинг сақланиш пайтида крахмал лойқаси синерезисланади, бунда крахмал зарралари намлигини йўқотиб зичлашиб қотиб қолади. Клейстерлашган (елимлашган) крахмалнинг криссталланмаган структураси крахмал уни ҳолати учун характерли бўлган аввалги крисстал структурасини тиклаб олади. Ноннинг суви қочиши шу билан изоҳланади, ноннинг сақланиш жараёнида крахмалнинг қайишқоқ занжирчалари бир-бирлари билан зичлашиб қаттиқ механик тур пайдо қиласди.

5- савол баёни: Суви қочган нон оқсилларнинг структуравий ҳолатининг камайиши: нонни сақланаётган вақтда енимлашган оқсил моддаларининг (клейковина) оқсил структураси секин-аста ретрограстияланиши (аввалги хусусиятларининг тикланиши) тарафига қараб ўзгара бошлайди. Нон таркибида ёпишқоқ оқсилларнинг кўп бўлиши ноннинг суви қочишини секинлатиши исботланган. Клейковинанинг оқсил зарралари крахмал илвираси занжирлари орасидаги масофани узоқлаштиради ва уларнинг суви қочиш жараёни учун характерли бўлган бир-бирига яқинлашиш ҳодисани секинлаштиради. Суви қочган ноннинг таъми мазали бўлмайди ва шунинг учун эмас. Ноннинг суви қочишининг тезлиги унинг тури, рестептураси, нон тайёрлашникг технологик режими, маҳсулот сифатини яхшиловчи моддалар ва ёпилгандан кейинги сақлаш шароитлари билан боғлиқ.

1) Рестептуранинг таъсири-буғдой унига жавдар буғдой ёки соя унининг қўшилишини ноннинг суви қочиш жараёнини секинлаштиради. Соя уни таркибида ноннинг яхши сақланишига сабаб бўладиган кўргина оқсил ва ёғлар мавжуд. Жавдар буғдой унида сувда эрувчан моддалар кўп бўлгани учун магизнинг гидрофиллигини оширади ва суви қочишини секинлаштиради.

Магизнинг гидрофиллигини энг аввало, мальтоза ва глюкоза қиёми, декстринлар ва қанд моддалари, ҳамда ундириб янчилган буғдойдан тайёрланган ва юқори аминолетик фаолликка эга бўлган ферментли препаратлар оширади. Бундай препаратларнинг α-амилазаси крахмал молекуласини дезагрегастиялайди ва бу крахмалнинг кристалли структураларининг ҳосил бўлишини секинлаштиради деб ҳисобланади.

Эрувчан ва оддий крахмал ноннинг суви қочиш жараёнини тезлаштиради. Уннинг оқсил протеинли комплексининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи сифат яхшиловчилар (калий бромат, аскорбин кислотаси ва бошқалар) ҳамда оқсилга бой маҳсулотлар (яхши клейковина-ёпишқоқ оқсил, соя уни, творог ва бошқалар) маҳсулотнинг яхши сақланишини таъминлайди.

2) Технологик режимнииг таъсири. Опара ва хамирни кучли қоришириш сувда эрувчан моддаларнинг йигилишига, ун коллоидларининг яхши гидратастияланишга ва ноннинг яхши сақланишига сабаб бўлади. Суюқ опарада тайёрланган ноннинг опара усулида тайёрланмаган маҳсулотларга қараганда секинроқ суви қочади.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 170-180 бет
2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет.

6-маъруза.Нон маҳсулотларини сақлаш.

Нон ёпишнинг нон узоқ сақланадиган алоҳида усули мавжуд. Нонни ёпиқ қолипларда 110-120 °C ҳарорат остида 24 соат давомида пиширилади, сўнгра стерилизацияланади ва қадоқланади. Бундай усулда тайёрланган ноннинг бир неча йилгача суви қочмайди.

3) Нонни сақлаш шароитлариниң таъсири. Ноннинг узоқ вақт яхши сақланиши учун уни ёпиқ камераларда ҳавонинг ҳарорати 27-30 °C ва нисбий намлиги 80-85 °C бўлган шароитда сақлаш керак бўлади. Маҳсулотларни ёпиқ контейнерларда сақлаш ҳам ноннинг суви қочишини секинлаштиради. Суви қочган нонни юмшатиш уни мағиз марказида 60 °C гача бўлган ҳароратда қиздириш йўли билан амалга оширилади, лекин бундай ноннинг қайтадан суви қочиши жараёни тез кечади (4-5соат).

Нонни сақлаш давомийлиги, соат	Ноннинг янгилиги, %	Ноннинг қотиши, %
4	100	-
6	100	-
8	91,4	8,6
12	80,0	20,0
24	2,6	97,4
48	-	100

Назорат саволлар

1. Нон маҳсулотларини қайси шароитларда сақлаш керак?
2. Нон маҳсулотларини сақлашда қандай жараёнлар содир бўлади?
3. Ноннинг суви қочишига таъсир қилувчи омиллар?
4. Ноннинг суви қочишини секинлаштирувчи омиллар?
5. Ноннинг суви қочиши жараёни даврларини изоҳланг?
6. Ноннинг қотиши нима?
7. Ноннинг сақлаш шарт-шароитларини тушунтиринг?
8. Нон маҳсулотлари музлатилган ҳолда сақлашнинг афзаликлари нимада?

Мавзуга оид мустақил иш топшириқлари:

1. Ноннинг қотишига қарши чора тадбирлар.

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
- 2.Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
- 3.Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
- 4.Пашенко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.-М.:КолосС, 2006.-389с.
- 5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.

7-маъруза.Нон чиқиши мөъёри.

Режа:

- 7.1. Нон чиқиши хамирни тушунча.
- 7.2. Нон чиқиши мөъёри.
- 7.3. Нон чиқишини асословчи омиллар.

Таянч сўз ва иборалар:Нон чиқиши,хамир чиқиши, технологик сарфлар, технологик йўқотишлар,бижғишида куруқ моддаларни сарфи, хамирни бўлаклашда уннинг сарфи, пиширишдаги сарфлар, сақлашдаги сарфлар,

1- савол баёни: Нон чиқишини тажрибавий ишлаб чиқариш пишириши ёрдамида назорат қилиш. Ноннинг чиқишини тажрибавий ишлаб чиқариш пишириш ёрдамида аниқлашда сарфла нган ун ва ундан тайёрланган нон аниқ ҳисобга олинади.

Порстияли усулда хамир тайёрлашда мазкур нон нави учун рестептурада белгиланган ун ва хом ашёлар ўлчанади, хамирнинг намлиги, пиширишдаги, сақлашдаги сарфлар ва бошқалар назорат қилинади, шу билан бирга жараён параметрлари ҳам ҳисобга олинади. Хамирдан тайёрланган маҳсулотнинг миқдори ҳар бир нонни ўлчаш билан ёки бир дона маҳсулот массасига маҳсулотлар сонини кўпайтириш йўли билан топилади.

Узлуксиз усулда хамир тайёрлашда чиқиши назорат қилиш маълум вақт оралиғида амалга оширилади. Назорат вақтидаги уннинг сарфни хамирнинг намлиги аниқлаш ва олинган хамирнинг массасини ўлчаш билан амалга оширилади. Хамир массасини аниқлаш учун бўлаклагичдан чиқаётган хамир бўлакларининг массаси ўлчанади ва пиширишга келаётган хамир бўлаклари саналади. Хамир зувалаларининг ўртача массасидан ва сонидан хамир миқдори аниқланади. Шу катталиқдан ва хамирнинг намлигидан сарфланган уннинг миқдори аниқланади. Уннинг сарфи ва тайёрланган маҳсулот миқдорига кўра ноннинг чиқиши аниқланади.

Ноннинг чиқишини ҳисоб йўли билан назорат қилиш. Ноннинг чиқиши маҳсус услугбият (йўриқнома) кўрсатмаларига риоя қилинган ҳолда аниқланади.

Ноннинг чиқиши хамирнинг чиқиши, йўқотишлар ва технологик сарфларнинг миқдорларига боғлиқ. Ноннинг чиқиши қўйидаги формула билан аниқланади:

$$Q_h \dots Q_x = (Y_{un} \cdot K_{y.u.x.meh} \cdot C_{bij} \cdot C_{boul} \cdot C_{p.c} \cdot C_{c.c} \cdot K_{yushok} \cdot K_{dn} \cdot K_{ya.m.n.i.})$$

бу ерда

Q_h - 100 кг ун ва рестептурада кўрсатилган хом ашёлардан ноннинг чиқиши, кг;

Q_x - 100 кг ундан хамирни чиқиши, кг.

Технологик сарфларга (C) қўйидагилар киради:

C_{bij} - ярим тайёр маҳсулотларнинг (суюқ ачитқилар, хамиртурушлар, опара, хамир) бижғишидаги куруқ моддаларнинг сарфлари, кг;

C_{boul} - хамирни бўлаклашга ун сарфи, кг;

$C_{p.c}$ - хамир маҳсулотларининг пиширишдаги сарфлар, кг;

$C_{c.c}$ - нонни сақлашдаги сарфлар, кг;

Технологик сарфлардан қутилишнинг иложи йўқ, чунки уларсиз қоникарли сифатга эга бўлган маҳсулот тайёрлаб бўлмайди. Шунинг учун кам миқдордаги технологик сарфлар билан сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, технологларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Технологик йўқотишларга (Y) қўйидагилар киради:

Y_{un} - ярим тайёр маҳсулотларни коришдан олдинги ун йўқотилиши, кг;

1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 180-194 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет.

7-маъруза.Нон чиқиши меъёри.

$\bar{Y}_{y,x,meh}$ - хамирини қоришдан печкага қўйишгача бўлган вақтдаги хамирнинг ва уннинг механик йўқотилиши, кг;

\bar{Y}_{ushok} - нонни қолипда чиқариш ва транспортёр билан нон сақлаш хонасига ташиш вақтидаги ушоқлар кўринишидаги йўқотилишлар, кг;

\bar{Y}_{dn} - доналик ноннинг массасидаги ноаниклиқдан юзага келадиган йўқотишлар, кг;

$\bar{Y}_{ya.m.k.i}$ – яроқсиз нонни қайта ишлашдаги йўқотишлар, кг.

Йўқотишлар технологик жиҳатдан кераксиз бўлиб, жиҳозларнинг ёки улардан фойдаланишининг талабга жавоб бермаслиги туфайли юзага келади. Шуининг учун бу йўқотишларни камайтириш, иложи бўлса бартараф этиш, технологларнинг вазифаси ҳисобланади.

Хамирнинг чиқиши қўйидаги формула билан аниқланади:

$$Q_x \dots Q_{x,a} \cdot (100 - W_{x,a}) / (100 - W_x),$$

бу ерда

Q_x - хамирнинг чиқиши (100 кг ундан)/ кг;

$Q_{x,a}$ - хамир тайёрлашга (100 кг ундан) сарфланган хом ашёлар массаларининг йиғиндиси, кг;

$W_{x,a}$ - хом ашёларнинг ўртacha ўлчамма намлиги, %;

W_x - хамирнинг қог чиқиши миқдори намлиги 14,5% бўлган 100 кг ун учун ҳисобланади.

Ноннинг чиқишини асословчи омиллар. Ноннинг чиқишига уннинг намлиги ва нонвойлик хусусиятлари, хамирнинг намлиги, қўшимча хом ашёларнинг миқдори, технологик сарфлар ва йўқотишларнинг миқдори ва шу билан бирга алоҳида технологик омиллар ҳам таъсир қиласди.

Уннинг намлиги. Уннинг намлиги қанчалик паст бўлса ноннинг чиқиши меъёларини ҳисоблаш ва белгилаш намлиги 14,5% бўлган унга кўра аниқланади. Бунда намлиги 12% дан кам бўлган унни намлиги 12% бўлган унга tengлаштириб олинади. Уннинг намлигининг 1% га ўзгариши ноннинг чиқишини 1,3...1,7% га ўзгартиради.

Ун намлигининг 14,5% намлиқдан четга чиқишида ноннинг режадаги чиқиши амалдаги ун намлигига кўра қайтадан ҳисобланади.

$$Q_h \dots Q_{h,p} \cdot 100 - [100 - (14,5 - W_{yh})],$$

бу ерда

$Q_{h,p}$ - ноннинг режадаги чиқиши, кг;

W_{yh} - уннинг намлиги, %.

Амалдаги ноннинг чиқишини намлиги 14,5% бўлган унга қайтадан ҳисоблаш қўйидаги формула билан амалга оширилади:

$$Q_{h,14,5} \dots Q_h \cdot [100 - (W_{yh} - 14,5)] / 100.$$

Уннинг нонвойлик хусусиятлари. Нонвойлик хусусиятларида камчилик мавжуд бўлган ундан ноннинг режаланганди чиқишини таъминлаш, сўзсиз ноннинг сифатини пасайтиришга олиб келади. Буларга тошбақасимон бит билан заарланган, умуман клейковинасининг миқдори ва сифати пасайган ва униб чиқсан буғдойдан олинган ун киради.

Бундай ундан тайёрланган ноннинг чиқишининг пасайишига хамир тайёрлашга солинадиган сув миқдорининг камайиши сабаб бўлади. Зоро, бундай ундан қабул қилинган

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 180-194 бет
2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет.

7-маъруза.Нон чиқиши мөъёри.

намлиқда хамир тайёрланса, уни бўлакловчи машиналарда бўлаклаб бўлмайди.

Сифатида камчилик мавжуд бўлган ундан нон тайёрлашда хамир намлигини 1% га камайтириш билан, ноннинг режадаги чиқишини 3% га камайтиришга рухсат этилади. Хамирнинг намлиги ва ноннинг чиқишининг пасайтирилиши, фақатгина ушбу ундан тажрибавий пиширишлар натижаси бўйича тузилган ва тасдиқланган хужжат асосида амалга оширилади.

Кўшимча хом ашёнинг микдори. Юқоридаги формуладан кўриниб турибдикি қўшимча хом ашёнинг микдори қанчалик кўп бўлса, ноннинг чиқиши ҳам шунчалик юқори бўлади. Кўшимча хом ашёларнинг микдори нон навлари учун рестептураларда белгиланган бўлади.

Кўшимча хом ашёларнинг турлари ва микдори фақатгина асосан нон маҳсулотлари учунгина эмас, балки барча нон маҳсулотлари рестептураларида белгиланган бўлади.

Бу рестептуралар нонвойлик корхоналари учун муҳим бўлиб, улардан четга чиқиш, ҳаттоқи бошқа хом ашёлар билан алмаштириш, фақатгина хом ашёларни ўзаро алманиниш тасдиқланган қоидаларга асосан амалга оширилади.

Буғдой унидан тайёрланган нон ва нон маҳсулотлари рестептурасида фақатгина прессланган ачитқилардан фойдаланиш кўзда тутилган.

Бир қатор корхоналарда бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда суюқ ёки суюқ ва прессланган ачитқилардан фойдаланилади. Баъзи ҳолларда қуруқ ачитқилардан ва фойдаланишга тўғри келади. Бу ҳолларда фойдаланилаётган ачитқиларнинг микдори уларнинг сифатини (кўтариш кучи) аниқлаш билан белгиланади.

Хамирнинг ва ноннинг намлиги. Хамирнинг намлиги қанчалик юқори бўлса ноннинг чиқиши ҳам шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун хамирга солинадиган сувнинг микдорини тўғри аниқлаш, корхонада белгиланган чиқишдаги нонни ишлаб чиқаришни таъминлашнинг асосий шарти ҳисобланади.

Керагидан ортиқча сувдан фойдаланиб ноннинг чиқишини ошириш, ноннинг намлигини оширишга ва шунинг билан истеъмолчиларнинг манфаатларига зарар етказишига сабаб бўлади.

Ноннинг намлиги белгилаб қўйилади. Стандартларда намлик ноннинг асосий физик-кимёвий сифат кўрсаткичларидан ҳисобланади ва нон мағзининг мумкин бўлган намлигини максимал қийматини белгилайди.

Амалиётда аниқланганки, жайдари ундан тайёрланган хамирнинг намлиги мазкур нон мағзи учун стандартда белгиланган намлиқдан 1...2% юқори бўлиши мумкин.

Массаси 0,5 кг дан юқори бўлган навли буғдой унидан тайёрланган хамирнинг намлиги нон мағзи намлигидан 0,5...1% юқори бўлишига рухсат этилади. Олий ва I навли ундан тайёрланган кичик донали нон маҳсулотлари хамирининг намлиги одатда шу маҳсулот мағзининг белгиланган намлигига teng бўлади.

Агар хамирнинг намлиги ва мос равишда нон мағзи намлигининг ўзгариши технологик сарфларнинг (биринчи навбатда пиширишдаги ва сақлашдаги сарфлар) ўзгаришига таъсир қилмаган эди, хамир намлигининг 1% га ўзгариши 100 кг ундан тайёрланган ноннинг чиқишини 2,5...3,7 кг га ўзгарган бўларди.

Хатто бу омилнинг пиширишдаги ва сақлашдаги сарфларга таъсир қилишини ҳисобга олганда ҳам хамир намлигининг 1% га оширилиши турли нон навлари чиқишини 2...3,5% га ошириши мумкин.

Бундан кўриниб турибдики, хамирнинг намлиги нонвойлик корхонасининг тажрибахонаси томонидан назорат қилиб туриладиган асосий кўрсаткичларидан бўлиши керак.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 180-194 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет.

7-маъруза.Нон чиқиши мөъри.

Бу кўрсаткич нафақат ноннинг чиқишига таъсир этади, балки бўлажак нон мағзининг намлигини аниқлашда ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Хамир ва нон намлиги аниқлашдаги фарқ шундаки, ноннинг намлиги нонни корхонадан олиб кетгандан сўнг маълум бўлган ҳолда, хамирнинг намлигини уни қориб бўлингандан сўнг текшириш билан аниқланиши мумкин.

2- савол баёни: Технологик йўқотиш ва сарфларнинг ноннинг чиқишига таъсири. Ноннинг чиқишини ҳисоблаш формуласини кўриб чиқсанда, биз нон ишлаб чиқариш жараёнда юзага келадиган алоҳида йўқотиш ва сарфлар билан танишгандик. Энди ана шу йўқотиш ва сарфларнинг ноннинг чиқишига қандай таъсир қилишини кўриб чиқамиз.

Ярим тайёр маҳсулотларни қоришдан олдинги уннинг йўқотилиши (\bar{Y}_{un}). Булар унни қабул қилишдан ярим тайёр маҳсулотларни (хамир, опара, хамиртуруш ва бошқалар) қоришгача бўлган йўқотишлар, яъни унни қабул қилишдаги чангланиш, сақлаш, узатиш, элашда ва қоплардан бўшатишда (қопларда сақлашда) юзага келадиган йўқотишларнинг иборат. Ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилмаслик оқибатида ярим тайёр маҳсулотларни қоришгача бўлган уннинг йўқотилиши (q_{un} , %) омборхонага келтирилган уннинг 0,03...0,11% ни ташкил қилиши мумкин.

Унни қопсиз усулда қабул қилиш ва сақлаш, аэрозолташишни, қўллаш бу йўқотишларни 0,02% гача пасайтириш имкониятини беради.

Уннинг йўқотилиши \bar{Y}_{un} (кг да) қўйидаги формула билан аниқланади:

$$\bar{Y}_{un} \dots q_{un} \cdot (100 - W_{un}) / (100 - W_x),$$

бу ерда

q_{un} - ярим тайёр маҳсулотларни қоришгача бўлган уннинг йўқотилиши, %.

Хамирни қоришдан печкага қўйишгача бўлган вақтдаги уннинг ва хамирнинг механик йўқотилиши ($\bar{Y}_{un.x.mech}$, кг). Опара, хамиртуруш, хамир тайёрлашда, шу билан бирга хамирни бўлаклаш ва тиндириш жараёнларида ун ва хамир йўқотилиши вужудга келади. Бу йўқотилишларнинг бир қисми нон тайёрлашда санитарик жиҳатдан яроқсиз бўлади. Бу йўқотилишларнинг ($q_{un.x.mech}$) қиймати хамирнинг структуравий-механик хоссалари ва технологик жиҳозларнинг ҳолатига боғлиқ бўлиб, 0,03...0,06% ни ташкил қилиши мумкин.

$\bar{Y}_{un.x.mech}$ нинг қиймати (кг да) қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\bar{Y}_{un.x.mech} \dots q_{un.x.mech} \cdot (100 - W_{opt}) / (100 - W_x),$$

бу ерда:

$q_{un.x.mech}$ - хамирни қоришдан печгача қўйишгача бўлган вақтдаги уннинг ва хамирнинг механик йўқотилиши;

W_{opt} - хамир тайёрлашга (100 кг ундан) сарфланган хом ашёларнинг ўртача намлиги, %.

Ярим тайёр маҳсулотларнинг бижғишидаги қуруқ моддаларни сарфланиши (C_{bijz}). Бу сарфлар ярим тайёр маҳсулотларнинг (суюқ ачитқилар, опара, хамир) бижғишида ва хамир зувалаларининг тиндиришида йўқотиладиган намлик, углерод икки оксиди, спирт ва учувчи кислоталар билан миқдори билан боғлиқ.

Хамир тайёрланганда бижғишдаги сарфланган қуруқ моддалар ва ҳосил бўлган углерод икки оксиди миқдори ҳакида, бугдой унидан тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар учун спирт миқдорини аниқлаб, жавдар унидан тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар учун спирт ва учувчан кислоталарнинг миқдорини аниқлаб хуноса чиқарилади.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 180-194 бет

7-маъруза.Нон чиқиши меъёри.

Уларнинг миқдоридан бижғишига сарфланган қурук моддаларнинг миқдори аниқланади.

Сбиж нинг аниқланган қиймати турли нон навлари учун 2,2...3,7 кг ни ташкил қиласди.

Хамир бўлаклашдаги ун сарфи ($C_{бўл}$). Тагдонли нон ва бўлка маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хамир бўлакларининг бўлакловчи машинасининг ишчи органларига, ташиб транспортёрларининг тасмаларига ёпишиб қолишининг олдини олиш учун хамир зувалаларининг юзасини ун билан ишлов беришга тўғри келади. Бу мақсад учун сарфланаётган ун, шу ундан хамир тайёрлангандаги миқдордаги сувни биритириб олмайди. Шунинг учун хамирни чиқиши, охирида эса ноннинг чиқиши ҳам камаяди. Бу йўқотишларнинг миқдори ($q_{бўл}$, %) турли маҳсулотлар навлари учун 0,12 дан 1,75% гача миқдорни ташкил қиласди.

$C_{бўл}$ нинг сон қиймати қўйидаги формула билан аниқланади:

$$C_{бўл} = \frac{(100 - W_x)}{(W_x - W_{ун})}$$

Хамирни бўлаклаш вақтидаги ун сарфини бўлакланаётган хамир бўлакларини ҳаво билан пуркаш ёки бўлакловчи ва ташиб жиҳозларининг юзасини антиадгезион гидрофоб пленка билан қоплаш билан камайтириш ёки бартараф этиш мумкин.

Пиширишдаги сарфлар ($C_{п.с.}$). Бу тушунча билан биз нон пишириш вақтида юз берадиган жараёнларни ўрганишда танишган эдик. Пиширишдаги сарфларнинг қиймати ($q_{п.с.}$, %) хамир маҳсулотларининг печга қўйиш вақтидаги ва пеҷдан чиққан иссиқ ноннинг массалари орасидаги фарқни билдиради ва фойзларда ифодаланади.

Пиширишдаги сарфлар-нонвойлик саноатининг энг катта сарфи хисобланади. Унинг қиймати турли хил нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 5-18% гача миқдорни ташкил қиласди.

$C_{п.с.}$ нинг миқдори қўйидаги формула билан аниқланади:

$$C_{п.с.} = q_{п.с.} \cdot [Q_x - (\bar{Y}_{ун} \cdot \bar{Y}_{ун.х.мех} \cdot C_{биж} \cdot Z_{бўл})] / 100,$$

$q_{п.с.}$ нинг қийматининг 1% га ўзгартирилиши ноннинг чиқишини 1,3...1,6 кг га ўзгартиришига олиб келади.

Сақлашдаги сарфлар ($C_{с.с.}$). Нонни сақлашда кечадиган жараёнларни ўрганишда биз бу сарфларнинг иссиқ нон ва ноннинг совугандан кейинги массаси фрасидаги фарқи эканлиги билан танишган эдик.

Турли нон маҳсулотларини нонвойлик корхонаси ва савдо тармоғида
сақланиш муддати

Нон ва нон маҳсулотларининг гурухлари	Нонвойлик корхонасида, соат	Савдо тармоғида, соат
Жайдари ва сидирма жавдар, жавдар-буғдой ва буғдой-жавдар жайдари унларидан тайёрланган нон	14	36
Эланган жавдар, жайдари ва навли буғдой унлардан тайёрланган ва массаси 200 г дан ортиқ бўлган нон маҳсулотлари	10	24
Массаси 200 г дан кам бўлган нон маҳсулотлари	6	16
Миллий нон маҳсулотлари	6	14

7-маъруза. Нон чиқиши мөъёри.

Нон маҳсулотларини пеҷда чиқарилгандан кейин корхонада сақлаш вақти чегараланган.

Агар савдо тармоғида кўрсатилган вақт ичида нон маҳсулотлари сотилмасдан қолса, улар эскирган ҳисобланиб, нонвойлик корхонасига қайтариб олиб келинади ва қайта ишланади.

Турли нон маҳсулотларини кўрсатилган вақт ичида нонвойлик корхонасида сақланишида ($q_{c.c.}$, %) нинг миқдори турли нон маҳсулотлари учун 2...6% ни ташкил қиласди.

$C_{c.c.}$ нинг миқдори қўйидаги формула билан аниқланади:

$$C_{c.c.} = q_{c.c.} \cdot [Q_x - (\bar{Y}_{\text{унк}} \bar{Y}_{\text{ун.х.мех.к}} C_{\text{биж}} C_{\text{бўл}} C_{\text{п.с}})] / 100,$$

Сақлашдаги сарфлар $q_{c.c.}$ миқдорининг 1% га ўзгариши ноннинг чиқишини 1,2...1,5 кг га ўзгаришига олиб келади.

Ноннинг ушоқ ва синиклар ҳолидаги йўқотилиши ($\bar{Y}_{\text{ушоқ}}$). Колиплардан нонни бўшатишда, нон маҳсулотларини вагонетка, лоток, контейнерларда ва бошқа қурилмаларда жойланганда санитарик жиҳатдан истеъмолга яроқсиз бўлган ушоқлар, синиклар ҳолидаги нон йўқотишлари вужудга келади. Агар бу чиқитлар санитарик ҳолати бўйича қайта ишлашга яроқсиз бўлса, улар йўқотишларга киради.

Ушоқлар ва синиклар ҳолидаги йўқотишларнинг ($q_{\text{ушоқ}}$, %) фоизлардаги миқдори совуган нон массасининг 0,02...0,03% ни ташкил қилиши мумкин.

$\bar{Y}_{\text{ушоқ}}$ нинг миқдори қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\bar{Y}_{\text{ушоқ}} = q_{\text{ушоқ}} \cdot [Q_x - (\bar{Y}_{\text{унк}} \bar{Y}_{\text{ун.х.мех.к}} C_{\text{биж}} C_{\text{бўл}} C_{\text{п.с}} C_{c.c.})] / 100,$$

Донали дон массасидаги ноаниқлик туфайли юзага келадиган йўқотишлар ($\bar{Y}_{\text{дн}}$). Бу йўқотишлар хамир бўлаклагичларнинг ноаниқ ишлаши, пиширишдаги сарфлар миқдори орасидаги фарқ, шу билан сақлаш шароитлари орасида фарқ туфайли юзага келади. Бу йўқотишларнинг миқдори ($q_{\text{дн}}$ %) нон миқдорига нисбатан 0,4...1,0% ни ташкил қиласди.

$\bar{Y}_{\text{дн}}$ нинг қиймати қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\bar{Y}_{\text{дн}} = q_{\text{дн}} \cdot [Q_x - (\bar{Y}_{\text{унк}} \bar{Y}_{\text{ун.х.мех.к}} C_{\text{биж}} C_{\text{бўл}} C_{\text{п.с}} C_{c.c.} \bar{Y}_{\text{ушоқ}})] / 100.$$

3- савол баёни: Нонни ишлаб чиқариш ва сақлаш жараённида қуруқ моддалар ва намлиknинг йўқотилиши ва сарфланиши. Юқорида 100 кг ундан тайёрланган нон чиқишини технологик йўқотишлар ва сарфларни ҳисобга олган ҳолда аниқладик. Лекин уларни қайси миқдори қуруқ моддалардан ва қайси миқдори намликдан иборат эканлигини кўзда тутмаганимиз.

Аммо технологик жараённинг у ёки бу босқичида намлиknинг ва қуруқ моддаларнинг йўқотилишини ҳисобга олиш керак. Булардан нон ишлаб чиқаришда қуруқ моддаларнинг сарфи алоҳида аҳамиятга эга.

Куруқ моддалар ва намнинг турли технологик сарфлар ва йўқотишлар таркибидаги миқдори турлича бўлади.

Хамир тайёрлашгача даврдаги йўқотилган ун таркибининг 85,2...87,7% ни қуруқ моддалар ва 14,8...13,3% ни намлик ташкил қиласди. Хамир тайёрлаш ва хамирни бўлаклаш жараёнларида йўқоладиган ун ва хамир таркибининг 60,3...67,3% ни қуруқ моддалар, 39,7...37,2% ни намлик ташкил қиласди. Бу йўқотишларда хамирнинг миқдори қанчалик кўп бўлса, қуруқ моддалар миқдори шунчалик кам бўлади.

Ярим тайёр маҳсулотларнинг бижғишидаги сарфларни фақатгина қандга ҳисобланган қуруқ моддаларнинг спиртли ва кислотали бижғишга сарфи ташкил қиласди.

¹ 1. Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 180-194 бет

2. Айходжаева Н.К., Джакхангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет.

7-маъруза.Нон чиқиши меъёри.

Хамирни бўлаклашда сепиладиган ун йўқолмайди, чунки хамир маҳсулотларининг юзасига ёпишиб уларнинг таркибига киради. Бунда ёпишиб қолган ун сингдириб олиши мумкин бўлган намлик хисобга олинмайди. Уннинг ёпишмасдан қолган қисми йифиб олиб қайтадан ишлатилади ёки санитарик жиҳатдан яроқсиз деб, топилгандага механик йўқотишларга киритилади.

Хамир зувалаларини пиширишда массасининг камайиши яъни пиширишдаги сарфларнинг 95...97% ни сув буғлари ташкил қиласиди. 1,5-2% гачасини спирт буғлари, 0,1...0,3% ни учувчи кислоталар ташкил қиласиди. Бу сарфларнинг массасига углерод икки оксидининг маълум қисми ҳам киради.

Сақлашдаги сарфларнинг 98...99% ни сув буғлари ташкил қиласиди. Қолган 1...2% ни енгил учувчи моддалар: спиртлар, учувчи кислоталар, корбонил бирикмалари ташкил қиласиди.

Ноннинг ушоқ ва синиқлар ҳолидаги йўқотилиши миқдорининг 85...95% ни қуруқ моддалари ташкил қиласиди.

Нон маҳсулотлари массасининг ноаниқлигидан юзага келган йўқотишларнинг таркибига нон навига мос миқдорда қуруқ моддалар ва намлик киради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки нон ишлаб чиқаришдаги йўқотиш ва сарфларни камайтиришга қаратилган чора ва тадбирлар, технологик жиҳатдан кераксиз бўлган катта йўқотишларни, энг асосан пиширишдаги ва сақлашдаги сарфларни, инсоннинг озукасида зарур бўлган қуруқ моддаларнинг йўқотилишини камайтиришга қаратилган бўлиши керак.

Иш давомида нонда сифат бузилиши 0,02% ташкил қиласиди. Хамир қоришида маҳсулотдан унумли фойдаланишни қаттиқ назорат қилиш сарфлаш ва йўқотиш кўрсаткичларининг кўтарилишига олиб келади.

Катта сарфланган ва йўқотиш ташкилотларни ва ишлаб чиқариш жараёнини етишмовчиликка олиб келади. Шунинг учун ташкилотларда тежамкор бўлиш талаб этилади.

Унни тайёрлаш, уни қоплаш, қўл кучи билан эмас механизастия орқали бажарилади, ҳамда уннинг нон қоришида кўп чиқинди чиқмаслик учун сифатини сақлаш хисобга олинади. Нон тайёрлаш давомида (2-3) уч % ташкил этади. Хамир қоришини тез бажариш давомида камайиши мумкин. Иш давомида асосий оғирлик механизастия нон ишлаб чиқаришда ишчиларни хамир қорища механизастия ҳаракат қилувчи бўлимда бўлади.

Хамир асбобларга ёпишмаслиги учун 1% ун сарфланади. Ундан бундай фойдаланиш санитария қоидаларига тўғри келмаяпти. Шунинг учун ҳозирги вақтда хамирни бўлища ундан эмас, полимердан фойдаланиляпти.

Хамир қорилгандан кейин усти қотиб кетмаслиги учун санитария қонун қоидаси асосида ёпиб қўйилади. Хамирнинг намланишини пасайиши 1% нормада бўлганда нон чиқаришда уннинг қўшилиши 2-2,5% камайтиради. Шунинг учун тавсия этиладики сменада 2 марта хамирнинг намлигини назорат қилиб туриш керак.

Назорат саволлари.

1. Нонни чиқиши ибораси нимани англатади?
2. Хамирнинг чиқиши деганда нима тушинилади?

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 180-194 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет.

3. Нима учун ноннинг чиқиши нонвойлик корхоналарининг муҳим техник иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланади?
4. Технологик сарфлар ва технологик йўқотишлар орасида қандай фарқ бор?
5. Хамирни қоришда уннинг механик равишда йўқолиш сабабларини тушунтириб беринг?
6. Саноатда ноннинг чиқишини аниқлаш учун қандай усувлардан фойдаланилади?
7. Намунавий нон ёпиш усули орқали нон чиқишини назорат қилишнинг моҳияти нимада?
8. Ҳисоб услуби билан нон чиқишининг назорат қилишининг моҳияти нимада?
9. Технологик сарфлар ва технологик йўқотишларнинг орасида қандай фарқ мавжуд?

Мавзуга оид мустақил иш топшириқлари:

1. Тайёр маҳсулотни сақлаш учун жиҳозлар турлари ва уларнинг аҳамияти

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
- 2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
- 3.Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
- 4.Пашенко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.-М.:КолосС, 2006.-389с.
- 5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.

8-маъруза.Нон нуқсонлари ва касалликлари.

Режа:

8.1. Ярим фабрикатларнинг сифатсиз, тайёрланиши натижасида нуқсонли нонларни ҳосил бўлиши.

8.2. Хамирни нотўғри бўлаклаш натижасида юзага келадиган нуқсонлар.

8.3. Нотўғри пишириш натижасида юзага келадиган нуқсонлар.

8.4. Ноннинг мөгорлаши.

8.5. Ноннинг бошқа касалликлари.

Таянч сўз ва иборалар:Нон маҳсулотларини сифати, оксидловчи таъсирига эга бўлган яхшиловчилар, оксидланиш жараёни нонни ташқи кўринишининг нуқсонлари, нон мағзининг нуқсонлари,ноннинг таъми ва хидининг нуқсонлари, технологик жараёнининг бузилиши натижасида юзага келадиган нуқсонлар.

1- савол баёни: Нон ва нон маҳсулотларини сифатини баҳолашда уларнинг ёки бу нуқсонларини учратиш мумкин. Ноннинг энг кўп тарқалган нуқсонларидан бўлиб, ҳажмининг кичикилиги, тагдонли маҳсулотларнинг ёйилганлиги, қолипли ноннинг юқори қобигининг текис ва ботиқ бўлиши, нон юзасидаги доғлар, шишлар, тирқишилар, ёриқлар, қобиқнинг ялтироқ бўлмаслиги, ҳаддан ортиқ қора ва оч рангли қобиқ ва бошқалар хисобланади.

Ноннинг мағзида қўйидаги нуқсонлар учрайди: ёпишқоқлик мағизнинг зичлашган ғоваксиз қатлами, бўшлиқлар ривожланмаган ва текис бўлмаган ғоваклик, қорилмасдан қолган ун, мағиз рангининг ортиқча қоралиги ва бошқалар.

Таъм ва ҳиднинг нуқсонларига қўйидагилар киради: аччиқ, ортиқча нордон, тузсиз, шўр таъм, бегона таъм ва ҳидлар.

Унга кум ёки бошқа минерал аралашмаларнинг тушиши натижасида нонни чайнашда тиш орасида фижирлап сезилади.

Ноннинг нуқсонлари ун ва қўшимча хом ашё сифатининг пастлиги, ишлаб чиқариш технологик тартибининг, нонни сақлаш ва ташиш шароитларининг бузилиши натижасида юзага келиши мумкин.

Бошқа сабабларга кўра нуқсонли ун. Етилмаган ва газ ҳосил қилиш қобиляти етарли бўлмаган ун туркумларини шундай аралаштириш керакки, бунда бирининг камчилигини иккинчисининг афзалликлари билан тўлдириб турсин. Яна етилмаган ундан фойдаланилганда уннинг етилишини тезлаштирадиган оксидловчи таъсирига эга бўлган яхшиловчилардан фойдаланиш керак.

Газ ҳосил қилиш қобиляти етарли бўлмаган ундан нон тайёрланганда хамирга қайнатма ёки солод препарати, ҳатто унган дондан тортилган ундан ҳам бир оз миқдорда қўшиш мумкин.

Ҳаддан ортиқ юқори ҳароратларда қуритилган дондан олинган ун ҳам нонвойлик нуқтаи назаридан нуқсонли хисобланади Бундай ундан ювиб олинадиган клейковинанинг миқдори кам намлиги юқори ва уннинг хусусиятлари талабга мос эмас. Уннинг клейковинаси қалта узувчан, ушоқланадиган бўлади, яъни клейковина чўзилиш ва узайиш хоссаларини йўқотади.Клейковина хоссаларининг бундай ўзгаришига дон оқсилларининг денатурастияланиши, протеиназанинг нофаоллиги сабаб бўлади.Бунда дон амилазасининг фаоллиги унчалик камаймайди.Бундай ундан тайёрланган ноннинг ҳажми кичик, ғоваклиги кам ривожланган, мағзи зич бўлади. Қобигида қандларнинг миқдори етарли бўлса ҳам, уннинг ранги оқ бўлади. Бу протеиназанинг бутунлай нофаоллиги ва бунинг натижасида хамирда қайтарувчи қандлар

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 214-224 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет.

8-маъруза.Нон нуқсонлари ва касалликлари.

билин таъсирашиб тўқ рангга эга меланоидинлар ҳосил қилувчи протестин маҳсулотларининг йўқлиги билан тушунтирилади.

Бундай ундан хамир тайёрланганда опаранинг намлигини ва ундан уннинг миқдорини (60-70% гача) ошириш, оқ солодли қайнатмалардан фойдаланиш, опаранинг бижғиши вақтини узайтириш, ноиноген СФМ ва мөгор замбуруғларидан тайёрланган фермент препаратлардан, қайтарувчи таъсирига эга яхшиловчилардан фойдаланиш керак.

Ноннинг сифати паст бўлган қўшимча хом ашёни қўллаш туфайли юзага келган нуқсонлари. Сифати ёмон ачитқилардан фойдаланилганда маҳсулот ёйилган бўлиб унинг юзасида ёриклар мавжуд. Хамир узоқ вақт ва ёмон бижғийди. Бундай ҳолларда ачитқиларнинг миқдорини ошириш, суюқ ачитқиларнинг озиқасини яхшилаш керак. Ачиған ёғдан фойдаланилганда тайёр нондан ачиған ёғнинг таъми келади. Бундай ҳолларда ёғни алмаштириш керак.

2- савол баёни: Аввало ноннинг нуқсонлари хамир тайёрлаш мувофиқ тартибидан четга чиқиши натижасида юзага келади.

Уннинг, сув, туз, ачитқи ва қўшимча хом ашёларнинг нотўғри дозаланиш туфайли ҳам нонда нуқсонлар ҳосил бўлиши мумкин.

Ун ва сувни нотўғри дозаланиши туфайли хамирнинг белгиланган намлигидан четга чиқиши, фақатгина нонни тайёрлаш жараёнига эмас, балки уннинг сифатига ҳам таъсири қиласи. Хамир намлигининг юқори бўлиши тагдонли маҳсулотларнинг ёйилувчан бўлишига ва магизнинг ёпишқоқлигига ва ноннинг озиқавий қийматининг паст бўлишига сабаб бўлади. Намлиги паст бўлган хамирдан тайёрланган ноннинг ҳажми кичик, тагдонли маҳсулотларнинг шакли юмалоқ, мағзи қуруқ ва увоқланадиган бўлади.

Хамирнинг етарлича қорилмаслиги магизда қорилмасдан қолган уннинг мавжуд бўлишига сабаб бўлади. Бунга хамирнинг етарлича давом этмаслиги ёки қориш жиҳозларининг техник ҳолатининг талабга жавоб бермаслиги сабаб бўлади. Масалан дежаларнинг пачоқ бўлиши ва ички тузилишининг нотўғри бўлиши натижасида хамир қоришнинг етарлича давом эттирилганлигига ҳам дежанинг остида қорилмаган ун қавати мавжуд бўлади.

Кучсиз ундан тайёрланган хамирнинг узоқ вақт давомида қорилиши ҳам хамирнинг структуравий-механик хоссаларининг ёмонлашишига ва суюқланишига сабаб бўлади. Ноннинг ҳажми кичик ва тагдонли маҳсулотлар ёйилган бўлади.

Хамирнинг белгиланган ҳароратидан четга чиқиши ҳам бижғиши давомийлигига ва хамирнинг структуравий-механик хоссаларига, шу билан бирга ноннинг сифатига таъсири қиласи.

Хамир ҳароратининг юқори бўлиши бижғишининг тез боришига сабаб бўлади. Бунинг натижасида пишириш вақтида келиб хамирда нон қобигини рангини таъминловчи қандларнинг миқдори кам бўлади ва қобиқнинг ранги оқ бўлади. Бундай ноннинг кислоталилиги юқори бўлади, нон бу кўрсаткичи бўйича стандарт талабини қаноатлантиришади. Ноннинг бу нуқсонлари ҳарорати нормал бўлган хамирни узоқ вақт бижғитиши натижасида ҳам юзага келиши мумкин.

Хамир ҳароратининг паст бўлиши ва етарлича бижғитилмаслиги натижасида у бўлаклашга ва пиширишга етарлича бижғитилмасдан боради. Бундай ҳолларда нон етарлича бўялган ва қорайган пуфакчаларга эга бўлган қобиққа эга бўлади. Бундай ноннинг мағзи пастки кислоталикка ва ачитқи таъмига эга бўлади. Етилмаган хамирдан тайёрланган ноннинг қобигида кўп ҳолларда ёриклар ва тирқишилар мавжуд бўлади.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 214-224 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

8-маъруза.Нон нуқсонлари ва касалликлари.

Хамирнинг бижгиши вақтида ҳавонинг нисбий намлигининг паст бўлиши натижасида хамир юзасида қуруқ қатlam ҳосил бўлиши мумкин. Бундай хамирдан пиширилган ноннинг мағзида зичланган ва қорамтири қатламлар пайдо бўлиши мумкин.

Хамирни «муштланмаганда» нон ҳажмининг паст бўлиши ва мағзи ғоваклигининг бир текис бўлмаслиги қузатилади. Хамирни, асосан кучсиз ундан тайёрланган хамирнинг, кўп «муштланганда» унинг структуравий-механик хоссалари ёмонлашади ва ноннинг ҳажми кичик бўлади. Тагдонли зувалалар ёйилувчан бўлади.

Ноннинг хамирнинг нотўғри бўлаклаш натижасида юзага келадиган нуқсонлари. Хамирнинг бўлаклаш ва тоблаш вақтида, етарлича ишлов берилмаслиги нон мағизи ғоваклигининг текис бўлмаслигига, катта бўшлиқлар ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Булка маҳсулотарни тайёрлашда думалатиш босқичининг бўлмаслиги натижасида маҳсулотларнинг ҳажми кичик ва ғоваклиги етарлича текис тарқалмаган бўлади.

Хамир бўлакларининг тоблашдан кейин шаклнинг нотўғри бўлиши тайёр маҳсулот шаклига таъсир қиласи.

Ноннинг сифатига тиндиришнинг етарлича бўлмаслиги ва керагидан ортиқ бўлиши, тиндириш кетаётган муҳит намлигининг етарлича бўлмаслиги ҳам таъсир қиласи.

Етарлича тиндирилмаган хамир маҳсулотлари печга қўйилса, бир мунча вақт ўтгандан сўнг уларнинг юзасида ёриқлар ҳосил бўлиб, бу ёриқлардан мағиз оқиб чиқади. Тагдонли маҳсулотларнинг шакли ортиқча тиндиришда ёйилган бўлади. Қолипли маҳсулотларнинг етарлича тиндирилмаслиги натижасида юқори қобиғи думалоқ ва ёрилган, керагидан ортиқ тиндирилганда эса текис ёки ботиқ бўлади.

3- савол баёни: Ноннинг нотўғри пишириш натижасида юзага келадиган нуқсонлари хамир зувалаларининг печ тагдонига қўйиш қоидалари ва пишириш режимларининг бузилиши турли хил нуқсонларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Тагдонли маҳсулотларни тиндириш шкафидан печга кўчириш вақтида эътиборсизликка йўл қўйилиши натижасида маҳсулот деформацияланиши мумкин. Хамир маҳсулотларини печ тагдонига қўйишда кучли силкитилиши ва зарб билан қўйилиши қобиқнинг ажралиши, мағизда бўшлиқлар ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Хамир маҳсулотларини ўтмас ва сув билан намланган пичноқ билан кесилиши натижасида қирқимлар нотекис, тожи эса қўпол ва қалин бўлади.

Пишириш давомийлигининг ошириши нон қобиғининг қалин бўлишига ва қуйишига олиб келади. Пишириш давомийлигининг етарлича бўлмаслиги нон мағзининг суркалувчан, нам ва хом, қобиғининг оқ рангда бўлишига олиб келади. Пишириш ҳароратининг юқори бўлиши нон қобиғининг қалин ва қора бўлишига ёки мағизнинг етарлича пишмаган, хом бўлишига олиб келади. Пишириш ҳароратининг паст бўлиши ноннинг мағзининг етарлича пишмаслигига ва қобиғининг оқ рангда бўлишига ёки қобиғининг ҳаддан ортиқ қалин бўлишига олиб келади. Тагдонли маҳсулотлар бунда ортиқча ёйилган бўлиши мумкин.

Пишириш жараёнининг биринчи босқичида пишириши камерасининг етарлича намланмаслиги нон қобиғининг ялтирамайдиган, ёйилган бўлишига сабаб бўлади. Бу босқичда хамир юзасига сув томчиларининг тушиши ўз жойда қора рангли доғлар, баъзида қобиқ юзасида куйган пуфакчалар ҳосил бўлишига олиб келади.

Пишириш камерасининг бир хилда қиздирилмаслиги маҳсулотнинг турли хилда пишишига сабаб бўлади.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 214-224 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакхангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

8-маъруза.Нон нуқсонлари ва касалликлари.

Нонни пиширишдан кейин нотўғри ташиш ва сақлаш натижасида юзага келадиган нуқсонлари. Нонвойлик корхоналарида нон печдан айланувчи столга тасмали транспортёр билан олиб келинади. Бир транспортёрдан иккинчисига ўтишда нон деформастияланиши ёки механик шикастланиши мумкин.

Қолипли жавдар нонида баъзида пастки қобигида зичлашган мағизсиз қорамтири қатлам ҳосил бўлади. Ноннинг бу нуқсонининг юзага келишининг асосий сабаби нонни ташишда, тахлашда ва иссиқ нонни вагонеткаларда сақлашда сиқилиши ва зичланиши сабаб бўлади.

Иссиқ нонни ёпиқ яшикларга жойлашда нон қобигининг намлиги тезда ортади ва қобик мўртлиги ва қаттиқлигини йўқотади. Иссиқ нонни зич қилиб ёки устма-уст қилиб стеллажларга жойланганда ҳам шу ҳодиса кузатилади. Бунда ноннинг пастки қаторлари деформастияланади.

Ноннинг нуқсонларини юзага келишининг сабабларини ўрганиш.
Нонвойликнинг илмий асосларини билган ҳолда белгиланган жараёндан четга чиқиш нон сифатига қандай таъсир қилишини олдиндан тасаввур қилиш мумкин.

Нон сифатидаги нуқсоннинг юзага келишининг аниқ сабабини аниқлаш эса анча қийинчилик туғдиради. Чунки бир нуқсоннинг юзага келишининг бир нечта сабаблари бўлиши мумкин.

Масалан, тагдонли буғдой ноннинг ёйилган бўлиши қуйидаги сабаблар натижасида юзага келиши мумкин: уннинг кучсиз бўлиши, хамир намлигининг ортиқча бўлиши, қоришга ва «муштлашнинг» узоқ давом этиши, бижғиши ҳароратининг ёки давомийлигининг юқори бўлиши, ачитқиларнинг сифатини паст бўлиши, тиндиришнинг узоқ давом этиши ёки тиндириш ҳароратининг ва ҳаво намлигининг юқори бўлиши, пишириш камерасининг ҳароратининг пастлиги ва бошқалар.

Нон сифатининг ҳар қайси нуқсони бир қатор сабабларга кўра юзага келиши мумкин. Шунинг учун нон нуқсонининг сабабини аниқлаш мумкин бўлган сабабларнинг барчасини санаб ўтиб, уларнинг ҳар бирини текшириб, асосий сабабини аниқлаш керак.

4- савол баёни: Могорларнинг ривожланиши учун қулай бўлган шароитларда сақланган нон могорланиши мумкин. Нон ва нон маҳсулотларини могораниши кўп ҳолларда Aspergillus, Penicillium, Mucor, Monillacandida замбуруғлари таъсирида юзага келади.

Могор замбуруғлари табиатда кенг тарқалган бўлиб, дон ва унда улар ҳар доим мавжуд бўлади. Аммо хамир зувалаларини пиширишда замбуруғлар ва уларнинг споралари бутунлай ҳалок бўлади. Шунинг учун унда могор замбуруғларининг бўлиши ноннинг могорлашига сабаб бўлмайди.

Ноннинг могор босишига могор замбуруғи спораларининг пишган нонга тушиши сабаб бўлади. Замбуруғлар ривожланиши учун қулай шароит пайдо бўлиши билан могорланиш бошланади.

Могорларнинг ўсиши ва ривожланиши учун ҳарорат 5 дан 50 °С гача бўлиши керак. Бу нуқтаи назардан нон маҳсулотларининг музлатиб қўйилиши уларнинг могорланиши билан бир қаторда картофел касаллиги билан касалланишининг ҳам олдини олади.

Нон сақланаётган хонада ҳаво нисбий намлигининг юқори бўлиши могорларнинг ривожланишини оширади.

Маҳсулотнинг намлиги могорланишда асосий омиллардан ҳисобланади. Намлиги

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.-
Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 214-224 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакхангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

8-маъруза.Нон нуқсонлари ва қасалликлари.

40...50% оралиғида бўлган нон мағзи қобигига қараганда моғорларнинг ривожланиши учун қулай муҳит ҳисобланади. Шунинг учун нон мағзининг моғорланиши қобиқнинг ёрилган, нам қочмаган жойларидан бошланади.

Нон қобиги намлигининг кескин ортишига олиб келадиган пленкали материалларга ўраш нонни моғорлашига олиб келиши мумкин.

Бўлакланиб пленкага ўралган ноннинг моғорланиш хавфи юқори бўлади. Зеро ноннинг бўлаклашган моғор споралари улар учун энг қулай бўлган муҳитга - нон мағзига тушади.

Бир икки сутка давомида сақлашда (ўйда, савдо тармоғида) ноннинг моғорланиши кам учрайди. Ноннинг узоқ вақт давомида сақланганда, унинг моғорланишини олдини олишга зарурат пайдо бўлади. Узоқ муддат сақланадиган нон экспедистия ходимларига геологларга, ўрмончиларга, кема экипажларига мўлжалланган бўлади.

Оддий нон маҳсулотлари турлари учун асосий чоралар бўлиб нон сақлаш хоналари ва ишлаб чиқариш биноларининг ҳавосининг нон ташиладиган ва сақланадиган жиҳозларнинг моғор апоралари билан заарланишини пасайтириш ҳисобланади. Бунинг учун ишлаб чиқариш биноларининг максимал даражада тозалигини ва шамоллатилишини таъминлаш лозим. Тайёр маҳсулотни ташишга ва сақлашга мўлжалланган жиҳозлар ювиб дезинфекцияланиши керак. Бу тадбирлар савдо тармоқларида ҳам амалга оширилса бўлади.

Ноннинг моғорланиши олдини олиш ёки маълум вақтгача ундан сақлаш учун қуидаги тадбирларни бирини амалга ошириш керак:

- хамирга кимёвий консерватлар қўшиш. Бу мақсад учун натрий ёки калстий пропионатдан (0,3...0,4%) фойдаланиш энг кўп тарқалган;

- нонни иссиқликка бардошлиқ герметик нам ўтказмайдиган пленкага ўраб мағизнинг марказидаги ҳарорат 85...90 °C га етгунча қиздириш. Бу усул ноннинг бир неча ой давомида моғорламаслигига ёрдам беради;

- ноннинг юзасини 90% ли спирт билан стерилизациялаб, маҳсус герметик маҳкамланадиган пленка материалларга, кутиларга жойлаш. Бу йўл билан 2...6 хафта ичida ноннинг моғорланишининг олдини олиш мумкин;

- нонни сорбит кислотаси сингдирилган қофоз ёки пленкага ўраб, герметик маҳкамлаш, бу усул ноннинг 4...6 ой давомида моғорламасдан сақланишини таъминлайди.

Нонни жуда узоқ муддат сақлаш учун хамирни маҳсус тунука банкаларга тиндириш ва пишириш, пиширишдан сўнг бирданига оғзини маҳкамлаш керак. Бунда маҳсулот ва идишнинг термик стерилизацияланиши пишириш вақтида содир бўлади.

5- савол баёни: Нон қасаллигининг микроорганизмлар таъсирида вужудга келадиган бўр қасаллиги ва ноннинг мағзи қизил доғлар билан қопланиши турлари ҳам мавжуд. Аммо ноннинг бўр қасаллиги нонда оқ доғ ва бўр рангидаги Endomycesfibuliger ачитки замбуруғларининг ривожланиши натижасида содир бўлади.

Нонда қизил доғларнинг пайдо бўлишига нон мағзининг Micrococcusprodigiosum бактерияларининг ривожланиши сабаб бўлади. Бу бактериялар ҳужайралари рангсиз бўлади. Мағизнинг қизил рангга бўялиши эса улар ажратадиган бўёвчи модда (продигиозин) таъсирида юз беради.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.-

Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 214-224 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

8-маъруза.Нон нуқсонлари ва касалликлари.

Бу бактериянинг ривожланиши учун қулай ҳарорат 25°C атрофида бўлади. Шунинг учун нон мағзининг бундай бўялиши кўпинча ёз пайтида учрайди.

Нонда қизил доғларнинг пайдо бўлишига *Oidiumauranticum* замбуруғи микроорганизмлари ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ноннинг «картофел таёқчалари» касаллиги билан касалланиши.

Ноннинг картофел касаллиги. Ноннинг картофел касаллигининг моҳияти шундаки, бу касалликни чақирган микроорганизмлар таъсирида нон мағзи чўзилувчан, елимсимон бўлиб, бадбўй чириган картофелнинг ёқимсиз ҳидига эга бўлиб қолади. Бу касалликнинг қўзгалувчилари бўлиб, *Bacillusmesentericus* (картофел таёқчалари) турига кирувчи спорасимон микроорганизмлар ҳисобланади. Картофел касаллигининг юзага келишида *Bacillussubtilis* (пchan таёқчалари) туридаги микрорганизмлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу микроорганизмлар табиатда кенг, тарқалган бўлиб, ҳар бир донда ва ҳар қайси унда учрайди.

Улар узунлиги 1,6 дан 6 мкм гача ва йўғонлиги 0,5 мкм бўлган таёқча кўринишида бўлади. *Bacillusmesentericus* споралари овалсимон шаклга эга ва ҳароратнинг ўзгаришига чидамли бўлади. Бу спораларни ҳалок этиш учун уларга ҳарорати 100°C бўлган сув буги билан 5...6 соат давомида, $109\ldots113^{\circ}\text{C}$ да – 45 минут ва $122\ldots123^{\circ}\text{C}$ ҳароратда эса – 10 минут таъсир кўрсатиш керак.

Ҳарорати 130°C бўлган буг таъсирида споралар бирданига ҳалок бўлади. Печдаги нон мағзининг ҳарорати 100°C дан ошмаслиги ҳисобига оладиган бўлсан, бу ҳолда *Bacillusmesentericus* споралари нонни пиширишда ҳаёт фаолиятини йўқотмасдан қолади.

Бу микрорганизмларнинг кўпайиши ва ҳаёт кечириши учун энг мувоғиқ ҳарорат $35\ldots50^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қиласди. Шунинг учун ноннинг картофел касаллиги билан касалланиши асосан ёзги вақтда учрайди.

Нонни сақлаш ҳароратининг 37°C дан 25°C гача пасайтирилиши унинг касалланишини маълум муддатга тўхтатиб туради. Ноннинг 16°C ҳароратда сақланиши эса касалланишини бутунлай олдини олади. Нон намлигининг юқори бўлиши, ноннинг картофел касаллиги билан касалланишининг асосий сабаби ҳисобланади.

Картофел таёқчаларида фаол амилолитик (жумладан α -амилолитик) ва протеолитик (протеинази; полипептидаза) ферментлари мавжуд. Бу бўлса ноннинг картофел касаллиги билан касалланишида унинг мағзининг хоссаларини ўзгаришига олиб келади.

Картофел касалллиги билан касалланган ноннинг ўзига хос ҳиди ва таъми мағиз оқсил моддаларининг протеолиз натижасида чуқур ўзгаришига маҳсулотларининг мавжудлиги билан боғлиқ.

Картофел таёқчаси протеиназасининг фаоллиги pH 5...10 гача, энг юқори фаоллиги pH 7...9 га teng бўлганидан яқол билинади.

Ноннинг картофел касаллиги билан касалланишини олдини олишда ёки уни тезлаштиришда ноннинг кислоталилигини асосий омил ҳисобланади. pH нинг 4,8...5,0 дан паст бўлгани тақдирда нон умуман касалланмайди. Хамир кислоталилигининг

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Ташкент: Янги аср авлоди, 2009,- 214-224 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Ташкент: Ношир, 2013.176 бет

8-маъруза.Нон нуқсонлари ва касалликлари.

оширилиши ноннинг картофел касаллигига қарши курашнинг энг асосий йўлларидан хисобланади. Шунинг учун кислоталилиги 12 град гача бўлган жавдар ундан тайёрланган нонда умуман картофел касаллиги кузатилмайди.

Уннинг картофел таёқчаси билан юқтирилганлигининг даражаси турли усуллар билан аниқланади. Кўп ҳолларда текшириладиган ундан нон пишириб, уни картофел касаллиги ривожланиши учун мувофиқ бўлган шароитларда сақлаш усулидан фойдаланилади. Нон қанчалик тез касалланса, уни шунчалик юқори даражада юқтирилган ҳисобланади.

Иссиқ ёз вақтларида навли ундан тайёрланган ноннинг картофел касаллиги билан касалланишининг олдини олиш мухим вазифа саналади.

Уни ҳал қилишнинг энг самарали йўллари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- сут кислотали хамиртурушлар, суюқ ачитқилардан фойдаланиб, ёки хамирга сут ёки сирка кислотасининг маълум микдорини қўшиб, хамирнинг охирги кислоталилигини ошириш. Амалда бу ҳолларда кислоталиликни белгиланганидан 1 град га ошириладилар. Уннинг юқори даражада юқтирганлиги ҳолларида кислоталикниг 1 град оширилиш касалланишни олдини олмасдан бироз муддатга тўхтатиб туради, холос;

- хамир ун массасига нисбатан 0,2% микдорда сирка кислотасининг калстий тузини қўшиш;

- ёзги вактларда навли буғдой ундан нон тайёрлашда ҳечқачон 80 °C дан паст ҳароратда қуритилган эскирган нонни ва қоқон талқонини қайта ишлашга йўл қўймаслик керак. Бу маҳсулотлар картофел тақчаларини манбаи бўлиши мумкин;

- ёзги вактда тажрибавий пишириш усулини қўллаб, уннинг картофел касаллиги билан касалланганлигини даврий равища назорат қилиб бориш керак. Кучли заараланган ун туркумларини кислоталилигини 4...6 град дан паст бўлмаган нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга юбориш керак;

- нон сақлаш хонасининг ҳароратини мумкин бўлган даражагача совутиб, шамоллатиб туриш керак;

- картофел касаллиги билан касалланган нон сақланган лотоклар, вагонеткалар ва стеллажларни ва бошқа жиҳозларни зарурий ҳолларда дезинфекстиялаш керак. Бу мақсад учун ултрабинафша нуридан ва 1% ли хлорид кислота эритмасидан фойдаланиш мумкин.

«Картофел таёқчалари» касаллигига қарши қўриладиган чора тадбирлар.

Нон маҳсулотларининг «картофел» касаллиги билан касалланмаслигига йўл қўймаслик учун элеватор, ун тортиш ва нон корхоналарида, савдо тармоғида санитария қоидаларига ва технологик йўриқномаларга риоя қилиш керак.

Ун ишлаб чиқариш корхоналарида бажариладиган тадбирлар:

- картофел таёқчалари тез ривожланиши учун қулай шароит-дон намлигининг 20% дан юқори бўлиши ва дон температурасининг 40 °C дан юқори бўлиши. Республикаиздаги ун корхоналарида 1 апрелдан – 1 ноябргача ишлаб чиқарилаётган ундан корхона лабараторияси томонидан намунавий нон ёпиш усули билан нон ёпиб «картофел касаллигига» текширилади. Лабаратория шароитда ёпилган қолипли нон печдан чиққач 1,5...2 соатдан сўнг икки қават қилиб букланган нам газета қофозига ўралади (газета қофозини нам ҳолатга келтириш учун сувли идишга тушириб ҳўлланади ва сув сирқитилади). Нам қофозга ўралган нон термостатга қўйилади. Термостатдаги ҳарорат 37 ± 1 °C, ҳавонинг нисбий намлиги $85\pm2\%$ бўлиши керак. Намуна термостатда 24 соат давомида туриши керак. Нон 24 соат ўтгач, термостатдан олиниб ўткир пичоқ билан кўндалангига кесиб «картофел касаллигига» аниқланади. Бунда нонда спестефик ҳиднинг бўлиши, юмшоқ қисмининг ёпишқоқ бўлиш ҳолатига эътибор берилади. Текширув тутагач ишлатилган қофоз ёқиб ташланади. Пичоқ ва термостат 3...5% уксус кислотаси эритмаси билан артилиб шамоллантирилади. Текшириш натижаси алоҳида тутилган

8-маъруза.Нон нуқсонлари ва касалликлари.

журналга ва нон корхонасига жўнатиладиган «ун сифат кўрсаткичи» хужжатида қуидагича қайд қилинади:

- «24 соат ичидаги картофел таёқчалари қайд этилмаган».
- «24 соат ичидаги картофел таёқчалари қайд этилган».

«Картофел» касаллиги қайд этилган ун яроқсиз деб ҳисобланмайди. Бундай ун тезда реализация қилинади. Ун сақланган жойлар эса механик тозаланади.

Нон корхонасида бажариладиган талаблар.

Нон корхонасида «картофел» касаллиги билан касалланган ун аниқланган ҳолларда Давлат Назорат ва Озиқ-Овқат товарлари сифати бўйича инспекстияга маълум қилинади. Нон корхонаси ишлаб чиқариш лабораториясида ҳам ун корхонасидаги каби «картофел» касаллигига аниқлаш услуги қўлланилади. Текшириш натижаси алоҳида журналда юқорида қайд этилган тартибда ёзилади.

Нон корхонасида «картофел» таёқчалари бўлган буғдой уни қуидаги мақсадларда ишлатилади:

- навли ун тешиккулча, сухарий маҳсулотлари, печенеъ, пряниклар ҳамда донабай (массаси 0,2 кг ва ундан кам) маҳсулотлар тайёрлаш учун ишлатилади;

- иккинчи нав буғдой уни жавдар-буғдой нон навлари ишлаб чиқариш учун ишлатилади;

- кепакли ун қўшимча сифатида жавдар-буғдой нон навлари тайёрлашда ишлатилади.

Зарур бўлган ҳолларда «картофел» таёқчалари билан зааралланган ундан нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қуидаги тадбирлар қўлланилади:

- нон нордонлиги стандарт меъеридан 1^0 гача қуидаги нордонловчи компонентларни ишлатиб кўтарилади:

- нордонлиги $4-5^0$ бўлган бижғиган яримфабрикат унга нисбатан 5-10% қўшилади;

- нордонлиги $18-22^0$ бўлган L — fermenti – 27 микроорганизмларидан тайёрланган мезофил ачитқилари унга нисбатан 4-6% қўшилади;

- хамир қориш усулига кўра ун массасига нисбатан 25-30% миқдорда нордонлиги $14-16^0$ бўлган суюқ хамиртуруш қўшилади;

- қуилтирилган сут зардоби ун миқдорига нисбатан 2-5%;

- уксус кислотаси ун миқдорига нисбатан 0,2 – 0,3%;

- уксус – нордон глестирин ун миқдорига нисбатан 0,4% қўшилади;

- нонларни контейнерлар ва вагонеткаларда вентилястияни ишлатиб, иссиқ маҳсулотни тез совутиб сақланади (табиий ёки сувний вентилястияни қўллаш);

- брак маҳсулот пеҷдан чиққач биринчи сутка давомида қайта ишлатилиши керак;

- «картофел» касаллиги билан касалланган нонни қайта ишлатиш қатъяян ман этилади;

- «картофел» касаллиги билан касалланган нон ишлаб чиқаришдан зудлик билан олиб кетилиши шарт. Бундай маҳсулотни чорва учун ишлатиш мумкинлигини ветеринария назорати ҳал этади. Ем учун ва техник мақсадда яроқсиз ҳисобланган нон ёндирилади.

- ишлаб чиқаришда «картофел» таёқчаси билан зааралланган ун ишлатиб тутатилгач, омборлар, стехлар, метал, ёғоч, юзали жиҳозлар, транспорт воситалари, хамир, ун, нон ушоқларидан метал ва капрон шеткалар ёрдамида механик тозаланади. Механик тозалашдан

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 214-224 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

сўнг дезинфекстияловчи эритмалар билан қўшимча тозаланади. Дезинфекстиялаш учун хлор эритмаси, уксус кислотаси ишлатилади. 3% хлор эритмаси билан ишлов берилгач бир соатда 90% «картофел» таёқчалари нобуд бўлиши, 3% ли уксус кислота эритмасидан 50% «картофел» таёқчалари нобуд бўлиши аниқланган.

Жихозлар 3% температураси $55\pm5^{\circ}$ бўлган хлор эритмаси билан ювилади, сўнг 1 соат ўтгач совунли сув билан (100л.га 200 гр. хўжалик совуни) кейин эса хлор бутунлай кетгунча совуқ сув билан ювиб ташланади;

- қайнатма, ачитқи, хамиртуруш сифимлари (зангламайдиган металдан тайёрланган) яримфабрикатлардан бўшатилиб сув билан ювиб ташланади сўнг 3% ли уксуз кислотаси билан ювилади;

- хамир қорувчи агрегатлар, дежалар механик усул билан ва 3% ли хлор эритмаси билан тозаланади, 1 соатдан сўнг иссиқ сув, кейин эса совуқ сув билан ювиб ташланади;

- ёғоч латоклар, стеллажлар механик тозалашдан сўнг қўшимча 3%ли хлор эритмаси билан, сўнг совуқ ва иссиқ сув билан ювилади ва қуритилади;

- стех дераза, эшик ва ромлари, пол совун эритмали нам латта билан артилади ва 3% ли хлор эритмаси билан ювиб, сўнг иссиқ ва совуқ сув билан ювиб ташланади;

Савдо тармоғида бажариладиган тадбирлар.

- нонни сақлаш ва сотиш учун ажратилган хоналар қуруқ, яхши шамоллатиладиган бўлиши керак;

- нон сақланадиган полка, латок, стеллажлар, контейнерлар бўшатилгач, ун, нон ушоқларидан тозаланилади ва қуруқ ҳолатгача артилади;

- сақлаш ёки сотиш жараёнида нон маҳсулотларида «картофел» касаллиги белгилари аниқланган ҳолатларда бу маҳсулот сақлаш хоналари ва сотув залидан олиб чиқилади, белгиланган тартибда ветеринария назорати хulosасига кўра ҳаракат қилинади;

-касалланган нон маҳсулотлари сақланган полкалар, шкафлар, лотоклар, контейнirlар иссиқ совунли эритма билан ювиб ташланади, сўнг иссиқ сув билан ювилади.

Назорат саволлари.

1. Қандай шароитларда ноннинг моғорланиши юзага келади?
2. Ноннинг моғорланишини олдини олиш учун қандай тадбирларни амалган ошириш керак?
3. Нонни узоқ муддатда сақлаш учун консервалашнинг қайси усувларидан фойдаланилади?
4. Ноннинг яна қайси касалликларини биласиз?
5. Нонни пленкага ўраб сақлаш самарали натижага берадими?
6. Касалланган нонларни истеъмол қилиш инсон соғлиғига қандай таъсир кўрсатади?
7. Қайси микроорганизмлар ноннинг картофел касаллигини қўзғатувчиси ҳисобланади?
8. Қандай шароитларда картофел касаллиги юзага келади?
9. Уннинг картофел таёқчаси билан юқтирилганлигининг даражасини аниқлаш учун қайси усувлардан фойдаланилади?
10. Картофел касаллигини олдини олиш учун қандай чора тадбирларни амалга ошириш керак?
11. Қайси микроорганизмлар ноннинг моғорланишини кузатувчиси ҳисобланади?

Мавзуга оид мустақил иш топшириклари:

1. Ноннинг қотишига қарши чора тадбирлар.

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
- 2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
- 3.Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
- 4.Пашенко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.-М.:КолосС, 2006.-389с.
- 5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.

9-маъруза.Нон сифатини яхшилаш усуллари.

Режа:

9.1. Ноннинг сифатига таъсир қилувчи омиллар.

9.2. Унинг нонвойлик хоссаларини яхшилаш йўллари.

9.3. Ноннинг сифатини яхшилашнинг усул ва йўллари.

9.4. Тошбақасимон кана билан зарарланган донлардан олинадиган унни ишлатиш.

9.5. Униб чиққан дондан олинадиган унни ишлатиш.

Таянч сўз ва иборалар: Сифати паст ун, нон нуқсонлари, совук урган дон, униб чиққан дон, тошбақасимон бит шикастлаган дон.

1- савол баёни: Ноннинг сифатли чиқиши хом ашёнинг сифатига, биринчи навбатда, уннинг нон ёпиш учун зарур бўлган хусусиятларига, нон ёпиш технологик жараёнининг алоҳида босқичларини ўтказишнинг усуллари ва тартиб қоидаларига, ҳамда ноннинг сифатини яхшилашга хизмат қиладиган оз миқдордаги қўшимча моддалар ёки маҳсулотларни ишлатиш билан боғлиқ.

Нон ишлаб чиқариш корхонасига келиб тушган, нон ёпишга оид хусусиятлари турлича бўлган унлардан юқори сифатли нон - булка маҳсулотларини тайёрлаш нон ишлаб чиқариш корхонаси технологи учун асосий вазифа ҳисобланади.

Нон ишлаб чиқариш корхонасининг лабораториясида корхонага келиб тушган уннинг нон ёпишига оид хусусиятларини аниқлаш бу вазифани бажарилишининг биринчи босқичи ҳисобланади.

Бугдой уни қуидаги кўрсаткичлар бўйича текширилади: уннинг кучи, уннинг қанд ва газ ҳосил қилиш хусусиятлари, уннинг ранги ва уннинг ишлаб чиқариш жараёнида қорайиш хусусияти, ҳамда синаб кўриш учун ёпилган уннинг сифат кўрсаткичлари. Фаол парчаланиш хусусияти жавдар бугдой уннинг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Уннинг нон ёпишга оид аниқланган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда технологик жараённи ўтказишнинг тартиби ва энг қулай усуллари белгиланади.

Ўтган бобларда кўриб чиқилган тадбирлардан қуидагилари нон сифатининг яхшиланишига кўмаклашиши мумкин: унни тўғри жўвалаш, унни пневматик усулда қиздирилган ҳаво билан аралаштириб қиздириш, керакли эмулгаторни қўллаган ҳолда хамирга сув мой эмульсия ҳолатидаги мойни қўшиш, 3-5% қайнок сувга қорилган унни хамирга қўшиш, хамирни қораётганда, ярим маҳсулотларни ясаш жараёнларида хамирга сифатли механик ишлов бериш, хамирни тайёрлаш ва усулларини қўллаш, печларни қиздириш ва нон ёпишни энг қулай шароитларда ва аниқ муддатларда амалга ошириш, ун ёки хамирга маҳсулотнинг сифатини ошириш учун қўшиладиган маҳсус моддалар ноннинг сифатини яхшилайдиган моддалар деб аталади. Ҳозирги вақтда, нон ёпишда ноннинг сифатини яхшиловчи моддалар сифатида биологик ва кимёвий келиб чиқишга эга бўлган ўнлаб турли моддалардан фойдаланилади. Ноннинг сифатини яхшиловчи моддалардан ўринли фойдаланиш технологик жараён тартибини ва ноннинг сифатини барқарорлаштиради. Сифат яхшиловчиларни уннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинади.

Қатор ҳолларда хамирнинг таркибий ашёлари (ун, туз, хамиртуруш, шакар, мой) га ноннинг сифатини яхшиловчи моддалар сифатида қараш мумкин. Таркибida кучли ёпишқоқлик хусусиятига эга оксил мавжуд бўлган ун кучсиз ун учун сифат яхшиловчи модда вазифасини бажаради, кучли парчаланиш хусусиятига эга бўлган унни парчаланиш фаоллиги паст бўлган ундан тайёрланган ноннинг сифатини яхшилайди. Ош тузидан

9-маъруза.Нон сифатини яхшилаш усуслари.

кўпинча фазама-фаза хамирдаги такирлик (кислоталиликин) бартараф этиш ва ноннинг сифатини яхшилашда фойдаланилади. Махсулотнинг калориялилигини оширадиган ва суви қочишининг олдини оладиган, хуштаъм берувчи моддаларга ҳам ноннинг сифатини яхшиловчи моддалар сифатида қараш мумкин. Турли қўшимча хом ашёларнинг ноннинг сифатига таъсири турлича бўлади.

Уннинг нон пишириш учун зарур бўлган хусусиятларини яхшилаш учун ярим тайёр маҳсулотлардаги гидрометик ва нордонлаштирувчи тиклончи жараёнларни тезлаштирувчи турли ферментлардан фойдаланилади. Фермент моддалар микроорганизмлардан ва кам ҳолларда ўсимликлар асосида тайёрланган хом ашёлардан олинади.

Юқори парчаланиш фаоллигига эга бўлган фермент моддалар - улар қаторига юқори фаоликка эга бўлган ундириб янчилган буғдой, ундириб янчилган буғдой экстракстияси вакуум остида узок қайнатиш қуюлтириш орқали ҳосил қилинган шарбат (сироп) лар киради. Пўпанак замбуруғларидан олинган ёки *Subtilis* бактериясидан ҳосил қилинган фермент моддалар, буғдой маҳсулотларидан, пўпанак замбуруғларидан, бактериялардан олинган α-амилазалар ноннинг сифатига турлича таъсир кўрсатади. Бактерияли α-амилаза 80-90 ҳароратда фаоллигини сақлаб қолади. Пўпанак замбуруғлари таркибида турли фермент моддалар мавжуд бўлади. Оризин ПК ёки амилоризин П10К препаратлари кенг қўлланилади. Оризин таркибида амилолептик ферментлар, протеазалар, фосфотазалар ва бошқа моддалар мавжуд. Оризиннинг амилолетик ёғмаси таркибига α-амилаза, декстриназа, глюкоминазалар киради. Пўпанак замбуруғларидан ҳосил қилинган α-амилаза фаоллигини йўқотиш ҳарорати 55-65 °C. Пўпанак замбуруғли α-амилаза нон пиширишнииг дастлабки босқичларида ёқ фаоллигини тўла йўқотиш туфайли крахмал ажратиб чиқариш (декстринизастиялаш) га улгура олмайди. Пўпанак замбуруғли α-амилаза жадал ва мустақил равища шакар ва газ ҳосил бўлишига имкон яратади ва бу хамир тайёрлаш жараёнининг тезлашишига, ҳамда нон сифатининг яхшиланишига сабаб бўлади. Ферментларнинг таъсири туфайли ноннинг суви қочиш жараёни секинлашади. Оризин ПК оч-қўкимтири рангга эга ва у 13% намлика эга бўлган маълум йириклидаги сочилувчан модда бўлади. Кафолатли сақланиш 1 йил, ҳарорати - 25 °C амилоризидан буғдой ва жавдари буғдой маҳсулотларининг сифатини яхшилаш учун (унга нисбатан 0,0015-0,003 % миқдорда) фойдаланилади. Амилоризин қўшиб тайёрланган маҳсулотларнинг сирти қизариб пишади, ўзи юмшоқ ва мулоим бўлади, хуштаъмлиги ва хушбўйлиги билан, ҳамда, узок муддат суви қочмай туриши билан ажralиб туради. Таркибида амилолетик ферментлар мавжуд бўлган оч рангли, ундириб янчилган буғдой (солод) хамирга уннинг миқдорига нисбатан 0,3-1% миқдорида қўшилади.

Универсал биопрепарат - уни тўйинтирилган пиво ачитқисидан ҳосил қилинади. Биопрепарат қуюқ сироп (қиём) никига ўхшаш зичлик даражасига эга ва уннинг таркибида 60% шакар моддаси мавжуд бўлади. Препаратнинг таркибида аминокислоталар, ферментлар, дармондори (витамин)лар ва бошқа қимматли моддалар ҳам мавжуд. Препаратнинг

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.-
Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 195-198 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакхангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш
технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

9-маъруза.Нон сифатини яхшилаш усуулари.

ферментлар йифмасига сахароза, мальтоза, протеиназалар киради. Пиво ачитқисидан тайёрланган препарат юқори озуқа қимматига ва биологик фаолликка эга: у хамир микрофлораси ҳаёт фаолиятини кучайтиради.

Таркибида миноксигеназа мавжуд бўлган маҳсулот сифатини яхшиловчи моддалар уччалик ёғлиқ бўлмаган кислоталарни ҳавонинг молекуляр кислороди оксидланиши жараёнини тезлаштиради. Соя уннинг таркибида миноксигеназалар кўп бўлади. Соя унидан олинган миноксигеназалардан уннинг кучини ошириш ва ноннинг мағзини оқартиришда фойдаланилади, чунки оксидланиш пайтида коротинли табиий бўёқ моддалари (пигментлар) рангизланади.

Нон ёпишда шунингдек, фаолликка эга бўлган моддалар ҳам қўлланади – бу моддалар иккита фазанинг ажралиш юзасида адсорбцияланиш орқали юзадаги тарангликни бўшашибириш хусусиятига эга. Юзаки фаолликка эга моддалар юқори ёғли кислоталарнинг моно ва дигистеридлари, юқори спиртларнинг ёғли кислоталар билан ҳосил қилинган нотўлиқ эфирлари, шакар моддаларининг пальмитинли ёки стеоринли кислота билан моно ва диэфирлардан иборат.

Нон ва нон маҳсулотларининг сифатини яхшиловчи технологик тадбирларга турли нонвойлик хоссаларига эга бўлган ун туркумлари аралашмаларини тайёрлаш; уннинг қиздирилган ҳаво билан пневматик ташиш хамирга ёғни ёғ - сув эмульстияси кўринишида солиш; уннинг 3...5% ни қайнатма усулида ишлатиш (газ ва қанд ҳосил қилиш қобилияти пасайган унни қайта ишлашда); хамирни қориш, «муштлаш» ва бўлаклаш вақтида мувофиқ механик ишлов бериш; ноннинг сифати нуктаи назаридан хамир тайёрлашнинг энг қулай усуулари ва режимларини қўллаш; нонни пиширишда охирги тиндириш ва пиширишнинг мувофиқ режимлари ва давомийлигини таъминлаш киради.

2- савол баёни: Фермент препаратлар – нон сифатини яхшиловчилар. Нонвойликда биологик жараёнларнинг катализаторлари бўлган ферментларнинг аҳамияти бизга маълум. Улар технологик жараёнларни, айниқса хамир тайёрлаш жараёнини жадаллаштиришни таъминлайди, натижада эса нон сифатини яхшиланишига олиб келади.

Фермент препарат - мураккаб кўп компонентли система бўлиб, унда у ёки бу ферментларнинг фаолияти кучли бўлади.

Нонвойликда асосан хамирнинг бижгишида газ ҳосил бўлишини, уннинг газ ва шакл сақлаб туриш қобилиятини таъминловчи амилолитик ва протеолитик ферментлар кўпроқ аҳамиятга эгадир. Бу ферментларнинг манбаи бўлиб солод ва солод препаратлари ва асосан микроб фермент препаратлари хисобланади.

Солод ва солод препаратлари. Нонвойлик саноатида асосан ферментлаштирилган (қизил) ва ферментлаштирилмаган (оқ) жавдар солоди ишлатилади.

Ферментлаштирилган (қизил) солод ферментатив фаолликка эга эмас. Уни асосан жавдар ноннинг қайнатма навларини ишлаб чиқаришда мағиз рангини (мағиз тўқ жигаррангга эга бўлади), таъми ва ҳидини яхшилаш учун ишлатилади.

Ферментлаштирилмаган (оқ) солод унга яқин бўлган очиқ рангга ва жуда юқори

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.- 195-198 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

9-маъруза.Нон сифатини яхшилаш усуллари.

(асосан α -амилаза) ферментатив фаоллигига эга. Шунинг учун солоднинг бир тури айрим нон навларини ишлаб чиқаришда, суюқ ачитқиларни тайёрлашда қайнатмани қандлаштириш учун, қанд ва газ ҳосил қилиш қобилияти пасайган уннинг сифатини яхшилаш учун ишлатилади.

Оқ солод доннинг катта заррачалари ва пўстлоқларига эга бўлиб, бу нон мағзининг қорайишига олиб келади. Шунинг учун олий ва биринчи навли буғдой унидан нон тайёрлашда солод экстрактларидан фойдаланилади.

Солод экстратлари оқ солодни сувда эрийдиган модаларини эритмасини вакуум аппаратларида қуюлтириш йўли билан олинади. Олинган маҳсулот қуюқ, қиёмсимон консистенсияга эга бўлиб, таркибида оқ солоднинг сувда эрувчи ферментлари, қандлар, декстринлар ва бошқа моддалари мавжуд бўлади.

Солод экстрактларининг таркибида бижийдиган қандлар, амилолитик ферментлар, протеолитик ферментлар ва протеолизни фаоллантирувчилари мавжуд бўлганлиги туфайли уларни қўлланилиши хамирнинг газ ҳосил қилиш қобилиятининг яхшиланишига сабаб бўлади.

Солод препаратларининг фермент фаоллиги ва уннинг хоссаларидан келиб чиқиб, солод препаратлари хамирдаги ун массасига нисбатан 1...3% миқдорда ишлатилади.

Қанд ҳосил қилиш қобилияти пасайган унга қўшилган солод препарати айниқса катта самара беради. Солод препаратининг қўлланилиши ноннинг эскиришини ҳам секинлаштиради.

Микроб фермент препаратлари. Яқин вақтларгача ўсимликлар, ҳайвонларнинг органлари ва тўқималари фермент препаратларининг маъбаи бўлиб ҳисбланаарди.

Сўнгги (30-40 йил) йиллар давомида саноат миқёсида фермент препаратлари турли хил микроорганизмлардан (бактериялар, ачитқилар, замбуруғлар) микробиологик йўл билан тайёрлана бошланди. Маҳсус яратилган шароитларда бу микроорганизмлар маълум бир фермент кўпроқ фаолликка эга бўлган ферментлар комплексини синтезлайди.

Ферментнинг қисқартирилган номи фермент препарат номининг биринчи қисмини ташкил қилади. Фермент препарат номининг иккинчи қисми қисқартирилган микроорганизм номини билдиради. Масалан, асосий ферменти амилаза бўлган, Asp.orizae замбуруғларидан олинган фермент препарати амилоризин деб аталади. Агар препарат Bas. subtilis бактерияларидан олинган бўлса амилосубтилин деб аталади.

Микроб фермент препарати номидан сўнг P3x, P10x, P20x ёки Г3x, Г10x, Г20x индекслари мавжуд. Индексларнинг биринчи ҳарфи микроорганизмларнинг ўстириш шароитларини билдиради, яъни қаттиқ озуқа муҳитининг устида (П) ёки суюқ озуқа муҳитининг ичida (Г). 3x, 10x, 20x лар эса фермент препаратнинг тозалик даражасини билдиради.

МДҲ мамлакатлари нонвойлик саноатида амилолитик фермент препаратлари (Амилоризин P10x ва Амилосубтилин Г10x) кенг қўлланилади.

Амилорезин P10x фермент препарати комплекс ферментлардан иборат. Бу комплекснинг таркибида крахмални қандлаштириладиган амилоза, оқсилларни парчалайдиган протеаза, елим моддаларнинг гидролизини католизловчи β -эндополиглюканазалар мавжуд.

Амилосубтилин Г10x фермент препарати фаол α -амилозадан ташқари яна кам миқдорда протиаза, β -эндополиглюканаза ва бошқаларга эга бўлади. Бактериал амилозанинг

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.-

Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 195-198 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакхангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

9-маъруза.Нон сифатини яхшилаш усуллари.

фарқли хусусиятларидан бўлиб юқори термостабиллиги ва юқори даражада декстриин ҳосил қилиш қобилятига эга бўлганлиги туфайли, ноннинг эскиришининг олдини олиш хисобланади.

Айтиб ўтилган препаратлар калта узилувчи клейковина, паст қанд ҳосил қилиш қобилятига эга бўлган ундан хамир тайёрланганда катта самара беради.

Амилоризин П10х ва Амилосубтилин Г10х фермент препаратлари турли навдаги нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда опарага (опарали усулда) ёки хамирга (опарасиз усулда) кўшиш билан ва прессланган ачитқиларни фаоллаштириш учун ишлатилади.

Фермент таъсирида юқори молекулали углеводлар оксиллар ачитқилар ва сут кислоталари томонидан енгил ўзлаштириладиган оддий қандлар ва азот моддаларигача гидролизланади. Бунинг натижасида бижғиши жараёни тезлашади. Препаратлардан фойдаланилганда аминокислоталар ва редустияловчи қандларнинг ўзаро оксидланиш-қайтарилиш жараёни натижасида хушбўй компонентлар ҳосил бўлади ва ноннинг таъми ва хиди яхшиланади. Фермент препаратлардан, айниқса Амилосубтилин Г10х дан фойдаланилганда ноннинг янгилиги узоқроқ вақтгача сақланиб қолади.

Фермент препаратлардан фойдаланишда уларнинг монофермент препаратлар эмаслигини хам хисобга олиш керак. Шунинг учун уларни таркиби ва хоссаларини хисобга олган ҳолда ишлатиш керак. Уларнинг асосий хусусияти бўлиб амилолитик хусусияти хисобланиб, стандарт бўйича Амилоризин П10х учун 2000 бирлик/г, Амилосубтилин Г10х учун 3000 бирлик/г ни ташкил қиласди.

Стандарт амилолитик қобиляти бўйича П10х 100 кг унга 2 кг микдорда, Амилосубтилин Г10х эса 100 кг унга 0,06...0,10 г микдорда кўшилади.

Опара ёки хамирга фермент препаратлари эритма ҳолида кўшилади: 1 мг Амилоризин П10х мл сувга, 1 мг Амилосубтилин Г10х эса 10 мл сувга. Эритма тайёрлаш учун препаратнинг барчаси сувнинг бир қисмидаги 35°C ҳароратда гомоген система ҳосил бўлгунча қорилиб, кейин сувнинг қолган қисми керакли концентрастияга эга бўлган эритма ҳосил бўлгунча секинлик билан кўшилади.

Сирт-фаол моддалар (СФМ) - нон сифатини яхшиловчилар. Сирт-фаол моддалар деб икки фаза чегарасига адсорбстияланган, сирт таранглик кучни пасайтирувчи моддаларга айтилади. СФМда гидрофил ва гидрофоб қисмлар мавжуд. Фазаар чегарасида, масалан ёғ ва сувда СФМ заррачалари гидрофил қисми билан сув сиртига, гидрофоб қисми билан ёғ сиртига йўналган бўлади. СФМнинг бу хоссаларидан сув-ёғ эмулсияси тайёрлашда эмулгатор сифатида фойдаланилади.

Аммо СФМлар факат бу мақсадлар учун ишлатилмайди. Бир қатор мамлакатларда СФМлар нонвойликда ишлатиладиган ёғларнинг таркибининг асосий ташкил этувчиларидан хисобланади. Агар маҳсулот рестептурасида ёғ кўрсатилмаган бўлса, унда СФМ мустакил ҳолда хамир хоссаларини ва нон сифатини яхшиловчи ва ноннинг эскиришини секинлаштирувчи сифатида хамирга солинади.

Кимёвий таркибида кўра, сувда ионларга диссостиастияланишини назарда тутиб, СФМлар ионоген ва ноионоген турларга бўлинади.

Ионоген СФМлар анионо ёки катионофаол бирикмаларга ва амфолит ёки амфотер турларга бўлинади.

Нонвойлик саноатида анионофаол ва амфолит ноионоген СФМлар ишлатилади.

СФМлар кимёвий структурасига кўра хам турларга бўлинади. Ҳозирги кунда қўлланилаётган СФМларнинг барчаси кимёвий структураси бўйича мураккаб эфирлардан иборатdir. Уларнинг молекуласининг гидрофил қисмини гидроксил ва карбоксил гурух, липофил қисмини эса юқори ёғ кислотаси ёки юқори спирт қолдиғи ташкил қиласди.

Озиқ-овқат, шу жумладан нонвойлик саноатида қўлланилаётган СФМлар кимёвий тоза моддалар бўлмай, мураккаб кўп компонентли системадан иборатdir. Препаратнинг кимёвий

9-маъруза.Нон сифатини яхшилаш усуллари.

номи маҳсулотнинг асосий қисмига тўғри келади. Бир қатор мамлакатларнинг нонвойлик саноатида қуйидаги СФМлар ишлатилади: фосфатидлар ва уларнинг препаратлари, ёғ кислоталарнинг моно- ва диглистиридлар ва уларнинг аралашмалари, сахарозанинг моно- ва дистеаратлари ва бошқалар.

МДҲ мамлакатларида нонвойлика фойдаланишга мўлжалланган СФМлар ҳозиргача оз миқдорда ишлаб чиқарилмоқда.

Озиқ-овқат саноатида фойдаланиш учун 50...75% фосфатидлар, 20...35% ўсимлик мойлар, 1...2% намлиқдан 3...5% оқсил моддалардан, 2...4% қандлар ва бошқа компонентлардан иборат соя ва кунгабоқар констентратлари, Т-1 эмулгатори, Т-2 эмулгатори, Т-Ф (Т-1 ва фосфатид констентрати аралашмаси) эмулгатори, «Барака» ва «Волжский» яхшиловчилари ишлаб чиқарилади.

СФМлар хамир тайёрлашнинг барча усулларида фойдаланиш мумкин. Уларни опарага хамирга ёғ билан эритма, сув дисперсияси, сув-ёғ эмулсияси кўринишида ишлатиш мумкин. СФМнинг сувдаги, дисперсиясини кувлатувчи машиналарда тайёрлаш мумкин. Бунинг учун идишга СФМнинг керакли миқдорини ва ҳарорати 55...60 °C бўлган сувни 1:10 ёки 1:20 миқдори қўшилади. Дисперсиялаш 3...5 минут ичida амалга оширилади.

СФМлар таркибида ёғ бўлган маҳсулотларига қўшилганда уларни дастлаб ёғда эритилиши ёки ёғ-сув эмулсияси кўринишида ишлатиш керак.

СФМнинг ёғ-сув эмулсиясини тайёрлаш учун рестептурадаги ёғ маҳсулотининг ҳаммаси СФМ билан аралаштирилади. Агар ёғ маҳсулоти ва СФМ қаттиқ ҳолатда бўлса, улар дастлаб эритилади. Ёғ маҳсулоти СФМ билан аралаштириб 45...50 °C гача қиздирилади, Эмулгатор идишига солиниб устига 50...55 °C ҳароратдаги сув солинади ва эмулсия тайёр бўлгунча кўвланади. Сув ва ёғ СФМ аралашмаси 1:1, 2:1, 5:1 нисбатда бўлиши мумкин.

СФМга нон кўрсаткичларини яхшиловчи сифатида қараб қўйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- СФМ кўшимчалари хамирнинг структуравий-механик хоссаларига таъсир қилиб, уларнинг газ сақлаб туриш қобилятини ва бўлаклаш жараёнида осон ишлов беришни таъминлади. СФМнинг алоҳида гурухлари хамирнинг ва клейковинанинг структуравий-механик хоссаларига таъсир қилиши турлича. Анионофаол СФМлар (калстийнинг стеароил-2-лактати) клейковина ва хамирни сезиларли мустаҳкамлайди, амфотер (фосфатид констентратлари, леститин) ва ноионоген (Т-2 моно- ва диглистиридлар) уларни бирмунча кучизлантиради. Шунинг учун калта узилувчан клейковинали ундан хамир тайёрланганда амфотер ёки ноионоген СФМлардан фойдаланган маъкул;

- керакли СФМдан фойдаланиш, бугдой унидан тайёрланган нон ва нон маҳсулотларининг сифатини сезиларли яхшилаш мумкин. Айниқса СФМни сув ёғ эмулсияси таркибида, оксидловчи таъсирига эга бўлган яхшиловчилар билан биргаликда фойдаланилганда катта самара беради;

- СФМдан фойдаланиш ноннинг янгилигининг узоқ вақт сақлаб туриш имкониятини беради (нон мағзи юмшоқлигини секин йўқотади, қобиғи эса мўртлигини узоқ вақт сақлаб туради).

Модификацияланган крахмаллар – **нон** сифатини яхшиловчилар. Кейинги йилларда нонвойлик саноатида яхшиловчи сифатида модификацияланган диалдегидли крахмаллар

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 195-198 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

9-маъруза.Нон сифатини яхшилаш усуллари.

(МДК) фойдалана бошланди. Уларни маккажӯҳори крахмалини турли реагентлар (калий бромат, калстий перманганат, калий гипохлорит) билан оксидлаб олинади. Бундай ишлов бериш натижасида крахмалнинг асосий молекула тузилишини бузмасдан ишлов берилади.

Оксидланган крахмалнинг қўшилиши хамирнинг бижкишини тезлаштиради-ю хамирнинг клейковинаси оқсиллари тез бўқади ва пептидланади, ювиб олинадиган клейковина мустаҳкамланади. Бу хамирнинг структуравий-механик хоссаларининг яхшиланишига, нон ҳажмини ортишига олиб келади ва нон мағзи окроқ, юмшокроқ бўлади, ноннинг эскириши секинлашади. МДК хамирдаги ун массасига нисбатан 0,3...0,5% микдорда қўшилади.

Комбинастиялаштирилган сифат яхшиловчилар. Бир қатор мамлакатларда нонвойлик саноатида комбинастиялаштирилган сифат яхшиловчилар ёки бир қанча яхшиловчиларнинг биргаликда ишлатиш қўлланилади.

Масалан Аркади маркали комбинастиялаштирилган сифат яхшиловчиси таркибига калий бромат, калстий сульфат, аммоний хлорат, ош тузи, калстий фосфат, ва ун киради. Бошқа қўп сонли комбинастиялаштирилган сифат яхшиловчилари ҳам ишлаб чиқарилади.

Аммо у ёки бу яхшиловчилар ун тури ва нон рестептурасини, уннинг нонвойлик хусусиятларини, хамир тайёрлаш усуллари ва таркибларини ҳисобга олган ҳолда биргаликда ишлатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу яхшиловчилардан фойдаланганда ноннинг ҳажми сезиларли ортади (10...15% га), мағиз ғоваклигининг структураси яхшиланади, ноннинг янгилик даври узаяди (5...7 соатга).

Қўп компонентли яхшиловчилардан фойдаланилганда уларнинг таркибига аммоний сульфат (1 г) ёки аммоний фосфат (1 г) тузи қўшилади.

Кўп компонентли яхшиловчилардан фойдаланиш бўйича тавсиялар

Яхшиловчилар	100 г унга вариант бўйича г даги микдори			
	1	2	3	4
Амилоризин П10x фермент препарат	1,0	1,0	1,0	1,0
Калий бромат	0,5	-	-	-
Аскорбин кислотаси	-	2,5	-	-
Модификастияланган крахмал:				
А маркали	-	-	150	-
Б ва В маркали	-	-	-	250

Яхшиловчилар комплекс фойдаланиш, ўртача нонвойлик хоссаларига эга бўлган олий ва биринчи навли буғдой навларидан кейин ассортиментдаги нон маҳсулотларида ишлаб чиқаришда мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунга кунда Республикализнинг нонвойлик корхоналарида «Барака» малакали комбинастиялаштирилган яхшиловчи кенг қўлланилмоқда. Уннинг таркибида эмулгатор (СФМ), минерал тузларнинг аралашмаси (калстий сульфат, калстий фосфат, калстий астетат) ва аскорбин кислота мавжуд. Тўлдирувчи сифатида шакар ва ун аралашмасидан фойдаланилган.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 195-198 бет

2.Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

9-маъруза.Нон сифатини яхшилаш усуллари.

Минерал тузлар асосан ачитки хужайраларининг ҳаёт фаолиятини яхшилашга мўлжалланган. Шу билан биргаликда уларнинг айримлари картофел таёқчаларини, яъни картофел кассалигини қўзғатувчи бактерияларнинг ҳаётини тўхтатиш имкониятини беради. Аскорбин кислотаси эмулгатор билан биргаликда хамирнинг структуравий-механик хоссаларини яхшилаш, тайёр маҳсулотнинг сифатини ошириш ва янгилигини узайтиришга имконият беради.

Қайтарувчи таъсирига эга яхшиловчилар, солод ва солод препаратлари, микроб фермент препаратлари, Амилоризин П10х, Амилосубтилин Г10х, сирт-фаол моддалар, модификацияланган крахмал, комбинастиялаштирилган яхшиловчилар, нон сифатини яхшиловчи «Барака».

5- савол баёни: Кўп йиллар давомида турли мамлакатларнинг нонвойлик саноатида ноннинг сифатини – унинг ҳажмини, шаклини, мағзининг структураси ва хоссаларини, таъми ва ҳидини яхшилаш мақсадида хамирга турли маҳсус қўшимчалар қўшиш усули кўлланилмоқда. Бу яхшиловчи қўшимчаларнинг таъсир қилиш табиатига қараб уларни қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин: оксидловчи ва қайтарувчи таъсирига эга бўлган қўшимчалар; фермент препаратлари; сирт-фаол моддалар; оксидланган крахмал ва комбинастиялаштирилган яхшиловчилар.

Оксидловчи таъсирига эга яхшиловчилар. Оксидлаш жараёнининг ун, хамир ва ноннинг сифатига таъсири. Оксидловчи модда уннинг оқсил протеиназа комплексининг ҳолатига таъсир қиласи. Уннинг таъсирида дифулфид кўпиклари хосил бўлади ва оқсил моддаларнинг структураси мустаҳкамламади. Протеолизни фаолланувчи тротеазаларнинг сүлфогидрил гурухлари оксидланиши натижасида улар нофаол шаклга ўтади. Бунинг натижасида уннинг «кучи» ортади, хамирнинг структуравий-механик хоссалари яхшиланади ва хамирнинг газ ва шаклни сақлаб туриш хусусиятларининг яхшиланishi натижасида ноннинг ҳажми ортади ва тагдонлик маҳсулотларининг ёйилувчанлиги камаяди.

Уннинг «елимлари»га ҳам оксидланиш жараёни таъсир этади. Бу бўлса хамирнинг суюқ фазасидаги бўккан елимларнинг қовушқоқ структурасини мустаҳкамлайди. Амилолитик ферментларнинг, айниқса сүлфогидрил гурухларга эга α -амилозанинг фаоллиги ҳам пасаяди.

Уннинг юқорида кўрсатилган таркибий қисмларига тортишда кейиги оксидловчи таъсир кўрсатиш, уннинг етилишини асословчи асосий сабаблардан ҳисобланади (буғдой уннинг кучи ортади, ранги оқаради).

Оксидловчи жараёнларни хамирга қориш пайтида кучайтирилган механик ишлов бериш билан биргаликда амалга ошириш, хосил бўлган хамирни қорищдан кейин бирданига бўлаклашга юбориш имкониятини беради.

Оксидловчи таъсирига эга бўлган яхшиловчиларнинг турлари ва уларнинг кўлланилиши. Нон маҳсулотларини сифатини яхшилаш учун кўлланиладиган оксидловчи моддаларга асосан кислород, водород пероксида, калий бромат, калий йодат, аскорбин кислотаси, кармабид, калстий пероксид киради.

Бу яхшиловчилардан нонвойлиқда калий бромат ва калий йодат кенг кўлланилади.

Ҳаво кислороди бизнинг хоҳишимиздан қатъий назар уннинг етилишида, қориш жараёнида, хамирнинг ҳосил бўлиши ва етилишида иштирок этади. Баъзи ҳолларда бу жараёнларда ҳавонинг оксидловчи таъсирини кучайтириш чоралари кўлланилади. Масалан, уннинг тегирмонларида ва нонвойлик корхоналарида пневматик ташилиши, янги тортилган уннинг етилишини ва рангининг оқаришига ёрдам беради. Бунда қиздирилган ҳавонинг кўлланилиши таъсирини кучайтиради.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 195-198 бет

9-маъруза.Нон сифатини яхшилаш усуллари.

Кориш вақтида хамирга кирадиган кичик пулфакчалар ҳолидаги ҳаво заррачалари ҳам оксидланиши жараёнида иштирок этади. Хамирни коришда механик ишлов бериш қанчалик узоқ ва жадал борса, ундаги ҳаво заррачалари шунчалик кичик ва кўп бўлади. Шунинг учун хамир бириткириб олган ҳаво заррачаларининг оксидловчи таъсири ҳам катта бўлади.

Кўпгина тадқиқотларнинг кўрсатишича, хамирга кислородли муҳитда ёки кислород билан бойитилган ҳаво муҳитида ишлов берилса, оксидлаш жараёни натижасида хамир хоссаларининг яхшиланиши кузатилади. Шунинг учун буғдой хамирни сунъий тарзда кислород билан бойитилган ҳаво муҳитида қориш тавсия этилган.

Водород пероксида (H_2O_2) ҳам фаол оксидловчи ҳисобланади. Кўпгина тадқиқотларда буғдой нони сифатини яхшилашда водород пероксидидан фойдаланиш мумкинлиги аниқланган.

Калий бромат ($KBrO_3$) ва калий йодат ($KJ O_3$). Калий бромат қайтарилиганда KBr ни, калий йодат эса - KJ ни ҳосил қиласди.

Барча ҳолларда калий бромат ва калий йодат хамирга сувда эритма ҳолида солинади.

Бу яхшиловчиларнинг дозаланиши уннинг нави, уннинг нонвойлик хоссалари ва хамирга жадал механик таъсир қилиш билан боғлиқ. Уннинг чиқиши қанчалик юқори бўлса ва у қанчалик кучсиз бўлса, механик ишлов бериш қанчалик жадал бўлса, уларнинг дозаланиш миқдори ҳам шунчалик юқори бўлади.

Буғдой хамирини оддий опарали ёки опарасиз даврий усулда тайёрлашда калий бромат хамирдаги ун миқдорига нисбатан 0,001-0,004% гача, калий йодат эса 0,0004-0,0008% гача миқдорда солинади. Яхшиловчилар бу қадар кам миқдорда ишлашига қарамасдан, мувофиқ миқдорда нон ҳажмининг кескин ортиши (10...40%), мағизнинг ғоваклигининг ортиши ва структураси, структуравий-механик хоссаларининг яхшиланишига олиб келади. Мағизнинг ранги очикроқ ва қобиқники тўқроқ бўлади. Тагдонли маҳсулотларнинг ўйилувчанлиги камаяди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, калий бромат ва калий йодатнинг керакли миқдордан ортиқча солиниши ноннинг сифатини сезиларли даражади ёмонлаштиради. Нон кичик ҳажмли, зич, ёмон ғовакланган мағизли, ёриқлар ва тирқишлиарга эга бўлган қобиқли бўлиб чиқади.

Қобиқ рангининг одатдагидан очикроқ бўлиши, мазкур хамир учун керагидан ортиқ оксидланиш натижаси сувда эрийдиган моддаларнинг камайиши билан тушинтирилади. Керагидан ортиқ оксидланишда клейковина каркасининг структураси «мустаҳкамланади», уннинг пардаларининг чўзилувчанлик қобилятини камайиши, ҳаво пулфакчаларини ҳажмини кенгайишига тўсқинлик қиласди. Биробарин, хамирнинг газ сақлаб туриш қобиляти, тиндириш ва пишириш жараёнида ғовакланиши ҳам камаяди.

Калий броматнинг оддий хамир тайёрлаш усулларида қўлланилиши, охирги тиндиришнинг 20...40% га узайтирилиши талаб қиласди. Шусиз нон сифатини яхшиланишида энг юқори самарага эришиб бўлмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, калий бромат қўшилганда нон сифатининг яхшиланиш самараси рестептурасига ёғ ва шакар кирган нон маҳсулотлари навларида юқорироқ бўлади. Калий броматни ёғ ва фосфатид констентратидан тайёрланган эмулсия билан биргаликда қўлланилганда юқори самарага эришиш мумкин.

Калий бромат нисбатан секин, калий йодат эса нисбатан тез таъсир қилувчи оксидловчи ҳисобланади. Шу муносабат билан АҚШ да нисбий таъсир қилувчи яхшиловчи сифатида калий бромат ва калий йодатнинг 4:1 нисбатдаги аралашмасидан фойдаланилади.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 195-198 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

9-маъруза.Нон сифатини яхшилаш усуллари.

Аскорбин кислотаси (витамин С) овқатланиш физиологияси ва гигиенаси нуқтаи назаридан нуқсонсиз нон қўшимчаси хисобланади.

Аскорбин кислотаси қайтарувчи хоссасига эга. Даниялик Йоргенсен буғдой хамирига қўшиладиган аскорбин кислотаси, калий бромат ва калий йодат қўшилгандағи самарани берадиган, нон сифатини яхшиловчи эканлигини биринчи бўлиб аниқлаган тадқиқотчи эди.

Аскорбин кислотаси тегирмонда унга қуруқ ҳолда қўшилиши мумкин ёки нонвойлик корхонасида хамир тайёрлашда қўшилиши мумкин.

Аскорбин кислотанинг дозаланиш миқдори ҳам калий бромат каби уннинг нави, кучи, хамир тайёрлаш усули кабиларга боғлиқ бўлади.

Одатдаги даврий усулда хамир тайёрлашда аскорбин кислотасининг мувофиқ дозасининг миқдори ун массасига нисбатан 0,001...0,05% ни ташкил қиласди.

Аскорбин кислотаси хамир ва нон сифатини яхшиловчи сифатида калий бромат ва йодатлардан фарқи шундаки уннинг ортиқча миқдори нон сифатига салбий таъсир кўрсатмайди.

Қайтарувчи таъсирига эга яхшиловчилар. Нонвойлик корхоналарига жуда кучли, калтаузилувчан клейковинага эга бўлган навли буғдой уни келтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда қайтарувчи таъсирига эга бўлган яхшиловчилардан фойдаланиш тавсия этилади. Улар клейковинанинг кучизланишига, бунинг натижасида хамирнинг структуравий-механик хоссалари ва нон сифатини яхшиланишига олиб келади. Қайтарувчи таъсирига эга бўлган яхшиловчилар сифатида натрий гипосулфат ва натрий тиосулфатдан фойдаланилади. Улар хамирдаги ун миқдорига нисбатан 0,001...0,002% миқдордаги дозаланади.

Агар клейковинаси калтаузилувчан бўлган ун автолитик фаолликка эга бўлса, унда опарага натрий гипосулфат, хамирга эса калий бромат солинади.

Нон маҳсулотларининг сифати; уннинг нонвойлик хусусиятларини яхшилаш; маҳсулот сифатини яхшилаш учун амалга ошириладиган технологик тадбирлар; нон сифатини яхшиловчилар; оксидловчи таъсирига эга бўлган яхшиловчилар.

4- савол баёни: Уннинг сифати пастлиги туфайли юзага келган ноннинг нуқсонлари. Бу нуқсонлар нонвойликда тошбақасимон кана билан заарланган, униб чиқкан ва совук урган дондан тортилган ёки бошқа сабабларга кўра нуқсонли ундан фойдаланилганда юзага келади.

Тошбақасимон кана билан заарланган буғдойдан тайёрланган ун. Буғдой донини заарлайдиган ҳашоратлардан энг кўп тарқалгани бўлиб тошбақасимон бит хисобланади. Бу зааркунанда иссиқ иқлимли минтақаларда кўп учрайди. У хартуми донни тешиб, ширасини сўриб олади. Агар дон етилишининг бошланғич даврларда заарланса, у куриб ривожланмасдан қолади. Агар дон етилган даврида заарланса уннинг шакли ташки кўриниши ўзгармайди. Лекин доннинг нонвойлик хоссалари кескин ўзгаради. Доннинг оқсил-протеиназа комплекси энг кўп ўзгаришига учрайди.

Дондаги умумий ва оқсил азотининг миқдори кескин камаяди. Сувда эрувчи азот моддаларининг миқдори ортади. Оқсил моддаларининг таъсирланиши ва доннинг протеолитик ортади.

Бунинг натижасида ювиб олинадиган клейковинанинг, миқдори камаяди ёки у умуман ажралмайди. Ювиб олинган клейковинанинг структуравий-механик хоссалари тиндириш пайтида ёмонлашади. У сметанасимон, суркалувчи, ёпишқоқ массага айланади. Бунда ундан тайёрланган хамир суюқланади ва тиндириш пайтида ёйилиб кетади. Пиширилган ноннинг

9-маъруза.Нон сифатини яхшилаш усуллари.

хажми кичик, юқори қобиғ ёриқлар билан қопланган мағизи ёмон ғоваклашган, тагдонли эса ёйилган бўлади.

Буларнинг ҳаммаси тошбақасимон бит билан заарланган дондан тортилган ун кучсиз уннинг барча аломатлари эга эканлигидан далолат беради.

Тошбақасимон кана билан заарланган донда амилолитик фаолликнинг, асосан а-амилазанинг фаоллигининг натижасида қанд ҳосил қилиш қобиляти юқорида бўлади.

Аммо тошбақасимон бит билан заарланган дон ва уннинг асосий нонвойлик хоссаларини ёмонлашувида ундаги протеологик фаолликнинг кескин ортиши сабаб бўлади.

Бундай доннинг протеолитик фаоллигини пасайтириш ва нонвойлик хоссаларини яхшилаш учун намланган донни қиздирист юқори частотали электромагнит майдонида ишлов бериш керак. Тегирмонларда тортишдан олдин донга гидротермик билан ишлов бериш ҳам яхшиловчи таъсир кўрсатиш мумкин. Доннинг хлорланган сув билан ювилиши ҳам доннинг оқсил-протеиназа комплексига оксидловчи таъсир кўрсатади.

Тошбақасимон кана билан заарланган дондан тайёрланган унни узоқроқ сақланиши, уннинг нонвойлик хоссаларии яхшилайди.

Тошбақасимон кана билан заарланган дондан тайёрланган унни қайта ишлашнинг технологик усуллари. Бундай уннинг нуқсони уннинг оқсил-протеиназа комплекси билан боғлиқ бўлганлигини назарда тутиб, яхши сифатли нон ишлаб чиқариш учун протеолиз фаоллигини бартараф этиш ёки секинлаштириш ва оқсиллари мустаҳкамлашга йўналтирилган технологик режимлар тавсия этилади.

Нонвойлик корхонасида амалга ошириладиган бундай тадбирларга қўйидагилар киради:

- Унни қиздирилган ҳаво ёрдамида пневматик ташиш ва унни юпқа қатlam остида инфрақизил нурлар билан қисқа муддат (минутгача) қиздириш; бунинг натижасида уннинг нонвойлик хоссалари маълум даражада яхшиланади;

- Протеолизни пасайтириш учун бижгиш ва тиндириш жараёнларини қисқартириш; бунинг натижасида хамирнинг структуравий-механик хоссаларини камроқ ёмонлашади;

- Хамир ҳароратини пасайтириш; бу оқсил моддаларга протеолизнинг таъсирини секинлаштиради;

- Хамир кислоталигининг ошириш; бу протеолизни кескин секинлаштиради, натижада хамир ва клейковинанинг структуравий механик хоссалари яхшиланади;

- Хамирнинг кислоталигини ошириш учун уни суюқ ачитқиларда ёки эски хамир ёки опаранинг бир қисмини хамиртуруш сифатида фойдаланиб тайёрлаш ёки сут, сирка кислотаси қўшиш мумкин. Бунга бижгитилган қайнатмалар ҳам ёрдам бериш мумкин. Буғдои хамирининг кислоталиги уларни махсус сут кислотаси қўшиш мумкин. Бунга бижгитилган қайнатмалар ҳам ёрдам бериши мумкин. Буғдои хамирининг кислоталиги уларни махсус сут кислотали хамиртурушларда, шу жумладан қуюқлаштирилган сут кислотали хамиртурушларда тайёрланганда ҳам ортиши мумкин;

- Хамирда ош тузининг мумкин бўлган миқдорда оширилиши протелизни тўхтатиб, хамирнинг структуравий-механик хоссаларини яхшилайди;

- Оксидловчи таъсирига эга яхшиловчилардан (калий бромат ва йодат) фойдаланиш протеолитик ферметларининг фаоллигини пасайтиради, протеолизнинг фаоллантирувчиларини нофаол шаклга айлантиради, клейковина ва хамирнинг структуравий-механик хоссаларини яхшилайди;

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.-
Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 195-198 бет

9-маъруза.Нон сифатини яхшилаш усуллари.

- Нон сифатини яхшиловчи турли қўшимчаларнинг биргалик, қўлланилиши (туз миқдорининг оширилиши, леститин ва лимон кислотаси препаратлари, оксидловчи таъсирига эга яхшиловчилар);

- Тошбақасимон кана билан заарланган унни кучли ун билан аралаштириш.

Униб чиққан дондан тайёрланган ун. Доннинг униши унинг намлиги юқори бўлганда юз беради. Ўтиш пайтида об-ҳавони ёмғирли бўлиши доннинг қисман унишига сабаб бўлади.

Унган донда амилазалар, асосан α -амилазанинг фаоллиги кескин (юзлаб, ҳаттоқи минглаб маротабага) ортади.

Бу α -амилазанинг янгидан ҳосил бўлиши ва боғланган ҳолатдан озод бўлиши натижасида юзага келади. α -амилазанинг фаоллигининг ортиши сулфогидрил гурухларининг миқдорининг ортиши билан ҳам тушунтирилади.

Униш вақтида дон крахмали ферментларнинг таъсирига берилувчанлиги ва парчаланиш ортади.

α -амилазанинг фаоллигининг ва крахмалнинг ферментлар таъсирига берилувчанлиги ва парчаланишнинг ортиши гидролиз маҳсулотлари-декстринлар ва қандларнинг миқдорининг ортиши ва мос равишда унган донда табий крахмалнинг миқдорини камайишига олиб келади. Шунинг учун унган дондан тайёрланган уннинг газ ва қанд ҳосил қилиш қобиляти ортган бўлади. Доннинг униб чиқишида гидролизни ва юқори молекулали пентозалар ва елимларни дезагрегастияловчи ферментларнинг фаоллиги ортади. Бунинг натижасида унган доннинг унидан тайёрланган хамирнинг структуравий-механик хоссалари ёмонлашуви содир бўлади.

Униш жараёни протеиназалар фаоллигини ортиши билан бирга боради. Клейковинанинг оқсилларида водород ва дисулфид боғларнинг бузилиши юз беради. Оқсиллар аввал дезагрегастияланади, кейин қисман парчаланади. Уларнинг протеиназа таъсирига берилувчанлиги ортади. Бу жараёнлар натижасида буғдой доннинг униши билан ювиб олинадиган клейковинанинг миқдори камаяди. Унинг структуравий-механик хусусиятлари ёмонлашади, яъни клейковинанинг чўзилувчанлиги ва ёйилувчанлиги ортади, деформастияланишга қаршилиги камаяди. Мана шу сабаблар натижасида хамирнинг структуравий-механик хоссалари ёмонлашади. У қориш вақтида ва асосан бижғиши вақтида суюкланиб қолади.

Жавдар доннинг униши натижасида ҳам унинг протеолитик ва ститолитик ва амилаза ферментларининг фаоллигининг ортиши кузатилади. Бу омиллар тортилган унда тайёрланган хамирнинг кучли суюкланишига сабаб бўлади.

Доннинг униши натижасида фитаза ва липаза ферментларининг фаоллиги ҳам ортади.

Шундай килиб доннинг униши натижасида амилолитик, протеолитик ва бир қатор гидролитик ва дезагрегастияловчи ферментларнинг фаоллиги ортади. Бу ферментлар таъсир қиладиган моддаларнинг берилувчанлиги ҳам ошади. Буларнинг барчаси унган донда углевод ва оқсил табиатли сувда эрувчи моддалар миқдорининг ортишига сабаб бўлади. Шунинг учун унган дондан тортилган уннинг нони қорароқ рангга, ёпишқоқ ва ноэластик мағизга ва солодсимон таъмга эга бўлади. Тагдонли маҳсулотлар сезиларли ҳолда ёйилган бўлади.

5- савол баёни: Унган дондан тайёрланган унни қайта ишлашнинг технологик усуллари амилозил ва протеолизни тўхтатиш, крахмал ва оқсил моддаларининг ферментлар таъсирига берилувчанлигини камайтиришга қаратилган бўлиши керак.

Бу усулларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

- Унган дондан тортилган унни қанд ва газ ҳосил қилиш қобиляти пасайган ёки нормал ҳолда бўлган ун билан аралаштириш;

- Нонни пиширишда α -амилазанинг фаоллигини, шу билан хамирдаги протеиназанинг фаоллигини камайтириш учун хамирнинг кислоталигини ошириш;

9-маъруза.Нон сифатини яхшилаш усуллари.

- Оксидловчи таъсирига эга яхшиловчилар, масалан калий броматни, сут кислотаси ёки хамирда кислота тўплашни тезлаштириш билан биргаликда (сут кислотали хамиртурушлар, олдиндан тайёрланган етилган хамирнинг бир қисмини) қўллаш. Оксидловчи таъсирига эга яхшиловчиларнинг қўшилиши хамирдаги α -амилазанинг фаоллигини (унинг структурасидаги сулфогидрил гуруҳларнинг оксидланиш натижасида) ва протеолизнинг тезлиги пасайтиради;

Ош тузи миқдорининг мумкин бўлган миқдорларда оширилиши қисман унган доннинг унидан тайёрланган ноннинг сифатини яхшилайди. Буни хамирдаги амилолиз ва протеолизнинг тезлигини, крахмалнинг парчаланишига берувчанлигини пасайтирилиши ва крахмалнинг клейстерланиш ҳароратини қўтарилиши билан тушунтириш мумкин.

Совуқ урган дондан тайёрланган ун. Дон баъзида ўриб олинмасдан олдин совуқ билан заарланади. Бундай дондан тайёрланган нон кичик ҳажми, қобиғининг рангининг қоралиги, ўзига хос солодсимон таъми ва қора, ёпишқоқ мағизи билан ажralиб туради.

Совуқ урган дондан тайёрлаган ун юқори кислоталилик, қанд ва декистириналар ҳосил қилиш қобиляти, юқори протеолитик фаоллик, умумий азотнинг ва сувда эрувчи азотнинг миқдорининг кўплиги, клейковинанинг миқдорининг камлиги билан ажralиб туради.

Совуқ урган доннинг бу хоссалари шу билан тушутирилади, совуқ таъсири донни етилмасдан олдин ривожланишини тўхтатиб қўяди. Дон етилиш босқичида қанчалик эрта совуқнинг таъсирига учраган бўлса, унинг нуқсонлилик даражаси шунчалик юқори бўлади.

Совуқ урган дондан тайёрланган унни қайта ишлашда, унган дондан тортилган унни қайta ишлашдаги технологик тадбирларни қўллаш керак. Асосий тадбир хамирнинг кислоталилигини ошириш, α -амилазанинг декистринловчи таъсирини камайтиришга қаратилиши керак. Бунга эришиш учун хамирни суюқ хамиртурушларда тайёрлаш, олдинги даврдан қолган етилган хамирни қўшиш ёки маҳсус сут кислотали хамиртурушларда тайёрлаш керак.

Назорат саволлари.

1. «Озик-овқат (нон) маҳсулотлари сифати» иборасининг таърифини келтиринг.
2. Амалиётда «маҳсулот сифати» деганда нимани тушинилади?
3. Қайси омиллар маҳсулот сифатига таъсир этади?
4. Қайси йўллар билан уннинг нонвойлик хусусиятларини яхшилаш мумкин?
5. Нонвойлик корхоналарида маҳсулот сифатини яхшилаш учун қандай технологик тадбирлар амалга оширилади?
6. Нонвойлик саноатида қайси яхшиловчилардан фойдаланилади?
7. Тошбақасимон бит билан заарланган дондан тортилган унни қайта ишлаш жараёнида қандай чораларни қўриш керак?
8. Униб чиққан дондан тортилган унни қайта ишлаш жараёнида қандай тадбирларни амалга ошириш керак?

Мавзуга оид мустақил иш топширикчлари:

1. Пишириш қолиплари, листлар, подлар турлари
2. Ноннинг қотишига қарши чора тадбирлар.

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
- 2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
- 3.Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
- 4.Пашченко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.-М.:КолосС, 2006.-389с.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.-
Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 195-198 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

10-маъруза.Нон ва нон маҳсулот турлари.

Режа:

10.1.Новвойлик саноати маҳсулотлари ассортиментининг номенкла-тураси

10.2.Нон маҳсулотларинин асосий навларининг қисқача тавсифи

10.3. Булка маҳсулотларининг қисқача тавсифи

10.4.Ширмой нон маҳсулотларининг қисқача тавсифи

Таянч сўз ва иборалар:Нон маҳсулотлари турлари, нон маҳсулотлари хиллари, нон маҳсулотлари нави, ўзбек миллий нонлари, оддий патир, ширмой нонлари

1- савол баёни: Новвойлик саноати маҳсулотлари ассортименти нон, нон-булка, ширмой, тешиккулча ва қоқнон маҳсулотлари, шулар билан бирга миллий ва даволаш парҳезбоп нон маҳсулотларининг турлари ва нав-ларидан иборатdir.

Нон ва нон маҳсулотларининг товаршунослик классификастиясига кўра улар турларга, хилларга ва навларга ажратилади.

Нон маҳсулотларининг т у р л а р и улар тайёрлангаётган уннинг тури билан боғлиқ. Ноннинг буғдой, жавдар, буғдой-жавдар ва жавдар-буғдой каби турлари мавжуд.

Ноннинг х и л и нон пиширишда фойдаланилган уннинг нави орқали аниқланади. Буғдой нони олий, I ва II навли, «Ўзбекистон» ва жайдари буғдой унларидан, жавдар нони эса эланма, сидирма ва жайдари унларидан тайёрланади.

Рестептурасига кўра ноннинг оддий ва яхшиланган хиллари мавжуд.

Ноннинг н а в и бир қатор белгиларни бириктиради. Булар ноннинг тури, хили, пишириш усули (қолипда ёки тагдонли), маҳсулотнинг шакли (булка, батон, ўрама), истеъмолчига етказиб бериш усули (тортиб ёки доналаб сотиладиган) ва бошқалар.

Нон ва нон маҳсулотларининг "ассортименти" деганда нон маҳсулотларининг барча турлари, гурухлари ва навларининг йиғиндиси тушунилади.

Новвойлик корхоналарининг ҳисботи учун тасдиқланган нон маҳсулотларининг номенклатуроси мавжуд. Бу номеклатурага кўра нон маҳсулотлари гурухларга бўлинган

2- савол баёни:Нон ва булка маҳсулотларининг ассортименти бир неча юз навлардан иборатdir.

Жайдари ундан тайёрланган жавдар нони. Жайдари ундан тайёрланган жавдар нони қолипли ёки тагдонли, тортиб ёки доналаб сотиладиган ҳолда ишлаб чиқарилади.

Жайдари ундан оддий жавдар нони-дан ташқари, ферментлаштирилган (қизил) жавдар солоди, зираворлар қўшиб яхши-ланган қайнатма жавдар нони, Москва жавдар нони, 80 % жайдари жавдар унидан, 15 % II навли буғдой уни ва қизил жавдар солоди, шакар, патока ва зиравор қўшиб Бородино нонлари ҳам тайёрланади.

Сидирма ва эланма ундан тайёрланган жавдар нони. Бу гурухга нафақат шу жавдар уни навларидан тайёрланган, балки уларнинг бир қисмини буғдой унига алмаштириб тайёрланган нон маҳсулотлари ҳам киради.

Эланма ва сидирма жавдар унларнинг ўзидан жавдар нони қолипли ёки тагдонли, тортиб ёки доналаб сотиладиган ҳолда ишлаб чиқарилади.

Сидирма жавдар ва «Ўзбекистон» буғдой унлари аралашмасидан тортиб ёки доналаб сотиладиган қолипли ва тагдонли «Дармон» нони, Украина нони (20...80 % сидирма жавдар ва 80...20 % жайдари буғдой унлари), Украина янги нони (20...80 % эланма жавдар уни ва 80...20 % иккинчи навли буғдой уни) ишлаб чиқарилади.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Ташкент: Янги аср авлоди, 2009,- 195-198 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Ташкент: Ношир, 2013.176 бет

10-маъруза. Нон ва нон маҳсулот турлари.

Шу гурухга яна сидирма жавдар ва биринчи навли буғдой уни, 5 % ферментлаштирилмаган солод, 7 % шакар, 3 % ўсимлик майи, 1 % зирадан «Паҳлавон» нони; сидирма жавдар уни ва иккинчи навли буғдой

уни, 5 % ферментлаштирилган солод, 10 % шакар ва 1,5 % зирадан «Президент» нони; 80 % сидирма жавдар уни ва 15 % «Ўзбекистон» навли буғдой уни, 5 % ферментлаштирилган солод, 9 % шакар ва 0,5 % зиравордан «Тансиқ нон», 90 % эланма жавдар уни ва 10 % биринчи навли буғдой уни, 2 % патока қўшиб қолипсиз пишириладиган, тортиб ёки доналаб сотиладиган Минск нони; 85 % эланма жавдар уни, 10 % биринчи навли буғдой уни, 5 % ферментлаштирилмаган жавдар солоди ва 0,4 % зиравор қўшиб тайёрланадиган Рига нони ва бошқалар киради.

Жайдари ундан тайёрланган жавдар-буғдой ва буғдой-жавдар нони. Жавдар-буғдой қолипли ёки тагдонли, тортиб ёки доналаб сотиладиган ҳолда 60 % жавдар ва 40 % буғдой жайдари унларидан, буғдой-жавдар нони эса 60 % буғдой ва 40% жавдар жайдари унларидан тайёрланади.

5 % ферментлаштирилган жавдар солоди қўшиб жавдар-буғдой қайнатма нони ҳам тайёрланиди.



10.2-расм. Қолипли буғдой



10.3-расм. Тагдонли буғдой нони

калачи, Гулли нон ва бошқалар тайёрланади.

З-савол баёни: Буғдой нони. Буғдой нонига қолипда ёки тагдонда пиширилган, тортиб ёки доналаб сотиладиган, «Ўзбекистон», I, II ва олий навли буғдой унларидан тайёрланган нонлар тааллуклидир.

Буғдой нони турли навларда ишлаб чиқарилади. Масалан, жайдари буғдой унидан оддий қолипли ва тагдонли, тортиб ёки доналаб сотиладиган нонлар тайёрланади. Забайкальск нони бўлса 50 % жайдари ва 50 % иккинчи навли буғдой унларидан тайёрланади.

Иккинчи навли буғдой унидан оддий нон (қолипли ёки таг-донли), Украина палянистаси (таг-донли), Киев арнаунати (тагдон-ли), оқ нон (қолипли ёки таг-донли) ва бошқалар ишлаб чиқарилади.


«Ўзбекистон» буғдой унидан қолипли тортиб ёки доналаб сотиладиган нон, қолипсиз пишириладиган «Деҳқон» доналик нонлар ишлаб чиқарилади.

Биринчи навли буғдой унидан оддий нон (қолипда ёки тагдонда пиширилган), уй нони (тагдонда пиширилган), сутли нон, Саратов калачи, Украина палянистаси, белорус нони, шаҳар нони, оқ нон ва бошқалар ишлаб чиқарилади.

Олий навли буғдой унидан оддий қолипли ва тандонли, майизли нон, сутли нон, Саратов

10-маъзуза. Нон ва нон маҳсулот турлари.


Кейинги йилларда новвойлик саноати олий, биринчи ва иккинчи навли буғдой унларидан оқ нон ишлаб чиқармоқда. Оддий буғдой нони билан солиштирганда бу ноннинг рестептураси прессланган ачитқилар миқдорининг кўплиги (1,5 %) билан фарққилади. Шундан келиб чиқиб, бу ноннинг ғоваклиги оддий нонга қараганда 2...3 % кўп бўлиши керак.



10.4-расм. Шаҳар батони

Булка маҳсулотлари

Олий ва биринчи навли буғдой унларидан тайёрланган булка маҳсулотларига батонлар, бул-калар, ўрамалар, тақасимон, калач кўринишидаги массаси 500 г ва ундан кам бўлган рестептурасида 100 кг унга нисбатан 7 % дан кам ёғ ва шакар кирган маҳсулотлари ки-ради. Булка маҳсулотлари ай-рим навларининг рестептураси-га, масалан, оддий ва шаҳар батонларда, ёғ ва шакар кирмайди.



10.5-расм. Шаҳар булкаси

10.6-расм. Сайкалар

10-маъруза.Нон ва нон маҳсулот турлари.

4- савол баёни: Ширмой нон-булка маҳсулотлари. Бу гурухга рестептурасида 100 кг унга нисбатан 7 % дан кўп ёғ ва шакар мавжуд бўлган нон-булка маҳсулотларининг барча турлари киради.


Ширмой нон маҳсулотлари оддий ширмой, ҳаваскорлар маҳсулотлари, оддий ва шаклдор Виборг ширмойларига бўлинади.

Оддий ширмой маҳсулотлари биринчи навли, ҳавасаки ва Виборг ширмой маҳсулотлари эса олий навли буғдой унидан тайёрланади. Бу навларининг ширмойлик даражаси шу билан фарқланадики, оддий ширмойига 100 кг унга нисбатан 10 кг шакар, 7 кг сигир ёғи ва 90 дона (3,5 кг) тухум солинса, ҳавасаки ширмойига 17 кг шакар, 13 кг сигир ёғи, 220 дона тухум (8,8 кг) ва 4,2 г ванилин; оддий Виборг ширмойига 20 кг шакар, 2 кг патока, 7 кг сигир ёғи, 12 кг повидло ёки мураббо, 5 г ванилин ва 1 кг шакар кукуни (юзасига сепиш учун); шаклдор виборг ширмойига 25 кг шакар, 2 кг патока, 10 кг сигир ёғи, 100 дона тухум (4 кг), 5 г ванилин ва 1 кг шакар кукуни (юзасига сепиш учун) солинади.

Юқорида кўрсатилган ширмой хилларининг ҳар биридан шакли билан фарққилувчи ўнлаб маҳсулотлар тайёрланиши мумкин.



10.7-расм. Биринчи ва иккинчи навли буғдой унидан майда булка маҳсулотлари



10.8-расм. Олий навли буғдой унидан шаклдор Виборг ширмой булка маҳсулотлари

10-маъзуа. Нон ва нон маҳсулот турлари.



10.9-расм. Бубликлар

Тури ҳисобланади. Намлиги юқори бўлган бубликлар эса бунинг тескариси бўлиб, янги ҳолда истеъмол қилишга мўлжалланган.

Тешиккулча маҳсулотлари намлиги паст бўлган қаттиқ хамирдан тайёрланади. Масалан, сушкалар хамирининг намлиги 33...36,5 % ни ташкил қиласди.

Тешиккулча маҳсулотла-рининг хамири маҳсус янгиланиб туриладиган хамиртуруушда ёки прессланган ачитқилар қўшиб тайёрланган опарада тайёрланади.



10.11-расм. Сушкалар (қуруқ тешиккулчалар

10.10-расм. Баранкалар

Сув миқдорининг камлигини ҳисобга олиб, хамир тайёрлаш жараёни икки қисмдан иборат бўлади: хамирнинг структураси ва хоссаларининг бир жинслигини таъминлаш учун хамир қориш машинасида қориш ва қорилган ха-мирни машиналарда зичлаш ва биртекислаш.

Хамирни эзиз текислангандан сўнг у дам олиши - бижғиши (30...60 мин) керак. Кейин хамир бўлакловчи-тоблаш машинасига келади, у ердан шакл берилган хамир маҳсулотлар кўринишида чиқади.

Тешиккулча маҳсулотларига шакл бериш учун маҳсус бўлакловчи-тоблаш машиналари ва ишчи органлари алмаштириладиган универсал бўлаклаш-тоблаш машиналари яратилган. Бубликларнинг хамирига шакл бериш учун БМ-2 маркали машина ҳам қўлланилади.

Шакл берилган хамир маҳсулотлари тиндирилади, кейин қайноқ сувда қайнатилади ёки 0,14...0,15 МПа босимли буғда буғланади. Қайнатиш 0,5...3 минут давом этади. Маҳсулот қанчалик катта бўлса, қайнатиш ҳам шунчалик узок давом этади.

¹ 1. Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Ташкент: Янги аср авлоди, 2009,- 233-251 бет

2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Ташкент: Ношир, 2013.176 бет

10-маъруза. Нон ва нон маҳсулот турлари.

Қайнатиш (буғлатиш) вақтида тешиккулчаларнинг ҳажми кескин ортади, оғирлиги эса сезиларли ўзгармайди. Шунинг учун тайёр бўлган тешиккулча хамир маҳсулотлари юзага сузуб чиқади. Хамир маҳсулот марказида ҳарорат 50...60 °C га, юзасида эса 60...70 °C га етади. Бунинг натижасида хамир маҳсулотларда крахмалнинг клейтерланиши ва оқсилларнинг денатурастияланиши бошланиб, бу маҳсулотнинг юзасида яққол сезилади, яъни пиширишдан сўнг тайёр маҳсулотнинг юзаси силлиқ ва ялтироқ бўлиб қолади.

Қайнатишдан сўнг хамир маҳсулотлар қуритилади. Тешиккулча маҳсулотларини пишириш маҳсус конвейерли печларда ёки бошқа конструкциядаги печларда амалга оширилиб, маҳсулотнинг нави, массаси ва туридан келиб чиқиб 10 минутдан 20 минутгача давом этади.

Тешиккулча маҳсулотларини пишириш механизми нон маҳсулот-ларини пишириш механизмидан фарққилади. Тешиккулча маҳсулот-ларини пиширишда намлик маҳсулотнинг марказидан ҳам юзасига ҳаракатланади.

Пиширишнинг охирида бубликларнинг марказида ҳарорат 104...106 °C га, баранкаларнинг марказида 107...108 °C га, суш-каларнинг марказида эса 110...112 °C га етади.

Тешиккулчаларни пиширишда пишириш ва қуритиш жараёнла-ри бирлашади деб қабул қиласак бўлади..

Махсус печларда маҳсулотнинг юзасига очиқ аланга билан ишлов берилади. Конвейерли печларда бу жараён пиширишнинг биринчи бос-қичида 1...2 мин давомида маҳсулотларни пишириш камераси муҳити-нинг 300...350 °C ҳароратида қиздириш билан алмаштирилиши мумкин.

Тешиккулча маҳсулотларини пиширишда намлик бериш тезлиги катта аҳамиятга эга бўлиб, минутига 1,6...1,8 % ни ташкил қилиши керак.

Тешиккулча маҳсулотларининг ассортименти. Иккинчи навли буғ-дой унidan қандли баранкалар ва оддий сушкалар тайёрланади.

Биринчи навли буғдой унidan тортиб ёки доналаб сотиладиган украинча, кунжутли, зирали ва сутли бубликлар, оддий, қандли, сутли ва бошқа нав баранкалар, оддий ва тузланган сушкалар тайёрланади.

Олий навли буғдой унidan баранкалар (шакарли, лимонли, ванилли ва бошқалар) тайёрланади.



10.12-расм. Оддий қоқнонлар

унлари аралашмасидан тайёрланган нонлардан фойдаланиш мумкин.

Оддий ва ширмой қоқнон-лар.

Оддий қоқнонлар. Улар одатда бўлакларга кесилиб 10 % намлигача қуритилган жавдар ёки жавдар-буғдой нонидан тайёрланган узоқ муддатли сақлашга мўл-жалланган маҳсулотлардир. Улар ҳар қандай об-ҳаво шароитларда истеъмолга яроқли бўлиб ҳисоб-ланади.

Жавдар ёки жавдар-буғдой қоқнонларини ишлаб чиқариш қу-йидаги жараёнлардан иборат бў-лади: нонни тайёrlаш, нонни сақ-лаш, нонни бўлакларга кесиш, бўлакларни кассеталарга жойлаштириш, қуритиш, қоқнонларни ўраш. Оддий қоқнонлар учун жавдар ва буғдой

10-маъруза. Нон ва нон маҳсулот турлари.

Хамир ва нонни тайёрлаш оддий усул билан амалга оширилади. Қоқон тайёрлашга мўлжалланган намлиги 42...44 % атрофида бўлиши керак.

Қоқон тайёрланадиган нон бошқа сифат кўрсаткичлари бўйича шу навдаги нонга қўйилган талабларга жавоб бериши керак. Нон говаклигининг яхши бир хилда тарқалганлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Қоқон хамири қолипларда 1,5... кг ли массада тайёрланади. Қоқон тайёрлашга мўлжалланган нон 12...18 соат, баъзида эса 24 соат-гача сақланиб, кейинчалик бўлакларга кесилади. Нонни сақлашдан мақсад, уни кесилганда деформацияланмаслиги ва ушоқларга ажралмас-лигини таъминлашдир.

Нонни кесиш маҳсус нон кесиш машиналарида амалга оширилади. Нон 20...25 мм қалинликдаги бўлакларга кесилади. Бўлакларнинг 22 ммқалинлиги энг мувофиқҳисобланади. Бу қалинликда бўлакларнинг қутиши тезлик билан амалга оширилади ва қийшиқланмаган мус-таҳкам меканикавий хусусиятларга эга қоқонлар тайёрланади.

Кесиш вақтида деформацияланган ва қобиғи мағзидан ажралган бўлаклар қайта ишлашга юборилади.

Кесилган нон бўлаклари вертикал ҳолатда бўлинишини назарда тутиб, уларни бир биридан маълум масофада кассеталарга жойлаштирилади.

Қоқонларни қутишига мўлжалланган туннелсимон қутигичларда нон бўлаклари солинган кассеталар вагонеткаларнинг каркасига жойлаштирилади.

1 тонна бўлакдан қоқон тайёрлаш учун 350...-400 кг сувни буғ-латиб юбориш керак.

Тайёр бўлган қоқонларни қутигичдан чиққанидан сўнг совутилиши ва шундан кейингина ўралиши керак.

Совутилган қоқонлар кассеталардан жойлаш столига бўшатилади ва сараланади. Саралаш ва жойлаш жараёнида уларнинг стандартда кўрсатилган органолептик сифат кўрсаткичларига эътибор берилади. Талабларга жавоб бермайдиган қоқонлар: куйган, катта ёрикли: бегона аралашмалар бўлган, ифлосланган, ностандарт ўлчамли маҳсулотлар ажратиб олинади. Бунда катта ва кичик синикқоқонларнинг стандартда кўрсатилган миқдори ҳам хисобга олинади. Шу билан биргаликда яққол қутилмаган қоқонлар ҳам ажратиб олинади. Лекин қоқонларни умумий намлиги 10 % дан ошмаган ҳолда, бўлакларнинг марказий кис-мидагизнинг қатлами бўлиши мумкин.

Қоқонлар одатда кўп қатламли қофоз халталарга жойланади. Бунда қоқонларни бир-бирига зичлаб, қаторлаб халталарга терилади. Кейин қоқон солинган халталар тикилади ва тамгаланади.

Жойланган қоқонлар тоза, қуруқ ва яхши шамоллатиладиган алоҳида хоналарда сақланади.

Ширмой қоқонлар. Булар ёқимли таъм ва хушбўйликка эга бўлиб, кўпинча чой ва кофе билан истеъмол қилишга тайинланган. Намлиги кам бўлганлиги учун уларни узоқ вақт сақлаш мумкин.


Ширмой қоқонлар навли буғдой унидан тайёрланади. Масалан, II навли ундан шахар қоқони, I навли ундан кофели, қандли, москвали ва бошқалар, олий навли ундан бўлса – бачкана, ҳавасли, сариёғли, ванилли ва бошқа навли қоқонлар ишлаб чиқарилади. Қоқонлар рестептураси навига кўра хамирга ёғ, шакар ва тухум солишини кўзда тутади. Айрим навларнинг рестептураларида қоқонларнинг юзасини безатиш учун бодом, қўшимча миқдорда шакар қўлланиши кўзда тутилган.

¹ 1. Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 233-251 бет

2. Айходжаева Н.К., Джаконгирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

10-маъруза. Нон ва нон маҳсулот турлари.

Ёғ ва шакарнинг ачитқилар ҳаёт фаолиятини тўхтатувчи таъсирини ҳисобга олиб, хамирга ачитқилар катта микдорда, 2,5 % гача соли-шини инобатга олинган.



10.13-расм. Ширмой қоқнонлар

Ширмой қоқнонларни ишлаб чиқариш технологик жараёни хамир тайёрлаш, бижғиган хамирга «плита» деб номланувчи шакл бериш, хамир плиталарини тиндириш, пишириш, тайёр қоқон плиталарини сақлаш, бурдаларга кесиш, уларни безатиш, юзаки қовуриш-қуритиш, тайёр қоқнонларни совутиш ва қадоқлаш босқичлардан иборат бўлади.

Ширмой қоқнонларининг хамири опарали усулда тайёрланади. Кўпгина навлар учун шакар ва ёғ маҳсулотлари хамирни ширмойлаш босқичида солинади.

Бижғиган хамирдан маҳсус зувалалар - «плиталар» тайёрланади. Плиталарни кўндаланг қирқими қоқнонларнинг шаклига деярли ўхшаш бўлади.

Қоқон плиталари кичик, биртекис ва юпқа пардали ғовакликка эга бўлиши керак. Шунинг учун плиталарга шакл бериш аввалдан қўлланилиб келинган усули қўйидаги босқичлардан иборат: хамирни кичик бўлакларга ажратиш; бўлакларни ёйиб, кейин уларга бовлиқ (бармоқ) шаклини бериш; бовлиқларни бир-бирига зич қилиб тунука тахта устига териш; ҳосил бўлган плитани тўғрилаш (қоқноннинг навига хос шакл бериш учун).

Асосан плиталар тайёрлаш учун машиналардан фойдаланилади. Бу машинада хамирга матриста орқали плита шакли берилади. Матриста тешикларининг шакли тайёрланадиган қоқон шаклига мос бўлиши керак.

10-маъруза. Нон ва нон маҳсулот турлари.

Матристанинг тирқишидан чиқаётган плиталар тунука тахталарга терилади ва керакли ҳолларда қўл билан тўғриланади. Машинада плиталарга шакл бериш анча унумли бўлса ҳам, аммо қўлда шакл берилган плиталарнинг ғоваклиги машиналарга шакл берилган плиталарга кўра афзаликга эга.

Шакл берилган плиталарни тиндириш 35...40 °C ҳароратда, 75...85 % нисбий намлиқда 40...120 мин давомида тиндириш хона-ларида ёки шкафларида амалга оширилади.

Пиширишдан олдин плиталар юзаси суюқ тухум аралашмаси билан суркалади ва айрим навларининг юзасига қоқон талқони, майдаланган бодом ва бошқалар сепилади. Хамир плиталарини пишириш турли конструкцияга эга печларда 180...250 °C ҳароратда 7...20 мин давомида (қоқонларни навига кўра) амалга оширилади. Piшириш камерасида намланиш талаб қилинмайди.

Пиширилган плиталар одатда шу тунука тахталарнинг ўзида 15...20 минут давомида совутилади. Кейин плиталар ёғоч лотокларга жойланиб 8...24 соат сақланади. Қоқон плиталарини сақлашдан мақсад уларни бурдаларга кесиш учун мувофиқхолатга келтиришдир.

Плиталар сақланадиган хоналар тоза, куруқ ва яхши шамол-латиладиган бўлиши керак. Ҳавонинг ҳарорати 12...15 °C, нисбий намлиги 65...70 % бўлиши мақсадга мувофиқдир. Агар плиталар маҳсус совутиш конвейерли шкафларда энг қулай ҳаво алмашиниш шароитда сақланса, уларнинг сақланиш давомийлиги 3,5...7 соатни ташкил этиши мумкин.

Сақланган плиталар қоқон навига жавоб берадиган қалинликда маҳсус қирқиши машинасида бурдаларга кесилади. Бурдалар қуритиш учун мўлжалланган тунука тахталарга қаторлаб ётказилади.

Қуритиш новвойлик печларида 165...220 °C ҳароратда 12...35 мин давомида (қоқоннинг ўлчами ва рестептурасига кўра) амалга оширилади.

Ширмой қоқонлар ишлаб чиқаришнинг бу босқичини юзаки қовуриш-қуритиш деб аташ мақсадга мувофиқ бўлар эди, чунки, бунда қоқонлар нафақат қуритилиши, балки ён томонлари қизарган рангда бўлиши ҳам керак. Шунинг учун ширмой нонларни қуритиш конвектив усулида иситиладиган қуригичларда эмас, балки новвойлик печларида амалга оширилади. Чунки, фақат бу ҳолда иссиқлик берувчи юзалардан нурланиш натижасида бурдаларнинг қизаришига эришилади.

Тайёр бўлган ширмой қоқонлар 2...3 соат совутилади ва шундан кейингина сараланади ва қадоқланади.

Ширмой қоқонлар ишлаб чиқариш маҳсус комплекс-механизма-стиялаштирилган узлуксиз ишлайдиган жиҳозлар қаторларида ҳам амалга оширилади.

Миллий нон маҳсулотлари. Уларнинг қисқача тавсифи ва ишлаб чиқариш технологияси.

Ўрта Осиё ва Кавказорти давлатларида нон маҳсулотларининг оммавий навлари билан бир қаторда маҳаллий миллий нон маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилади.

Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш туб аҳолининг тарихий шакл-ланган урф одатларига кўра ривожланган.

Ўзбек миллий нон маҳсулотлари. Уларнинг асосий қисмининг ўрталари ингичка, четлари қалин бўлган, юзасига расм туширилган юмалоқ шаклдаги маҳсулотлар ташкил қиласиди.

Анъянавий технологияга кўра, ўзбек нонларининг хамири хамир-турушларда тайёрланади. Хамиртурушнинг ўзи турли хилдаги хом ашё-дан фойдаланилган ҳолда кўп босқичли усуlda тайёрланади. Масалан, Оби-нон учун хамиртуруш куйидагicha тайёрланади.

¹ 1. Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 233-251 бет

2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

10-маъруза.Нон ва нон маҳсулот турлари.

Ун (3 кг), ҳарорати 38 °C бўлган гўшт ва бошқа масаллиқлари аж-ратилган қуруқ шўрва (1,5 л) ва ачиған сут (0,2 л), тозалаб майдаланган бош пиёз (0,5 кг) аралаштирилиб намлиги 43,2 % бўлган хамиртуруш қорилади. Унинг бошланғич кислоталиги 2,4 град ни ташкил этади. Хамиртуруш 29 °C ҳароратда 16 соат давомида 6,5 град кислоталикгача бижғитилади. Тайёрланган хамиртурушга 17 кг ун ва сув қўшиб қорилади ва намлиги 43,2 %, ҳарорати 29 °C бўлган хамиртурушнинг миқдори оширилади, яъни ишлаб чиқаришга юбориладиган хамиртуруш қорилади. Хамиртуруш 4...6 соат давомида 6,5 град кислоталикгача бижғитилади ва тайёр хамиртуруш хамир қоришга юборилади. Хамир тайёрлаш учун ишлатиладиган хамиртурушнинг миқдори (қўтариш кучи-га қараб) сарфланадиган унга нисбатан 25...30 % ни ташкил қиласди.

Хамиртуруш ҳар 8...10 кунда янгиланиб турилади.

Ширмой нон хамирини етилтириш учун нўхат-арпабодён шираси асосида тайёрланган хамиртуруш ишлатилади. Шира 0,02 кг арпабодён, 0,25 кг майдаланган нўхат ва 0,8 л сувдан тайёрланади. Бунинг учун ар-пабодён уруғи устига сув солиниб қайнаш ҳолатига етказилади ва 10...15 мин сақланади. Тайёрланган суюқлик филтрланади ва янчилган нўхат билан аралаштириб, яъни шира хосил қилиш учун 80 °C ҳароратда 1 соат сақланади. Шундан сўнг шира 38...40 °C ҳароратда 13...14 соат бижғитилади. Ширага 0,4 кг ун қўшиб 28...29 °C ҳароратда 2...6 град кислоталикгача 1 соат давомида бижғитиб опара тайёрланади. Опарага 0,5 кг ун, 0,2 л сув қўшиб шу ҳароратда ва давомийликда бижғитиб яримпойгир тайёрланади. Ярим пойгир, 5,5 кг ун ва 2,9 л сувдан 30 °C ҳароратда 3 соат давомида бижғитиб пойгир тайёрланади. Унинг охирги кислоталиги 3 град. Пойгир асосида 20 кг ун ва 9 л сув, 0,3 кг туз, 1,7 кг шакар, 1,55 кгқўй ёғи қўшиб атола тайёрланади. Атола 1 соат давомида 35...40 °C ҳароратда 2,2 град кислоталикгача бижғитилади. Тайёрланган атолага ун ва сув қўшиб хамир тайёрланади.

Юкорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, хамиртурушни анъанавий усулда тайёрлаш, узоқ вақтни талаб қиласди. Шунинг учун новвойлик саноатида хамир тайёрлашда хамиртурушдан эмас, балки новвойлик ачитқиларидан фойдаланилади.

Хамир опарали ва опарасиз усулларда прессланган ва суюқ ачитқилардан фойдаланиб қорилади. Опарали усул кўлланилганда хамир тайёрлашда сарфланадиган уннинг 40...50 % опара тайёрлаш учун ишла-тилади. Опарасиз усулда хамир тайёрланганда ун умумий массасининг 10...20 % ни ўрнида бижғиган хамир қўшилади.

Прессланган ва суюқ ачитқилар аралашмасидан фойдаланилганда опара ва хамирнинг кислоталиги 0,5 град ортишига рухсат этилади.

Бижғиган хамир машиналар ёки қўлда бўлакланади ва думалоқ-ланади.

Ўзбек нонларининг яна ўзига хос томони шундаки, уларга охирги тиндиришдан кейин шакл берилади.

Хамир зувалаларни тиндириш вагонеткалар, тиндириш камералари ва шкафларида 20...60 мин давомида амалга оширилади.

Кўпчилик навдаги нонларнинг зувалаларининг ўртаси юпқа, четлари қалин юмалоқ (доира) шакл берилиб ўртаси чекиҷланади.

Ўзбек нонларининг навлари нафақат рестептураси, балки шакли ва юзасидаги нақшлари билан ҳам бир биридан фарқланади.

Шунинг ҳам кўпчилик навдаги нонларнинг зуваласига ўртаси юпқа ва четлари қалин шакл берилса, баъзиларининг юзасига биртекис қалинликда шакл берилади. Чекиҷнинг игналари турли шаклда (доира, квадрат ва ҳоказо) жойлашганлиги туфайли, унинг ёрдамида санчиб тешиклаш йўли билан зуваланинг юзасига ҳар хил нақшларни яратиш имконияти туғилади.

10-маъруза. Нон ва нон маҳсулот турлари.

Шакл берилган хамир бўлаклари пиширишга (ёпишга) юборилади.

Анъанавий технологияга кўра, ўзбек нонлари маҳсус тандирларда (танўрларда) пиширилади (ёпилади). Тандир ичидаги температура режими, иссиқлик бериш усули, тандирнинг конуссимон шакли, газсимон мухитнинг таркиби ва бошқа бир қатор омиллар ноннинг сифатига сезиларли таъсир қиласди.

Ўзбек миллий нонларини оммавий тарзда ишлаб чиқариш учун Республикаизда яратилган Брувер-Солихов ва Данко-Султанхўжаев конструкциясидаги печлардан ва кичик нонвойхоналарда электр печлардан фойдаланилади. Шунинг билан бирга нонларнинг бир қисми катта тандирларда ҳам ёпилади. Ўзбек миллий нонларининг пишириш давомийлиги уларнинг массасига кўра 5...6 мин дан (0,1 кг) 18...22 мин гача давом этади. Нонлар қобиғининг ялтироқлигини таъминлаш учун хамир маҳсулотларни печга қўйгандан кейин ёки нонни печдан узишдан олдин юзасига сув пуркалади.

Халқ уста нонвойлари миллий нон маҳсулотларини тайёрлашни юксак дара-жада такомиллаштирганлар. Аммо замона-вий новвойлик саноат корхоналари шаро-итида ўзбек нонларини ишлаб чиқариш-нинг анъанавий технологиясини жорий қи-лиш, бинобарин нонларнинг ўзига хос истеъмолбоп хусусиятларини ҳам таъмин-лаш қийин.



Шунинг учун технологик жараённи анъанавий технологик талабларга иложи борича яқинлаштириш асосий вазифа хисобланади.

10.14-расм. Ўзбек нонлари.
Қашқарча совға нон

Ўзбек миллий нонлари-нинг 50дан ортиқ навлари мавжуд. Уларнинг бир қисми республиканизнинг новвойлик саноати миёсида ишлаб чиқарилади.

Новвойлик саноатида ишлаб чиқарилаётган нон маҳсулотлари умумий миқдорининг тахминан 25 % ни ўзбек миллий нон маҳсулотлари ташкил қиласди. Миллий нонларнинг салмоқли миқдори хонадонларда уй шароитида тайёрланади.

Ўзбек миллий нонларини шартли равишда уч гурухга бўлиш мумкин.

«Оддий ўзбек нонлари» гурухига олий, биринчи ва иккинчи навли буғдой унидан тайёрланадиган Гижда ва Оби-нон, биринчи ва иккинчи навли ундан - Ойла-нон, биринчи навли буғдой унидан тайёрланадиган – Намангон, Қашғар, Лочира, Кулча,

Осиёги ва Чап-чап нонлари киради. Бу нонларни рестептурасига асосий хом ашёдан (ун, прессланган ачитки, туз) ташқари кунжут уруғи (Осиёги нон - 0,2...3,0 %, Оби-нон – 0,3 %, Чап-чап – 3 %), куруқ сут (намангонча – 3 %) ҳам ишлатилади.

¹ 1. Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 233-251 бет

10-маъруза.Нон ва нон маҳсулот турлари.

«Патир ўзбек нонлари» гурухига олий навли буғдой унидан тайёр-ланадиган, «Дехнов», «Бахт» патирлари, олий ва биринчи навли – «Баҳор» ва Ширмой патирлари, биринчи навли буғдой унидан тайёрла-надиган «Юбилей», «Тошкент», Пиёзли, Оддий ва Қатлама патирлари киради.

«Патир» деганда одатда ёғқўшиб тайёрланган нон тушунилади. Шунинг учун юқорида номланган барча патирларнинг рестептурасида 2,5 % дан (оддий патир) 12 % гача (Қатлама патир) қўй ёғи ёки маргарин, ёки уларнинг аралашмасини қўллаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, рестептурага асосан «Тошкент» патири учун куруқ сут (2 %), кунжут (0,3 %), «Баҳор» патири учун шакар (10 %), тухум (3,6 %), «Денау» патири учун тухум (0,6 %), кунжут (0,15 %), Пиёзли патири учун тозалангандан бош пиёз (20%) ишлатилади.

«Ширмойўзбекнонлари» гурухига Ҳўжаёғлик, Пиёзли, Сугли, Доктор-нон, Тўй-нон, «Совға» нон, Мехмон-нон, «Пахта» нон, Ширмой, Бухоро, Навоий, Хоразм, Фиждувон, Ангреннонларниритишмумкин.

Буонларнитайёрлашдарестептурага асосан ширмой маҳсулотлари (ёғ, тухум, табиий ёки қуруқсунт, шакар, зираворлар, кунжутващукабихомашёлар) ишлатилади.

Ўзбекмиллийнонлари доналаб сотиладиган маҳсулотлар бўлиб, бирдонамаҳсулотнинг массасинавигакўра 0,1 кгдан (патир «Баҳор») 0,6 кггача (Бухоронони) бўлишимумкин. Биринчинавли буғдой унидан тайёрланган нонларнинг кислоталиги 2,5...3 градни, олий навли ундан тайёрланган нонларнинг кислоталиги эса – 3,0...3,5 граднита шкилэтади. Ўзбек нонларининг намлиги ишлатиладиган уннинг нави ва хом ашёлар микдорига кўра, асосан 38...42 % ни ташкил этади. Лочира нони бундан истисно. Лочира хамир зуваласини тайёрлаш учун намлиги 42...43 % бўлган хамирга ун билан ишлов берилиб қаттиқ консистенсияли хамир ҳосил қилинади. Хамир бўлаклари юпқа (0,8 см) қилиниб бутун юзаси чекичланади. Тандир ёки печда маҳсулот 28 % намлигача пиширилади. Хамирга ун қўшиш тайёр нон кислоталигини 2,5 град дан ошмаслигини таъминлайди. Шунинг учун лочира нонини парҳезбоп маҳсулотлар қаторига киритиш мумкин.

Кавказорти ва Ўрта Осиё бошқа давлатлар халқарининг миллий нонлари. Ўзбек нонларининг кўпгина навлари Ўрта Осиё минтақасидаги бошқа давлатларда ҳам ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга бу давлат-ларда яшовчи туб аҳолининг ўзига хос миллий нон навларини ишлаб чиқариш ҳам ривожланган.

То ж и к и с т о н д а ишлаб чиқариладиган Чаботи нони оддий рестептурага асосан тайёрланса, Кулча нони тайёрлашда эса қўшимча хом ашё сифатида 20 % ёғи олинмаган табиий сут ва 5% қўй ёғи (ун массасисга нисбатан), Нони равғани учун 7 % маргарин,

Патир учун 2,5 % қўй ёғи ва 1 % кунжут ишлатилади. Бу нонларнинг ташки кўриниши ўзбек нонларидан сезиларли даражада фарқ қилмайди. Қ и р ғ и з и с т о н д а Комоч нан, Гулча нан каби нонлар оддий рестептура бўйича, Шакек нони тайёрлашда эса қўшимча хом ашё сифатида 15 % маргарин ва 3 % ёғсизлантирилмаган куруқ сут, Чуй нан тайёрлашда - 2,4 % тухум ишлатилади. Чуй нан доирасимон, ўртаси япқа ва чекичланган, четлари қалин, бутун юзасидан иккита чукур чизиқтказилган шаклга эга. Комоч нан ҳам шу шаклга эга бўлиб, аммо юзасида чукур чизиқчаларсиз ишлаб чиқарилади. Бу нонлар 0,8 ва 1,0 кг массада, доналаб сотиладиган ҳолда ишлаб чиқарилади.

Шакек нони массаси 0,2 кг бўлган доналаб сотиладиган ҳалқасимон нон маҳсулотидир.

Қ о з оғ и с т о н д а Таба нан, Сугти нан, Дамды нан каби миллий нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Хамир зувалаларига шакл бериш тиндиришдан кейин, яъни пиширишга юборишдан олдин бажарилиб, асосан чекичлаш йўли

10-маъруза.Нон ва нон маҳсулот турлари.

билин эмас, балки хамир зуваласининг юзасини пичоқ ёрдамида кесиши йўли билан амалга оширилади. Таба нан олий ва биринчи навли буғдой унидан 0,4 кг ли, Сутти нан эса биринчи навли буғдой унидан 1,0 кг ли массага эга бўлган доналаб сотиладиган ҳолда ишлаб чиқарилади. Бу нонлар доирасимон шаклга эга бўлиб юзаларида 10...12 қатор чизиқлар мавжуд. Дамди нан олий навли буғдой унидан 0,4 кг ли ва биринчи навли ундан 0,5 кг ли массада ишлаб чиқарилади. Нон маҳсулоти доирасимон, ўртаси юпқа ва чекичланган, четлари қалин шаклга эга.

Туркменистанда миллий нон маҳсулотлари сифатида асосан оддий ва Кулча чуреклар ишлаб чиқарилади. Чуреклар асосан узунчоқ, баъзида доирасимон шаклда бўлиб, уларнинг юзасида қатор чукур чизиқлар мавжуд. Ўзбек нонларига нисбатан чуреклар анча қалин, шу туфайли уларнинг мағзи сезарли даражада ифодаланган ғовак-ликга эга бўлади. Хамир зуваласига шакл бериш ва унинг юзасига чукур чизиқларни чизиш асосан қўлда бажарилади. Унинг юзаси пиширишдан олдин унли қайнатма суртма билан суртилади. Оддий чуреклар олий ва биринчи навли буғдой унидан 0,5 ва 1,0 кг ли массада, Кулча чуреклар биринчи навли буғдой унидан 0,5 ва 1,0 кг ли массада ишлаб чиқарилади. Кулча чурегини тайёрлашда кўшимча хом ашё сифатида 1,2 % эритилган ёғ, 4 % ёғи олинмаган сут ва 2,8 % тухум ишлатилади.

Озарбайжон ва Ганжа чуреклари олий, биринчи ва иккинчи навли буғдой унидан 0,2, 0,4, 0,5, 1,0 кг ли массада доналаб сотиладиган ҳолда ишлаб чиқарилади. Улар асосан оддий рестептура бўйича тайёрланади. Айрим навларнинг хамир маҳсулот-ларини юзасига суртиш учун рестептурада тухум ишлатиши ҳам назарда тутилган. Уй шароитида юх (юпқа) ва галин (қалин) каби миллий нон маҳсулотлари ҳам тайёрланади. Юха қалинлиги 2 мм га яқин ва диаметр-ри 25...50 см, галин диаметри 30 см ва қалинлиги 3...4 см бўлган нон маҳсулотларидир.

Гуржи ишлаб чиқарилади тайёрланадиган турли шаклга ва номларга эга миллий нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга кўйилган. Шоти деб номланган гуржи нони олий, биринчи ва иккинчи навли буғдой унидан доналаб сотиладиган ҳолда ишлаб чиқарилади. У яримойни эслатувчи узунчоқ шаклга эга бўлиб, юзасининг айрим жойлари шишлир билан қопланган ва ун сепилган бўлиши ҳам мумкин. Мадаури лаваши овалсимон шаклда бўлиб маҳсулот юзаси кичик шишлир ва тешиклар билан қопланган. Трахтанули и узунчоқ, мргвали гуржи нони доирасимон шаклга эга. Гуржи нонларини барчасини ўёки бу учи одатда йўғонлашган бўлиб, бу уларни пишириш жараённида печда (тандирда) вертикал ҳолда жойлашганлиги билан тушунтирилади

Арманистонда оддий рестептура билан тайёрланадиган Матнакаш, арманлашиб, догоник каби миллий нонлар ишлаб чиқарилади. Матнакаш нони узунчоқ, овалсимон шакли билан чурекларни эслатади. У олий, биринчи, иккинчи навли ва жайдари буғдой унидан доналаб (массаси 0,5...1,0 кг) ёки тортиб сотиладиган (массасаси 1,5...2,2 кг) сотиладиган ҳолда ишлаб чиқарилади.

Арман лаваши узунчоқ овалсимон шаклда бўлиб, қалинлиги 3 мм ни ташкил этади. Эластик консистенсияга эга бўлиши туфайли лавашни синмасдан енгилгина эгиш ва ўраш мумкин. бир дона лавашнинг массаси 0,3 кг дан ошмайди. Ташки диаметри 30...32 см ва ички диаметри 10...12 см ли ҳалқасимон Догик нони навли буғдой унидан тайёрланади. Унинг массаси 1,0 кг гача бўлиши мумкин.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 233-251 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

10-маъруза. Нон ва нон маҳсулот турлари.

Парҳезбоп ва шифобахш нон маҳсулотлари. Уларнинг қисқача тавсифи. Ахолининг овқатланишини илмий талабларга мувофиқ таъминлаш, юқорида баён этилган нон маҳсулотларидан ташқари, парҳезбоп ва турли касалликларни даволаш учун мўлжалланган нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ҳам кўзда тутади.

Парҳезбоп ва шифобахш нон маҳсулотларини бир неча гурухларга ажратиш мумкин.

Тузсиз нон маҳсулотлари биринчи гурухни ташкил этади. Тузсиз нон маҳсулотлари буйрак, юрак қон томир системаси, гипертония би-лан оғриган ва гормонотерапеяда бўлган беморларнинг овқатланиш расти-онига кўллаш учун тавсия этилади.

Тузсиз маҳсулотлар гурухи ахлорид нон (тузсиз биринчи навли буғдой унидан), тузсиз сидирма нон ва ахлорид сушкаларни ўз ичига олади.

Кислоталиги камайтирилган нон маҳсулотлари иккинчи гурухни ташкил этади. Улар ошқозон яраси ва гастрит билан касалланган беморлар учун тавсия этилади.

Бу гурухга кислоталиги пасайтирилган биринчи навли буғдой унидан тайёрланган булкалар ва қоқнонлар киради.

Углеводлар миқдо-ри камайтирилган нон маҳсулотлари учинчи гурухни ташкил этади. Бу турдаги маҳсулотлар-ни семизлик, диабет би-лан касалланган, шу би-лан бирга ўткир ревма-тизм билан касалланган беморларнинг овқатла-ниш растионида фойдаланиш тавсия этилади. Маҳсулотлар таркибида оқсил миқдорининг кўп бўлганлиги сабабли, бу маҳсулотларни оқсилга эҳтиёжи бўлган, масалан, куйиш жароҳатини олган беморларга тавсия этиш мумкин. Бу маҳсулотларни тайёрлаш учун клейковина ва кепакдан фойдаланиш натижасида уннинг улуши камаяди. Айрим маҳсулотларни шириналаштириш учун сахарин, ксилит ёки сорбитдан фойдаланилади. Рестептурасига кепак кирувчи маҳсулотларни кўрсатилган касалликларда ва ичак атониясида ҳам фойдаланиш мумкин.

Углеводлар миқдори камайтирилган нон маҳсулотларига оқсил-буғдойли нон, оқсил-кепакли нон, диабетик жавдар нони, сорбит кўшиб тайёрланган батончалар, кулчалар, кепакли булкалар ва бошқалар мисол бўлиши мумкин.

Оқсил миқдори камайтирилган (оқсилсиз) нон маҳсулотлари тўртинчи гурухга киради. Ушбу нон маҳсулотлари оқсил алмашиниши бузилган беморларга (финилкетонурия, глютенли энтеропатия ва бошка-лар) тавсия этилади. Беморлар кам миқдорда натрийга эҳтиёж сезишгани учун бу маҳсулотларни тайёрлашда ош тузи ҳам ишлатилмайди.

Бу гурухга ҳам оқсилсиз, ҳам тузсиз маккажухори крахмалидан (91,4 %) ва жайдари жавдар унидан (8,6 %) тайёрланган ва факат буғдой крахмалидан тайёрланган нон маҳсулотлари киради.

Озиқавий тўқималарга бой бўлган дон, кепак каби хом ашёларни кўшиб тайёрланган нон маҳсулотлари бешинчи гурухни ташкил этади. Бу маҳсулотлар ичаклар атонияси (кам харакатчанлиги) билан касал-ланган ва кекса кишиларга тавсия этилади.

Бу гурухга Барвиҳино нони, донли нон, «Софлом» нон (бу навларни тайёрлашда олий навли буғдой уни ва майдаланган буғдой ишлатилади), доктор нон (олий навли буғдой уни ва буғдой кепаги ишлатилади) киради.

Леститин қўшиб тайёрланган нон маҳсулотлари олтинчи гурухга киради. Бу нон маҳсулотлари атеросклерозда, семиришда, буйрак касал-лигига, асаб тизими заифланганда тавсия этилади.

Бу гурухга Амурск нони ва батони, леститинли кепакли нон (биринчи навли буғдой ва ёғсизлантирилган соя унларидан тайёрланади), леститин қўшиб тайёрланган кепакли парҳезбоп нонлар (буғдой кепаги ва ёғсизлантирилган курук сут кўшилади) ва леститин

10-маъруза.Нон ва нон маҳсулот турлари.

қўшиб тайёрланган парҳезбоп булочкалар (биринчи навли буғдой уни, ёғизлантирилган қуруқ сут ва соя уни ишлатилади) киради.

Йод миқдори оширилган нон маҳсулотлари еттинчи гурухга киради. Бу гурухга киравчи нон маҳсулотларини қуйидаги кичик гурух-ларга ажратиш мумкин:

- леститин ва дengиз карами қўшилган нон маҳсулотлари. Уларни тайёрлашда асосан леститидан иборат фосфатид констентратдан таш-қари дengиз карами қўшилади. Бу маҳсулотлар қалқонсимон без, юрак қон томир системаси касалланган беморлар ва кекса кишиларни парҳез овқатланишини ташкил этишда тавсия этилади. Бу кичик гурухга леститин ва дengиз карами қўшилган кепакли нонлар, лести-тин ва дengиз карами қўшилган парҳезбоп оддий ва ширин булкалар киради. Бу маҳсулотлар биринчи навли буғдой унидан тайёрланади.

- дengиз карами ёки калий йодид қўшилган нон маҳсулотлари. Бу маҳсулотлар қалқонсимон без касаллиги билан касалланган беморларга ва йод этишмаган худудларда аҳолини даволаш ва парҳезбоп овқатланишини ташкил этиш учун тавсия этилади. Бу кичик гурухга дengиз карами қўшилган буғдой нони, калий йодид қўшилган буғдой нони ва йодлаштирилган батонлар киради.

Санаб ўтилган барча гуруҳдаги маҳсулотларнинг рестептуралари ва ишлаб чиқариш технологияси маҳсус тўпламларда тўлиқ баён этилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида санаб ўтилган пар-ҳезбоп ва шифобахш нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда уларнинг рестептураларига, ишлаб чиқариш технологик режимларига қатъий риоя қилиш шарт. Айникса қўлланиладиган қўшимчаларни дозалашда алоҳида эътибор бериш керак. Шу билан биргаликда маҳсулотларни хуштаъмлиги ва янгилиги катта аҳамиятга эга эканлигини ҳам доимо диқ-қат марказида сақлаш лозим.

Саноатда шу билан бир қаторда болалар овқатланишини ташкил этиш учун мўлжалланган нон маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда болалар овқатланишини ташкил этиш тўғрисидаги низомнинг талабларини қатъян бажариш лозим.

Болаларнинг овқатланиши учун мўлжалланган маҳсулотлар таркибида маргарин, кўкнор уруғи, зираворлар, лимон кислотаси, патока, ванилин каби маҳсулотлар ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан рухсат берилмаган қўшимчалар бўлмаслиги керак.

Болалар овқатланиши учун мўлжалланган нон маҳсулотлари рестеп-турасидаги хом ашёларни бошқалари билан алмаштириш таъкиқланади.

Соғлиқни сақлаш ташкилотлари тавсиясига кўра болалар овқатланиши учун мўлжалланган «Колобок» булкаси, сутли булкалар, сметанали қулчалар, сутли қоқнонлар ва шу каби янги яратилган бошқа нон маҳсулотларнинг навлари саноат корхоналарида ишлаб чиқарилади.

Назорат саволлари

- 1.Қайси аломатлари бўйича нон маҳсулотлари турларга бўлинади?
- 6.Қайси аломатлари бўйича нон маҳсулотлари хилларга бўлинади?
- 2.Қайси аломатлари бўйича нон маҳсулотлари навларга бўлинади?
- 3.«Ноннинг ассортименти» ибораси нимани билдиради?
- 9.«Новвойлик саноати маҳсулотлари ассортиментининг номенклатураси» ибораси нимани билдиради?
- 4.Жавдар унидан қандай нон маҳсулотлари тайёрланади?
- 5.Жавдар ва буғдой ун аралашмасидан қандай нонлар тайёрланади?
- 6.Буғдой унидан қандай нон маҳсулотлари тайёрланади?
- 7.Булка маҳсулоларини ўзига хос аломатлари нимадан иборат?

8. Ширмой нон маҳсулотларини ўзига хос аломатлари нимадан иборат?

Мавзуга оид мустақил иши топшириқлари:

1. Ўзбек миллий нонлари ишлаб чиқариш технологияси. Ўзбек миллий нонлари ассор-тиментининг қисқача таснифи.

2. Пархез нон маҳсулотлари тайёрлашда ишлатиладиган қўшимча хом ашёлар.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет

2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.

3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.

4. Пашченко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.- М.:КолосС, 2006.-389с.

5. Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.

11-маъруза.Ноннинг озиқавий қиммати

Режа:

11.1. Ноннинг кимёвий таркиби, энергетик қиммати ва унинг хазм бўлувчанлиги

11.2. Ноннинг оқсилли ва минерал қиммати;

11.3. Нонда сақланувчи углеводлар, ёғлар ва бошқа моддалар билан инсоннинг таъминланиши.

11.4. Нон таркибидаги витаминлар.

Таянч сўз ва иборалар Озуқавий қиммати; ноннинг оқсили; минерал қиммати; нондаги витаминлар;нондаги липидлар;нондаги углеводлар.

1- савол баёни: Инсон истеъмол қиласиган озиқ-овқатлар таркибида сув , оқсил, углевод, ёғ, минерал моддалар мавжуд бўлади. Булар организмнинг мўтадил функциясини учун муҳимдир озиқ-овқат инсон энергиясининг асосий воситасидир.

Нон асосан углевод озиқ-овқатдир. Углевод ва оқсилларнинг нондаги хажми 6:1. Ноннинг кимёвий таркиби унинг қандай сортлигига боғлиқдир. Буғдой ва жавдар нонларнинг кимёвий таркиби берилган. Оқсил 6,7%, ёғлар 0,8%, углеводлар 41.7%, клечатка 1,1%, кул 2,2%.

Буғдой нон 1-сорт: сув 39%, оқсил 8,2%, ёғ 1,1%, углевод 50,2%, клечатка 0,2%, кул 1,3%.

Нон маҳсулоти инсон организмида тўла хазм бўлмайди. Ноннинг ташқи қўриниши ҳам инсон учун муҳимдир. 1-сорт ундан қилинган нонлар тўла хазм бўлади, оқсил 0,7-0,8%, углевод 0,95-0,98%, ёғлар 0,92-0,95%.

Катта одамнинг 1 суткадаги энергияси тахминан (2200-4200) ккал ёки 9-17,5 МдЖ гача.

2- савол баёни: Оқсилли моддалар инсон фаолиятида катта ўрин тутади. Нон инсон организмини қайта тиклайдиган асосий восита. Бошқа моддаларга нисбатан оқсиллар асосий рол ўйнайди. Оқсил моддалар таркибида асосий ўринни аминокислоталар эгаллайди.

Бу таркибнинг камайиши организмда қон алмашиниши камаяди, эритростидлар камайиб, пасаяди.

Ҳайвон аминокислота таркиби (оқсил, сут, гўшт) идеал оқсил таркибига жуда яқиндир. Инсон истеъмоли учун 1 кг нонда 70-80 гр оқсил бўлиши, организмнинг оқсилга бўлганэхтияжини 30% га қониқтиради. Ноннинг минерал қиймати 70 хил турли элементлардан иборат. Инсон организмга фосфор, кальстий, темир, калий,, магний керақдир. Микроэлементлар фермент, гармон витаминлар киради. Фосфор инсон учун зарур моддадир. Минералларнинг умумий 1-2% ташкил этади. Ноннинг (уннинг) сортига караб минераллар ҳам турлича бўлади. 500 гр нон киши организми учун етарлидир. Витаминлар киши организмида кофермент ролини ўйнайди. Асосий витаминларга ўртacha бир кунлик эхтиёж: В₁-1,75 г; В₂-2,25 г; В₃-7,5г; В₆-2,5 г; В₉-0,3г; Е-17,5г; РР-20г; нонда А, С, Д витаминлари бўлмайди. Ун таркиби қанча юқори бўлса витаминлар таркиби кам шунча бўлади.

Углеводлар организм энергиясини асосий воситасидир. Алоҳида углеводлар биологик хусусиятига эгадир, мисол: аскарбин кислотаси, С витаминга эгадир. Нон қон томирларида қон юришига хизмат қиласи. Шакар (қанд) углеводлари нонга ширин маза беради. Инсон организми углеводларга эга бўлиши учун инсонлар нон маҳсулотларини мунтазам истеъмол қилишлари зарур. Инсон организми кўп куч кетказиб, кам углевод ва ёғ қабул қиласа, қанд касаллигига учраши мумкин.

11-маъруза.Ноннинг озиқавий қиммати

Майдаланган уннинг таркиби қанча яқин бўлса, ундаги озиқа клетчаткалар таркиби кам шунга юқори бўлади. Асосий кам углеводлар 5% ташкил этади. Ноннинг юқори % ундан истеъмол қилиш организмга шакарга бўлган эҳтиёжни қониқтиради.

3- савол баёни: Нонда сақланувчи углеводлар, ёғлар ва бошқа моддалар билан инсоннинг таъминланиши.

Нон маҳсулотлари таркибидаги углеводларнинг инсон организми эҳтиёжини қондирилиши

Озиқавий моддалар	Ўртacha бир кунлик эҳтиёж, г	500 г нон маҳсулотлар ининг таркибida мавжуд г	Инсон организмим ининг эҳтиёжини қондирилиши, %
Крахмал ва декстриналар	425	222,4	52,3
Моно ва дисахаридлар	75	14,3	19,1
Балласт моддалар (гемистеллюзва стеллюзва)	25	19,7	78,8

Юқорида кўрсатилган нон навларидан 500 г ни истеъмол қилиш орқали организмнинг крахмал ва декстриналарга бўлган эҳтиёжи 52,3 % га, моно ва дисахаридларга -19,1 % га, балласт моддаларга бўлган эҳтиёжи эса 78,8% га қондирилади. Агар ширмой маҳсулотлари нисбатан кўпроқ истеъмол қилинса, у ҳолда қандларга бўлган эҳтиёж каттароқ даражада қопланади.

Нон маҳсулотларидағи органи кислоталарнинг инсон организмини эҳтиёжини қондириши. Органи кислоталар овқатни хазм қилиш органлари ишини фаоллаштиради, муҳитнинг рН ни пасайтиради ва микрофлорани бу органлар учун мувофиқ бўлган томонга ўзгартиришга ёрдам беради.

Катта одамнинг органик кислоталарга бўлган бир кунлик эҳтиёжи 2 г ни ташкил этади. Инсон бир кунда юқорида номи келтирилган нон маҳсулотларидан 500 граммини истеъмол қиласа, унинг кислоталарга бўлган эҳтиёжи 54,2 % га қондирилади. Бундан кўриниб турибдики бу жиҳатдан ҳам нон маҳсулотлари катта аҳамиятга эгадир. Нон маҳсулотларидағи ёғларнинг инсон организмини эҳтиёжини қондирилиши. Ёѓлар (липидлар) организмда оксидланганда озиқа моддаларнинг ичидаги кўп энергия ажратиб чиқаради. Улар тўқималар ва хужайраларнинг, шу жумладан асаб тўқималарининг ҳам таркибий қисми ҳисобланади. Ёѓлар А ва D витаминларининг эритувчилари бўлиб уларнинг хазм бўлишига ёрдам беради. Ёѓларнинг таркибидаги биологик фаолликга эга бўлган тўйинмаган ёғ кислоталари, фосфолипидлар ва бошқа моддалар мавжуд.

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Ташкент: Янги аср авлоди, 2009,- 258-262 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Ташкент: Ношир, 2013.176 бет

11-маъруза.Ноннинг озиқавий қиммати

Катта ёшдаги одамнинг ёғлари, юқори даражада тўйинмаган ёғ кислоталарига ва фосфатидларга бўлган ўртача бир кунлик эҳтиёжи, юқорида кўрсатилган 500 г нон маҳсулотларининг таркибидаги, бу моддаларнинг миқдори ва бу миқдордаги моддалар инсон эҳтиёжини қондириш даражасида маълумотлар жадвалда келтирилган.

Юқорида номланган нон навларидан 500 г ни истеъмол қилиш орқали организм: ёғларга бўлган эҳтиёжини 15,0 % га, ўсимлик мойларга – 60,0 % га, тўйинмаган ёғ кислоталарига – 66,6 % га, фосфатидларга бўлган эҳтиёжини эса 15,6 % га қондиради.

Нондаги минерал моддаларининг инсон озиқасидаги аҳамияти. Ноннинг минерал қийматини ошириш йўллари. Минерал элементлар ва бирикмалар инсон организммининг мувофиқ ривожланиши ва фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган озиқавий компонентлари ҳисобланади.

Минерал моддалар бошқа озиқавий моддалар қатори организмда юз берадиган биологик жараёнларда иштирок этиб, ўзининг хусусий фаолигига эга бўлади ва хақиқий биоэлементлар ҳисобланади.

Минерал моддаларнинг функцияси турличадир. Калстий, фосфат ва магний скелетнинг меъёрий холатини ва фаолиятини таъминлайди; фтор тиши эмалининг кариесга чидамли бўлишини таъминлашга ёрдам беради; темир ва мисс кислород ташувчилар вазифасини бажаради; натрий ва калий қон хужайраларида одатдаги осматик муҳитни сақлашни таъминлайди; хлор овқатни хазм қилиш учун керакли ошқазон шарбатларини ҳосил қилишда иштирок этади; коболт В₁₂ витаминитаркибига киради; сувда ва таомда йоднинг етишмаслиги халқасимон безнинг касалланишига олиб келади ва ҳаказо.

Муҳим минерал моддалар қаторига кальстий, фосфат ва магний кириб, уларнинг озиқа билан кириб сүякларни мувофиқ холатда бўлишини таъминлайди, темир эса гемоглобин таркибига кириб қон айланишида муҳим ўрин тутади. Организмга темир моддасининг кам келтирилиши ва бу модданинг организмда етишмаслиги анемия касаллигига (камқонлик) олиб келиши мумкин. Темир организмни энергия билан таъминловчи оксидланиш жараёнларида ҳам муҳим ўрин эгаллади.

Катта ёшдаги одамнинг 4 та муҳим минерал элементларга ўртача бир кунлик эҳтиёжи, юқорида кўрсатилган 500 г нон маҳсулотларининг таркибида бу моддаларнинг миқдори ва бу миқдордаги моддалар инсон организмини эҳтиёжини қондириш даражаси тўғрисидаги маълумотлар жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, юқорида номланган нон навларидан 500 г ни истеъмол қилиш орқали организм калстийга бўлган эҳтиёжини 13,1 % га, фосфорга – 34,5 % га ва магнийга бўлган эҳтиёжини 40,6 % га, темирга эса 72,7 % га қондирилади. Бу маълумотлар нон маҳсулотларида калстий камёб элемент эканлигидан далолат беради.

Муаммо яна шу билан чуқурлашдикি калстий сут маҳсулотлари таркибида кўп учрайди. Агар аҳолининг бу маҳсулотларига бўлган талаби ҳозирча тўлиқ қондирилмаслигини назарда тутадиган бўлсак, у ҳолда нон маҳсулотларини инсон

¹ 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 258-262 бет

2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.176 бет

11-маъруза.Ноннинг озиқавий қиммати

Нон маҳсулотларидағи мұхим минерал элементларнинг инсон организминиң әхтиёжиниң қондирилиши

Минерал элементлар	Үртача бир күнлик әхтиёж, мг	500 г нон маҳсулотлари нинг таркибида мавжуд, мг	Инсон организминин г әхтиёжини қондирилиши , %
Калстий	900	117,6	13,1
Фосфат	1250	431	34,5
Магний	400	162,5	40,6
Темир	15	10,9	72,7

организми томонидан осон ҳазм қилинадиган калстий билан (масалан калстий лактан билан) бойитиш мұхим вазифа ҳисобланади.

500 г нон маҳсулотларини истеъмол қилиш орқали инсоннинг темирга бўлаган әхтиёжини тахминан 84 % га қондирилади.

Шуни такидлаб ўтиш лозимки уннинг чиқиши қанчалик паст ёки нави юқори бўлса ундан темир моддасининг миқдори шунчалик кам бўлади, шунинг учун олий ва биринчи навли ундан тайёрланган нон маҳсулотларини истеъмол қилувчилар учун бу маҳсулотларнин темир билан бойитиш мұхим вазифа ҳисобланади.

Темирнинг нон организмидаги қон айланишида мұхим ўрин тутишини ҳисобга олганда нон ва нон маҳсулотларини темир билан бойитиш катта аҳамиятга эга эканлиги равшан бўлади.

Назорат саволлар

1. Ноннинг озуқавий қиммати нима?
2. Ноннинг озуқавий қимматига таъсир этувчи омиллар?
3. Нондаги витаминлар сони?
4. Углевод нондаги липидларнинг миқдори?
5. Инсон организмининг талабини нондаги углеводлар қай даражада таъминлайди?
6. Нондаги минерал моддалар инсон организмини талабини қай даражада таъминлайди?
7. Нондаги витаминлар инсон организмини талабини қай даражада таъминлайди?

Мавзуга оид мустақил иши топшириқлари:

1. Ўзбек миллий нонлари ишлаб чиқариш технологияси. Ўзбек миллий нонлари ассор-тиментининг қисқача таснифи.
2. Пархез нон маҳсулотлари тайёрлашда ишлатиладиган қўшимча хом ашёлар.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
2. Айходжаева Н.К., Джакхангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
4. Пашченко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.- М.:КолосС, 2006.-389с.
5. Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.

12-маъруза.Макарон маҳсулотлари технологияси.

Режа:

12.1. Макарон маҳсулотлари турлари ва ва уларни озиқавий қиймати.

12.2. Макарон хамирини тайёрлаш технологияси.

Таянч сўз ва иборалар

Макарон маҳсулотлари, макарон маҳсулотларининг А, Б, В гурухлари, 3. 1-синф ва 2-синф макарон маҳсулотлари, найсимон, ипсимон, тасмасимон ва шаклдор макарон маҳсулотлари

1- савол баёни: Макарон маҳсулотлари ун ва сув баъзида эса оқсилли бойитувчилик ёки таъм берувчи моддалар қўшиб тайёрланган ошпазлик ярим тайёр маҳсулоти ҳисобланади. Саноатда ишлаб чиқариладиган макарон маҳсулотлари буғдой уни ва сувдан тайёрланган хамирни 13% ва ундан паст намлиkkacha қуритиб ҳосил қилинган озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади.

Буғдой тури ва уннинг навига кўра макарон маҳсулотлари А, Б, В гурухларга ва 1, 2 – синфларга бўлинади.

А гурухига - қаттиқ буғдой унидан тайёрланган маҳсулотлар;

Б гурухига – шаффоғлиги юқори бўлган юмшоқ буғдойдан тайёрланган маҳсулотлар;

В гурухига – юмшоқ буғдойдан тортилган нонвойлик унидан тайёрланган маҳсулотлар киради.

1-синфга олий навли ундан тайёрланган маҳсулотлар;

2-синфга биринчи навли ундан тайёрланган маҳсулотлар киради.

Масалан, А гурух 1-синфга киравчи макарон маҳсулотлари қаттиқ буғдойдан тортилган олий навли ундан тайёрланган.

Макарон маҳсулотлари тез пишиши (қайнатиш давомийлиги навига қараб 3-20 минут), бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан яхши мослашиши ва озиқавий қийматининг юқорилиги туфайли кундалик хаётда, умумий овқатланишда ва озукавий констентратлар ишлаб чиқаришда жуда кенг қўлланилади.

Кўшимчаларсиз макарон маҳсулотларининг таркиби қуйидагилардан иборат: оқсиллар – 9-13%; ҳазм бўладиган углеводлар – 76-78%; ёғ - 1% атрофида; минерал моддалар 0,5-0,9%; стеллюлоза – 0,1-0,6%. 100 г маҳсулотнинг энергетик қиймати тахминан 1400 кЖ ни ташкил қиласди. Макарон маҳсулотларининг углеводлари – 96%, ёғлари 93%, оқсиллари 85% гача ҳазм бўлади. Минерал моддалар ичida фосфор кўп микдорни ташкил қиласди, аммо кальстийнинг микдори кам. Витаминлардан РР ва В гурухига киравчи витаминлар кўпроқ микдорда мавжуд.

Таъм берувчи ва бойитувчи қўшимчалар қўшиб макарон маҳсулотлари тайёрланганида гурух ва синф қўрсаткичлари ёнига мос қўшимчанинг номи ҳам қўшилади, масалан Б гурух, 1-синф, тухумли.

Найсимон маҳсулотларининг турлари.

Найча хиллари	Турлари	Кесими*. мм	Деворнинг қалинлиги**, мм
Макаронлар, шохчалар, перолар	Найча (перолардан ташқари)	4,0 мм гача	1,5 дан кўп эмас (қадоқлаш бирлигидаги маҳсулотлар массасининг 5% гача 2,0 мм бўлиши мумкин)
	Махсус Оддий	4,1-5,5 5,6-7,0	
	Хаваскорлик	7,0 дан кўп	

12-маъруза.Макарон маҳсулотлари технологияси.

*Махсулотнинг кесими ташки диаметр бўйича аниқланади.

**Тарам-тарам ва гофрлонго маҳсулотлар деворининг қалинлиги ботиқ жойлари бўйича аниқланади.

Ипсимон маҳсулотлар-вермишель кесими ўлчамига кўра қуидаги турларга бўлинади (мм): энг ингичка (0,8 дан кўп эмас), ингичка (0,9-1,2), оддий (1,3-1,5), ҳаваскорлик (1,6-3,0).

Узунлигига кўра, вермишель узунлиги 1,5 см дан кам бўлмаган калта (калта қирқилган) ва узунлиги 20 см дан кам бўлмаган-узун (икки буқланган ёки яхлит) ҳолда ишлаб чиқарилади. Агар маҳсулот туркуми таркибида узунглиги 20 см дан калта бўлган маҳсулотлар 20% ортиқ бўлса, бу маҳсулот калта вермишель деб қабул қилинади.

Хорижда ишлаб чиқарилган узун вермишелни спагетти деб номланади.

Тасмасимон маҳсулотлар – утра ўлчами ва шаклига кўра қуидаги турлар ва нонларда ишлаб чиқарилади: силлиқ ёки тарам-тарам юзали; тўғри, арасимон, тўлқинсимон ва шу сингари четли утраплар.

Угранинг кенглигига 3 мм дан 10 мм гача (тўлқин уграсининг кенглигига 25 мм гача) бўлиши лозим. Угранинг қалинлиги 2 мм дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Утра узунлигига кўра худди вермишель сингари узун ва калта кесилган маҳсулотларга бўлинади.

Шаклдор маҳсулотлар пресслаш ёки штамплаш йўли билан тайёрланади. Шаклдор маҳсулотлар турли шакл ва ўлчамларда ишлаб чиқарилиши мумкин, аммо маҳсулотнинг исталган қисмининг кесимида энг катта қалинлиги прессланган маҳсулотлар учун 3,0 мм, штампланган маҳсулотлар учун 1,5 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак.

2- савол баёни: Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни қуидаги асосий босқичлардан иборат: хом ашёни тайёрлаш, хамир тайёрлаш, хамирни пресслаш, нам маҳсулотни бўлаклаш, қуритиш, қуритилган маҳсулотни совутиш, тайёр маҳсулотнинг яроқизларини ажратиш ва қадоклап.

Хом ашёни тайёрлаш. Бу босқич унни элаш, металломагнит аралашмаларни ажратиш, қиздириш (уннинг ҳарорати 10 °C дан паст бўлмаслиги керак).

Қўшимчаларни тайёрлаш, уларни хамир қоришига мўлжалланган сув билан аралаштиришдан иборат. Товук тухуми фойдаланишдан олдин ювилади ва дезинфекцияланади. Меланж эса эритилади.

Хамир тайёрлаш жараёни қўшимчаларни (ун, сув ва бошқалар) дозалаш ва хамир қоришидан иборат.

Ун, сув ва сувда эритилган қўшимчалар дозаторлар ёрдамида қориш тоғарасига тахминан 3:1 нисбатда узлуксиз тарзда берилади.

Қориш тоғарасида ун ва сувнинг жадал аралашиши ва ун заррачаларининг бўкиши, яъни шартли равишда макарон хамирини қориш содир бўлади. Чунки макарон хамири қоришнинг охирида нон ва бисквит хамиридай боғланган яхлит масса эмас, балки кўп микдордаги намланган қумоқлар ва ушоқлар кўринишида бўлади.

Хамир пресслашнинг, бошқача қилиб айтганда, экструзиянинг мақсади қорилган хамирни зичлаш, уни жипсли боғланган қовушқоқ пластик хамир массасига айлантириш, кейин унга маълум шакл беришдан иборат.

Нон маҳсулотларни бўлаклаш икки босқичдан иборат: матристлардан прессланган нон маҳсулотларни керакли узунликдаги бўлакларга бўлиш ва уларни қуритишга тайёрлаш.

5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.

7.Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272 с.

12-маъруза.Макарон маҳсулотлари технологияси.

Маҳсулотларни қуритишдан мақсад – маҳсулотларни шаклини мустаҳкамлаш ва уларда микроорганизмлар ривожланишининг олдини олишдан иборат. Жуда жадал равиша қуритиш натижасида маҳсулотларда кичик ёриқлар хосил бўлиши мумкин, жуда секин қуритишда айниқса, намликни ажратишнинг биринчи босқичида, маҳсулотлар ачиши ва могорлаши мумкин.

Бугунги кунда корхоналарда нон маҳсулотларни қуритиш учун конвектив усули, яъни уларни иситилган ҳаво билан пуркашдан фойдаланилади. Қуритилган маҳсулотларни совутиш ва барқарорлаштириш жараёнида қуриткичдан чиқаётган маҳсулотларнинг юқори ҳароратини қадоқлаш бўлими ҳавосининг ҳароратигача совутиш учун зарур. Агар макарон маҳсулотлари совутилмасдан қадоқланса, буғланиш қадоқланган маҳсулотларда ҳам содир бўлиб, бу маҳсулотлар массасининг камайишига, нам ўтказмайдиган идишларга қадоқланганда намлик унинг ички юзасига конденсастияланишига олиб келади.

Макарон маҳсулотларини қадоқлаш ва жойлаш. Тайёр маҳсулотлар кичик идишларга (қутичалар ва халтачалар) кўлда ёки қадоқлаш машиналарида ёки уюм ҳолида йирик идиҳларга (қутиларга, кўп қатламли қофоз қопларга) жойланади.

Макарон маҳсулотларининг исталган анъанавий турини ишлаб чиқариш санаб ўтилган босқичлардан иборат бўлади. Шу билан биргаликда корхона аниқ бир технологик схемасини қабул қилиш корхонада мавжуд бўлган жиҳозлар ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг навига боғлиқдир.

Назорат саволлари.

1. «Макарон маҳсулотлари» иборасини таърифини келтиринг.
2. Озиқ-овқат маҳсулоти сифатида макарон маҳсулотлари қандай афзалликларга эга?
3. Қайси белгиларга кўра макарон маҳсулотлари А, Б, В гурухларга бўлинади?
4. Қайси белгиларига қараб макарон маҳсулотлари 1 ва 2-синфларга бўлинади?
5. Шаклига қараб макарон маҳсулотлари қандай хилларга ва турларга бўлинади?
6. Найсимон макарон маҳсулотларининг бошқа маҳсулотлардан фарқи нимада ва қандай хиллари мавжуд?
7. Ипсимон макарон маҳсулотлари қайси белгилари билан фарқ қиласи ва қандай турларга бўлинади?
8. Тасмасимон макарон маҳсулотлари қайси белгилари билан фарқ қиласи ва улар қандай турларга бўлинади?
9. Шаклдор макарон маҳсулотлари қайси белгилари билан фарқ қиласи ва уларнинг ўлчамларига қандай талаб кўйилади.
10. «Спагетти» сўзи нимани англатади?

Мавзуга оид мустақил иш топшириклиари:

1. Макарон маҳсулотлари турлари.
2. Шакли,хиллари ва ўлчамлари.

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
- 2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
- 3.Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.- 428с.
- 4.Пашенко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.- М.:КолосС, 2006.-389с.

13-маъруза.Макарон хамирини тайёрлаш ва пресслаш.

Режа:

13.1. Макарон хамири ретцептураси.

13.2. Хамир қориш усуллари.

13.3. Хамирни вакуумлаш.

13.4. Хамирни пресслаш.

13.5. Нам маҳсулотларини бўлаклаш.

13.6. Нам маҳсулотлари бўлаклаш вақтида юзага келадиган нуқсонлар.

Таянч сўз ва иборалар: Макарон хамири, макарон хамирининг рецептурси, хамирни қаттиқ қориш, хамирни ўртacha қориш, хамирни юмшоқ қориш, шнекли макарон пресси, хамир аралаштиргич,хамирни вакуумлаш, макарон хамирини пресслаш, юмалоқ ва тўғри бурчакли матрицалар, ЛПЛ-2М пресси, ЛПШ-500 пресси,нам макарон маҳсулотларини бўлаклаш,нам маҳсулотларни пуллаш,нам маҳсулотларни кесиш ва тахлаш,кесувчи механизмлар, маҳсулотларни бастунларга ўзи осувчи механизм.

1- савол баёни: Макарон хамирини тайёрлаш. Макарон хамири таркибига кўра, унли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган барча хамирлар (нон, бисквит ва бошқалар) орасида энг оддийсидир. Сув ва ун хамирнинг асосий ва қўпчилик ҳолларда ягона компонентлари ҳисобланади. Хамирга кичик миқдордаги қўшимчаларни қўшиш эса хамирнинг хоссалари ва тавсиясига кам таъсир қиласи.

Макарон хамирини қоришда, масалан, нон хамирини қоришдагига нисбатан кам миқдорда сув қўшилади. Бу оқсиллар сингдириб оладиган сув миқдорининг факатгина ярмисини ташкил қиласи. Шунинг учун шартли равишда қориш деб аталадиган ун ва сувнинг аралаштиришдан кейин, макарон хамири биз тассавур қилганимиздек боғлангач пластик хамир шаклида эмас, балки намланган ушоқлар ва қумоқчалар қўринишида бўлади. Зичланган қовушқоқ-пластик хамир эса, бу сочулувчан массага бундан кейинги ишлов бериш жараёнида, яъни макарон хамирини шнекли камерасида катта босим остида пресслаш натижасида ҳосил қилинади.

Макарон маҳсулотининг ретцептураси уннинг сифати, маҳсулот тури, қуритиш усули ва омилларга боғлиқ бўлади. Рестептурада қуидагилар қўрсатилади: ун ва сувнинг миқдори ва ҳарорати, хамирнинг намлиги ва ҳарорати, қўшимчали маҳсулотлар ишлаб чиқаришда эса қўшимчаларнинг дозалари.

Одатда сув ва қўшимчаларнинг миқдори 100 кг унга ҳисобланган ҳолда келтирилади, зарур ҳолларда рестептурада иккиламчи қайта ишлаш учун ун массасига нисбатан 10-15 % дан кўп бўлмаган миқдорда чиқиндилардан қўшиш қўзда тутилиши мумкин.

Хамирни қориш усуллари. Дастрлаб хамирнинг намлиги белгиланади. Уннинг катталигига кўра макарон хамирини қориш уч хилга бўлинади:

- қаттиқ, хамирнинг намлиги 28-29%;
- ўрта, хамирнинг намлиги 29,1-31%;
- юмшоқ, хамирнинг намлиги 31,1-32,5%.

Клейковинасининг миқдори кам бўлган ундан фойдаланилганда юмшоқ қоришдан, клейковинаси ёпишқоқ, чўзилувчан ундан фойдаланилганда юмшоқ қоришдан, коејковинаси ёпишқоқ, чўзилувчан ундан фойдаланилганда қаттиқ хамир қориш мақсадга мувофиқdir.

Калта маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ва кассетада қуритиладиган макарон ишлаб чиқаришда қаттиқ ёки ўртacha қаттиқ, осиб қуритиладиган узун маҳсулотлар ишлаб чиқаришда эса, ўртacha ёки юмшоқ хамир қориш усуллари қўлланилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, хамирда нам қанчалик кўп бўлса, уннинг заррачалари шунчалик текис намланади, хамир шунчалик пластик бўлади ва хамирга

13-маъруза.Макарон хамирини тайёрлаш ва пресслаш.

осон шакл берилади. Аммо, намлиги паст хамир йирик қумоқларсиз ушоқсимон структурага эга бўлади, шнекли камеранинг парраклари орасидаги бўшлиқни яхши тўлдиради, шаклини яхши сақлайдиган, ёпишмайдиган ва эгилмайдиган нам маҳсулотлар ҳосил қиласди.

Хамирнинг берилган намлиги ва уннинг намлигига қараб хамир қоришга сарфланадиган сувнинг керакли миқдори (с, м) куйидаги формула билан ҳисобланади:

$$C = Y (W_x - W_y) / (100 - W_x),$$

Бу ерда Y – ун миқдори, кг;

W_x ва W_y – мос тарзда хамир ва уннинг намлиги, %.

Хамирнинг қоришдан кейинги ҳарорати 40°C дан ошмаслиги керак. бундай ҳарорат шу билан асосланадики, макарон хамирини қориш ва шакл беришнинг анъанавий тартибларига кўра, хамирнинг ҳарорати матристалар олдида 50°C дан ортиқ бўлмаслиги лозим, шнекли камерада пресслаш вақтида эса хамир ўртача 10°C га қизийди. Шундан келиб чиқиб сувнинг ҳарорати аниқланади.

Хамирнинг белгиланган ҳарорати ва уннинг ўлчангандан ҳароратига кўра хамир қоришга ишлатиладиган сувнинг ҳарорати қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$T_c = (x t_x c_x - y t_y c_y) / (B C_c),$$

Бу ерда:

T – хамирнинг массаси, кг ($T = Y \cdot C$);

t_x, t_y – мос тарзда хамир ва уннинг ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$;

c_x, c_y – хамир ва уннинг солиширига иссиқлик сифими, кг (кг, к), 4 ва 5-жадвалларда келтирилган маълумотлардан фойдаланилади:

c_c – сувнинг солиширига иссиқлик сифими, $4187\text{Дж}/(\text{кг}, \text{к})$.

Қориш вақтида қўшиладиган сувнинг ҳароратига кўра макарон хамирини қориш учхилга бўлинади:

- иссиқ, сувнинг ҳарорати $75-85^{\circ}\text{C}$;

- илиқ, сувнинг ҳарорати $55-65^{\circ}\text{C}$;

- совук, сувнинг ҳарорати 30°C дан паст эмас.

Кўпинча илиқ қоришдан фойдаланилади. Иссиқ қоришдан унда жуда қайишқоқ клейковина (30% дан ортиқ) мавжуд бўлганида, совук қоришдан эса кам миқдорда кучсиз клейковина мавжуд бўлганида, ун жуда иссиқ бўлганида, шнекли камеранинг ёмон ҳолатда бўлғанлигига ва ҳароратнинг ортиб кетишига сабаб бўлган ҳолларда фойдаланилади.

Бойитувчи ва таъм берувчи қўшимчаларни ишлатиб макарон маҳсулотларини ишлаб чиқарилганда бу хом ашёларни миқдори ҳам рестептурада кўрсатилади. Қўшимчалар намлиги кўпчилик ҳолларда уннинг намлигидан фарқ қилганлиги учун, хамир кориш учун сувнинг миқдорини қўшимчаларнинг миқдори намлигини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш керак; агар қўшимчаларнинг намлиги уннинг намлигидан юқори бўлса, хамир коришда кам миқдорда сув қўшиш керак ва аксинча.

2- савол баёни: Макарон маҳсулотлари хамирини қориш жиҳозлари. Макарон хамирини тайёрлаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич хамир аралаштиргичларда амалга оширилиб, бунда компонентлар ушоқсимон масса ҳосил бўлгунча тинимсиз аралаштирилади. Иккинчи босқичда ушоқсимон масса пресснинг шнекли камерада босим остида зичланиб ва пластикланиб, шакл бериш учун керакли бўлган структура ва хоссаларга эга бўлади. Хамир тайёрлаш, уни зичлаштириш ва хамирга шакл бериб нам маҳсулотларни ҳосил қилиш, замонавий макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида шнекли прессларда амалга оширилади.

5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Ноn, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.

7.Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272 с.

13-маъруза.Макарон хамирини тайёрлаш ва пресслаш.

Макарон прессларининг таркиби пресслаш қурилмасидан ташқари, ун ва сув дозаторлари, хамир аралаштиргичлар ҳам киради.

Компонентларни аралаштириш ҳамда вакуумлаштириш жойига қараб хамир аралаштиргичлар битта ёки кетма-кет ўрнатилган бир нечта камераларга эга бўлиши мумкин.

Бир камерали хамир аралаштиргичлар тармоқда энг кўп тарқалган ва нонвойлик унидан макарон хамири тайёрлаш учун қўлланилади. Машинанинг ишчи органи бўлиб, винт чизиги бўйлаб кураклар, бармоқлар ва итаргич қотирилган горизонтал вал ҳисобланади. Янада ихчамроқ бўлиши учун бир камерали хамир аралаштиргичлар прессловчи шнек билан битта узатмадан харакатга келади.

Замонавийроқ бир тоғарали аралаштиргичли ЛТЛ-2М маркали пресс 82 айл/мин айланиш частотасига эга.

Бир тоғарали хамир аралаштиргичларнинг асосий камчилиги қориш давомийлигининг қисқалиги бўлиб, бу ёрмачасимон макарон унидан фойдаланилганда мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди.

Икки камерали хамир аралаштиргичлар алоҳида қориш валларига эга бўлган иккита параллел ўрнатилган камералардан иборат. Хамир биринчи камерадан иккинчисига қўзғалувчан тўсик билан ёпиладиган тўғри бурчакли тешик орқали ўтади. Айланиш частотаси 90 айл/мин, хамир кориш давомийлиги 14 минутдан ортиқ эмас. Хамир аралаштиргичнинг камчилиги қориш пайтида хамирни вакуумлаштиришнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Уч камерали хамир аралаштиргичлар замонавийроқ жихоз ҳисобланади. 20 минутгача давом этадиган қориш вақтининг катталиги ва қоришнинг икки босқичга ажратилганлиги туфайли юқори самарадорликка эгалиги билан фарқ қиласи. Иккинчи босқичда қориш вакуумлаш жараёни билан бирга амалга оширилади.

Б6-ЛПШ-500 прессининг хамир аралаштиргичида юқориги биринчи камера ун ва сувни дастлабки аралаштириш учун, иккинчи ва учинчиси хамирга вакуум остида ишлов бериш учун хизмат қиласи.

Компонентларни жадал аралаштирувчи хамир аралаштиргичлар. Аралаштириш стилиндесимон шаклдаги маҳсус сифимларда, айланиш частотаси катта бўлган парралали валлар ёрдамида ҳосил қилинаётган марказдан қочувчи кучлар таъсири остида содир бўлади. Макарон «Кобра-4004» хамир аралаштиргичида қорувчи валнинг айланиш частотаси 560 айл/мин, аралаштириш давомийлиги 5 секундгача. Бу хамир аралаштиргичнинг бошқа фарқли томони қориш валларининг мураккаб харакатланишидир. Хамирга вакуумли ишлов бериш охирги тоғорада амалга оширилади.

Макарон маҳсулотлари хамирини қориш. Макарон хамирини қориш макарон прессларининг хамир аралаштиргичларда амалга оширилади. Ун ва сув хамир аралаштиргичга узлуксиз ишловчи дозаторлар ёрдамида берилади.

Қўшимчали макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўшимчалар дастлаб сувда эритилади ёки сувли эмульстия тайёрланади ва сув дозатори орқали берилади.

Хамир қориш вақтида ун крахмали донлари ва оқсилларининг аста-секинлик билан бўкиши ҳамда намликтининг хамир массаси бўйлаб бир текис тақсимланиши содир бўлади.

Ёрмачасимон каттиқ буғдой унидан макарон маҳсулотлари тайёрлашда хамирни қориш давомийлиги 20 мин дан кам бўлмаслиги керак. бундай давомийликни Б6-ЛМВ, Б6-ЛМГ ва «Braibonti» фирмаси автоматик узлуксиз линиялари таркиби кирувчи шнекли макарон прессларининг уч токорали хамир аралаштиргичлари таъминлаши мумкин.

5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.

7.Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272 с.

13-маъруза.Макарон хамирини тайёрлаш ва пресслаш.

Хозирча бизнинг корхоналаримизда 8-9 минут давомийликда коришга мўлжалланган бир тогорали ЛЛП пресслари ва 13-14 минут хамир қоришга мўлжалланган икки тогорали ЛМБ пресслари кўлланилади.

3- савол баёни: Хамирни вакуумлаш. Босими 20 МПа га етадиган гидравлик прессларда макарон хамирини пресслашда зич ва мустаҳкам маҳсулотлар олиш таъминланган. Аммо, узлуксиз ишловчи шнекли макарон прессларига ўтилганда пресслаш босими 5-7 МПа га пасайиши содир бўлади.

Хамирни вакуумлаштириш қориш босқичида, автоматик узлуксиз линияларнинг прессларида (Бб-ЛМВ, Бб-ЛМГ ва «Braibonti», «Pavon» Италия фирмалари) ёки пресслаш жараёнida (ЛМБ, ЛПЛ прессларида) амалга оширилади.

4- савол баёни: Макарон хамирини пресслаш. Ун ва сув маълум нисбатда узлуксиз оқим билан дозаторлар ёрдамида хамир қориш тоғарасига берилади. Бу ерда компонентлар аралаштирилади ва қорилади. Қоришнинг охирида ҳосил бўлган ушоқсимон ёки кумоқсимон хамир массаси ўтказиш тешиги орқали пресслаш қурилмасининг шнекли стилиндрига келиб тушади. Пресслаш қурилмасининг асосий ишчи органи шнек ҳисобланади.

Прессланган хамирнинг матриста томонга кўчиши вақтида нафақат унинг шнекли камера ва шнекнинг парракларига ишқаланиши, балки хамир қатламларининг бир-бираига ишқаланиши ҳам содир бўлади. бу ишқаланиш натижасида хамирнинг ҳарорати 10-20 °С га ортади. Хамирнинг ҳароратини пасайтириш учун шнек ишлаётган вақтда шнекли камеранинг пресслаш бошчасига туташган сув кўйлагига совуқ сув берилади.

Хамирнинг матриста олдидағи мувофиқ ҳарорати 50-55 °С. бундан юқори ҳароратларда хамирнинг «пишиши» содир бўлиб, бу прессланган маҳсулотларнинг сиртида оқимтири чизиқлар ҳосил бўлишига олиб келади.

Матриста прессловчи қурилма билан биргаликда макарон прессининг асосий ишчи органи ҳисобланади. Матристалар коррозияга учрамайдиган, етарлича мустаҳкамликка ва айниқса чидамлилик хусусиятларига эга бўлган металлардан тайёрланади. Фосфорли бронза, латун, зангламайдиган пўлат шундай металлар қаторига киради.

Матристалар икки хилда бўлади: юмалоқ (дисксимон) ва тўғри бурчакли. Юмалоқ матристалар ёрдамида узун ва кисқа макарон маҳсулотларининг барча турларига шакл берилади. Тўғри бурчакли матристалар маҳсулотлар осиб қуритиладиган автоматлаштирилган линияларда ишлаб чиқарилаётган узун макарон маҳсулотларига (макарон, вермишел, угра) шакл беришда кўлланилади.

5- савол баёни: Нам макарон маҳсулотларини бўлаклаш бевосита пресслашдан кейин амалга оширилади. Бўлаклашдан мақсад – маҳсулотларни қуритишга тайёрлашдир.

Бўлаклаш босқичи шакл берилган нам маҳсулотларни ҳаво Билан пуфлаш, кесиш ва тахлашдан ёки осишдан иборат. Сифатли бажарилган пуфлаш, кесиш ва тахлаш операстиялари қуритишга ёрдам беради. Бу операстияларнинг сифатли бажарилиши қуритиш жиҳозларининг унумдорлиги, хом ашё сарфи ва маҳсулотларнинг сифати каби кўрсаткичларга таъсир кўрсатади.

Нам маҳсулотларни ҳаво билан пуфлаш. Прессланган нам макарон маҳсулотлари тез деформациянувчи пластик материал ҳисобланади. Шунинг учун кесишини осонлаштириш ва ёпишиб қолишнинг олдини олиш учун нам маҳсулотларга, матристанинг шакл бериш тешигидан чиқаётган вақтида ҳаво пуфланиши керак. Бу нам маҳсулотларнинг сиртида

5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.

7.Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272 с.

13-маъруза.Макарон хамирини тайёрлаш ва пресслаш.

куриган қобиқ ҳосил қилиб, уларни қуритишга узатишга ёпишиб қолишининг олдини олади.

Маҳсулотларни бўлаклаш ва тахлаш. Шакл берилган ва ҳаво пуфланган макарон маҳсулотлари кесувчи механизм ёрдамида керакли узунликда кесилади ва қуритиш учун қуритувчи юзаларга (калта қирқилганлар), лотокли кассеталарга (макаронлар кассетали усулда қуритилганида), ёки бастунларга (узун маҳсулотлар осиб қуритилганда) жойлаштирилади.

Калта маҳсулотлар икки хил усул билан кесилади: матриста сиртида пичоқни сирпантириб ёки осилган ҳолда (осилиб турган тутамлар матристадан маълум бир масофада кесилади). Шаклдор маҳсулотлар ҳар доим биринчи усул билан, перолар эса иккинчи усул билан кесилади. Калта кесилган вермишел ва угра иккала усул билан ҳам кесилиши мумкин. Иккинчи усул ёрдамида кесилганда маҳсулотлар тўғрироқ бўлади ва уларга жадал ҳаво пуркаш имконияти туғилади.

ЛПЛ-2М прессларида матриста сиртида калта маҳсулотларни кесиш учун, пресс комплектига кирувчи, универсал кесувчи механизм УКМ дан фойдаланилади. У матриста сирти бўйлаб кесиб, исталган узунликдаги (перолардан ташқари) калта маҳсулотлар, шўрвага солинадиган маҳсулотларни кесиш имкониятини беради.

Вермишел ва уграни осилган ҳолатда кесиш учун кенг тарқалган ЛПР-1 механизми кўлланилади. Механизм корпусга жойлаштирилган бўлиб, корпус макарон пресси пресслаш бошчаси остидаги полга ўрнатилади. Механизм рамасига пичоқ бошчаси маҳкам ўрнатилган. Механизм минутига 12-32 марта кесишни амалга оширади. Узун маҳсулотларни кесиш ва бастунларга осиш учун автоматик ўзи осувчи механизмлардан фойдаланилади.

Назорат саволлари.

1. «Макарон хамири» деганда нимани тушунасиз?
2. Макарон хамирининг рестептураси қандай кетма-кетликда тузилади?
3. Қаттиқ макарон хамири қуришнинг ўзига хос аломатлари нимадан иборат ва ундан қайси ҳолларда фойдаланилади?
4. Юмшоқ ва ўрта макарон хамири қуришнинг ўзига хос аломатлари нимадан иборат ва улардан қайси ҳолларда фойдаланилади?
5. Хамир аралаштиргичларнинг қисқача тавсифини келтиринг.
6. Хамирни вакуумлаштиришнинг вазифаси қанақа ва ишлаб чиқаришнинг қайси босқичларида ундан фойдаланиш мақсадга мувофик.

Мавзуга оид мустақил иш топшириқлари:

1. Макарон маҳсулотлари турлари.
2. Шакли,хиллари ва ўлчамлари.

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
- 2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
- 3.Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.- 428с.
- 4.Пашченко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.- М.:КолосС, 2006.-389с.

14-маъруза.Макарон маҳсулотларни қуритиш

Режа:

- 14.1. Қуритишнинг назарий асослари.
- 14.2. Нам макарон маҳсулотларини саноат қурилмаларида қуритиш.
- 14.3. Қуритиш ускуналари ва автомат линиялари.

Таянч сўз ва иборалар

Қуритишнинг конвектив усули, қуритишнинг паст ҳароратли режимлари, қуритишнинг юқори ҳароратли режимлари, қуритишнинг ўта юқори ҳароратли режимлари, маҳсулотларни барқарорлаштириш, маҳсулотларни совитиш, неаполитанча қуритиш, камерали қуриткичлар, шкафли қуриткичлар.

1- савол баёни: Нам макарон маҳсулотлари турли хил биокимёвий ва микробиологик жараёнлар кечиши учун қулай муҳит ҳисобланади. Бу жараёнлар ривожланишини олдини олиш учун маҳсулотлар сувсизлантириш усули билан консерваланади, яъни 13% дан юқори бўлмаган намлиkkacha қуритилади.

Макарон маҳсулотларини қуритиш уларни ишлаб чиқариш жараёнидаги энг узоқ давом этадиган босқич ҳисобланади. Намликин ажратишни ҳаддан ортиқ жадал равишида олиб бориш маҳсулотларнинг ёрилишига олиб келади. Жуда давомли қуритиш, айниқса, намликин ажратишнинг биринчи босқичида, маҳсулотларнинг ачишига, қатлам ҳолида қуритишда эса ёпишилган маҳсулотдан тўдалар ҳосил бўлишига ва маҳсулотларнинг деформастияланишига олиб келади.

Маҳсулотни қуритиш вақтида, унинг таркибидаги сув буғга айланади ва ажралиб чиқади. Сувни буғга айлантириш учун маълум миқдорда энергия сарфлаш лозим. Материалга иссиқлик узатишга қараб, қуритиш бир неча хил усулларга бўлинади. Кўпчилик ҳолларда макарон маҳсулотларини қуритиш конвектив усулда амалга оширилади.

Қуритишнинг конвектив усули қуритилаётган материал (нам макарон маҳсулотлари) ва маҳсулотга пуфланадиган қиздирилган ҳаво ўртасидаги иссиқлик ва намлик алмашинувига асосланган.

Конвектив усулда макарон маҳсулотларини қуритиш вақтида қиздирилган қуритувчи ҳаво қуйидаги вазифаларни бажаради:

- намни буғга айлантириш учун керакли бўлган энергияни (иссиқликни) маҳсулотга беради;

- маҳсулотлар сиртидан буғланган намни олиб кетади.

Шу сабабли ҳавонинг ҳарорати қанчалик юқори бўлса, маҳсулотдан намнинг буғланиши шунчалик тез боради; ҳавонинг нисбий намлига қанчалик паст бўлса, ҳаво буғланган намни шунчалик тез сингдириб олади. Бундан ташқари, қуритиш тезлиги маҳсулот устидаги ҳавонинг ҳаракатланиш тезлигига ҳам боғлиқ бўлади; ҳавонинг тезлиги қанчалик катта бўлса, маҳсулотдан буғланган нам шунчалик тез олиб кетилади. Табиийки, қуритиш жараёни маҳсулотнинг хоссалари билан, хусусан макарон маҳсулотларининг зичлиги ва қалинлиги билан ҳам боғлиқдир.

Қуритиш, барқарорлаштириш ва совутиш вақтида макарон маҳсулотлари хоссаларининг ўзгариши

Қуритиш режимларини танлаш ва ишлаб чиқиш вақтида макарон маҳсулотларининг қуритиш обьекти сифатидаги иккита асосий хусусиятини ҳисобга олиш лозим:

5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.

7.Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272 с.

14-маъруза.Макарон маҳсулотларни қуритиш

- маҳсулотлар намлигини 29-30 да 13-14% гача пасайиши вақтида уларнинг чизиқли ва ҳажмий ўлчамлари 6-8% га камаяди;

- Қуритиш жараёнида маҳсулотларнинг структуравий-механик хоссалари ўзгаради.

Бугунги кунда ҳавонинг ҳароратига қараб, макарон маҳсулотларини конвектив усулда қуритишнинг учта асосий режимидан фойдаланилади:

- қуритувчи ҳавонинг ҳарорати 60°C дан ошмайдиган анъанавий паст ҳароратли режимлар;

- қуритишнинг маълум босқичда ҳавонинг ҳарорати $70-90^{\circ}\text{C}$ га етадиган юқори ҳароратли режимлар;

- ҳавонинг ҳарорати 90°C дан юқори бўладиган ўта юқори ҳароратли режимлар.

Кўрсатилган учта ҳарорат режимларидан фойдаланилганда макарон маҳсулотлари структуравий-механик хоссалари ўзгаришининг ўзига хос томонларини кўриб чиқамиз.

Паст ҳароратли режимларда қуритишга келтирилаётган маҳсулотлар пластик материал ҳисобланади ва тахминан 20% намлиkkacha пластиклигини сақлаб туради. Намлиknin 20% дан 16% гача пасайтириш вақтида улар аста-секинлик билан пластик хоссаларини йўқотиб, қайишқоқ қаттиқ материалларга хос бўлган хоссаларга эга бўлиб боради. Бу намлиқда макарон маҳсулотлари қайишқоқ пластик материал ҳисобланади.

Тахминан 16% намлиқдан бошлаб макарон маҳсулотлари қаттиқ қайишқоқ мўрт материалларга айланади ва бу хоссасини қуритишнинг охиригача сақлаб қолади. Қуритишнинг юмшоқ режимларида, яъни маҳсулотларни қуритиш қобилияти паст бўлган ҳаво билан қуритиш вақтида, ташки ва ички қатламлардан қуритилган ташки қатламларга чиқишига улгуради. Маҳсулотлар сиртидан намнинг ажралиш тезлиги ички қатламлардан намнинг келиш тезлигига тенг бўлади. Маҳсулотнинг барча қатламлари тахминан бир текис қисқаради: маҳсулотлар ўлчамларининг камайиши уларнинг намлигини пасайишига мутаносиб тарзда ортиб боради.

Қуритишнинг қаттиқ режимларида, яъни маҳсулотларни қуритиш қобилияти юқори бўлган ҳаво билан қуритиш вақтида, ташки ва ички қатламлар орасидаги намлиқ фарқи, намлиқ ички қатламлардан ташки қатламларга келишга улгурмаганлиги сабабли, ўзининг энг катта қийматига эришади.

Натижада куруқроқ бўлган ташки қатламлар, ўзининг узунлигини қисқартиришга ҳаракат қиласди, аммо бунга намлиги каттароқ бўлган ички қатламлар қаршилик кўрсатади. Маҳсулотнинг ичидағи қатламлар чегарасида, силжишнинг ички кучланишлари деб номланган кучланиш вужудга келади. Бу кучланишларнинг қиймати, маҳсулотлар сиртидан намлиқ қанчалик тез олиб кетилаётган, ички қатламлардан намлиknin келиши жадаллиги қанчалик орқада қолаётган бўлса, шунчалик катта бўлади.

Маҳсулотлар ҳарорати $25-30^{\circ}\text{C}$ ва нисбий намлиги 60-65% бўлган ҳаво билан 4 соат давом этадиган секин совутишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда маҳсулотларнинг барқарорлашуви содир бўлади: нам маҳсулотнинг барча қатламлари бўйлаб текис тағсимланади, маҳсулотларни жадал қуритишдан кейин қолиши мумкин бўлган силжишнинг ички кучланишлари сўрилади ҳамда маҳсулотлардан 0,5-1,0% намлиқ бүғланиши ҳисобига совиган маҳсулотларнинг массаси камаяди.

Қуритилган маҳсулотларни турли конструкциядаги совуткичларда пуфлаб совитиш ёки уларни қадоқлашга юборишда тасмали транспортерларда совитиш мақсадга мувофиқ эмас: тайёр маҳсулотлар қисқа вақт ичида (5 минут атрофида) стех ҳароратигача совутиши ва қадоқланган ҳолда уларда қуриш жараёни кузатилмаса ҳам барқарорлаштирилмаган маҳсулотларда силжишнинг ички кучланиши бундай қисқа вақт оралиғида нафақат йўқолишга улгурмайди, балки маҳсулотлар сиртидан намлиknin бүғланиши ва намлиқ градиентининг ортиши ҳисобига ортиб кетади. Агар маҳсулотлар қаттиқ режимда

14-маъруза.Макарон маҳсулотларни қуритиш

куритилган бўлса, уларнинг ёрилиши, синиқлар ва ушоқларга айланиши қадоқлашдан кейин давом этади.

Шундай қилиб, тез совутиш вақтида силжишнинг ички кучланишларининг ортиши, маҳсулотлар сиртида ҳароратнинг кескин пасайиши улардан намликнинг тез бугланишига олиб келиши билан асосланади.

2- савол баёни: Паст ҳароратли режимлардан фойдаланиб қуритиш. Юқорида эслатиб ўтилганидек, макарон маҳсулотларини қуритиш учун ҳозирда турли хил ҳарорат режимларидан фойдаланилмоқда.

Қуритишнинг паст ҳарорати режимларидан бири бўлиб энг эски усул, яъни биринчи марта Италиянинг жанубида фойдаланила бошлаган макарон маҳсулотларини очиқ ҳаводагуёшли ёки неаполли қуритиш усули ҳисобланади. Бундай усулда қуритишда ходага осилган узун маҳсулотлар ва матога ёйилган калта маҳсулотлар кундузи қуёшда қуритилган, кечаси эса ертўлага киритиб қўйилган. Маҳсулотларнинг қалинлигига қараб бундай қуритиш жараёни 3-5 сутка давом этган. Маҳсулотлардан намликнинг секинлик билан буғланиши, уларда сут кислотасининг тўпланиши натижасида маҳсулотлар маҳсус хушбўйликка ва мустаҳкамликка эга бўлган.

Кейинчалик макарон маҳсулотларининг нави ва қуритиш ҳароратига қараб, маҳсулотлар 5-8 соатдан (калта қирқилган маҳсулотлар) 16-24 соатгача (макаронлар учун) қуритиладиган камерали, сўнгра шкафли қуритгичлардан фойдаланиш бошланган. Майлум ҳарорат намлик шароитлари яратиладиган алоҳида хоналардан иборат бўлган камерали қуритгичлар ва маҳсулотларни ҳар бир шкаф учун алоҳида вентилятор ёрдамида (ҳавоси алоҳида қиздиргич билан истиладиган) ҳаво билан пуфланадиган шкафли қуритгичлар ҳозирда ҳам кичик унумдорликка эга бўлган корхоналарда қуритиш учун кенг қўлланмоқда. Камера ва шкафларда қуритиш учун макаронлар лотокли кассеталарда, калта қирқилган маҳсулотлар эса рамкаларда жойлаштирилади.

Макарон маҳсулотларини қуритиш технологияси ва техникасини такомиллаштиришнинг муҳим босқичи бўлиб, XX аср 40-йилларининг охирида ва 50-йилларнинг бошларида узлуксиз ишловчи: узун маҳсулотларни осиб қуритиш учун тоннелли ва калта маҳсулотларни қуритиш учун конвейерли қуриткичларнинг жорий қилиниши ҳисобланади.

Макарон ишлаб чиқариш корхоналарида фойдаланаётган паст ҳароратли қуритишнинг асосий режимлари ва усулларини батафсилоқ кўриб чиқамиз.

Макаронларни шкафли қуриткичларда қуритиш. Макаронларни шкафли қуриткичларда қуритиш учун лотокли кассеталардан фойдаланилади. Қуритиш одатда ВВП, 2СТАГИ-700, «Диффузор» маркали калориферсиз шкафли қуриткичларда амалга оширилади. ВВП қуриткичи чуқурлиги 1600 мм, кенглиги 1260 мм ва баландлиги 2010 мм бўлган ёғоч шкафдан иборат. Шкафнинг томига валига ўқли вентилятор ўрнатилган. Вентилятор орқали ҳаво оқими шкаф ичига йўналтирилади.

Қуриткич шкафига 156 та қўшалоқ кассеталар, чуқурлиги бўйича икки қатор, кенглиги бўйича уч қатор ва баландлиги бўйича 26 тадан ўрнатилади. Куруқ маҳсулотлар бўйича шкафнинг сифими 600 кг ни ташкил қиласи. Битталик кассеталардан фойдаланганда улар чуқурлик бўйлаб тўрт қатордан ўрнатилади.

2СТАГИ-700 маркали қуриткичда макаронлар орқали ҳавони кучайтирилган тўғри оқимили пуфлаш амалга оширилади.

Қуриткич устма-уст жойлаштирилган иккита СТАГИ-700 маркали реверсив ўқли вентиляторлардан иборат бўлган шамоллатиш қурилмасидан иборат.

7.Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272 с.

14-маъруза.Макарон маҳсулотларни қуритиш

Қуритич иккита шкаф билан ёки иккита ғилдиратиб келтириладиган шкаф вагонетка билан таъминланган.

Ҳар бир шкаф ёки вагонеткага 78 та қўшалоқ кассеталар: чуқурлиги бўйича биттадан кассета, кенглиги бўйича учтадан ва баландлиги бўйича 26 тадан кассета ўрнатилади. Куруқ маҳсулотлар бўйича шкафнинг сифими 800 кг ни ташкил этади.

Макаронлар кассетадаги макарон найдалари орқали ҳаво пулфлаб қуритилади. Бунда параметрлари ўзгармас даражада, яъни 30-35 °C ҳарорат, 65-70% намликни сақлаб туриладиган қуритиш бўлимининг ҳавосидан фойдаланилади (ўзгармас қуритиш қобилиятига эга бўлган ҳаво билан қуритиш усули). Қуритиш хонасидаги ҳаво радиаторлар батареялари билан ёки калорифер билан иситилиб, сўриб олинаётган ишлатилган нам ҳавонинг бир қисми ўрнига хонага тоза ҳаво сўрилади.

Қайд этилган ҳаво параметрларида қуритиш давомийлиги 20 соатдан (диаметри катта бўлган макаронлар учун) 24 соатгача (диаметри кичик бўлган макаронлар учун) давом этади.

Кўл меҳнатини енгиллаштириш учун бир қатор кичик корхоналарда макаронларни лотокли кассеталарда қуритувчи механизациялаштирилган узлуксиз ишлайдиган жиҳозлар қаторлари яратилган.

3- савол баёни: Калта қирқилган маҳсулотларни буғли конвейерли қуритичларда қуритиш.

МДХ давлатларида калта қирқилган макарон маҳсулотларининг катта қисми КСК-4Г-45 ва КСГ-4Г-90 типидаги буғ конвейерли қуритичларда қуритилади.

КСК-4Г-45 буғ конвейерли қуритич конвейерланган пўлат каркасадан иборат бўлиб, унинг ичида қуритичнинг барча механизмлари ва қопламаси жойлаштирилган. Қуритичнинг ён томонлари зич ёпиладиган резина прокладкали эшиклардан иборат. Эшиклар термоизолясион материалдан тайёрланган ва темир тахталар билан қопланган.

Қуритиш камераси ичида бешта тасмали конвейер харакатланади. Ҳар бир конвейернинг кенглиги 2000 мм, ишчи қисмининг қуритиш юзаси 9 м², қуритичнинг умумий қуритиш юзаси эса 45 м². конвейерларнинг калорифери кетма-кет уланган иккита батериядан иборат.

КСК-4Г-90 буғ конвейерли қуритич олдинги қуритичлардан фақат узунлиги билан конструктив фарқ қиласи.

Қуритич тасмасининг умумий қуритиш юзаси 90 м². Унда маҳсулотларни қуритиш давомийлиги КСК-4Г-45 қуритичидагига нисбатан икки марта узокроқ бўлиши мумкин, бинобарин қуритиш режимиning юмшатиш имконияти тугилади.

Ишлатилган қуритиш ҳавосининг қуритичдан чиқиш вақтидаги параметрлари кўйидаги: ҳарорати 50-55 °C, нисбий намлиги 50% атрофида.

Кўрсатилган параметрларда маҳсулотларни қуритиш давомийлиги маҳсулотлар нави ва қуритич маркасига қараб 30 минутда (ингичка вермишел учун), 90 минутгача (қалин деворли шохчалар ва чиганоқлар учун) вақтни ташкил қиласи. Тасмалардаги маҳсулотларнинг қалинлиги 5 см дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Автоматлаштирилган узлуксиз ишлайдиган линияларнинг қуритичларида узун маҳсулотларни осма усулда қуритиш.

Узун макарон маҳсулотлари (турли хилдаги вермишел ва угра, найсимон ва маҳсус макаронлар) асосан Б6-ЛМВ ва Б6-ЛМГ автоматлаштирилган узлуксиз ишлайдиган линияларнинг қуритичларида қуритишнинг паст ҳароратли режимлардан фойдаланган ҳолда осма усулда қуритилади. Бастунларда осилган маҳсулотлардан намни ажратиш икки босқичда: дастлабки ва охирги қуритичларда амалга оширилади.

Дастлабки қуритичнинг вазифаси – макарон маҳсулотлар пластик хоссаларга эга бўлган босқичда улардан намликни ажратиб олиш ҳисобланади. Бу босқичнинг асосий мақсади макарон маҳсулотларини қуритиш давомийлигини қисқартиришдан иборат.

14-маъруза.Макарон маҳсулотларни қуритиш

Дастлабки қуритичда қуритувчи ҳавонинг параметрлари қуритилаётган маҳсулотлар навига қараб, ҳарорати $35-45^{\circ}\text{C}$ ни, нисбий намлиги 65-75% ни ташкил қилади. Б6-ЛМВ ва Б6-ЛМГ линияларида дастлабки қуритиш давомийлиги 3 соат атрофида, дастлабки қуритишдан чиқаётган маҳсулотларнинг намлиги 20% ни ташкил қилади.

Б6-ЛМВ линияси охирги қуритични тоннелдан иборат бўлиб, унинг қопламаси олдинги дастлабки қуритичлардан фарқ қилмайди.

Қуритиш зоналаридаги ҳарорат олдинги қуритичдаги каби $35-45^{\circ}\text{C}$ ни, нисбий намлик эса анча баландроқ - 65-75% ни ташкил қилади.

Охирги қуритишнинг давомийлиги маҳсулотнинг ассортиментига боғлиқ бўлиб, Б6-ЛМВ линиясида ўртача 11-12 соатни, Б6-ЛМГ линиясида эса 14-15 соатни ташкил қилади.

Охирги қуритич камерасидан чиқаётган, намлиги 13,5% атрофида бўлган маҳсулотлар тоннел типидаги барқарорлаштиргич-тўплакичга барқарорлаштириш ва совутиш учун юборилади.

Қуритишнинг юқори ва ўта юқори ҳароратли режимлари.

Макарон маҳсулотларини қуритишнинг юқорида кўриб чиқилган анъанавий паст ҳароратли режимларининг асосий камчилиги - қуритиш жараёнининг ҳаддан ортиқ узоқ давом этиш хисобланади. 70-йилларда барча етакчи хорижий фирмаларнинг қуритиш ҳарорати 70°C ва ундан юқори бўлган ҳароратли режимларга ўтиши маҳсулотларни қуритиш давомийлигини қисқартиришга имкон беради. Бунда автоматлаштирилган узлуксиз ишлайдиган маҳсулотларни қуритиш давомийлиги 40-50% қисқартирилиб 16-20 соат ўрнига 10-12 соатни, калта маҳсулотларни қуритиш эса 4-8 соат ўрнига 4-6 соатни ташкил қила бошлади.

Бундан ташқари, юқори ҳароратли қуритиш анъанавий усулда қуритишга қараганда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига нисбатан сарфланадиган энергияни ва ишлаб чиқариш майдонини қисқартириш имкониятини беради.

Энергетик майдонлардан фойдаланиб қуритиш. Юқорида кўриб чиқилган макарон маҳсулотларини қуритиш режимлари ва қуритишнинг жадаллаштириш усуллари маҳсулотдан намни буғлатиш учун энергияни конвектив тарзда узатишни қўзда тутади. Қуритаётган материалга энергия узатишнинг жадал усулларидан бўлиб, материалга энергетик майдонлари таъсирини ўtkазиш хисобланади. Бу усулларга терморадиастион қуритиш, юқори ва ўта юқори частотали электромагнит майдонларида қуритиш тааллуқли.

Терморадиастион қуритиш. Бу қуритишда нурланиш обьектига энергия бериш инфрақизил нурланиш генераторларидан амалга оширилади. Бундай генераторлар сифатида асосан юқори ҳароратли нурлатгичлардан фойдаланилади.

Маҳсулотларни инфрақизил нурлар билан қиздириш, иситилган ҳаво билан иссиқлик узатишга нисбатан ўнлаб маротаба жадаллироқdir.

Макарон маҳсулотларини қуритишда инфрақизил нурлардан фойдаланган биринчи ва ягона фирма бўлиб «Pavon» фирмаси хисобланади. 60-йилларнинг охиридан бошлаб бу фирманинг узун маҳсулотларни қуритишга мўлжалланган линиялари «Рототери» инфрақизил нурлаткич қурилмаси билан жиҳозланган.

Юқори частотали (юч) ва ўта юқори частотали (ўюч) токларнинг электромагнит майдонларида қуритиш. ЎЮЧ энергиядан фойдаланиш маҳсулот бирлигига энергия сарфини 1,5-2,5 марта камайтирилган ҳолда маҳсулотларга термик ишлов бериш давомийлигини 5-10 марта қисқартиради.

5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.

7.Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272 с.

14-маъруза.Макарон маҳсулотларни қуритиш

1971 йил «Липтон» фирмаси (АҚШ) ЎЮЧ энергияни қўллаб калта қирқилган маҳсулотларни қуритишга мўлжалланган биринчи саноат қурилмасини яратди. Унда қуритишнинг уч босқичли режими кўзда тутилган: маҳсулотларни 20% намлиkkacha анъанавий конвектив усулда қуритиш, 14% намлиkkaga маҳсулотларни 80 °C ҳарорат ва 20% нисбий намлиkkда ЎЮЧли қуритиш ва маҳсулотларни секинлик билан совитган ҳолда намлиkkни 12,5% гача пасайтириб – барқарорлаштириш. Қуритишнинг бундай уч босқичли режимлари АҚШнинг шу ва бошқа фирмаларининг қуриткичларида фойдаланилди. Бундай калта маҳсулотларни қуритишнинг умумий давомийлиги 40-60 минутни ташкил қилиб, бундан ЎЮЧли қиздириш даври (частотаси 915 МГц) 10-12 минутни ташкил қиласди.

Назорат саволлари

1. Макарон маҳсулотларини қуритиш нима мақсадда амалга оширилади?
2. Маҳсулотлар сифатини шаклланишида қуритишнинг аҳамияти қанақа?
3. Қуритишнинг конвектив усулининг моҳияти нимадан иборат?
4. Қуритишнинг паст ҳароратли режимларининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?
5. Қуритишнинг юқори ва ўта юқори ҳароратли режимларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
6. «Макарон маҳсулотларини барқарорлаштириш» ибораси нимани англатади ва бу операстия қуритишнинг турли режимларида қандай амалга оширилади?
7. «Макарон маҳсулотларини совутиш» ибораси нимани англатади ва бу операстия қуритишнинг турли режимларида қандай амалга оширилади?
8. Камерали қуриткичларида макарон маҳсулотларини қуритиш қандай амалга оширилади?
9. Шкафли қуриткичларда макарон маҳсулотларини қуритиш қандай ва қайси ҳаво параметрларида амалга оширилади?
10. Макаронларни қуритишда лотокли усулининг асосий камчиликлари нималардан иборат?
11. Буғли конвейерли қуриткичларнинг тузилиши ва ишлаш принстипи тўғрисида маълумот келтиринг.
12. Автоматлаштирилган узлукли ишлайдиган линияларнинг қуриткичларида узун маҳсулотларни қуритиш қандай амалга оширилади?
13. Б6-ЛМВ линияси дастлабки қуриткичининг тузилиш ва ишлаш принстипи қанақа?
14. Б6-ЛМВ линияси охирги қуриткичининг тузилиши ва ишлаш принстипи қанақа?
15. Паст ва юқори ҳароратли қуритиш режимларида макарон маҳсулотларини совутиш ва барқарорлаштириш қандай амалга оширилади?
16. Макарон маҳсулотларини энергетик майдонлардан фойдаланиб қуритишнинг қандай усувлари сизга маълум?

Мавзуга оид мустақил иш топширикчлари:

1. Макарон маҳсулотлари турлари.
2. Шакли,хиллари ва ўлчамлари.

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
- 2.Айходжаева Н.К., Ҷахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
- 3.Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
- 4.Пащенко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.-М.:КолосС, 2006.-389с.
- 5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.
- 6.Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272 с.

15-маъруза.Макарон маҳсулотларини саралаш, қадоқлаш ва сақлаш.

Режа:

- 15.1. Маҳсулотни саралаш ва яроқсизларини ажратиш.**
- 15.2. Яроқсиз маҳсулотни қайта ишлаш.**
- 15.3. Макарон маҳсулотларини жойлаш. Жойлаш материаллари.**
- 15.4. Макарон маҳсулотларини қадоқловчи машиналар.**
- 15.5. Маҳсулотни сақлаш ва уни бузилиши сабаблари.**

Таянч сўз ва иборалар Маҳсулотларни саралаш, маҳсулотларни яроқсизларини ажратиш, яроқсиз маҳсулотни қайта ишлаш, маҳсулотни қадоқлаш, маҳсулотни идишларга жойлаш, макарон маҳсулотларини қадоқловчи машиналар, маҳсулотни сақлаш, макарон маҳсулотларини бузилиши

1- савол баёни: Қуритилган ва совутилган макарон маҳсулотлари кўлда сараланади. Маҳсулот сифати ишлаб чиқариш лабораторияси томонидан назорат қилингандан кейин қадоқланади ва жойланади. Жойлашнинг вазифаси маҳсулотларни ташиш ва сақлаш жараёнида синиш, ифлюсланиш ва муҳит намлигидан ҳимоялаш ҳисобланади. Маҳсулотларни жозибали ташқи қўринишини таъминлаш учун улар чиройли кутичалар ва халтачаларга қадоқланади. Истеммолчига юборилаётган ҳар бир макарон маҳсулотларининг туркуми корхона томонидан лаборатория текширишлари натижасида бериладиган сифат гувоҳномасига эга бўлиши керак.

Саралашнинг вазифаси маҳсулотлар сифатини белгиланган меъёрларга мослигини аниқлаш мақсадида назорат қилиш, яроқсиз ва барча нуқсонли маҳсулотларни ажратишдан иборат. Саралаш вақтида яхши қуримаган, кислоталиги юкори, моғорлаган ва бошқа нуқсонли маҳсулотлар ажратиб олинади.

Лотокли кассеталар ва бугли конвейерли қуриткичларда қуритилган калта қирқилган маҳсулотларга асосий эътиборни қаратиш лозим, чунки намликнинг бир текис ажратилмаслиги ва қуритиш вақтида маҳсулотларнинг зич жойлашганлиги туфайли қўпинча ёпишиш натижасида маҳсулот тўдалари ҳосил бўлиши мумкин.

Жойлашдан олдин маҳсулотлар, айниқса, металл тўрли конвейерларда қуритилган қисқа қирқилган маҳсулотлар яхшилаб магнит назоратидан ўтказилади. Бунинг учун чиқариш транспортерлари, жойлаш столлари, тебранувчи совутгичлар кичик (чангсимон) металл заррачаларини ушлаб қолувчи маҳсус магнитлар билан жиҳозланади. Бунда магнитлар устидаги ҳаракатланадиган маҳсулотнинг қалинлиги 6 см дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Магнит тўсиқлардан ташқари, жойлаш столларига қуруқ маҳсулотнинг кичик зарраларини элаш учун тўр ҳам ўрнатилади.

2- савол баёни: Маҳсулотни саралаш вақтида ажратилган яроқсиз маҳсулотлар ҳамда ўзининг озуқавий хоссаларини йўқотмаган, яъни ифлюсланмаган, бегона ҳид ва таъмларга эга бўлмаган ярим тайёр маҳсулотлар (нам қирқимлар, йиртилган, деформацияланган, ёпишган, дағал сиртли нам макарон найчалари, макарон, вермишел ва угранинг ёпишган тўдалари, пресс бошчасидан олинган хамир ва ҳоказо) такроран қайта ишлашга юборилади.

Куруқ чиқиндилар қурилмаларда ўлчамлари 1 мм бўлган зарралар қўринишида майдаланади ва шу қўринища ун массасининг 10% миқдорида унни қабул қилиш воронкасига ёки ун бункерларига солинади.

Нам маҳсулотларни бўлаклашдан ҳосил бўлган қирқимлар хамир қориш прессига ун массасига нисбатан 15% миқдорда қўшилади. Нам қирқимларни хамир аралаштиргичга қўшиш пресснинг унумдорлигини пасайтиrmайди ва маҳсулот сифатини ёмонлаштиrmайди.

Кичик корхоналарда майдалаш қурилмалари мавжуд бўлмаган ҳолларда қуруқ чиқиндилар ҳарорати 65-70 °C бўлган сувда бир соат давомида (чиқиндиларни ачишини олдини олиш учун) намланади. Кейин ортиқча сув тўкиб ташланади ва намланган масса кам-

15-маъруза.Макарон маҳсулотларини саралаш, қадоқлаш ва сақлаш.

кам қорилаётган хамирга қўшилади. Шу тарзда ярим тайёр маҳсулотларнинг қуриган чиқиндиларини ҳам қайта ишлаш мумкин. Бу ҳолларда намланган чиқиндиларнинг намлиги, катталигини ҳисобга олиш ва пресснинг қориш тоғорасига берилаётган сув миқдорини камайтириш лозим.

3- савол баёни: Тайёр макарон маҳсулотлари қадоқланади ёки уом ҳолида жойланади. Маҳсулотларни қадоқлаш, яъни кичик (истеъмолчи) идишларига жойлаш қадоқлаш автоматларида, ярим автоматларида ёки қўлда амалга оширилади.

Масалан 1 кг дан ортиқ бўлмаган макарон маҳсулотлари картондан ёки қоғоздан, стеллофан ва полиэтилендан тайёрланган қутичаларга ва халтачаларга ёки соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган бошқа материаллардан тайёрланган идишларга қадоқланади.

Қадоқлаш воситасида товар белгиси, ишлаб чиқарган корхонанинг номи, унинг жойлашган ўрни, маҳсулотнинг номи, унинг гуруҳи ва синфи, стандарт намлиқдаги соф массаси, қайнатиш қоидаси ва тайёрлаш усули, ишлаб чиқарилган вақти, стандарт белгиси (ГОСТ 875), 100 г маҳсулотнинг энергетик қиймати, оқсил, ёғ ва углеводлар миқдори ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиши керак.

Уом ҳолида маҳсулотлар сифими 30 кг дан ортиқ бўлмаган ташиш жойлаш воситаларига: ёғоч яҳикларга, фанер яҳикларга, гофранланган картондан тайёрланган қутиларга, тўқилган шпон ва қўйма картондан тайёрланган яҳикларга жойланishi керак.

Жойлашдан олдин яҳиклар ва қутиларнинг ичига тоза ўраш қоғози ёйилади. Қадоқланган маҳсулотлар барча турдаги яҳикларга жойланishi мумкин, тортиб сотиладиган маҳсулотлар эса фақат гофранланган ва қўйилган картондан тайёрланган янги яҳикларга жойланishi керак.

Баъзи ҳолларда, макарон маҳсулотлари яқин худудларга ёки 500 км дан ортиқ масофага юборилишга мўлжалланган бўлса, улар тўрт қаватли қоғоз қопларга жойланishi мумкин. Аммо бундай идишга узун маҳсулотларни жойлаш мумкин эмас ва идишдаги маҳсулот 20 кг дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Макарон маҳсулотлари массаси кам томонга оғиши жойлаш бирлигининг массасидан 0,5% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ҳар бир жойлаш воситасига маҳсулотни тавсифловчи: савдо белгиси ва тайёрловчи корхонасининг номи, макарон маҳсулотининг номи, уларнинг гуруҳи ва синфи, соф массаси, идишнинг массаси, сақланиш муддати, стандарт белгиси, «Намлиқдан сақланг» каби ёзувлар бўлган ёрлик ёпиштирилади.

Сув ва сув-тэмир йўл транспорти воситасида ташишга мўлжалланган макарон маҳсулотлари фақат тахта ва фанердан тайёрланган яҳикларга жойланган бўлиши керак.

Яҳиклар ва бошқа жойлаш материаллари мустаҳкам, тоза, қуруқ, зааркунандалар билан заарланмаган, бегона ҳидларсиз бўлиши керак.

4- савол баёни: ELQ-500 ярим автоматик узун макаронларни қутиларга қадоқлашга мўлжалланган. Калта қирқилган макарон маҳсулотларини полимер материаллардан тайёрланган халтачаларга қадоқловчи автомат корхонанинг буюртмасига асосан «Узконстernerмаш» ОКБРУ да (Тошкент шаҳри) тайёрланади.

«Бухоро нон» хиссадорлик жамиятининг макарон стехида шундай автомат ўрнатилган бўлиб, унинг ёрдамида маҳсулотни сифатли қадоқлаш амалга оширилмоқда.

5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.

7.Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272 с.

15-маъруза.Макарон маҳсулотларини саралаш, қадоқлаш ва сақлаш.

5- савол баёни: Макарон маҳсулотлари жойланган яхиклар, қутилар ва қоплар омборхоналарда стеллажларда ёки тагдонларда сақланиши керак. Бундай хоналар тоза, қуруқ, яхши шамоллатиладиган, омборхона заараркунандалари билан заарарланмаган, атмосфера ёғинларидан ҳимояланган, нисбий намлиги 70% дан, ҳарорати 30 °C дан ортиқ бўлмаслиги керак. Макарон маҳсулотларини ўзига хос ҳидга эга бўлган маҳсулотлар билан бирга сақламаслик керак, чунки макарон маҳсулоти бу ҳидларни тортиб олади.

Макарон маҳсулотлари учун паст ҳароратлар хавфли эмас. Шунинг учун уларни истилмайдиган хоналарда сақлаш мумкин.

Картондан тайёрланган қутиларга жойланган маҳсулотлар етти қатордан, қоғоз қопларга жойланган маҳсулотлар эса олти қатордан ортиқ баландлиқда тахланмаслиги керак.

Кўшимчаларсиз тайёрланган макарон маҳсулотларининг кафолатли сақланиш муддати ишлаб чиқарилган вақтидан бошлаб бир йил. Маҳсулотлар бузилишининг сабабларидан асосийси намликтининг ошиши сабабли моғорлаш ҳисобланади. Макарон маҳсулотлари гигроскопик, нам муҳитга тушганда улар намликни тортиб олиб, ёрилиши ва синикларга айланиши мумкин. Макарон маҳсулотлари дон, ун ва бошқа донли экинлар сингари турли заараркунандалар, ҳашаротлар ва кемирувчилар (сичқон, каламуш) билан зааррланиши мумкин. Ҳашаротлар хом ашё ва макарон маҳсулотларига сақлаш ва ташиш вақтида тушиши мумкин. Маҳсулотларни заараркунандалар билан зааррланишининг олдини олиш учун ташиш ва сақлаш қоидаларига риоя қилиш, зааррланишининг олдини олиш учун системали тарзда профилактик тадбирларни амалга ошириш лозим. Бунинг учун ун, тайёр маҳсулот ва идишларнинг заарарланганини яхшилаб текшириш, корхонанинг барча жиҳозлари ва хоналарини тоза сақлаш даркор.

Омборхоналарнинг томи, деворлари ва поли зич, тирқишиларсиз, шамоллатиш каналларига тўр тортилган бўлиши керак. Йўқ қилувчи тадбирларга корхоналарни дезинфекстия, дезинсектия ва дератизастиялаш киради. Булар микроблар, ҳашаротлар ва кемирувчиларни йўқотишга қаратилган чоралар ҳисобланади. Бу тадбирлар корхона маъмуриятининг иштирокида маҳсус муассасалар томонидан амалга оширилиши лозим.

Назорат саволлари.

1. Макарон маҳсулотларини саралашнинг вазифаси нимадан иборат?
2. Маҳсулотнинг яроқсизларини ажратиш қандай амалга оширилади?
3. Яроқсиз маҳсулотлар қандай қайта ишланади ва тақроран қандай фойдаланилади?
4. Маҳсулотни қадоқлаш ва жойлашнинг вазифаси нимадан иборат?
5. Маҳсулотни қадоқлаш ва жойлаш учун қандай материаллардан фойдаланилади?

Мавзуга оид мустақил иш топшириклари:

1. Макарон маҳсулотлари турлари.
2. Шакли,хиллари ва ўлчамлари.

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув кўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
- 2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув кўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
- 3.Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
- 4.Пащенко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.-М.:КолосС, 2006.-389с.
- 5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.
- 5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.
- 7.Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272 с.

16-маъруза.Унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Печенье, крекер ва галетли печенелар ишлаб чиқариш.

Режа:

16.1.Қандолат маҳсулотлари тўғрисида умумий маълумот.

16.2.Қандолат саноатининг ривожланиш тарихи тўғрисида қисқача маълумот.

16.3.Печенье, крекер ва галетли печенельар ишлаб чиқариш технологик схемалари.

16.4.Хамир тайёрлаш, хамирга шакл бериш. Пишириш печлари.

16.5.Маҳсулотларни совутиш, ўраш, қадоқлаш.

Таянч сўз ва иборалар Унли қандолат маҳсулотлар, қандли печене, чўзма печене, ширмой печене, галетлар, крекерлар.

1- савол баёни: Қандолат маҳсулотлари таркибида кўп миқдорда қанд сақлайдиган, юқори энергетик қийматга (кало-рияликга) эга бўлган ва яхши ҳазм бўладиган, бошқа маҳсулотлардан хуш-таъмлиги, хушбўйлиги, жозибадор ташқи кўриниши билан ажralиб турадиган озиқ-овқат маҳсулотларирид.

Қандолат маҳсулотлари мазали ширинлик сифатида кўп асрлар давомида нон билан биргаликда ўзбек дастурхонини оддий кунларда, айниқса байрам ва тўйлар кунларида жизибадорлигини таъминлаб келмоқда.

Бу маҳсулотларнинг юқорида айтиб ўтилган хусусиятларга эга бўлиши, уларни ишлаб чиқаришда кўп турли хил юқори сифатли озиқавий хом ашёларнинг қўлланилиши ва бу хом ашёларга турли хил механик, иссиқлик таъсирида ишлов бериши билан боғлиқ.

қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида шакардан ташқари крахмал патокаси, асал, турли хил мева-резаворлардан тайёрланган хом ашёлар (пулпа, пюре, припаслар, подваркалар ва бошқалар), ҳар хил унлар, крахмал, сут ва сут маҳсулотлари, тухум, ёғлар, какао маҳсулотлари, ёнғоклар мағзи, кофе, озиқавий кислоталар, хушбўйлантирувчи моддалар, желе, кўпик ҳосил қилувчи моддалар ва бошқалар ишлатилиди.

қандолат маҳсулотларининг кўпчилиги узоқ муддатга сақланади ва яхши ташилиш хоссасига эга.

Юқори энергетик қийматга эга бўлганлиги туфайли, бу маҳсулотлар кундалик истеъмолдан ташқари экспедитсияларда, саёҳатга чиққанда ва шунга ўхшаш пайтларда хам кенг истеъмол қилинади. 100 гәндолат маҳсулотининг энергетик қиймати 1200 дан (мармелад) 2300 гача кЖ ни ташкил қиласиди.

Қандолат маҳсулотларини таснифи. Қандолат маҳсулотлари икки гурухга бўли-нади: қандли ва унли. Бу гурухларнинг ҳар бирига бир неча турдаги маҳсулотлар киради.

Қандли маҳсулотларга-карамел, конфетлар, мармелад, пастила, шоколад, ирис, драже, ҳалво, қандли шарқ ширинликлари каби маҳсулотлар киради.

Унли қандолат маҳсулотларига эса - печене, галетлар, крекер (курук печене), вафли, прянклар, кекслар, рулетлар (ўрамалар), тортлар ва пирожнийлар таалуклидир. Бизнинг мамлакатимизда қандолат маҳсулотлари жуда кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда. Бир неча юзлаб номланишдаги қандолат маҳсулотлари учун ягоналаштирилган (унификацияланлган) ва тасдиқланган ретцептуралар мавжуд.

Умумий истеъмол қилиш учун фойдаланиладиган қандолат маҳсулотларидан ташқари маҳсус мақсадлар учун мўлжалланган қандолат маҳсулотлари хам ишлаб чиқарилади.

2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси:
Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.

3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.

16-маъруза. Унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Печенье, крекар ва галетли печенелар ишлаб чиқариш.

Кенг ассортиментли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бир-биридан кескин фарқ қилувчи технологик жараёнлар қўлланилади. Масалан, карамел ишлаб чиқариш технологияси печенийе ва пирожний ишлаб чиқариш технологиясига умуман ўхшамайди, ҳалво ва шоколад ишлаб чиқариш технологияларида бир-бирига ўхшашик умуман ёъқ. Бу вазият қандолат ишлаб чиқариш технологиясини ўрганишни мураккаблаштиради. Бунда механик аралаштириш, қиздириш ва совутиш, буғлатиш ва кристалланиш каби жараёнларнинг асосини яхши ўрганиш лозим.

2-савол баёни: Қандолат маҳсулотлари инсоният учун жуда азалдан маълум. қадим замонларда қандолат маҳсулотларини асал озиқ овқат маҳсулоти сифатида пайдо бўлганидан бошлаб тайёрланган. Бу пайтда қандолат маҳсулотлари деб асал ва мевадан тайёрланган турли хил маҳсулотларни тушунишган. Дастреб шакар қамишдан, сўнг қанд лавлагидан шакар олишнинг ихтиро этилиши ва 18 асрнинг охири, 19 асрнинг бошларида бу ихтирони саноатга жалб этиши, саноат йўли билан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун хом ашё базасини яратди.

1812 йилда жуда зарур ихтиро - крахмалдан патоканинг олиниш усулини яратиш ва шу асосда патока ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкил этилиши ҳам қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришини кенгайтиришига ва навларини оширишига олиб келди.

Бундан таҳминан 100-150 йил илгари қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш унча катта бўлмаган корхоналарда амалга оширилар эди. Бу корхоналарнинг эгалари ишлаб чиқарган маҳсулотларини ўзларига тегишли дўконларда, магазин ва қахвахоналарда сотишарди.

қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш санъатини усталар жуда сир сақлашарди. Бу сир фақатгина авлоддан авлотга ўтарди, холос.

Қандолат маҳсулотларини тайёрлаш усуллари (технологияси) Шарқ давлатларида, айниқса ўзимизнинг ҳудудимизда, азалдан маълум бўлган. Шубҳасиз, кўпгина ширинликларнинг ишлаб чиқариш сирларини Европаликлар Шарқ усталаридан ўрганиб, кейинчалик ўзларида тадбиқ этиб, ривожланишига замин яратганлар. Шарқ миллий ширинликларини тайёрлашда маҳаллий усталаримиз катта ютуқларга эришганлар. Ҳозирги вақтда ҳам кўпгина давлатларда шарқ ширинликлари юқори даражали хуштъым қандолат маҳсулотлари сифатида аҳолининг талабини қондирмоқда. Бу корхонада нафақат аҳолига сотиш учун, балки амир саройига ҳам кунига 30 пуддан ортиқ (1 пуд 16 кг), турли амалдорларга 20 пуддан ортиқ, барча маҳаллалар аҳолисига сотиш учун 20 пуддан ортиқ турли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган эди. Корхона дарвозахонасининг чап томонида дўкон жойлашган бўлиб, унинг савдо тахталарида харидорларга кўрсатиш учун чиройли патнисларда турли ширинликлар ва мурабболар намуналари қўйилган эди.

Корхонада турли хил қандолат маҳсулотларини пишириш учун 12 та 10-12 пудли қозонлар, нишалло ва 50 навга яқин мурабболар тайёрлаш учун яна 10 та кичикроқ қозонлар мавжуд бўлган. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни учун 4 та уста, 8 халфа ва 12 та хизматкорлар таъминлаганлар.

20- асрдан бошлаб қандолат маҳсулотларини саноатда ишлаб чиқиши тез суръатларда ривожланди. Бизнинг Республикасида 30 йилларда Тошкентда қандолатчилик фабрикаси, 60 йилларда Янгийўлда, 90 йилларда Кувада қандолатчилик фабрикалари қурилди.

2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси:
Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.

3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.

16-маъруза. Унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Печенье, крекар ва галетли печенелар ишлаб чиқариш.

Янги қурилган ва реконструксия қилинган қандолатчилик корхоналарида замонавий янги жиҳозлар ўрнатилди. Бу жиҳозларнинг ўрнатилиши ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларини механизатциялантириди ва шу участкаларда меҳнат шароитини яхшилашга ва қўл меҳнатини енгиллаштиришга олиб келди.

Авваллари сир сақлаб келинган қандолат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш технологияларини чукур ўрганиш учун 1932 йилда Москвада қандолат саноати илмий-текшириш институти барпо этилди. Ушбу институт, Москва озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси, Москва халқ хўжалиги институти кафедралари олимлари, профессорлар

Грюнер В.С., Соколовский А.Л., Рапопорт А.Л., Реутов В.А. Кафка Б.В., Маршалкин Г.А. ва бошқалар томонидан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси ва ишлаб чиқариш техник кимёвий назоратининг илмий асослари яратилишини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўтказилган барча тадбирлар, ҳамда янги техникани ўзлаштириш бўйича илғор ишчиларнинг тажрибасини алмаштириш ҳам меҳнат унумдорлигини оширишга ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга олиб келди.

3- савол баёни: Унли қандолат маҳсулотлари ун билан биргаликда анча миқдорда шакар, ёғ, тухум ва бошқа ширмой маўсулотлари қўшиб тайёрланадиган қандолат маҳсулотларининг катта гурухини ташкил қиласди.

Унли қандолат маҳсулотларига печенье, прянклар, галетлар, крекерлар, кекслар, рулетлар, вафли, тортлар ва пирожнийлар киради.

Унли қандолат маҳсулотларининг энг кўп тарқалгани печенье ҳисобланади. Печенье асосан олий ва биринчи Навли унлардан ишлаб чиқарилади. Печеньенинг асосан қандли, чўзма (оддий) ва ширмой турлари мавжуд.

Қандли печенье сезиларли даражада ғовакликка, мўртликка ва бўкувчанликка эга. Уни ишлаб чиқаришда осонликча узиладиган, пластик хамир қўлланганлиги туфайли юзига мураккаб расм туширилади.

Чўзма (оддий) печеньеага қат-катлик хос бўлиб, у пастроқ мўртликка ва бўкувчанликка эга, қандли печеньеага нисбатан унда кам миқдорда қанд ва ёғ мавжуд. У қайишқоқ-чўзилувчан хамирдан тайёрланади.

Ширмой печенельар тайёрлашда энг кўп миқдорда шакар, ёғ ва тухум маҳсулотлари ишлатилади. Улар хоссалари жиҳатидантурлича бўлган хамирдан ҳар хил шаклларда, майда ўлчамларда ишлаб чиқарилади.

Галетлар унли қандолат маҳсулотлари бўлиб, бугдой унидан ачитқи ва кимёвий етилтрувчилардан фойдаланиб, кўпинча шакарсиз ва ёғсиз, қайишқоқ хамирдан тайёрланади. Улар нон ўрнида истеъмол қилиш учун мўлжалланган. Оддий галетлар узок муддатда сақланувчи маҳулот, биринчи, иккинчи Навли ёки жайдари буғдой унидан ишлаб чиқарилади.

Крекер ёки қурук печенье, қат-қат ва мўрт тузилишга эга. У кўпинча ачитқи ва кимёвий етилтурувчилар ёки факат ачитқидан фойдаланиб тайёрланади. Тайёрлаш усилига ва рестептурасига қараб крекерларнинг ёғли, ёғли-зираворли ва ёғсиз хиллари бўлади.

Печенье ишлаб чиқариш технологияси.

Хар бир турдаги печенье, галет ва крекерларни ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бироқ барча маҳсулотлар учун қуйидагилар асосий умумий босқичлар ҳисобланади: хамир қориш, шакл бериш, пишириш, совутиш, ўраш ва жойлаш.

2. Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси:
Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.

3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.

16-маъруза. Унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Печенье, крекар ва галетли печенелар ишлаб чиқариш.

Қандли печенеъ ишлаб чиқариш учун рестептурадаги суюқ моддалар (ёғ, меланж, инверт қиёми ва шунга ўхлашлар) ифувчи идишлардан аралаштиргичга дозалаб қуилади. Бу ерга бункердан шакар ҳам дозалаб солинади. Тайёрланган хом ашёлар аралашмасига узлуксиз ишлайдиган эмулсаторда қайта ишлов берилади. Олинган эмульстия орлик бакга тушади ва насос дозатор ёрдамида хамир қориш машинасининг дастлабки қориш камерасига берилади. Ун ва крахмал егувчи идишлардан узатилади. Уларнинг аралашмаси ҳам узлуксиз дастлабки қориш камерасига дозалаб солинади. Рестептурадаги барча моддалар хамир қориш машинасига солинади. Тайёр хамир транспартер ёрдамида шакл бериш учун ротастион-шакл берувчи машинага узатилади. Бу ердан шакл олган хамир бўлакчалари узлуксиз равишда конвейрли печга юборилади, у ерда 15 минут пиширилади.

Пиширилганданкейин печенеълар дастлабсовутишкамерасидан, кейинциялоток бўйлабоқимларни тақсимловчива сошутиштранспортеридан ўтади. Кейин стеккер билан печенеълар расмларини бир томонга қилиб, ён томонга тикланиб терилади ва шу кўринишда транспортерлардан ўровчи машиналарга узатилади. Пачкаларга ўралган печенеълар транспортерлар орқали жойловчи автоматга берилади.

4- савол баёни: Турли хил печенеъ, галет ва крекерларни ишлаб чиқаришда хамир асосий дастлабки ярим тайёр маҳсулот ҳисобланади. Тайёр маҳсулот сифатига хамир қориш технологияси катта таъсир қиласи. Ун ва сув хамир ҳосил қилиш учун керак бўлган компонентлар ҳисобланади. Қандли печенеъ учун хамир кўпинча таркибига ун ва крахмалдан бошқа барча хом ашёлар киравчи, аввалдан тайёрлаб қўйилган эмульстияда қорилади. Қориш давомийлиги қисқароқ бўлиши керак ва қишики пайтда 20-25 минут, ёзги пайтда эса 10-15 минутни ташкил қиласи.

Чўзма печенеъ учун хамир қориш вақти 30-50 минутни ташкил қиласи. Хамир қориш давомийлиги уннинг хоссалари, хамирнинг ҳарорати ва турли қўшимчалар қўшишга боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Тайёр хамир қайишкоқ, ковушкоқ хоссаларга эга бўлиб, хамир ҳарорати 38-40 °С оралиғида бўлиши керак.

Галет ва крекер хамирларининг рестептурасида етилтурувчи сифатида ачитки бўлгани учун печенеъ хамиридан фарқ қиласи. Бунда ачитки кимёвий етилтурувчилар билан биргалиқда қўлланилади. Барча турдаги галет ва айрим турдаги крекерлар учун хамир икки босқичда қорилади. Биринчи босқичда опара тайёрлаш, иккинчи босқич хамир қориш. Опара деб ун ва сувга ачитки қўшиб, қорилган суюқ хамир тушинилади. Опара юқори намлика эга бўлиши керак (намлик галет учун 52-60 %, крекер учун 50-55 %).

Қандли печенеъ хамирига шакл бериш. Қандли печенеъ хамири юқори пластикликка эга бўлиб, машинанинг ишчи органлари босими остида шаклга тез эга бўлади, берилган шаклни яхши сақлайди. Шуннинг учун бу хамирга шакл бериш учун асосан ротастион машиналар қўлланилади. Шакл берилган қандли печенеъ хамирининг бўлакчалари пиширишга узатилади.

Чўзма печенеъ, галет ва крекерлар хамирига шакл бериш. Қандли печенеъ хамирига нисбатан чўзма печенеъ хамири қайишкоқ ва эластиқдир. Унга пластик хусусиятларини бериш учун хамир кўп марта ёйилади ва ҳар бир ёйилишдан кейин хамир тиндирилади. Чўзма (оддий) печенеъ, галет ва крекер ишлаб чиқаришда хамир узлукли ишлайдиган қориш машиналарида қорилади, ундан кейин хамирни валли машиналарда дастлабки ёйиш ўтказилади ва стол устида тиндирилади. Валли машиналарда қайтадан яна кўп марталаб ёйилади ва штампаловчи-киркувчи машинада унга шакл берилади.

2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси:
Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.

16-маъруза. Унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Печенье, крекар ва галетли печенелар ишлаб чиқариш.

Чўзма печене хамири бир неча марта ёйилади. Бу жараён пайтида қайишқоқ-эластик хоссаларга эга бўлган чўзма печене хамири икки валли машина орасида ишлов берилиши туфайли қисман пластик хоссага эга бўлади.

Чўзма хамирга шакл бериш учун кўпинча енгил штамплар билан жиҳозланган штамповчи-кесувчи агрегатлардан фойдаланилади. Бу машина хамирни ёйиш, хамир тасмаларидан маълум шаклдаги хамир бўлакчаларини қирқиши ва уларни тахталарга ёки печнинг метали тўрли транспортёрига териш учун тайинланган. Бундай машиналар крекер, галетлар хамирига шакл бериш учун ҳам қўлланилади.

Печенье, крекер ва галетларни пишириш. Унли қандолат маҳсулотларини пишириш технологик жараённинг мураккаб ва ҳал этувчи ҳисобланади. Пишириш пайтида хамирда тайёр маҳсулот сифатини белгиловчи физик-кимёвий ва коллоид ўзгаришлар содир бўлади. Маҳсулотларни пишириш печларда амалга оширилади, одатда уларда иссиқлик кўпинча қиздириувчи юзадан ва буғ-ҳаво аралашмасидан хамир бўлакчаларига узатилади. Хамир бўлакчалари билан печнинг қиздирувчи юзаси ва

пишириш камерасидаги буғ-ҳаво аралашмаси орсида борадиган иссиқлик алмасиниша жараёнида хамирни қаватма-қават қиздирилиши содир бўлади.

Тахминан бир минут ўтгандан кейин хамир бўлакчаларининг юза қаватида ҳарорат 100 °Сгача етади, айни шу пайтда хамирнинг ички қаватларида ҳарорат 70 °С дан ошмайди. Хамир қизиши билан унинг юза қатламларининг ҳарорати секинлик билан, оғишмай ўсади ва пишириш охирида 170-180 °Сга етади. Марказий қатламларининг ҳарорати ҳам ошади ва пишириш охирида 106-108 °С ни ташкил қиласи.

Печеньени пишириш нонни пиширишдан фарқли равишда, пишириш-қуритишнинг комбинастиялашган жараёни ҳисобланади. Даствлаб пишириш жараёни боради. Бу жараёнда хамирнинг ички қатламларидан юза қатламларига томон намликнинг силжиши содир бўлмаган ҳолда, хамирнинг қизиши натижасида унинг юза қатламларидан намликнинг буғланиши содир бўлади. Бунда марказий қатламларда намлик миқдори нафақат мутасил сақланади, ҳаттоқи ошади, чунки хамир-печеньедаги намликнинг атроф қатламларидан марказ қатламларига томон силжиши юзага келади. Кейин намликнинг ички қатламларидан юза қатламларга силжиши содир бўлиб, бу давр қуритишга хос давр ҳисобланади.

Печенье пиширишнинг қўйидаги қулай режимлари тавсия килинган:

Каллоид ва физик-кимёвий жараёнларни қулай шароитда ўтиши учун пишириш жараёни даствлаб пишириш камерасидаги муҳитда юқори нисбий намлик (60-70 %) ва нисбатан паст ҳароратда(160 °Сдан юқори бўлмаган) ўтказилиши лозим. Пишириш камерасидаги муҳитида ,юқори нисбий намлик билан юқори бўлмаган ҳароратнинг бўлиши пиширишнинг биринчи хамир бўлакчалари юзасида хосил бўлган эластик парда хамир бўлакчалари ичидаги газга уччалик қаршилик кўрсатмайди, бу эса аста-секин маҳсулотнинг кўтарилишига ва ўз навбатида, ғоваксимон тизилишнинг хосил бўлишига сабаб бўлади.

Чўзма печене пишириш режими қандли печенельарнидан шу билан фарқ қиласиди, пиширишнинг биринчи даврида пишириш камерасидаги буғ-ҳаво муҳитининг нисбий намлиги ошади, бу хамир юзасида буғнинг конденсатланиши сабабли, хамир бўлакчаларининг қизишини тезлаштиради. Галет ва крекерлар пишириш учун одатда

пишириш камераси муҳитини албатта намлаш билан ўзгарувчи ҳароратли режим қўлланилади. Даствлабки 4 минутда пишириш камерасидаги муҳитнинг ҳарорати аста-секин 230-270 °С гача кўтарилади, кейин секин-аста 205 °С гача пасайтирилади. Пишириш жараёнинг умумий давомийлиги оддий галетлар учун 7-10 минут, пархезбоп галет ва крекерлар учун 5-7 минут. Галетларнинг печенега нисбатан узоқроқ муддатда пиширилишининг сабаби шу билан тушунирилади, галет хамир бўлакчалариниг намлиги печененинига нисбатан юқори, пишириш камераси муҳитининг юқори ҳарорати паст.

16-маъруза. Унли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Печенье, крекар ва галетли печенелар ишлаб чиқариш.

Ҳароратни ошириш хисобига пиширишни тезлаштириш тавсия этилмайди, чунки маҳсулотлар юзасида қорамтири пулфакчалар ҳосил бўлиши мумкин.

5- савол баёни: Печенье, галет ва крекерларни совутиш, қадоқлаш, жойлаш ва сақлаш. Маҳсулотни совутиш давомийлиги совутувчи ҳаво ҳарорати ва тезлигига боғлиқ: совутувчи ҳаво тезлиги қанча юқори бўлса, печеньени совутиш жараёни шунча тез боради. Маҳсулотнинг совутилиши пишириш жараёнида ўзига олган иссиқлиги хисобидан, қуриш жараёни билан бирга боради. Ҳароратнинг пасайиши билан маҳсулотдаги намликнинг йўқотилиши содир бўлади.

Ҳавони мажбуран стиркуластия қилмасдан совутишда печеньедаги намликнинг йўқотилиши секинроқ боради, маҳсулотларда узокроқ муддатда юқори ҳароратнинг сақланиши туфайли қуриш миқдори ошади. Совутиш пайтида намликнинг йўқолиши 2-3 % ни ташкил қиласди.

Совутувчи ҳаво ҳароратининг ҳаддан ташқари паст бўлиши маҳсулот юзасининг ёрилишига олиб келади.

Ҳавони мажбуран стиркулястия қилувчи ёпиқ хилдаги транспортерда маҳсулотни совутиш мақсадга мувофиқдир. Дастваб маҳсулот 50-70 °C гача печ камерасидан чиқиб турувчи конвейрда совутилади. Сўнг маҳсулот 20-25 °C ҳароратга эга бўлган ҳаво билан иккинчи транспортерда 32-40 °C гача охирги маротаба совутилади.

Маҳсулотнинг анча қисми совутилгандан кейин турли сирлар, масаллиқлар, сукатлар, қиёмлар ва шунга ўхшашлар билан безатилади.

Печенье, крекер ва галетлар кўпинча 50-250 г миқдорда қадоқланади. Қадоқлаш турли конструкцияга эга бўлган машиналарда амалга оширлади. Маҳсулот икки қават қофозга ўралади. Ички ўрашда пергамент ёки пергаментсимон қофоз ишлатилади. Ташиб қаватдан ўрашда турли расмлар билан безатилган ёзув қофози ёки стеллофондан фойдаланилади.

Печеньелар бадиий безатилган кутичиларга 1000 г дан қадоқланиши мумкин. Пачкаларни қутиларга жойлаш маҳсус машиналарда амалга оширилиши мумкин. Печенье, крекер ва галетларни қутиларга жойламасдан ҳам жойлаш мумкин. Бунда қутининг барча ички томонларига қофоз тўшалади.

Назорат саволлари

1. Қандолатчилик хамирининг компанентлари сифатида нималар қўлланилади?
2. Турли маҳсулотларнинг хамир қориш технологик параметрларининг кийматларини келтиринг.
3. Узлуксиз ишлайдиган хамир қориш қандай амалга оширилади?

Мавзуга оид мустақил иш топшириқлари:

1. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёрдамчи материаллар
2. Какао дуккагини етиштириш, уни тузилиши, ўлчамлари, навлари, кимёвий таркиби

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.

17-маъруза.Пряниклар ишлаб чиқариш. Вафли ишлаб чиқариш.

Режа:

- 17.1.Пряниклар ишлаб чиқариш технологик схемалари.**
- 17.2.Хамир тайёрлаш, шакл бериш, пишириш, совутиш,глазурлаш, қадоқлаш.**
- 17.3. Тайёр маҳсулотни сақлаш.**
- 17.4.Вафли ишлаб чиқариш технологик схемаси.**
- 17.5.Вафли хамирини тайёрлаш.**
- 17.6.Тайёр маҳсулотларни қадоқлаш, жойлаш ва сақлаш.**
- 17.7.Маҳсулот сифатига қўйиладиган талаблар.**

Таянч сўз ва иборалар:

Пряниклар,оддий пряниклар,қайнатма пряниклар,шаклдор пряниклар,FPL русумли кўндириш машинаси, масаллиқли вафли,масаллиқсиз вафли,ёғли масаллиқли вафли, помада масаллиқли вафли,мевали масаллиқли вафли

1- савол баёни: Пряниклар – турли хил шаклдаги, кўпинча қавариқ юзали думалоқ шаклдаги, кўп миқдорда қандли моддалар, патока, асал ва турли қўшимчалар, шу жумладан ,хар хил зираворлар қўшиб тайёрланган унли қандолат маҳсулотидир. Пряниклар гурухига ковриклар ҳам киради. Улар мевали масаллиқ ёки мураббо билан қаватма-қават қилинган, пряник хамиридан тайёрланган ва тўғрибурчак шаклига эга бўлган маҳсулотдир. Ишлаб чиқариш усулига қараб пряниклар икки турга бўлинади: қайнатма ва оддий пряниклар. Булардан ташқари, уларнинг масаллиқли ва масаллиқсиз турлари ҳам бор. Пряниклар шакар қиёми, шокалад сири билан сирланади ёки уларнинг юзасига шакар, ёнгоқ мағзлари ва бошқалар сепилади.

Катта корхоналарда масаллиқли ва масаллиқсиз пряниклар механизатстиялаштирилган, узлуксиз ишлайдиган жихозлар қаторида ишлаб чиқарилади.

Оддий пряник тайёрлаш учун сарфловчи идишлардан дозатор орқали қориш машинасига бирин-кетин ундан бошқа пряник рестептурасидаги барча компонентлар (шакар қиёми, патока, ёғлар, етилтурувчилар, хушбўй моддалар ва шунга ўхшашлар) аралашмаси солинади. Даствор аралашмага эмулсаторда ишлов берилиши мумкин. Кейин шу қориш машинасига сифимлардан дозатор орқали навбатма-навбат ун солинади. қорилган хамир транспортер орқали шакл берувчи машинага узатилади. Шакл берилган хамир бўлакчалари печга юборилади. Пиширилган пряниклар транспортерда совутилади. Кейин эса узлуксиз ишлайдиган барабанда сирланади.. Сирланган пряниклар конвейерда қўшимчаларга терилади ва қуритиш учун маҳсус камерага жўнатилади. Тайёр пряниклар вагонетка билан жойлашга юборилади.

2- савол баёни: Пряниклар хамири қовушқоқ, бир текис консистенсияли массадир. Пряник хамири қоришида клейковинасининг сифати ўртача унлардан фойдаланади. Рестептурадаги хом ашё ўлчанади ва қориш машинасига қўйидаги тартибда солинади: шакар (шакар қиёми), сув, асал, патока, инверт қиёми, ёғ, меланж, эссенстия, қуруқ духи, кимёвий етилтирувчилар ва энг охирида ун. Қориш давомийлиги стехдаги ҳаво ҳароратига, сув ҳароратига, қориш машинасининг айланиш частотасига боғлик. Қориш машинасида массадаги барча хом ашёлар бир текис тақсимланиб, хамир бир хил таркибга эга бўлганидан кейин қориш тўхтатилади.

2. Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси:
Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.

3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.

17-маъруза.Пряниклар ишлаб чиқариш. Вафли ишлаб чиқариши.

Тайёрланиши қиздириш билан боғлиқ бўлган (шакар ва инверт қиёми) ярим тайёр маҳсулотлар қориш машинасига солишдан олдин 20 °C гача совутилади. Сув ҳам 20 °C дан юқори бўлмаган ҳароратга эга бўлиши керак. Тайёр ҳамирнинг ҳарорати 20-22 °C дан ошмаслиги, намлиги 23,5-25,5 % атрофида бўлиши керак. Ҳамир ҳароратининг юқори бўлиши ҳамирнинг чўзилишига олиб келади. Шаклдор пряникларнинг ҳамирини тайёрлашда шакар - асал қиёми тайёрланиб, 30-35 °Сгача совутилади ва барча хом-ашёлар билан биргалиқда 30-40 минут давомида қорилади.Ҳамирнинг охирги ҳарорати 27-28 °C, намлиги 18-20 % бўлиши керак.

Қайнатма пряникларнинг ҳамирини тайёрлаш. Бундай пряникнинг ҳамирини тайёрлаш уч босқичда амалга оширилади: қайнатмани тайёрлаш, уни совутиш ва қайнатмани рестептуранинг барча компонентлари билан қориш.

Қайнатмани тайёрлаш қўйидагича амалга оширилади. Дастлаб қиём тайёрланади. Бунинг учун қайнатиш қозонига рестептура компонентлари (шакар, патока, асал) солинади. Намлиги 19-20 % ли қайнатма хосил бўладиган миқдорда сув солинади ва барчаси 70-75 °C гача қиздирилади. Бунда шакарнинг барчаси эриган ҳолда бўлиши керак. Тайёр бўлган иссиқ қиём маҳсус мосламали қориш машинасига солиниб, 68 °C гача совитилади муттасил аралаштириб туриб, қайнатма тайёрлашга мўлжалланган ун солинади, 10-15 минутдан кейин қайнатма тайёр бўлади. У қумоқларга ва қоришмасдан қолган ун тўпламларига эга бўлмаслиги керак. Қайнатмани совутишни бевосита қориш машинасида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун қориш машинаси сув мосламасига эга бўлиши керак. Совутиш қайнатмани машинадан бўшатмасдан амалга оширилади. Сув мосламаси совуқ сувга уланади механизацияштирилмаган стехларда қайнатма қориш машинасидан маҳсус қутиларга қатлам қилиб бўшатилади. Ҳар бир қатламнинг орасига ушоқлар сепилади ёки ҳар бир қатлам ўсимлик ёғи билан суркалади ва 25-27 °Сгача совутилади.

Қайнатмани тўғри ва етарлича совутиш юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш имкониятини беради. Агар қайнатма етарлича совутилмаган бўлса, пряниклар зич, нотўғри шаклга эга бўлади. Қайнатмани совутиш вақтида қориш машинасига 28-30 °C ҳароратда қолган компонентлар солинади ва 10 минут қорилади. Қориш машинасидан алоҳида совутилган қайнатма қолган хом ашёлар билан узокроқ аралаштирилади (30-60 минут). Машинадан бўшатиш вақтида ҳамирнинг ҳарорати 29-30 °C, намлиги 20-22% бўлиши керак.

Пряник ҳамирига шакл бериш. Ҳамирга маълум кўринишдаги шакл беришдан ташқари айрим пряникларнинг юзаси расм ёки юзувлар билан безатилади.Пряникларнинг асосий қисмига FPL русумли машинада шакл берилади.

FPL русумли машинаси қўндириш механизми, торли кескич, қабул воронкаси ва узатмадан иборат. Шаклланган ҳамир бўлакчалари конвейрга ётқизилган металл тахталарга тахланади. Пряникларнинг айрим турларига турли қолиплардан (ёғоч ва металлдан тайёрланган) фойдаланиб, шакл берилади. Ёғоч қолипларда шакл берилган пряниклар босма пряниклар деб аталади. Бу пряниклар болаларга мўлжалланган бўлиб, турли ҳайвонлар, кушлар, балиқлар шаклига эга.

Бундай пряникларга шакл беришда ҳамир кўл ёрдамида ёки маҳсус ёғоч ғўлалардан фойдаланиб расм ёки ёзув солинган қолипларга солинади. Тайёр бўлган ҳамир зуваласи қолидан чиқарилади ва металл тахталарга тахланади. Бундай пряникларга шакл беришда икки қисмдан иборат бўлган қолидан фойдаланилади. Қолипларнинг расм ёки ёзув туширилган қисмida пряникларнинг юқори юзасига, расм ва ёзувсиз қисмida пряникларнинг пастки юзасига шакл берилади.

17-маъруза.Пряниклар ишлаб чиқариш. Вафли ишлаб чиқариш.

Пряникларни пишириш. Пряникларни пишириш учун узлуксиз ишловчи конвейрли печлардан фойдаланилади. Пишириш печнинг пўлат тасмасида ёки металл тахталарда амалга оширилади. Пряникларнинг айрим турларини пиширишдан олдин юзасига тухум суртилади ва расм солинади. Ковриклар юзаси сув билан намланади, шишишининг олдини олиш учун бир неча жойи тешилади. Оддий пряниклар 220-240 °C ҳароратда 7-12 минут пиширилади. Шаклдор пряниклар юқорироқ 250 °C ҳароратда узокроқ вақт пиширилади. Қайнатма пряниклар 210-220 °C ҳароратда 7-12 минут, ковриклар эса 180-220 °C ҳароратда 25-40 минут пиширилади. Пряникларни пишириш вақтида печенъеларни пишириш вақтидаги жараёнлар содир бўлади. Пишириш давомийлигининг юқорироқ бўлиши ва пишириш ҳароратининг печенье пиширишдагидан пастроқ бўлиши пряниклар пиширишда қўлланиладиган хамир зуваларининг қалинлиги билан тушинтирилади.

3- савол баёни: Пиширишдан кейин пряниклар 20-22 минут давомида 40-45 °C ҳароратгача совутилади. Пряникларни пўлат тўрларда ёки тасмаларда пиширилса, совутиш ҳам шу тасмалар ва тўрларнинг устида амалга оширилади. Бўшатиш маҳсулотлар тўрдан ёки тасмадан осон ажралгандагина амалга оширилади. Пиририш металл тахталарда амалга оширилади, тахталар маҳсулот билан биргаликда этажеркаларга ёки қўзғалмас стелажларга стелажларга терилади. Бундай йўл билан дастлабки совутишдан кейин маҳсулот осон ажралади ва охирги совутишга юборарилади. Пряникларни совутиш вақтида уларнинг намлиги пасаяди. Бу жараён ҳарорат пасайиши билан секинлашади.

Пряникларнинг қўпчилик турлари сир билан қопланади, яни уларнинг юзаси кристалланган шакар қатлами билан қопланади. Бунинг натижасида пряникларнинг сирти мармарсимон рангдаги кристалланган шакардан иборат қобиқ билан қопланади.

Сирлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Дражеловчи қозонга 20 кг гача совутилган пряниклар солинади ва устидан ҳарорати 85-95 °C бўлган шакар қиёми қуйилади. Дражеловчи қозонда ишлов бериш 1-2 минут давом этади. Кейин пряниклар қозондан туширилади ва 60 °C ҳароратда қуритилади. Қуритиш вақти 9-10 минут. Шундан кейин пряниклар ҳаво билан пуфлаб қўшимча тарзда совутилади. Механизациялаштирилган корхоналарда пряникларни сирлаш узлуксиз ишловчи агрегатларда амалга оширилади.

Шакар қатлами пряникларнинг янгилигини тамирлайди ва эскиришдан сақлайди, бундан ташқари уларнинг мазаси ҳам яхшиланади.

Пряниклар ва ковриклар айрим турларининг фақат юзаси безатилади. Бунинг учун хамир зуваларининг сиртига пиширишдан олдин тухум суртилади, шакар, майдалангандан ёнғоқ мағзи сепилади ёки майиз ва сукатлар билан безатилади.

Пряниклар гофраланган картондан, фанердан ва қатламли қоғоздан тайёрланган кутиларга жойланади. Бунда 1 кг да 25 донадан кўп бўлган пряниклар уюм ҳолида қадоқланади, қолган прянклар тахлаб жойланади.

Битта гофраланган картондан тайёрланган қутига 12 кг гача, ёғоч яшикка 20 кг гача маҳсулот жойланади. Пряникларнинг айрим турлари пачкалар ёки қутичаларга жойланади.

Пряниклар яхши шамоллатилган, қуруқ, тоза зааркунандалар билан заарланмаган хоналарда сақланади. Ҳарорати 18 °C дан, ҳавонинг нисбий намлиги эса 75 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

4- савол баёни: Вафли – қават-қават кўринишдаги масаллиқ суртилган ёки масаллиқсиз енгил, ғоваксимон варақлардир. У турли шаклларда: тўғри бурчак, доира, учбурчак ва шаклдор – ёнғоқ, чиганоқ, қаламча ва шунга ўхшаш кўринишда ишлаб

2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.

3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.

17-маъруза.Пряниклар ишлаб чиқариш. Вафли ишлаб чиқариш.

чиқарилади. Вафли тўлиқ ёки қисман шокалад сири билан қопланиши мумкин ёки ташқи томондан бошқача безатилиши мумкин. Шаклдор вафли масаллиқ билан тўлдирилган майда маҳсулотлар бўлиб, одатда у қутичаларга қадоқланади. Вафлининг нисбатан кўп бўлмаган микдори вафли вараклари кўринишида масаллиқсиз ишлаб чиқарилади. Бундай вафли пишириб, совутилгандан кейин қутичаларга жойланади. Шаклдор вафли фақат масаллиқли қилиб тайёрланади.

Замонавий корхоналарда вафли механизациялаштирилган узлуксиз ишлайдиган жихозлар қаторида ишлаб чиқарилади.

Бундай қаторларда узлуксиз хамир қориш, вафли варакларини пишириш, уларни совутиш, масаллиқни тайёрлаш, вафли варакларига масаллиқ суртиш, олинган қатламларни совутиш, уларни қирқиши, пачкаларга ўраш ёки қутичаларга қадоқлаш ва яшикларга жойлаш босқичлари бажарилади.

Бу қаторда вафли варакларини пишириш учун учта конвейерли печлар ўрнатилган.

Пиширилган вафли вараклари қия лотоклардан туширилади ва совутувчи транспортёр беланчаги билан ушлаб олинади. Варакларни совутувчи транспортер беланчакларидан олиш ва сурковчи машина конвейерига қўйиш тахлагич ёрдамида амалга оширилади.

Сурковчи машина вафли варакларига масаллиқ суртиш учун иккита механизмга эга. Шу тарзда машинада иккита масаллиқ ва учта вафли варакларидан иборат қатлам хосил бўлади.

Вараклар сурковчи машина транспортёрига бир-бирига яқин қилиб жойлаштирилади.

Тахлагичнинг ишлаши қуидагича амалга оширилади. Тахловчи вафли варагини сурковчи машина тасмасига тахлайди. Тасма варакни сурковчи бошча остига бериб, суркагич валлар билан воронкадан масаллиқни олиб текис қатлам ҳолида ҳаракатланаётган варакка суртади. Суртилган варак тахлагич олдида тўхтаганда, тахлагич варакнинг устига иккинчи вафли варагини қўяди. Транспортер яна ҳаракатланади ва варак суркагич остидан ўтиб, унга масаллиқ суртилади. Кейин тахлагич жуфт қатлам устига учинчи вафли варагини қўяди.

Тахлагичлар ишламаган пайтда бу жараёнлар қўл ёрдамида амалга оширилади, бунда сурковчи машина тасмаси узлуксиз ҳаракатланади.

Тайёр қатлам тасмали зичлагич орқали ўтиб. Совутувчи камера транспортерига қўчади. Мослама ёрдамида учта совутилган қатламлар устма –уст терилади. Мослама тахлаган қатламларни кесувчи автоматга итарида. Бу ерда катламлар тўғри бурчакли алоҳида вафлиларга қирқилади. Тайёр вафлилар ўровчи машина транспортери уячаларига жойланади.

5- савол баёни: Вафли хамирини тайёрлаш. Вафли вараклари учун қорилган хамир консистенсияси бошқа турдаги унли қандолат маҳсулотлари учун тайёрланган хамир консистенсиясидан анча фарқ қиласди. Бу хамир нисбатан паст қовушқоқликка эга суюклидир. Унинг намлиги 65 % гача бўлади. Бундай юқори намликка эга хамирни олиш учун рестептура бўйича солинган сувнинг микдори ундан ташқари, барча хом ашёларнинг биргаликдаги вазнидан 12-12 марта бўлади.

Хамирнинг суюқ консистенсияси вафли ишлаб чиқаришда асасий ярим тайёр маҳсулот ҳисобланадиган юпқа вафли варакларини олишга имкон яратади. У вафли қолипининг барча уячаларини осонликча ва тўлиқ тўлдириши керак. Қориш пайтида уннинг сув билан аралашида уннинг ҳар бир заррачаси атрофида сувли қобиқ хосил бўлиши керак. Бундай қобиқ бўйкан заррачаларни ёпишига қаршилик кўрсатади. Шунинг учун ун бирданига эмас, балки оз-озданбир неча марта солинади. Хамирни ундан ташқари барча

17-маъруза. Пряниклар ишлаб чиқариш. Вафли ишлаб чиқариш.

компанентлардан ташкил топкан эмульстияда қориш мақулроқдир. Бу компонентлар асосан тухум сарифи ёки меланж, ўсимлик ёғи, фосфатидлар, натрий гидрокарбонати ва туз эритмалариридир.

Замонавий корхоналарда вафли варақлари учун хамир маҳсус механизатсиялаштирилган станцияларда узлуксиз усулда тайёрланади.

Вафли хамирини қории. Вафли хамирини узлуксиз тайёрлаш учун дастлаб ундан ташқари рестептура асосида барча компонентлардан эмульстия тайёрланади, кейин бу эмульстияга ун қўшилиб, узлуксиз ишлайдиган тэбранма аралаштиргич ёрдамида аралаштирилади.

Юқори намлика эга бўлган вафли хамири учун эмульстия тайёрлашда сарфланадиган хом ашё миқдорига нисбатан 10-12 марта кўпроқ сув қўшиш керак. Шунинг учун дастлаб кам миқдорда сув сарфлаб қуюқ эмульстия тайёрланади, кейин унинг устига 8 карра сув қўшилади ва кувланади. Бундай ҳолда ҳар сменада 1-2 марта қуюқ эмульстия тайёрланади.

Кўпинча корхоналарда масаллиқ билан қаватма-қават қилинадиган вафли варақлари учун хамир қуйидагicha тайёрланади. Дастлаб кувлаш машинасига сув билан эмульстия кўринишига келтирилган озиқавий фосфатидлар, кейин эса тухум сарифи ва ичимлик содаси солинади. Хом ашё 30 минутгача аралаштирилади ва машинага ишлаб турган ҳолида ҳарорати 18 °C дан ошмаган сув, сут (сутли вафлилар учун), варақларни пишириш пайтида ҳосил бўлган чиқиндилар, туз ва энг охирида ун солинади. Парракчаларнинг айланиш частотаси 180 айл/минут бўлганда хамирни кувлаш давомийлиги камида 18 минут.

Масаллиқсиз ширмой вафлилар учун хамир қуйидагicha тайёрланади. Кувлаш машинасига кетма-кет ҳарорати 18 °C дан ошмаган сув, шакар, уннинг бир қисми ва ичимлик содаси солинади. Хом ашё аралашмаси 2-3 минут аралаштирилади, кейин тухум сарифи солинади ва яна 10-12 минут кувланади, шундан кейин кувлаш машинасига эритилган ҳолда ёғ, уннинг қолган қисми, ванилин солинади ва яна 5-8 минут кувланади.

Масаллиқ билан қаватма-қават қилинадиган вафли варақлари учун хамирнинг мувофиқ намлиги 58-65 %, масаллиқсиз ширмой вафли учун 42-44 % ни ташкил қиласди.

Вафли хамирининг ҳарорати 15-20 °C бўлиши керак. Ҳароратнинг юқорироқ бўлиши клейковинани кўпроқ бўкишига олиб келади, бу эса хамир қовушқоқлигини оширади ва вафли сифатининг ёмонлашувига олиб келади.

Вафли варақларини пишириш. Вафли варақларини пишириш жараёни вафли печлари конструкцияси билан боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларга эга. Вафли варақларини пишириш иккита массивли металл плиталар орасида контакт усулида амалга оширилади. Пишириш жараёнида жуда оз вақт мобайинида хамирдан кўп миқдорда намликни чиқариш керак.

Вафли варағини пишириш бир вақтнинг ўзида борадиган иккита жараёнлардан иборат: пишириш ва қуритиш. Бутун жараёнга намликни беришнинг катта тезлиги хосдир. Контакт қатламида масса алмашиб жараёни пиширишнинг бошланиш пайтида жуда тез боради, кейинчалик сувнинг буғланиш тезлиги пасаяди. Варақларнинг ғовакланиши асосан сувнинг буға айланиши натижасида содир бўлади ва бу жараёнда кимёвий етилтирувчиларнинг роли унча катта эмас. Масаллиқ билан қат-қат қилиш учун мўлжалланган вафли варақларини пишириш печнинг киздирувчи юзасида ҳарорати 170 °C бўлганда 2 минутга яқин давом этади. Масаллиқсиз ширмой вафлиларни пишириш давомийлиги 3-4 минут.

2. Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.

3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.

17-маъруза.Пряниклар ишлаб чиқариш. Вафли ишлаб чиқариш.

Вафли варакларини пишириш учун ярим автоматлаштирилган газли печлар қўлланилади, уларда занжирли конвейерга бириткирилган 18-24 та қолиб мавжуд. Қолип плиталари силлиқ, шаклдор ёки расм туширилган бўлиши мумкин, шу туфайли варакалари тегишли шаклни эгаллайди, юзасида эса турли нақшлар мавжуд.

Вафли вараклари турлича совутилади: ҳар бир варак алоҳида совутилади ёки пиширилган вараклар устма-уст қўйиб совутилади. Биринчи усулда ҳаво варакнинг ҳамма жойига бир хил етиб боради ва барча зонасида намликни тортиб олиш бир хил амалга ошади. Бу ҳолда варакларни $30\text{-}35^{\circ}\text{C}$ ҳароратгача совутиш давомийлиги 1,5-2 минутни ташкил қиласиди.

Вафли вараклари усма-уст терилиб совутилса варакнинг бутун сирти бўйлаб ҳаво билан намликнинг алмашиниш жараёни бир хилда бормайди ва оқибатда у деформатстийланади. Варакнинг четки ва ўрта қисмларидаги намлик турлича ўзгаради. Агар намлик юқори ҳароратда ($50\text{-}52^{\circ}\text{C}$) ва хона ҳавосининг нисбий намлиги паст бўлганда (30 %) ўтказилса, у ҳолда вафли варакларининг деформатстияланиш жараёнини анча даражада камайтириш мумкин.

Масаллиқларни тайёрлаш. Вафлиларни қавтма-қавт учун масаллиқларнинг қўйидаги хиллари қўлланилади: ёғли, мевали, помадали, пралинели ва бошқалар. Вафлиларнинг кўп миқдори ёғли масаллиқлар билан ишлаб чиқарилади.

Ёғли масаллиқлар. Шакар қукуни ва қандолатчилик ёғи ёки гидроёғлар ёғли масаллиқлар рестептурасининг асосий компаненти хисобланади. Ёғли масаллиқлар сифатининг асоси ёғнинг қориш пайтида ҳаво билан тўйиниши (крем хосил қилиш қобилияти) хисобланади. Яхши қорилган ва ҳаво билан тўйинган масаллиқ осон эрийдиган ёғсимон юмшоқ консистенсияга эга бўлади.

Масаллиқни узлуксиз равишда тайёрлашда ёғ фақатгина эритилган ҳолда қўлланилади, чунки уни насослар ёрдамида ташиш ва дозалаш мумкин. Бироқ эритилган ёғнинг крем хосил қилиш қобилияти жуда паст, шунинг учун ундан яхши сифатли масаллиқ олиб бўлмайди. Шу сабабдан эритилган ёғ аралаштиришга туширилишидан олдин қотиш ҳароратигача совутилади ва маҳсус совутиш аппаратида унинг кристалланиши таминланади.

Ёғли масаллиқ рестептурасига асосий компанентлардан ташқари лимон кислотаси, фосфатид концентрати, айрим ҳолда қуруқ сут, какао қукуни, эссенстиялар, ванилин, бошқа таъм берувчи ва хушбўй қўшимчалар киради. Бундан ташқари рестептурага мос оша навдаги масаллиқли вафлиларнинг қайтган чиқиндилари (қийқимлари) солинади.

Катта корхоналарда ёғли масаллиқлар узлуксиз ишлайдиган маҳсус механизатстиялаштирилган жихозлар қаторида тебранма аралаштигични қўллаб тайёрланади. Масаллиқ узлукли усулда тайёрланганда қорувчи ёки ҳароратлантирувчи машинага хом ашё қўйидаги кетма-кетликда солинади: майдаланган чиқиндилар, ёғнинг 85 % миқдори, шакар қукунининг 50 % миқдори солиниб, 2-3 минут аралаштирилади. Шакар қукунинг қолган қисми қориш пайтида аста-секинлик билан солинади. Лимон кислотаси, эссенстия ва бошқалар эмулстия кўринишида қўшилади. Жараённинг умумий давомийлиги 15-18 минут.

Помадали масаллиқлар вафли варакларига тегиб туриб, уларни қисқа вакт давомида намлигини оширади, натижада вараклар кумир-кумир хоссасини ёқотади. Бу помадали массанинг нисбатан юқори намликка эгалиги билан боғлиқ.. Намликни масаллиқдан вафли варакларига ўтиш тезлигини камайтириш мақсадида помадали массага сорбит, фосфатит концентратларини ва анча миқдорда ёғ солинади. Бунда сорбит намликни боғловчи восита сифатида қўлланилади. Сорбит дастлаб қиздирилади, эритилади ва кўп бўлмаган миқтордаги помадали масса билан аралаштирилади. Фосфатид концентратлари ёғнинг оз қисми билан, кейин ёғнинг ретстептурада кўрсатилган қолган қисми билан аралаштирилади. Барча

17-маъруза.Пряниклар ишлаб чиқариш. Вафли ишлаб чиқариш.

компонентлар қориш машинасида қорилади ва охирида фосфатид концентрати билан аралаштирилган ёғ солинади.

Мевали масаллиқлар мева-резавор яrim тайёр маҳсулотларини шакар ва патока билан намлиги 18 % қолгунча қайнатиш йўли билан тайёрланади. Бироқ вафли варакларини бундай масаллиқ билан кумир-кумир хоссаларини тез яқотади. Масаллиқ намлигини 16 % гача тушириш вафли вараклари хоссаларининг сақланишини узайтиради.

Вафли варакларига масаллиқ суркаш. Вафли вараклари ва масаллиқларнинг қатламлари турлича қилиб ишлаб чиқарилади: чунончи, уч қаватли вафли-иккита вафли вараги ва улар орасидаги бир қатlam масаллиқдан; беш қаватли вафли-учта вафли вараклари ва улар орасидаги икки қатlam масаллиқдан; етти қаватли вафли-тўртта вафли вараклари ва улар орасидаги уч қатlam масаллиқдан; тўқиз қаватли вафли-бешта вафли вараклари орасидаги тўрт қатlam масаллиқдан иборат. Уч қаватли вафлилар кўпинча помадали ва мевали хилдаги намликка эга бўлган масаллиқлар билан ишлаб чиқарилади. Беш ва ундан ортиқ қаватли вафлилар ёғли ва пралинели масаллиқлар билан ишлаб чиқарилади. Асосан беш қаватли вафлилар кўпроқ ишлаб чиқарилади.

Вафли варакларига масаллиқ қатламини суркаш учун вафли сурковчи механизмга ёки кўзгалувчан сурковчи кареткаларга эга бўлган машиналар қўлланилади. Қандолат фаврикаларида вафли сурковчи механизмга эга бўлган машиналар кенроқ тарқалган. Бу машиналар учта вафли вараги билан иккита қатlam масаллиқдан иборат беш қаватли вафли қатламларини тайёрлаш учун мўлжалланган. Шундан кейин тайёрланган вафли қатлами тасмали зичлагич остига келтирилади ва у ердан совутишга узатилади. Зичлагич юқориги вафли варакларини қисиб, бутун вафли қатламини зичлайди.

Вафли қатламларини тиндириш. Кўпгина корхоналарда масаллиқли қатламлар ишлаб чиқариш ханаларида 5-6 соат тиндирилади. Бир-бирига устма –уст қўйилган вафлиларнинг баландлиги 1 м дан ошмаслиги керак. Тиндириш жараёнида масаллиқдаги ёғнинг паст ҳароратда эрийдиган фракстиялари прессланади ва вафли вараклари томонидан сўрилади. Бунинг оқибатида масаллиқнинг қовушқоқлиги ошади, вараклар бир-бирлари билан мустахкам жисплашади ва қирқиши осонлашади.

Замонавий корхоналарда вафли қатламларини тиндириш совутиш билан бирга олиб борилади. Бунда якка вафли қатламлари узлуксиз ишлайдиган совутиш шкафларида совутилади. Бу ҳолда вафли қатламлари босилмайди (қисилмайди) ва ёғнинг суюқ фракстиясини ажратиб чиқармайди, бу эса вафлиларнинг сифатини яхшилайди.

Вафлиларни совутиш 4 °C га яқин ҳароратда ва ҳаво тезлиги 6 м/с бўлганда 4-5 минут мобайинида олиб борилади.

Помадали ва мева масаллиқли вафлиларни совутиш учун узоқ вақт керак бўлади. Совутишни жуда ҳам тез амалга ошириш вафли варакларини масаллиқ қатламларидан ажрашига олиб келади, бу эса вафли қатламини бир хилда қирқишини анча қийинлаштиради ва чиқиндилар миқдорини оширади.

Вафли қатламларини қирқиши. Совутилгандан кейин вафли қатламлари қалинлиги 30 мм га яқин учтадан устма-уст қўйилади. Қатlam ўзаро перпендикуляр йўналишида тўғрибурчак шаклга эга бўлган алоҳида маҳсулотлар кўринишида икки марта қирқилади. Вафли қатламларини қирқиши пайтида увоклар ҳосил бўлади. Улар майдалангандан кейин ўзига мос масаллиқ тури масаллиқ массасига нисбатан 12 % дан ошмаган миқдорда кўшилади. Вафлининг айрим навлари шокалад билан тўла ёки қисман сирланади.

2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.

3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.

17-маъруза.Пряниклар ишлаб чиқариш. Вафли ишлаб чиқариш.

6- савол баёни: Вафлилар пачкаларга массаси 250 г гача ва қутиларга 1000 г гача килиб қадоқланади. Бунда вафлилар ёнтомонлари билан қаторларга терилади. Шаклдор вафлилар қутичаларга жойланади. Пачкаларга қадоқлашдан олдин вафлилар бадий этикеткадан ташқари пергаментдан, стеллофандан, фолгадан (зар қозоз)ёки бошқа шунга ўхшаш материалдан тайёрланган материалларга ўралади. Мевали ва помадали масаллиқли вафлиларни қадоқлаш учун ёзув қофозини қўллаш яхши, чунки нам ўтказадиган ёзув қофози вафли варакларидан ортиқча намликтинг ёқолишига ва уларнинг кумир-кумир хоссаларини сақланишига имкон беради.

7- савол баёни: Тайёр вафли сифатига қўйидаги талаблар қўйилади. Масаллиқли тўғри бурчак шаклдаги алоҳида вафлиларнинг ўлчамлари узунаси бўйича 140 мм, эни бўйича 70 мм дан, қаламчалар узунлиги 300 мм, доирасимон вафлиларнинг диаметри 70 мм дан ошмаслиги керак. Масаллиқсиз вафли қалинлиги 10 мм дан ошмаслиги керак. Таъми ва ҳиди тегишли номдаги вафлиларга хос, бегона таъм ва ҳиддан холи бўлиши лозим. Ташки кўриниши-юзасига аниқ расм туширилган вафлилар бир хил ўлчамга ва тўғри шаклга эга бўлиши, четларидан масаллиқ оқмаслиги, вафли варағи масаллиққа зич ёпишиши керак. Масаллик сифати- бир хил консистенстияли, ёғли ва пралинели масаллиқлар-ёғсимон, осонликча эрийдиган бўлиши керак. Умумий қанд, ёғли ва нам миқдори ҳар бир номланиш учунйўл қўйиладиган чекланишларни инобатга олиб, ркстептура бўйича ҳисбодагига мос келиши керак.

Вафли яхши шамоллатиладиган, бегона ҳидга эга бўлмаган, 18 °C дан ошмаган ҳароратда ва ҳавонинг нисбий намлиги 65-70 % бўлган тоза қуруқ омборхоналарда сақланади. Вафлили яшиклар стелажларда баландлиги 2 м дан ошмаган ҳолда текис кўринишда терилади. Бундай шароитларда ёғли ва пралине масаллиқли вафлиларнинг сақланиш муддати 2 ой, мева масаллиқли вафлиларники 1 ой, помадали масаллиқли вафлиники 25 кун, масаллиқсиз вафлиники 3 ой бўлади.

Назорат саволлар

1. Пряникларни узлуксиз ишлайдиган жиҳозлар қаторида ишлаб чиқариш қандай амалга оширилади?
2. Оддий пряниклар хамири қандай тайёрланади?
3. Қайнатма пряниклар хамири қандай тайёрланади?
4. FPL русумли қўндириш машинасида пряниклар хамирига шакл бериш қандай амалга оширилади?
5. Шаклдор пряникларнинг хамирига шакл бериш қандай амалга оширилади?
6. Пряникларни пишириш қандай режимда амалга оширилади?
7. Пряникларни сирлаш қандай амалга оширилади?
8. Пряникларни жойлаш ва сақлаш қандай амалга оширилади?
- 10..Қандай маҳсулот вафли деб номланади?
- 11..Вафлининг қандай хиллари ва шакллари ишлаб чиқарилади?
- 12.Узлуксиз ишлайдиган жиҳозлар қаторида кўп қатламли вафли ишлаб чиқариш қандай амалга оширилади?
- 13.Вафли вараклари хамирининг тайёрланиши қандай амалга оширилади?
- 14.Вафли варакларини пишириш ва совутиш қандай амалга оширилади?
- 15.Вафли тайёрлашда қандай масаллиқлар қўлланилади?

18-маъруза. Торт ва пирожнийлар ишлаб чиқариш

Режа:

- 18.1. Торт ва пирожнийларни умумий тавсифи ва ишлаб чиқариш технологияси.**
- 18.2. Асосий ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш.**
- 18.3. Безовчи ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш.**
- 18.4. Пиширилган ярим тайёр маҳсулотларни безаш.**

Таянч тушунча ва иборалар:

Торт, пирожний, асосий ярим тайёр маҳсулот, безовчи ярим тайёр маҳсулот, бисквитли ярим тайёр маҳсулот, бодомли-ёнғоқли ярим тайёр маҳсулот,. оқсилли-кувланган ярим тайёр маҳсулот,. қаймоқли кремлар, оқсилли-кувланган кремлар, торт ва пирожнийларни безаш.

1- савол баёни: Торт ва пирожнийларнинг умумий тавсифи ва ишлаб чиқариш технологияси. Торт ва пирожнийлар – турли шаклдаги, ўлчамлардаги ва ҳар хил таъм ва хушбўйликка, жозибадор ташқи кўринишга эга бўлган юқори калорияли унли ўандолат маҳсулотидир. Тортлар пирожнийга нисбатан ўлчами жиҳатидан катта ва юзаси мураккаб бадиий безатилган бўлади. Пирожний эса кичик ўлчами ва турли хил шаклдаги маҳсулотдир. Торт ва пирожнийларни асосий қисми таркибида кўп микдорда нам ва ёф бўлганлиги сабабли кам муддатда сақланади.

Торт ва пирожнийлар одатда турли шаклдаги ҳар хил ишлов бериладиган пиширилган ярим тайёр маҳсулотдан иборат. Асосий пиширилган ярим тайёр маҳсулотларнинг қуидаги турлари қўлланилади: бисквитли, қумоқли, бодомли-ёнғоқли, вафлили, оқсилли-кувланган, қайнатма, увоқли. Безаш учун қандолат ишлаб чиқаришдаги турли ярим тайёр маҳсулотлар қўлланилади. Асосий безовчи ярим тайёр маҳсулотлардан бири бўлиб, турли кремлар (ёғли, қайнатма, қаймоқли, оқсилли ва бошқалар) ҳисобланади.

Кремлар ишлаб чиқаришда асосий жараён сариёf, тухум ва бошқа маҳсулотларнинг шакар билан қувланиши ҳисобланади. Бунда сариёf ҳаво билан тўйинади, енгил ва пластик ҳолатга эга бўлади. Безаш учун кремлардан ташқари, турли хил повидлалар ва қиёmlар, карамел массасидан тайёрланган маҳсулотлар (япроқчалар, гуллар ва ҳоказо), мева-резавор ярим тайёр маҳсулотлари, шоколад сири, ҳажмли ва текис шаклдор шоколад ва бошқалар қўлланилади.

Торт ва пирожнийлар юқори тўйинлик ва организмда енгил ҳазм бўлиш қобилиятига эга. Бунинг сабаби – уларни ишлаб чиқариш учун фақатгина юқори калорияли хом ашёлар (сариёf, тухум, ёнғоқ мағзлари, какао маҳсулотлари, ун, шакар, сут маҳсулотлари ва шунга ўхшашлар) қўлланилади.

Торт ва пирожний ишлаб чиқаришда маҳсус санитария қоидаларига риоя қилиш керак, айниқса уларни сақлаш ва ташиш бўйича алоҳида санитария талаблари тасдиқланган.

Ҳар хил турдаги торт ва пирожнийлар ишлаб чиқариш технологияси қуидаги асосий умумий босқичлардан иборат: асосий пиширилган ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш, безовчи ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш ва безаш. Ҳар қайси босқич қўпгина алоҳида ишлаб чиқариш босқичларидан иборат.

_____ 2. Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси:
Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.

3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.

18-маъруза. Торт ва пирожнийлар ишлаб чиқариш

Катта корхоналарда айрим турдаги торт ва пирожнийлар механизалаштирилган жиҳозлар қаторида ишлаб чиқарилади. «Эклер» хилидаги пирожнийлар ишлаб чиқариш линиясида маҳсулотлар қуидагича тайёрланади: аралаштирувчи қайнатиш қозонида хамир учун қайнатма тайёрланади. Қозонга рестептура бўйича сариёғ, туз ва сув ўлчаб солинади. Сариёғ ва туз эритмасидан тайёрланган иссиқ эмульстия устига ўлчанган ун солиб, аралаштириш давом эттирилади. Олинган қовушқоқ масса хамир қориш машинасига узатиш пайтида қия транспортерда 50 °С гача совутилади. Хамир қориш машинасида бу масса меланж билан 1:1 нисбатда аралаштирилади. Олинган қайнатма аравачага юкланиб, конвейер билан хамир қўндирувчи машинага хамир бўлакларига шакл бериш учун узатилади. Шакл олган хамир бўлаклари узлуксиз ишлайдиган печнинг металл тасмасига берилади.

Хамир бўлакларининг ёпишишини олдини олиш учун печнинг металл тасмаси маҳсус механизм билан ёғланади. Печдан пишиб чиқсан маҳсулот печ тасмасининг очиқ участкасида 20-25 минут давомида совутилади ва туширувчи механизм ёрдамида конвейер уячаларига тақсимланади. Шу конвейер билан асосий ярим тайёр маҳсулот безатишга узатилади. Тўлдирувчи ёрдамида ярим тайёр маҳсулотнинг ички бўшлиғига крем солинади, механизм билан эса унинг юзаси сирланади. Тайёр пирожний конвейердан олиб вагонетка лотокларига терилади.

2- савол баёни: Асосий ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш. Бисквитли асосий ярим тайёр маҳсулот – бу ярим тайёр маҳсулотга кўпчиган, енгил, майда ғовакли, эластик структура хосдир. Юзаси юпқа қобиқ билан қопланган. Мағзи босилгандан осонликча қисилади, бармоқни олганда дастлабки шаклини эгаллайди. Бисквитли ярим тайёр маҳсулот тухум ёки меланжни шакар билан тез кувлаб, кувланган массани ун ва крахмал билан аралаштириб, ҳосил бўлган хамирни пишириб тайёрланади. Хамир кувловчи машиналарда тайёрланади. Меланж ёки тухум шакар билан 25-45 минут кувланади. Кувлаш охирида эссенстия солинади. Кувлаш давомийлигини қисқартириш учун меланж билан шакар аралашмасини дастлаб 40 °С гача қиздириш мумкин. кувлаш натижасида массага кўп миқдорда ҳавонинг кириши туфайли унинг ҳажми 2,5-3,3 марта ошади, хамир юмшоқ ва кўпчиган консистенстияга эга бўлади. Айрим навдаги бисквитли ярим тайёр маҳсулот рестептурасига сариёғни солиш кўзда тутилган. Бундай ҳолда сариёғ дастлаб 30 °С ҳароратгача қиздирилади, тухум ва шакарни кувлаб олинган масса билан 1 минут аралаштирилади ва шундан кейин ун солинади.

Бисквитли ярим тайёр маҳсулот учун хамир сифатининг асосий кўрсаткичлари бўлиб унинг кўпчитилганлиги ва ҳаво билан бир текис тўйинганлиги ҳисобланади. Хамирнинг нисбий зичлиги 0,45-0,5, намлиги 36-38% бўлиши керак. тайёрланган хамир дарҳол аввалдан ёғланган ёки ичига қоғоз тўшалган юмалоқ, овал, тўртбурчак қолипларга қўйилиши керак. Қуйилган ёки листларга қўндирилган бисквит хамири 200 °С га яқин ҳароратда пиширилади. Пишириш давомийлиги хамир бўлагининг қалинлиги ва печнинг ҳароратига боғлиқ (15-30 минут). Қолипларда пиширилган ярим тайёр маҳсулот совутилгандан кейин (20-30 минут) қолиплардан бўшатилади ва стехда тиндирилади. Тиндириш давомийлиги камида 8 соат.

Тиндирилганда маҳсулот бироз қотади ва суюқ хушбўй қиём билан ивitiш пайтида шаклини яхши сақлайди. Қолипларда пиширилган бисквит ярим тайёр маҳсулотларнинг намлиги 22-27%.

2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.

3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.

18-маъруза. Торт ва пирожнийлар ишлаб чиқариш

Кумоқли асосий ярим тайёр маҳсулот. Ярим тайёр маҳсулот учун яхши сочуловчанлик хусусияти хосдир. Ярим тайёр маҳсулот рестептурасида кўпроқ микдорда шакар, ёғ ва тухум (меланж) солиниши кўзда тутилганлиги сабабли, у шундай сифатга эга бўлади. бундай рестептура ва қисқа муддатли қориш пластик хамирни олишга сабаб бўлади. Клейковина микдори унча кўп бўлмаган (28-34%), сифати жиҳатидан кучсиз ун қўлланилганлиги маъқул.

Қориш учун турли машиналар, кўпинча иккита Z-симон куракли универсал машиналар қўлланилади. Қориш пайтида машина ичига рестептурада кўрсатилган ундан ташқари барча хом ашёлар солинади, бир текис масса ҳосил бўлгунча 20-30 минут қорилади ва уни солиниб 1-2 минутгача қорилади. Хамир намлиги 18-20%, хамир ҳарорати кўпи билан 25 °C.

Кумоқли ярим тайёр маҳсулот учун хамир қорилгандан кейин дарҳол 3-4 мм қалинликда қатлам кўринишида ёйилади ва тортлар ёки пирожнийлар ўлчами бўйича кесилади.

Пишириш 200-225 °C ҳароратда амалга оширилади. Пишириш давомийлиги қатлам қалинлигига ва шакл берилган хамир турига боғлиқ. У 8-15 минут оралиғида пиширилади. Сифатни ошириш мақсадида пишириш камерасини намлаш тавсия этилади. Тайёр, ярим тайёр маҳсулотнинг намлиги 4-7%.

Пиширилган қумоқли ярим тайёр маҳсулотга ҳали совумасдан туриб ишлов берилади, акс ҳолда ярим тайёр маҳсулот қотади ва синувчан бўлади. Кумоқли ярим тайёр маҳсулотнинг ранги оч жигарранг бўлиши керак.

Кўп қаватли асосий ярим тайёр маҳсулот. Бу ярим тайёр маҳсулот бир-биридан осонликча ажраладиган, ораларида ёғ қатлами мавжуд бўлган юпқа қатламлардан иборат.

Ташқи қатламлари - қаттиқ, ички қатламлари – юмшоқ. Қатламли ярим тайёр маҳсулотнинг фарқли томони шундаки, унинг рестептурасида шакар, ёғ ва жуда кўп микдорда сариёф мавжуд (1 т ярим тайёр маҳсулотга 500 кг га яқин шакар), хамирни қориш учун клейковина микдори юқори (38-40%) бўлган кучли ун қўлланилади. Бундай ун қайишқоқ-эластик хоссаларга эга хамирни олишни таъминлайди. Қатламли хамир тайёрлаш жараёни уч жараёндан иборат: хамирни қориш; сариёғни тайёрлаш; хамирни ёғ билан ёйиш.

Хамирни қориш пайтида хом ашёларни қўйидаги тартибда солиш тавсия этилади. Қориш машинасига сув, меланж, туз, кислота эритмаси ва ун солинади. Қоришнинг давомийлиги 15-20 минут, хамирнинг намлиги 41-44%. Қориш жараёнида сув етарли микдорда бўлиши туфайли, клейковинанинг оқсили бўлади, бу эса хамирнинг эластиклик ва қайишқоқлик хусусиятини таъминлайди. Тайёр хамир бўлакларга бўлинади.

Сариёғни тайёрлаш деганда сариёғнинг кичик бўлакларини ёки унинг қипиқларини уннинг кўп бўлмаган микдори билан (10:1 нисбатда) аралаштириш тушинилади. Бунда ун сариёғдаги сувни сингдириб олади, бу эса қатламларни кўп марта ёйиш пайтида уларни ёпишишини олдини олади. Олинган бир хил консистенсияни масса бўлакларга бўлинади ва ҳарорати 5-10 °C бўлган совутиш камерасига 30-40 минутга қўйилади.

Ёғли хамир қўлда ёки маҳсус валли машиналарда ёйилади. Хамир бўлаги 20-25 мм гача қалинликда ёйилади ва унинг ичига сариёғ бўлаги қўйиб қатланади. Ичига сариёғ бўлаги қўйиб қатланган хамир бир неча марта ёйилади ва қатланади. Ёғнинг оқиб тушишини олдини олиш ва хамирни ёғ билан қаватлар ҳосил қилишини таъминлаш мақсадида ёйилган хамир совутилади. Бунинг натижасида қалинлиги 4-5 мм бўлган қатлам олинади, бу қатлам хамир ва сариёғнинг кўпгина қаватларидан иборат.

2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси:
Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.

3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:Колос, 2002.-428с.

18-маъруза. Торт ва пирожнийлар ишлаб чиқариш

Олинган кўп қаватли қатlam қирқилади, агар керак бўлса бўлакларга ҳар хил шакл берилади. Хамир бўлаклари тунукадан тайёрланган қолипчаларга ўралади ва улар билан биргалиқда пиширилади. Пиширишдан олдин хамирга тухум ёки унинг сариги суртилади ва санчилади. Санчиш пишириш пайтида шишишлар ҳосил бўлишининг олдини олади. Пишириш $215-250\ ^\circ\text{C}$ ҳароратда 25-30 минут давом этади. Пиширишдан сўнг ярим тайёр маҳсулотлар 1 соатга яқин вақт давомида $25-27\ ^\circ\text{C}$ гача совутилади. Тайёр ярим тайёр маҳсулотнинг намлиги 4,5-10,5%.

Бодомли-ёнғоқли асосий ярим тайёр маҳсулот. Бу ярим тайёр маҳсулотга юзасида қадир-будир ёриқлар бўлиши хосдир. У жигаррангга эга. Рестептурада кўп микдорда (1 т га 300-450 кг) бодом ёки бошқа ёнғоқлар сарфланиши кўзда тутилган. Турли кўринишдаги маҳсулотлар учун ярим тайёр маҳсулотлар ҳар хил усуlda тайёрланади. «Бодомли» пирожний ва бодомли-мевали торtlар учун хамир қуйидагича тайёрланади. Рестептурада кўрсатилган бодом ва шакарнинг ҳаммаси ва 75% тухум оки аралаштирилиб, масса бир неча марта тегирмондан ўтказилади. Бу яхши эзилган масса кувлаш машинасида ун ва оқсилнинг қолган қисми билан аралаштирилади. Тайёр хамир бир текис аралаштирилган бўлиши керак. Унинг намлиги 18-20%. Торtlар учун хамирга суркаш орқали, пирожний учун дастлаб ёғланган ва ун сепилган тахталарга хамирнинг кулча шаклидаги қондириш усулида шакл берилади ва дарҳол пиширилади: торtlар $150-160\ ^\circ\text{C}$ ҳароратда ва 20минут пиширилади. Пиширилган ярим тайёр маҳсулот совутилади, совутиш давомийлиги 30-35 минут. Совутилган ярим тайёр маҳсулотнинг ҳарорати $25-27\ ^\circ\text{C}$, намлиги 6,5-9,5%.

Оқсилли – кувланган (нозик) ярим тайёр маҳсулот. Бу ярим тайёр маҳсулот тухум оқсилини шакар билан кувлаш ва уни пишириш орқали олинади. Унинг таркибида ун бўлмаслиги туфайли у бошқа ярим тайёр маҳсулотлардан фарқ қиласи. Тайёр ярим тайёр маҳсулот оқ, юқори даражада ғовакли, мўрт, енгил ва кўпиксимон маҳсулотлардир. Масса ҳажми тахминан 7 мартага кўпайгунча кувлаш давом эттирилади. Кувлаш давомийлиги тухум оқининг кўпик ҳосил қилиш қобилиятига боғлик бўлиб, 30-50 минут давом этади. Кейин кувлагичнинг айланиш частотасини камайтира туриб массага шакар, ванил кукуни, айрим навларга эса майдаланган ёнғоқлар солинади ва яна кувланади. Масса намлиги 22-24%, зичлиги эса $400-420\ \text{кг}/\text{м}^3$.

Кувлаш тугатилган заҳоти массага дарҳол шакл бериш керак, акс ҳолда массадан ҳавонинг чиқиши ва шунга мос зичликнинг ошиши, массанинг шакли сақлаш қобилиятини пасайиши, ҳажмининг камайиши кузатилади.

Торtlар учун ярим тайёр маҳсулотга қатlam кўринишида шакл берилади, пирожнийга эса қандолатчилик халтачалари ёрдамида қўндириш усули билан шакл берилади. Пишириш нисбатан паст ҳароратда ($100-110\ ^\circ\text{C}$) амалга оширилади. Пишириш давомийлиги 1 соатга яқин, кичик бўлакчалар учун эса 20-30 минут. Пиширилган ярим тайёр маҳсулот стех хонасида совутилади ва шундан кейингина металл тахталардан бўштилади.

Қайнатма ярим тайёр маҳсулот. Бу ярим тайёр маҳсулотнинг ўзига хослиги шундаки, уни пишириш жараёнида ичиди бўшлиқ ҳосил бўлади, кейинчалик бу бўшлиқ крем билан тўлдирилади. Ярим тайёр маҳсулот кўпинча пирожний тайёрлашда қўлланилади. Рестептура бўйича жуда кўп микдорда (1 т ярим тайёр маҳсулот учун 700 кг дан ортиқ) тухум ёки меланж қўлланиши кўзда тутилган.

Хамир тайёрлаш жараёни икки босқичдан иборат. Амалда бу қуйидагича бажарилади. Қайнатиш қозонига хамирнинг намлигини 53% атрофида таъминланишини ҳисобга олиб, сув қиздирилади, унинг устига сариёғ ва туз солинади.

18-маъруза. Торт ва пирожнийлар ишлаб чиқариш

Қайнаётган аралашмага оз-оздан ун солинади ва қумоқсиз бир текис масса ҳосил бўлгунча 5-20 минут қорилади. Олинган массанинг ҳарорати 80-85 °C, намлиги 38-39% бўлади. Масса қориш машинасига солинади, аралаштира туриб 70-75 °C гача совутилади ва 15-20 минут давомида меланж билан аралаштирилади. Олинган хамирнинг намлиги 52-54%, ҳарорати 40 °C га яқин бўлади. Ҳамир тайёр бўлгандан кейин дарҳол уни ёғланган тахталарга ёйиб шакл берилади. Агар ҳамир тортлар учун мўлжалланган бўлса, у тахталарга маҳсус ёғоч рамка билан суркалади. Қатлам қалинлиги 4 мм га яқин. Пишириш ҳарорати 200 °C га яқин, давомийлиги 35 минут. Ярим тайёр маҳсулот стех хонасида 25-27 °C ҳароратгача совутилади.

3- савол баёни: Безовчи ярим тайёр маҳсулотлар, асосий ярим тайёр маҳсулотларнинг таъми ва ҳидини яхшилаш, уларнинг жозибадор ташки қўринишини таъминлаш учун қўлланилади. Безовчи ярим тайёр маҳсулотларни бир неча гурухга бўлиш мумкин: кремлар, мева-резавор масаллиқлар, сирлар, желе, помодалар, қиёмлар, сукатлар ва шунга ўхшашлар.

Кремлар асосий безовчи ярим тайёр маҳсулот ҳисобланади. Кўпинча тортларнинг массасининг 40% ни кремлар ташкил қилиши мумкин.

Торт ва пирожнийлар безаш учун қўлланадиган кремлар қўйидаги асосий гурухларга бўлинади: сариёғли (ёғли), оқсилли кувланган, қайнатма. Булардан сариёғли ва оқсилли-кувланган кремлар энг кўп тарқалгандир. Ёғнинг сифати ва уни ишлов усули олинадиган крем сифатига катта таъсир этади. Ёғнинг сифати кремни тиндириш пайтида тузилишини сақлашга ҳам таъсир қиласиди. Тиндириш жараёнида ҳавонинг бир қисмини йўқотиш ҳисобидан крем зичланади. Бу жараённинг жадаллиги қўлланиладиган сариёғни ишлаб чиқариш усулига боғлиқ.

Қаймоқли кремлар. Бундай кремлар ичидаги сут ва тухумдан тайёрланган «Шарлотта» деб номланган крем жуда кенг тарқалган. Бу крем сариёғ билан шакар қиёмини кувлаб тайёрланади. Бу қиём таркибида сут ва тухум анча миқдорда мавжуд. Қиём икки босқичда тайёрланади: алоҳида шакар, сут қиёми тайёрланади, бунинг учун қиём 27% намликкага 60-90 минут қайнатилади; тухум алоҳида кувланади. Кувланган тухум аста-секинлик билан қуйилаётган шакар-сут қиёми билан 1:1 нисбатда аралаштирилади. Тайёрланган масса қиёмнинг қолган қисми билан аралаштирилади ва 95 °C ҳароратда 5 минут тиндирилади, кейин тешикчаларининг диаметри 0,6-0,8 мм бўлган элакдан ўтказилади ва 20-22 °C ҳароратгача совутилади.

Кремнинг тайёрланиши кувловчи машинада амалга оширилади. 8-10 °C ҳароратгача совутилган ва бўлакчаларга бўлинган сариёғ машина тоғорасига солинади ва кувлагичнинг кичик айланиш частотасида ванил қукуни билан аралаштирилади. Кейин айланиш частотаси оширилади ва кўпчиган масса ҳосил бўлгунча кувланади. Кувланган сариёғга аста-секинлик билан совутилган «Шарлотта» қиёми солинади. Кувланяётган массанинг ҳажми 2,5 марта ортгунча кувлаш давом этирилади. Кремнинг намлиги 23-27%, нисбий зичлиги 0,75-0,85.

Шакар қукунини қўллаб ёғли крем тайёрлаш анча оддийлиги билан фарқланади. Бундай крем сариёғни шакар қукуни билан кувлаш натижасида олинади. Вертикал кувловчи машинага қипикча қилиб кесилган сариёғ солинади ва у юмшоқ ҳолга келгунча кувлатгичнинг кичик айланиш тезлигига аралаштирилади. Кейин айланиш частотасини 240-300 айл/минутгача ошира туриб, аста-секинлик билан шакар қукуни солинади ва 10-15 минут кувланади. Кувлаш охирида таъм берувчи ва хушбўй қўшимчалар (ванил қукуни ва бошқалар) солинади.

Оқсилли-кувланган кремлар. Улар оқ рангли кўпиксимон масса бўлиб, тухум оқини шакар ёки шакар қиёми билан кувлаш натижасида олинади. Бу хилдаги кремлар тортлар ва пирожнийлар юзаларини безаш ҳамда найчалар ва рулон қўринишида ўралган вафлилар ичини тўлдириш учун қўлланилади. Оқсилли пиширилмаган крем қўйидагича тайёрланади:

кувлаш машинасида кувлагичнинг кичик айланиш частотасида 1-2 °C ҳароратгача совутилган тухум оқи 7-10 минут давомида кувланади. Бунда дастлаб ҳажм тахминан 7 мартаға ошади. Кувланган массага шакар қукуни ва энг охирида ванил қукуни қўшиб, яна 1-2 минут кувланади. Крем тайёрлангандан кейин дархол ишлатилади, чунки унинг тузилиши жуда кучсиз ва у тез чўқади. Ташқи қўринишини ва таъмини яхшилаш, шаклини сақлаш ва микрофлорани йўқотиш учун бу крем билан безалган маҳсулотни печкада 1-3 минут мобайнида 220-240 °C ҳароратида сақлаш тавсия қилинади.

4- савол баёни: Пиширилган ярим тайёр маҳсулотларни безаш. Безаш жараёнини учта алоҳида босқичга бўлиш мумкин: пиширилган ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш, безовчи ярим тайёр маҳсулотлар билан қатлам ҳосил қилиш, маҳсулотнинг юқори юзасини безаш.

Пиширилган ярим тайёр маҳсулотни тайёрлаш унинг юзасини деформацияланган ва қуйган жойлардан тозалаш. Унга тўғри шаклни беришдан иборат. Бисквит каби айрим ярим тайёр маҳсулотлар бир неча қатламларга кесилади. Кўп қаватли қатлам ҳосил қилишдан олдин пиширилган ярим тайёр маҳсулотлар одатда хушбўйлантирилган қиёмлар билан шимдирилади. Қаватларни ҳосил қилиш учун кремлар ва мева масалиқлари қўлланилади. Бундай қаватлар қалинлиги 2-3 мм.

Торт ва пирожнийларни безаш жараёни жуда кўп меҳнат талаб қиладиган босқич хисобланади. Ҳозирда ҳамма жойда бу жараён юқори малкали усталар томонидан қўлда бажарилади. Бироқ замонавий корхоналарда айрим турдаги тортларни безаш маҳсус автоматлар ёрдамида амалга оширилади. Машина ёрдамида торт юзасига юздан ортиқ турли хил расмларни тушириш мумкин.

Торт ва пирожнийлар ишлаб чиқариш пайтида анча миқдорда санитария жиҳатидан сифатли чиқиндилар ҳосил бўлади. Булар ярим тайёр маҳсулотларнинг қирқимлари, уларни тозалаш пайтидаги чиқиндилар ва шунга ўхшашлар. Бундай чиқиндилар ишлаб чиқаришда қайта қўлланилади. Санитария жиҳатидан сифатли чиқиндилар валли машиналарда майдаланади ва қориш машинасига ёғ, шакар, меланж, кимёвий етилтурувчилар ва бошқалар билан аралаштирилади, 15-20 минут қорилади, ун солинади ва яна 1-2 минут аралаштирилади. Ҳамир намлиги 30-32%. Ярим тайёр маҳсулотга тўқжигарранг бериш учун ва таъм берувчи қўшимча сифатида рестептура албатта какао қукуни ва кўйдирилган шакар эритмаси киритилади. Шундай қилиб, тайёрланган ҳамир ёғланган ёки ичига қофоз ёйилган қолилларга қўйилади. 190-200 °C ҳароратда 60 минут мобайнида пиширилади. Пиширилган ярим тайёр маҳсулот намлиги 21-27%.

Тайёр тортлар шаклини сақлашни таъминлайдиган бадиий безатилган картон қутичаларга жойланади. Қутилар ипак ёки ип газламадан тайёрланган рангли тасмалар билан боғланади. Пирожний лотокларга ёки чидамли материал билан қопланган металл тахталарга бир қатор қилиб терилади. Озиқавий лак билан қопланган ёғоч лотокларни қўлланса ҳам йўл қўйилади. Безаксиз торт ва пирожнийлар ғадир-будир, ўзига хос ёриқларга эга. Бандан ташқари, тортга берилган расм ёйилмаган бўлиши керак.

Пирожний ва тортларнинг физик-кимёвий сифат кўрсаткичлари фақат ярим тайёр маҳсулотларда аниқланади. Бу кўрсаткичлар бўйича намлик, умумий қанд ва ёғнинг миқдори ҳамда 10% ли хлорид кислотада эримайдиган кулнинг миқдори меъёrlанади.

Пирожний ва тортлар тез бузилувчи маҳсулотлар ҳисобланади, шунинг учун уларни музлаткичларда 0-6 °C ҳароратда сақлаш керак. Вафлили торлар 18 °C дан юқори бўлмаган ҳароратда ва ҳавонинг нисбий намлиги 70-75% бўлган шароитда сақланиши керак. Бундай шароитларга риоя қилинган торт ва пирожнийлар учун сақлашнинг маълум муддатлари белгиланган: қайнатма кремли тортлар учун 6 соат, оқсилли-кувланган кремли тортлар учун 72 сотагача. Шоколадли-вафлили тортлар кўпи билан 15 сутка, пролинели ва ёғ масаллиқли тортлар эса 1 ойгача саланади.

Назорат саволлари

1. Тортлар ўзига хос қандай хусусиятларга эга?
2. Пирожний ўзига хос қандай хусусиятларга эга?
3. Торт ва пирожнийлар қандай гурухларга бўлинади?
4. Торт ва пирожнийларни тайёрлашда қандай асосий ярим тайёр маҳсулотлар кўлланилади?
5. Торт ва пирожнийларни тайёрлаш учун қандай безовчи ярим тайёр маҳсулотлар кўлланилади?

Мавзуга оид мустақил иши топшириқлари:

1. Торт ва пирожнийларни бадиий безаш..
2. Тайёр маҳсулотни саклаш учун жиҳозлар турлари ва уларнинг аҳамияти

Мавзуга оид адабиётлар:

- 1.Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
- 2.Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
- 3.Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
- 4.Пашенко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.-М.:КолосС, 2006.-389с.
- 5.Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.
- 6.Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272
- 7.Лурье И.С. Технология кондитерского производства: Учебник.-М: Агропромиздат, 1992.- 400 с.

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА УСЛУБИЙ
КҮРСАТМАЛАР**
1-амалий машғулот. Мавзу:Хамир тайёрлаш учун хом ашё сарфини ҳисоблаш.

Ишдан мақсад: Хамир қориш учун хом ашё сарфини ҳисоблашни ўрганиш.

Нон ишлаб чиқариш корхонасида техник жараёнининг барча босқичлари корхона ишлаб чиқариш лабораторияси томонидан назорат қилинади. Ҳар бир маҳсулотини тайёрлаш учун стандарт берилган техник жараённи бориши бўйича йўриқнома берилади. Стандартда маҳсулот тайёрлаш учун рецептура берилади. Рецептурада хом ашё сарфи 100 кг унга нисбатан берилади. Рецептура асосида ишлаб чиқариш рецептураси тузилади. Бу рецептурада хом ашё сарфланадиган унга нисбатан берилади. Хом ашёларни намлигини эътиборга олган ҳолда сув сарфи кўрсатилади. Ҳамда технологик жараён параметрлари кўрсатилади. (намлик, температура, нордонлик.)

Ҳисоблаш тартиби. Хамир қориш учун сарфланадиган ҳар бир хом ашё миқдори қуйидаги формуладан ифодаланади.

$$m_{xa} = \frac{m_{um, un} \cdot C}{100}, \text{ кг}$$

Шакар ва туз эритмалари сарфи ҳисоблаганда эритмалар концентрацияси эътиборга олинади.

$$M_{shakar} = \frac{m_{um, un} \cdot C_{shakar}}{A};$$

$M_{um, un}$ – хамир қоришга сарфланадиган ун, кг;
С-рецептура бўйича берилган хом ашё миқдори;
Туз – 26%
Шакар – 60%

Хамир чиқишини ҳисоблаш.

$$M_x = M_{km} \cdot \frac{100; \text{кг}}{100 - W_x}$$

M_{km} -хом ашёдаги қуруқ моддалар миқдори кг.
 W_x -хамирни намлиги, %.

Сув сарфи.

$$M_{cuv} = m_x - m_{xa}$$

m_x -хамир оғирлиги кг
 m_{xa} -хом ашё миқдори кг.

Масала:

Рецептура.

Ун 1-нав -100кг.

Прессланган хамиртуруш -1,5кг.

Туз -1,3кг.

Жами -102,8 кг.

Топиш керак.

- 1) Хом ашё сарфини.
- 2) Хом ашё таркибидаги қуруқ моддалар миқдорини.
- 3) Хамир чиқишини ҳисоблаш.
- 4) Сув сарфини ҳисоблаш.

Хом ашё қуруқ моддалар жараёнини ҳисоблаш.

Хом ашё компонентлари	m 1кг	%	Қуруқ моддалар	
			%	кг
Ун 1-нав	10 0	14 ,0	86	<u>100*86</u> <u>=86</u> _{кг.} 100
Хамиртуруш	3	94	6, 0	0,18
Туз	5	74	26 ,0	1,3
Жами	10 8			87,48

$$m_x = \frac{87,48 \cdot 100}{100-45} = \frac{8748}{55} = 159,05 \text{ кг}$$

$$m_{\text{сув}} = 159,0 - 108 = 51,05 \text{ л.}$$

Масалалар:

- 1.1. 40 кг ундан хамир қориш учун туз ва шакар эритмалари миқдорини ҳисобланг. рецептура бўйича 100 кг унга шакар сарфи 2,5 кг, туз сарфи 1,6 кг. туз эритмаси зичлиги 1,16 кг/л, шакарники 1,23 кг/л.
- 1.2. 90 кг ундан хамир қориш учун, тухум сарфини ҳисобланг. 100 кг унга тухум сарфи 25 дона.
- 1.3. 115 кг ундан хамир тайёрлаш учун, хом ашё сарфини ҳисобланг. рецептура бўйича прессланган хамиртуруш 1,5 кг, ош тузи 1,5 кг, шакар 10 кг, маргарин 4 кг сарфланади.
- 1.4. Концентрацияси 26% бўлган 4 кг туз эритмаси тайёрлаш учун қанча туз сарфланади.
- 1.5. Концентрацияси 50% бўлган 10 кг шакар эритмаси тайёрлаш учун қанча шакар сарфланади.
- 1.6. Хамир тайёрлаш учун умумий ун сарфи ва хом ашё сарфини ҳисобланг. Агар печнинг 1 соатда ишлаб чиқариши 800 кг, маҳсулот чиқиши 152%, туз сарфи 1,5 кг, хамиртуруш сарфи 2 кг бўлса.
- 1.7. 120 кг ундан 1 порция хамир қориш учун сарфланадиган хом ашё миқдорини ҳисобланг. Агар туз сарфи 1,5 кг, патока 5 кг, тмин 5 кг бўлса.
- 1.8. Зичлиги 1,23 кг/л бўлган 5 кг шакардан эритма тайёрлаш учун қанча сув сарфланади.
- 1.9. 7,5 кг туздан концентрацияси 23% бўлган туз эритмасидан қанча тайёрлаш керак.
- 1.10. 80 кг ундан хамир тайёрлаш учун қанча миқдорда хамиртуруш эритмаси тайёрлаш керак. Прессланган хамир туруш сарфи 2 кг бўлса.

2-амалий машғулот. Мавзу:Хом-ашёни ўрнига ўрин алмаштириш

Ишдан мақсад: Хом ашё ўрнига ўрин алмаштиришни ҳисоблашни ўрганиш.

Асосий тушунчалар: Нон, макарон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарда ишлатиладиган хом-ашёлар ҳилма хилдир. Айрим ҳолларда ҳом-ашёларни ўрнига-ўрин алмаштириб ишлатиш түғри келади. Ўрнига ўрин ишлатиладиган хом-ашё маҳсулот чиқишига таъсир этиши керак эмас. Хом-ашёларнинг кимёвий таркиби, намлигини эътиборга олинган ҳолда ўрнига-ўрин алмаштириш мумкин. Хом-ашёни ўрнига ўрин алмаштириш маҳсус йўриқномада кўрсатилган.

Ҳисоблаш усули

Бир хом-ашё иккинчиси билан алмаштирилаётганда қуруқ моддалари миқдори эътиборга олинган ҳолда қуйидаги формула билан топилади:

$$Q_2 = Q_1 * A_1 / A_2$$

Q – алмашадиган ва алмаштирадиган хом-ашё, кг.

a_1 a_2 – хом-ашёнинг қуруқ моддалар миқдори %.

Табиий сут (оғирлилиги 3,2%). Рецептурасида ёғ бўлмаган нон бўлка маҳсулотлари учун унинг 1 кг қуйидаги хом ашёлари билан алмаштирилиши мумкин:

- 1,07 кг ёғлилиги 2,5 % сут билан;
- 0,87 кг ёғлилиги 2,5 % сероқсил сут билан;
- 0,98 кг ёғлилиги 1 % сероқсил сут билан;
- 0,12 кг қуритилган табиий сут билан;
- 0,12 кг қуритилган ёғсизлантирилган сут билан ва ҳоказо.

Ёғсизлантирилган сут – рецептураси ёғ бўлмаган нон–булка маҳсулотлари учун унинг 1 кг қуйидаги хом ашёлар билан алмаштирилиши мумкин:

- 0,72 кг ёғлилиги 3,2 % сут билан;
- 0,76 кг ёғлилиги 2,5 % сут билан;
- 0,62 кг ёғлилиги 2,5 % сероқсил сут билан;
- 0,09 кг қуритилган табиий сут билан;
- 0,09 кг қуритилган ёғсизлантирилган сут билан ва ҳоказо.

Қуруқ табиий сут–рецептурасида ёғ бўлган нон–булка маҳсулотлари учун унинг 1 кг миқдори қуйидаги хом ашёлар билан алмаштирилиши мумкин:

- 2,33 кг қуюлтирилган ёғсиз сутга 0,3 кг ёғ қўшиш билан;
- 0,74 кг қуруқ ёғсизлантирилган сутга 0,3 кг ёғ қўшиш билан ва ҳоказо.

Қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сут маҳсулотларининг ўзаро алмашинуви қабул килинган.

Шакар билан қуюлтирилган табиий сут – 1 т қуйидаги хом ашёларнинг миқдори билан алмаштирилиши мумкин:

- 826,9 кг шакар билан қуолтирилган ёғсиз сутга 103,6 кг сариёғ ва 76,2 кг шакар қўшиш билан;
- 302,8 кг қуруқ табиий сутга 11,3 кг сариёғ ва 440 кг шакар қўшиш билан;
- 224,0 кг қуруқ, ёғсиз сутга 103 кг сариёғ ва 440 кг шакар қўшиш билан ва ҳоказо.

Сут зардоби (1 кг) қуруқ моддаларнинг миқдори 40 % бўлган (0,125 кг) ёки қуруқ моддаларининг миқдори 60 % қуолтирилган зардоб (0,084 кг) ҳамда қуруқ зардоб билан (0,053 кг) алмаштирилади. Махсулотлар қуруқ моддаларнинг миқдорига кўра алмаштирилади.

Ёғ ва мойлар. Улар ёғ миқдорига қараб алмаштирилади. Махсулотнинг номида қайд этилган маҳсулотларни алмаштириб бўлмайди. Масалан, сариёғ қоқнонларда сариёғни бошқа ёғ билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

Тузланмаган сариёғни бошқа сариёғлар билан қуйидаги нисбатда алмаштириш мумкин: эритилган сариёғ билан (I: 0,85), ҳавасбоп сариёғ билан (1:1,057), сутли хўраки маргарин билан (1:1).

Кремлар, болалар учун маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган ёғлар ҳамда стандартларда сигир ёғи кўзда тутилган маҳсулотларда у маргарин билан алмаштирилмайди. Маргарин сувсиз суюқ ёки истеъмол ёғи билан (1:0,85), суюқ маргарин билан (1:1) ёки ўсимлик ёғи билан (1:0,85) алмаштирилиши мумкин. Оҳирги алмаштириш рецептурасидаги ёғ миқдори 5% дан ошмайдиган маҳсулотлар учун рухсат этилади. Агар рецептурада 5% дан ортиқ ёғ кўзда тутилган бўлса, кўрсатилган усул билан 50% маргаринни алмаштириш мумкин.

Болалар ёки пархезбоп овқатланишга мўлжалланган маҳсулотлардаги сариёғни маргарин билан алмаштириш мумкин эмас.

Ферментлаштирилган ва ферментлаштирилмаган жавдар солодини амилоризин П10х фермент препарати билан алмаштириш мумкин 1 кг солод ўрнига 0,003 кг амилоризин П 10х ва 1 кг жайдари жавдар уни олинади.

Мураббони повидло, джем ёки конфитюр билан 1:1 нисбатда алмаштиrsa бўлади. Тухум меланж билан 1:1 нисбатда алмаштирилади. 1 кг (25 дона) тухумни 278 г кукунга ёки 1 кг кукунни 3,6 кг (90 дона) тухумга алмаштирилади.

Масалалар:

1. Куруқ моддалар миқдори 27% бўлган 2 кг тухум ўрнига, қуруқ моддалар миқдори 94% бўлган қанча тухум кукуни ишлатиш мумкин.
2. 2 кг прессланган хамиртуруш ўрнига қанча миқдорда хамиртуруш сути ишлатиш мумкин.
3. 20 кг табиий сут ўрнига қанча миқдорда шакар билан қуолтирилган сут ишлатиш мумкин. Рецептура бўйича шакар сарфи 12 кг.
4. 2,5 кг прессланган хамиртуруш ўрнига қанча миқдорда қуритилган хамиртуруш ишлатиш керак.
5. Намлиги 0,2% бўлган 2,95 кг ўсимлик мойи ўрнига намлиги 16% бўлган ошхона маргаринидан қанча миқдорда ишлатиш керак.
6. Куруқ моддалар миқдори 94% бўлган, 0,57 кг тухум кукуни ўрнига намлиги 27% бўлган товук тухумидан қанча ишлатиш мумкин.
7. 15 кг сут зардоби ўрнига намлиги 40% бўлган қуолтирилган сут зардобидан қанча ишлатиш мумкин.
8. 115 кг унга хамир қориш учун рецептура бўйича 3,5 кг ошхон маргарини берилган бўлса, унинг ўрнига қанча миқдорда ўсимлик мойи ишлатиш мумкин.
9. Жавдар noni учун ишлатиладиган қизил солоднинг 50% миқдори ўрнига қанча амилорезин ишлатиш мумкин. Рецептура бўйича солод сарфи 7 кг.
10. Куруқ моддалар миқдори 5 кг маргарин ўрнига қуруқ моддалар миқдори 99,7% бўлган қанча миқдорда гидромой ишлатиш керак.

З-амалий машғулот. Мавзу:Опарасиз хамир қориш учун ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисоблаш.

Ишдан мақсад: опарасиз хамир қориш учун ишлаб чиқариш рецептурасини ўргани

Хисоблаш үслуби: Бу усул бўйича ун, хамиртуруш, туз, сув ш. ва бошқа қўшимча хом ашё ҳаммаси бирданига қорилади.

$$M_{yH}^c = (P_n^c \cdot 100) / \varPhi_h, \text{ кг}$$

P_n^c – печнинг бир соатда ишлаб чиқариши, кг.

\varPhi_h – маҳсулот чиқиши, %.

2. Бир порция хамир учун ун миқдори

$$M_{yH} = y \cdot g / 100, \text{ кг}$$

y – дежа ҳажми, л

g – 100 л геометрик ҳажмдаги ун миқдори, кг

3. Хамирдаги қуруқ моддалар миқдори

1-жадвал

Хамир компонентлари	Оғирлиги, кг	Хом ашё намлиги, %	Куруқ моддалар миқдори	
			фоиз	кг
Ун	M_{yH}	W_{yH}	10 0- W_{yH}	$Y_{H_{K.M.}} = M_{yH}(100 - W_{yH}) / 100$
Хамир туруш суспензияси	M_{xT}	$W_{x.T.}$	10 0- $W_{x.T.}$	$X_{T_{K.M.}} = M_{x.T.}(100 - W_{xT}) / 100$
Туз эритмаси				
Жами:				

4. Хамирга қўшиладиган хом ашё сарфи (эритмаси ишлатиладиган хом ашё учун):

$$M_{xc} = M_{yH} \cdot P_{xa} / 100, \text{ кг}$$

P_{xa} – рецептура бўйича хом ашё сарфи кг

5. Туз ёки шакар эритмаси сарфи

$$M_3 = M_{yM} \cdot P/C, \text{ кг}$$

C – эритма концентрацияси %

6. Хамир чиқишини ҳисоблаймиз:

$$M_x = M_{xt}^{km} \cdot 100 / (100 - W_x), \text{ кг}$$

M_{xt}^{km} – хом ашё таркибидаги қуруқ моддалар, кг

W_x – хамир намлиги, %

7. Хамир қоришга сарфланадиган сув миқдори:

$$M_{\text{сүб}} = M_x - M_{x.a.}, \text{ кг}$$

$M_{x.a.}$ -хом ашё сарфи, кг.

2-жадвал

Рецептура ва технологик режим параметрлари	Хамир
Ун, кг	
Хамиртуруш суспензияси, кг	
Туз эритмаси, кг	
Сув, л	
Бошланғич температура, $^{\circ}\text{C}$	
Намлик, %	
Бижгиш давомийлиги, мин.	
Сүнги нордонлик, град.	
Тиниш давомийлиги, мин.	

Масалалар:

3.1. Опарасиз усулда хажми 330 бўлган дежада 1 нав буғдой унидан намлиги 43,5% бўлган хамир тайёрлаш учун ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисобланг. 100 кг унга хом ашё сарфи: туз 1,5 кг, прессланган хамиртуруш 2,5 кг, шакар 5кг, маргарин 3,5 кг. ун намлиги 14,5%. Прессланган хамиртуруш 1/3 нисбатда тайёрланади. Туз эритмаси зичлиги 1,19 кг/л, шакарники 1,23 кг/л.

3.2. 70 кг ундан опарасиз усулда намлиги 45% бўлган хамир тайёрлаш учун ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисобланг.

3.3. 100 кг га хом ашё сарфи. Туз 1,5 кг, суюқ хамиртуруш 45 кг. суюқ хамиртуруш намлиги 80%, ун намлиги 13%. Туз эритмаси зичлиги 1,2 кг/л.

3.4. Ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисобланг. 1 соатда ун сарфи 600 кг. Хамир опарасиз усулда 140 литрли дежаларда тайёрланади. Хом ашё сарфини ўзингиз қўйиб ишланг.

3.5. Опарасиз усулда хажми 140 л бўлган дежада олий нав буғдой унидан намлиги 44,5% бўлган хамир тайёрлаш учун ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисобланг. 100 кг унга хом ашё сарфи: туз 1,5 кг, прессланган хамиртуруш 3,0 кг, шакар бкг, маргарин 3,0 кг. и намлиги 13,0%. Прессланган хамиртуруш 1/2 нисбатда тайёрланади. Туз эритмаси зичлиги 1,19 кг/л, шакарники 1,23 кг/л.

3.6. 115 кг ундан опарасиз усулда намлиги 46% бўлган хамир тайёрлаш учун ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисобланг.

3.7. 100 кг га хом ашё сарфи. Туз 1,5 кг, прессланган хамиртуруш 45 кг. Хамиртуруш намлиги 75%, ун намлиги 11,5%. Туз эритмаси зичлиги 1,2 кг/л.

3.8. Ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисобланг. 1 соатда ун сарфи 400 кг. Хамир опарасиз усулда 330 литрли дежаларда тайёрланади. Хом ашё сарфини ўзингиз қўйиб ишланг.

3.9. Опарасиз усулда хажми 330 л бўлган дежада олий нав буғдой унидан намлиги 44,5% бўлган хамир тайёрлаш учун ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисобланг. 100 кг унга хом ашё сарфи: туз 1,5 кг, прессланган хамиртуруш 3,0 кг. ун намлиги 13,0%. Товук тухуми – 0,5 кг прессланган хамиртуруш 1/2 нисбатда тайёрланади. Туз эритмаси зичлиги 1,19 кг/л, шакарники 1,23 кг/л.

4-амалий машғулот
4-амалий машғулот. Мавзу:Опарали хамир қориш учун
ишлиб чиқариш рецептурасини ҳисоблаш.

Ишдан мақсад:

Ишлиб чиқариш рецептураси берилган рецептурага күра тузилади. Бунинг учун печнинг бир соатда ишлиб чиқариши ва технологик параметларни билиш керак.

Ҳисоблаш услуги:

- Хамир қориш учун умумий ун сарфи.

$$\frac{P_{\text{h}}^c \cdot 100}{\chi_{\text{h}}} \text{ кг}$$

P_{h}^c – печнинг бир соатда ишлиб чиқариши, кг;

χ – маҳсулот чиқиши, %.

- Опарага сарфланадиган ун миқдори

$$M_{y_h}^0 = \frac{M_{y_m} \cdot P}{100} \text{ кг}$$

M_{y_m} – умумий ун сарфи, кг;

P – опарадаги ун миқдори, %.

- Хамир тайёрлаш учун ун сарфи

$$M_{y_h} = \frac{V \cdot q}{100} \text{ кг}$$

V – дәже ҳажми, л.

q – 100 л. геометрик ҳажмдаги ун миқдори, кг.

- Опарага сарфланадиган хамиртүриш суспензияси сарфи

$$M_{x_m} = \frac{M_{y_h} \cdot P_{x_m} \cdot (x+1)}{100}$$

P_{x_m} – рецептура бўйича хамиртүриш сарфи, кг

X – сувнинг нисбати кг.

- Опарадаги қуруқ моддалар миқдори жадвали

Опара компонентлари	Масса, кг	Намлик, %	Қуруқ моддалар	
			Фоиз	килограмм
1	2	3	4	5

- Опара чиқишини ҳисоблаш

$$\frac{M_{km} \cdot 100}{100 - W_{on}} \text{ кг}$$

M_{km} .- хом ашёдаги қуруқ моддалар миқдори, кг;

W_{on} – опара намлиги %

5. Опара учун сарфланадиган сув миқдори

$$M_{\text{сув}} = M_{\text{оп}} - M$$

M – опара компонентлари массаси, кг.

6. Хамир учун сарфланадиган ун миқдори:

$$M_x^{\text{ун}} = M_{\text{ун}} - M_{\text{ун}}^0 \text{ кг}$$

7. Хамирга сарфланадиган хом ашё миқдорини ҳисоблаш

$$\frac{M_{\text{ун}} \cdot P_{\text{ха}}}{C}$$

C – эритма концентрацияси (туз, шакар).

Хамир компонентлари	Масса, кг	Намлик, %	Күрүк моддалар	
			фоиз	килограмм
1	2	3	4	5

8. Хамир чиқишини ҳисоблаш.

$$U_x = \frac{M_{\text{кн}}^x \cdot 100}{100 - M_x} \kappa\zeta$$

9. Хамир коришга сарфланадиган сув миқдори:

$$M_{\text{сув}} = M_x - M$$

M – хамирдаги компонентлар массаси, кг.

Ишлаб чиқариш рецептураси

Рецептура ва технологик режим	Опара	Хамир
1	2	3
Ун кг		
Туз эритмаси л		
Хамиртуруш суспензияси л		
Опара кг		
Намлик %		
Бошланғич температура град		
Сўнги нордонлик град		

Масалалар:

4.1. Катта опарада хамир тайёрлаш учун ун сарфини ҳисобланг.

4.2. Опарали хамир тайёрлаш учун (50+50) ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисобланг. Агар умумий ун сарфи (I нав) 80 кг бўлиб, хамир анъанавий усулда тайёрланса, 100 кг унга хом

ашё сарфи: туз 1,8 кг, прессланган хамир туруш 2 кг, шакар 1,0 кг, маргарин 2,0 кг, хамир намлиги 44%.

4.3. Вазни 0,3 кг, бўлкалар тайёрлаш учун ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисобланг. I нав буғдой уни сарфи 130 кг, хамир катта опарада тайёрланади, 100 кг, унга хом ашё сарфи: прессланган хамир туруш 1,5 кг; туз 1,5 кг, шакар 10 кг, маргарин 10 кг, нон юмшоқ қисми намлиги 40%.

4.4. Ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисобланг. Хамир анъанавий усулда 37% намлик билан олий нав ундан тайёрланган. Хом ашё сарфи 100 кг ун учун: хамиртуруш прессланган 4 кг; шакар 6 кг, туз 20 кг, маргарин 6 кг, сут зардоби 20 кг.

4.5. Катта опара тайёрлаш учун ун сарфини ҳисобланг. Умумий ун сарфи 110 бўлса.

4.6. Ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисобланг. Хамир опарали усулда (50+50) стандарт хамир қорувчи машинада 45% намлиқда тайёрланади. Хом ашё сарфи 100 кг унга туз 1,8 кг, тухум 1,0 кг шакар 3,0 кг сут 4 л.

4.7. Опарали хамир тайёрлаш учун ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисобланг. Агар умумий ун сарфи (I нав) 111 кг, хамир 330 л дежаларда тайёрланади. 100 кг унга.

4.8. Опарали хамир тайёрлаш учун ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисобланг. Агар катта опарага 63 кг ун сарфланса, 100 кг унга хом ашё сарфи: туз 1,8 кг, прессланган хамиртуруш 1,0 кг. Опара намлиги 45%, хамир намлиги 46%, ун намлиги 15% хамиртуруш суспензияси 1:2 нисбатда тайёрланади.

4.9. Намлиги 49% бўлган хамир тайёрлаш учун 150 кг кепакли буғдой уни сорфланган хамир катта опарада тайёрланади. 100 кг унга хом ашё сарфи туз 1,5 кг суюқ хамиртуруш 25 кг (намлиги 88%) опара ва хамир тайёрлаш учун қанча миқдорда хом ашё сарфланган.

4.10. Олий нав буғдой унидан ширмой маҳсулотлар тайёрлаш учун ишлаб чиқариш рецептурасини ҳисобланг. Хамир катта опарада тайёрланади. Умумий ун сарфи 90 кг 100 кг унга хом ашё сарфи: прессланган хамиртуруш 2 кг; туз 1,4 кг, шакар 10 кг, тухум 20 дона, маргарин 4 кг, ун намлиги 13%; нон юмшоқ қисми намлиги 34%; туз эритмаси зичлиги 1,2 кг/л; шакарники 1,35 кг/л.

5-амалий машғулот

5-амалий машғулот. Мавзу: Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш печлари хисоби

Ишдан мақсад: Ишлаб чиқариш печларининг қувватини ҳисоблашни ўрганиш.

Ҳисоблаш усули:

Ишлаб чиқариш печлари қуввати, маҳсулотнинг оғирлиги, пишиш давоми ҳамда маҳсулот учун қолиплар сони, листлар, подлар сони, ўлчамлари кўрсатгичларига боғлиқ.

Қолипли нонлар қолипга солиб пиширилади. Қолиплар люкаларга маҳкамланган.

1. Люкали печлар учун: печнинг 1 соатда ишлаб чиқариши қўйидаги формуладан топилади:

$$P_{coam} = \frac{N \cdot n \cdot M \cdot 60}{t_n} \text{ кг / соат}$$

N – печдаги ишчи люлкалар сони, дона

n – люлкадаги маҳсулот сони, дона

t_n – пишиш давоми, мин.

M – битта тайёр маҳсулотнинг стандарт оғирлиги, кг;

60 – 1 соатдаги минутлар сони.

2. Подовой нонлар подларда пиширилади. (Юмалоқ, овал шаклдаги подовой нонлар, батонлар, булкалар).

Лентали подлари бўлган печларнинг бир соатда ишлаб чиқариш қўйидаги формуладан топилади:

$$P_{coam} = \frac{n \cdot 60 \cdot M}{t_n} \text{ кг / соат}$$

$\pi = \pi_1 + \pi_2$

n – поддага маҳсулотлар сони, дона

n₁ – под эни бўйича қатордаги маҳсулот сони, дона

n₂ – под узунлиги бўйича маҳсулот сони.

n₁ = (B-a) / (l+a)

n₂ = (L-a) / (v+a)

L,B – под узунлиги ва маҳсулот эни мм;

v,l – маҳсулот узунлиги ва печ эни мм.

a-маҳсулотлар орасидаги масофа мм.

Печнинг бир соатда ишлаб чиқариши топилгандан сўнг, печнинг бир суткада ишлаш давомига қўра, печнинг бир суткада ишлаб чиқаришини топиш мумкин:

$$P_{сут} = P_{соат} \cdot T \text{ т/сут}$$

T-печнинг бир суткада ишлаш давоми, соат.

Шуни эътиборга олиш керакки, печ суткада 23 соат ишлайди деб олинади.

Сменалар ўртасидаги танаффус 20 мин., смена давоми 7,76 соат.

Агар печ 2 сменада ишласа, ишлаш давоми 15,34 соат деб олинади.

Масалалар:

5.1. ФТЛ-2 нинг 1 соатда ишлаб чиқаришини ҳисобланг. маҳсулот вазни 0,7 кг I нав буғдой нони пишиш давоми 70 мин.

5.2. ПХС-25 печининг қувватини ҳисобланг. Печнинг ишлаш давоми 23 соат. Маҳсулот вазни 0,4 кг ўлчамлари; эни – 120 мм. узунлиги 300 мм. пишиш давоми 30 мин.

5.3. ФТЛ-2 печининг бир соатда ишлаб чиқаришини ҳисобланг. Маҳсулот вазни 0,5 кг пишиш давоми 25 мин. ўлчамлари: эни 100 мм. узунлиги 280 мм.

5.4. ХПА-40 печининг қувватини ҳисобланг. Печнинг ишлаш давоми суткада 16 соат. Махсулот вазни 0,4 кг пишиш давоми 20 мин.

5.5. I нав буғдой унидан вазни 0,2 кг бўлган сайкаларни БН-25 печида ишлаб чиқаришни ҳисобланг. Пишиш давоми 20 мин.

5.6. Вазни 1,0 кг юмалоқ бўлкаларни ПХС-25м печида ишлаб чиқаришни ҳисобланг. Пишиш давоми 45 мин.

5.7. ПХК-16 печида вазни 0,2 кг шаҳар бўлкаларини ишлаб чиқариш учун печнинг бир соатда ва бир суткада ишлаб чиқаришини ҳисобланг. Печнинг сутка давомида, ишлаб чиқариши 23 соат.

5.8. ПХС-25 печининг ишлаб чиқаришини ҳисобланг. вазни 0,06 кг бўлган оширма шохчаларнинг печда пишиш давоми 18 мин.

5.9. Вазни 1,0 кг жавдар нонининг ФТЛ-2 печида пишиш давоми 60 мин. Печнинг бир суткада ишлаб чиқаришини ҳисобланг. Агар махсулот сутка давомида 23 соат чиқарилса.

5.10. Брувер-Солихов печининг қувватини ҳисобланг. гижда ноннинг пишиш давоми 15 мин. Печнинг сутка давомида ишлаши 16 соат.

6-амалий машғулот.Мавзу:Нон маҳсулотлари пишиши ва совиши давомида оғирлигининг камайиши.

Ишдан мақсад: Пишишдаги ва совищдаги сарфларни, хамир бўлаклари оғирлигини аниқлаш.

Кўлланма: Пучкова З.С. «Лабораторный практикум по технологии хлебопекарного производства».

Керакли жихозлар: Хамир бўлиш бўлими жихозлари.

Назарий қисм

Хамирни бўлакларга бўлиш хамир бўлувчи машиналарда ёки қўлда узиб бажарилади. Хамирни бўлакларга бўлишда хамир оғирлигининг аҳамияти жуда катта, чунки у тайёр маҳсулот оғирлигига таъсири этади. Хамир бўлаги оғирлиги тайёр маҳсулот оғирлигидан кўп бўлиши керак. Хамир бўлувчи машиналар бункеридағи хамир захираси 30–40 мин.га этиши керак. Хамир бўлаги оғирлигини хисоблашда корхонадаги технологик йўқотишлир упёк ва усушка ҳисобга олинади.

Упёк–хамир бўлагининг пишиш давомида печда оғирлигини йўқотиши, яъни хамир оғирлиги ва иссиқ нон оғирликлари фарқининг % даги ифодаси.

Усушка–ноннинг совушидаги оғирлигининг камайиши, иссиқ нон ва совуқ нон оғирликлари орасидаги фарқининг % даги ифодаси билдиради.

Ишнинг бажариш тартиби

Нон маҳсулотларининг пишиши ва сақлаш давомида оғирлигини йўқотиши технологик йўқотишлир киради. Бу қўрсатгич корхонада доимий назоратда бўлади. Пишишдаги сарф қўрсатгичи % ларда ифодаланиб қуидаги формуладан топилади:

$$M_{up} = \frac{M_x - M_{ис.н}}{M_x} \cdot 100\%$$

M_x – хамир бўлаги массаси кг,

$M_{ис.н}$ – иссиқ нон массаси кг.

Бу қўрсатгич маҳсулот турига, рецептурасига, пишириш усулига, печ параметрларига боғлиқ ҳолда турлича бўлади. Масалан:

Жавдар ва жавдар – буғдой қолипли нонларда – 8.2% ÷ 8.5%

Буғдой I, II навли нонларда – 8.0% ÷ 8.2%

Подовой буғдой нонларида – 8.4% ÷ 8.6%

Батон маҳсулотларида – 8.0% ÷ 8.5%

0,2 кг гача бўлган донабай маҳсулотларда – 8.5% ÷ 8.9%

Сақланадиган сарф % ларда ифодаланиб қуидаги формуладан топилади:

$$M_{yc} = \frac{M_{ис.н} - M_{сов.н}}{M_{ис.н}} \cdot 100\%$$

$M_{ис.н}$ – иссиқ нон массаси, кг

$M_{сов.н}$ – совуқ нон массаси, кг

Бу сарф маҳсулот оғирлигига, сақлаш шароитларига боғлиқ. Оддий шароитда 3,5% ÷ 0.2%, ёпиқ контейнерларда 2,8% ÷ 3,2% ёпиқ контейнерларда 2,8% ÷ 3,0% ни ташкил этади.

Пишиш ва совищдаги сарфлар ўзаро тескари пропорционал.

Бу қўрсатгичларга кўра, хамир бўлаклари оғирлиги ҳисоблаб топилади.

$$M_{x,6} = \frac{10000 \times M_{нон}}{(100 - M_{up}) (100 - M_{yc})}$$

$M_{нон}$ – стандарт бўйича нон массаси кг.

Ишнинг жавоби

Пишишдаги ва сақлашдаги сарфлар ҳисобланыб, хамир бўлаклари оғирлиги формуладан топилади.

Масалалар.

6.1. Технологик сарфларни ҳисобланг. Агар хамир бўлаклари оғирлиги 0,66 кг иссиқ нон оғирлиги 0,630 совуган нон оғирлиги 0,610 кг ташкил этса пишишдаги ва совушдаги сарфларни ҳисобланг.

6.2. Хамир бўлаклари оғирлигини ҳисобланг. Агар пишишдаги сарфлар 9,0%, совушдаги сарфлар 4,5%, тайёр маҳсулот оғирлиги 500 г бўлса.

6.3. Хамир бўлаклари оғирлигини ҳисобланг. Агар тайёр маҳсулот оғирлиги 400 г. пишишдаги сарфлар 6,6%, совушдаги сарфлар 3,0% ташкил этса.

6.4. Пишишдаги ва совушдаги сарфларни ҳисобланг. Агар хамир бўлаклари оғирлиги 0,8 кг иссиқ нон оғирлиги 0,750 кг, совуқ нон оғирлиги 0,720 кг бўлса, маҳсулот стандарт оғирлиги 0,7 кг.

6.5. Хамир бўлаклари оғирлигини ҳисобланг. Агар тайёр маҳсулотнинг стандарт оғирлиги 600 г, хамир бўлаклари оғирлиги 640 г. иссиқ нон оғирлиги 610 г совуқ нон оғирлиги 600 г бўлса.

6.6. Пишишдаги ва совушдаги сарфларни ҳисобланг. Агар хамир бўлаклари оғирлиги 220 г, иссиқ нон оғирлиги 210 г, совуқ нон оғирлиги 200 г бўлса, маҳсулот стандарт оғирлиги 200 г.

6.7. Вазни 0,2 кг бўлган кулча нонини ишлаб чиқаришдаги сарфларини ҳисобланг. Агар иссиқ нон оғирлиги 0,25 кг хамир бўлаклари оғирлиги 0,35 кг ва совуқ нон оғирлиги 0,22 кг бўлса.

6.8. Вазни 0,4 кг бўлган «Бахор» батонини тайёrlаш учун хамир бўлаклари оғирлигини ҳисобланг. Агар пишишдаги сарфлар 7,0% совушдаги сарфлар 3,5% ташкил этса.

6.9. Вазни 0,06 бўлган Ширмой шохчалар ишлаб чиқариш учун хамир бўлаклар оғирлигини ҳисобланг. Агар хамир бўлаклари оғирлиги 66 г, иссиқ нон оғирлиги хамир бўлаги оғирлигидан 5 гр га ғам бўлса, совуган маҳсулот оғирлиги 60 г ташкил этса.

6.10. Хамир бўлаклари оғирлигини ҳисобланг. Агар тайёр маҳсулот оғирлиги 500 г пишишдаги сарфлар 5,5% совушдаги сарфлар 3,0% ташкил этса.

7-амалий мағулот. Мавзу: Нон чиқишини ишлаб чиқаришда аниқлаш ва назорат қилиш

Ишдан мақсад: Ишлаб чиқаришда нон чиқишини аниқлаш.

Күлланма: Пучкова «Лабораторный практикум по технологии хлебопекарного производства».

Назарий қисм:

Нон чиқиши деб 100 кг ун ва рецептура бўйича берилган бошқа хом ашёларни қўшиб тайёрланган маҳсулот микдорига айтилади. Нон чиқиши % ифодаланади.

Нон чиқиши меъёри – 100 кг ун ва рецептура бўйича берилган бошқа хом ашёлардан тайёрланган маҳсулотнинг минимал микдорига айтилади.

Нон чиқиши меъёрини ҳисоблашда маҳсулот таркибига кирган ҳақиқий сарфланган ун микдори; нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги технологик сарфлар, технологик йўқотишлар ҳисобга олинади. Режа бўйича нон чиқиши меъёрини ун намлиги 14.5% қилиб ҳисобланади.

Агар корхонага келтирилган ун намлиги 12% дан кам бўлса, 12% деб, 14.5% кўп бўлса 14.5% деб қабул қилинади. Лекин факт бўйича нон чиқиши, албатта, аниқланади, чунки бу орқали корхона фойда ёки зарари аниқланади.

Факт бўйича нон чиқиши қўйидагича аниқланади:

$$\chi_{\text{н.ф.}} = \frac{M_{\text{н.ф.}} \times 100}{M_{\text{ун}}} \times M_{\text{н}}$$

$M_{\text{н.ф.}}$ – факт бўйича тайёрланган нон микдори.

$M_{\text{ун}}$ – факт бўйича сарфланган ун,

$M_{\text{н}}$ – маҳсулот оғирлиги, кг.

Сарфланган ун микдори қўйидагича:

$$M_{\text{ун}} = \frac{M_{\text{н}} \times 100\%}{\chi_{\text{н}}}$$

$M_{\text{н}}$ – нон массаси, кг

$\chi_{\text{н}}$ – нон чиқиши, %

Нон чиқишига таъсир этувчи омиллар: ун сарфи, хамир намлиги, йўқотиш ва сарфлар.

Ишнинг бориши.

Тажрибавий нон ёпиш усули ишлаб чиқариш корхонасида ўтказилади ва баённома билан расмийлаштирилади.

Технологик жараённи назорат қилиш ва ҳисоблаш натижалари қўйидаги тартибда ёзилади;

-назорат давомида хамир бўлаклари сони, кг;

-ўлчанган хамир бўлакларининг умумий оғирлиги $\sum M_x$, кг;

-назорат давомида пишиб чиқсан иссиқ нон сони n ; назорат давомида хамирнинг умумий массаси

$Q_x = M_{x\text{уп}} \times n$, кг;

-хамир ашёни ўртacha оғирликдаги намлиги, оғирлик ва намликни эътиборга олиб турамиз.

$$W_{\text{оғир}} = \frac{M_{\text{ун-х}} W_{\text{ун}} + M_{\text{туз}} + M_{\text{хт-х}} W_{\text{хт}}}{M_{\text{хом ашё}} (M_{\text{ун}} + M_{\text{туз}} + M_{\text{хт}})}$$

- бижғишдаги сарфларни эътиборга олган ҳолда хамир массаси

$$Q_x = \frac{Q_x \times 100}{100 - C_{\text{биж}}}, \text{ кг} \quad C_{\text{биж}} = 2 \div 2,5\%$$

- назорат давомида хамир тайёрлаш учун сарфланадиган ун миқдори

$$M_{ун} = \frac{Q_x \times (100 - W_x) \times 100}{(100 - W_{xa}) \times M_{xa}}$$

Q_x – ҳамма хамир оғирлиги кг;

W_{xa} – хом ашё намлиги %;

M_{xa} – хом ашё массаси кг;

- тиндириш ва пишириш давоми
печ маркаси
пишириш режими
пишиш вақти
пишиш температураси
- иссиқ нон ўртача оғирлигини билиб упекни ҳисоблаймиз

$$Y_{пек} = \frac{M_x - M_{ис.нон}}{M_x} \times 100\%$$

- совиган нон ўртача оғирлигидан усушкани топамиз

$$Y_{пек} = \frac{M_{ис.нон} - M_{сов.нон}}{M_{ис.нон}} \times 100\%$$

- совиган нон оғирлигини совищдаги йўқотишни эътиборга олган ҳолда қуидаги аниқланади:

$$M_{нон} = \frac{M_{ис.нон} \times (100 - Y_{сушка})}{100}, \text{ кг}$$

- нон чиқиши эса

$$\chi_h = \frac{M_h \times 100}{M_{ун}}, \text{ \%}$$

Нон чиқишини ҳисоблаш йўли билан аниқлаш.

(Николаев услуги)

$$\chi_h = \chi_x \times \left(\frac{1 - \Delta_{биж}}{100} \right) \times \left(\frac{1 - \Delta_{тун}}{100} \right) \times \left(\frac{1 - \Delta_{m_{yc}}}{100} \right)$$

χ_x – хамир чиқиши кг;

$\Delta_{биж}$ – бижғишдаги йўқотишлар %;

$$\chi_x = \frac{M_{ум} \times 100}{100 - W_x}, \text{ кг}$$

$M_{ум}$ – хамирдаги қуруқ модда миқдори кг;

W_x – хамир намлиги, %.

Ишнинг жавоби:

Нон чиқиши ишлаб чиқаришда аниқланган технологик параметрларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Масалалар.

- 7.1. I нав буғдой унидан тайёрланган кесма батон чиқишини ҳисобланг. Агар бижгишдаги сарфлар 2,8%, пишишдаги сарфлар 10%, совушдаги сарфлар – 3 % бўлса.
- 7.2. Ун намлиги 13% бўлганда нон чиқиши меъёри қанча бўлади. Режа бўйича нон чиқиши 130%.
- 7.3. Вазни 0,6 кг I нав буғдой нонининг чиқишини ҳисобланг. Агар намлиги 12,5% бўлган ундан 12400 кг сарфланган бўлса ва 16000 кг маҳсулот тайёрланган бўлса.
- 7.4. Корхонада нон чиқиши меъёри бажарилганми? Текшириб кўринг. Агар 15 т маҳсулот тайёрлаш учун 12 т ун сарфланган бўлса. Режа бўйича нон чиқиши 124%.
- 7.5. Нон чиқишини ҳисобланг. Агар бижгишдаги сарфлар 2,5%, пишишдаги сарфлар 8,5%, совушдаги сарфлар 4,0% бўлса.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўкув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
2. Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
4. Пащенко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.-М.:КолосС, 2006.-389с.
5. Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.
6. Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272
7. Лурье И.С. Технология кондитерского производства: Учебник.-М: Агропромиздат, 1992.- 400 с.
8. Медведов Г.А. Технология макаронного производства. М.: Колос, 1998. – 272

3.1.ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТЛАРНИ БАЖАРИШ БҮЙИЧА УСЛУБИЙ КҮРСАТМАЛАР

1 -лаборатория иши. Мавзу: Буғдой унининг нонвойлик хоссаларини намунавий

Ишдан мақсад:

Буғдой унини нонвойлик хоссаларини тайёрланган нон сифатига кўра баҳолаш.

Асобоб ускуналар:

Лаборатория хамир қорувчи машинаси, лаборатория печи, термостат, циферблат тарози, нон қолиллари ташқи ўлчамлари: 10 x 16, баландлиги $h=10$ см; юқоридан 12 x 17 см, подовой нон учун темир листлар $d=22$ см, ўлчов цилиндлари 500, 1000 см.куб., хом – ашё; 737 г. ун, 500 мл. сув, 15 г. туз, хамиртуриш.

Назарий қисм.

Уннинг нонвойлик хоссалари дейилганда уннинг сифатли нон хосил қилиш қобилияти тушунилади. Нонвойлик хоссалари юқори бўлган буғдой унidan олинган нон тўғри шаклли, юзаси ёрикларсиз, ички қавати эластик, юпқа деворли майдатекис ғоваксимон, хушбўй таъмли бўлади.

Уннинг нонвойлик хоссалари ун таркибидаги оқсил ва крахмалларнинг биокимёвий хоссалари ва ферментлар фаоллигига боғлиқ.

Буғдой унининг сифати асосан қуйидаги хоссаларга кўра аниқланади.

1. Уннинг газ ҳосил қилиш қобилияти.
2. Физик хоссаларига кўра уннинг хамир ҳосил қилиш қобилияти – ун кучи.
3. Ун ранги ва нон тайёрлаш босқичида рангининг тўқланиш қобилияти.

Хом ашёни тайёрлаш:

Лаборатория шароитида нон ёпиш учун керакли бўлган сув микдори қўйидаги формула ёрдамида аниқланади

$$m_c = \frac{m_{xa} \cdot (W_x - W_{xa})}{100 - W_x}$$

m_{xa} -хамир қориш учун сарфланадиган хом ашё микдори гр:

W_x - хамир намлиги %: (Олий нав 43,5% 1 нав-44,5, 2-нав 45,5)

W_{xa}-хом ашёларнинг ўртача оғирлиқдаги намлиги %.

$$W_{xa} = \frac{m_{yn} \cdot W_{yn} + m_{myz} \cdot W_{myz} + m_{xm} \cdot W_{xm}}{m_{xa}}$$

m_{yn} , m_{tuz} , m_{xt} – ун, туз, хамиртуруш микдори гр.

W_{yn} , W_{tuz} , W_{xt} – ун, туз, хамиртуруш намлиги %.

Лаборатория шароитида хамир опарасиз усулда тайёрланади. Бунинг учун 600 гр ун олинади, қолган хом ашё берилган рецептурага кўра ҳисобланади.

Рецептура

Хом ашё	хом ашё микдори %
Ун	100
Прессланган хамиртуруш	2,5
Туз	1,5
Сув	ҳисоб бўйича

Иш бажариш тартиби:

Хамир лаборатория хамир қорувчи машинасида ёки кўлда қорилади. Барча хом–ашёлар ўлчаб олиниб, аввал сув, хамиртуриш, туз сўнг ун солиб хамир қорилади. Қорилган хамир ҳарорати олий навли унлар учун 32°C бўлиши керак. Қорилган хамир бижғиши учун термостатга қўйилади. Бижғиш даврида хамир 2 марта ҳар 60 минутдан сўнг эзиб олинади. Умумий бижғиш давоми 150 минут. Бижғиган хамир тарозда ўлчанади ва 2 та бўлакка бўлинади 600 ва 200 гр. 600 гр ли бўлак тезда қолипга солинади, 200 гр ли бўлак эса тагдонга жойлаштирилади. Сўнг термостатга 35°C ҳароратга, ҳавонинг нисбий намлиги 70-80 % жойлаштирилади. Тиндириш сўнгги органолептик аниқланади. Шаклланган хамир бўлаклари лаборатория печида $220\text{-}230^{\circ}\text{C}$ пиширилади. Пишиш давоми қолипли нон учун 35 дақиқа, тагдонли нон учун 20 дақиқа.

Пиширилгандан сўнг печдан олинганда нон устки қисмига сув пуркалади. Нон сифатига органолептик баҳо берилади.

Кўрсаткичлар номи	Тавсифи
Ноннинг ташқи қўриниши: юзаси шакли устки деворнинг ранги	текис, нотекис (ёриқлари билан, ғадир-будур) тўғри, нотўғри
Юмшоқ қисми: ранги рангининг бир текислиги эластиклиги	рангсиз, оч-сариқ, жигарранг, тўқ жигарранг оқ, сариқ, тўқ, тўқроқ бир текисда ёки нотекис (ғовакликни қай даржада бўлганлиги)
Ғоваклиги: йириклиги бўйича текислигининг тақсимланиши	майда, ўртача, йирик текис, нотекис
Деворининг қалинлиги	қалин деворли, ингичка деворли
Ёпишқоқлиги	ёпишқоқ эмас
Таъми	шу нонга хослиги, бегона таъмнинг бор ёки йўқлиги
Фирчиллаши	бор ёки йўқлиги
Уқаланиши	уқаланиши, уқаланмаслиги

Иш Жавоби:

Юзаси-

Устки деворнинг ранги-Юмшоқ қисминиг ранги-

Эластиклиги-

Ғоваклиги-Деворининг қалинлиги-

Таъми-уқаланиши-

2-лаборатория иши. Мавзу: Жавдар унининг нонвойлик ҳоссаларини аниклаш.

Ишдан мақсад:

Жавдар унининг нонвойлик ҳоссаларини намунавий экспресс нон ёпиш усули билан органолиптик баҳо бериб аниқлаш.

Керакли жихозлар: Лаборатория печи, техник тарози, термометр, сув ўлчаш учун цилиндр, ун.

Назарий қисм.

Жавдар унидан тайёрланган нон сифати таркибидаги оксил, крахмал ҳамда ферментлар автоматик фаоллигининг ўзига хослиги билан буғдой унидан тайёрланган нон сифатидан фарқланади.

Жавдар уни буғдой унига нисбатан қандга бой, жавдар крахмали буғдойникига қараганда паст ҳароратда клейстерланади, амилолитик ферментлар таъсирига осон тушади. Қанд ва газ хосил қилиш қобилияти буғдой унига нисбатан етарли. Жавдар унининг нонвойлик ҳоссалари ишлаб чиқариш лабораториясида намунавий экспресс нон ёпиш усули билан аниқланади ва пиширишлган зувалачалар органолептик баҳоланади.

Органолептик баҳолаш: пиширилган зувалачаларни органолептик баҳоланишида унинг ҳажми, ташқи кўриниши, юза қисмидаги ёриқлар, юмшоқ қисмининг холати ва ранги эътиборга олинади. Сифати меъёрида бўлган жавдар обойная унидан тайёрланган зувалачалар шакли тўғри, катта ёриқсиз, юмшоқ қисми куруқ бўлади. Автолитик фаоллиги юқори бўлган ундан эса ҳажми паст, юмшоқ қисми тўқ ёпишкок, консистенцияси қуюқ қайнатма холида бўлади.

Ишнинг бориши: Жавдар обойная унининг нонвойлик ҳоссаларини аниқлаш учун 50 г жавдар уни олиниб 41 мл температураси 17-20⁰C бўлган сув билан хамир қорилади. Қорилган хамирдан тезда шар шаклида зувалачалар тайёрланади ва пишириш учун лаборатория печига қўйилади. Пишириш 230⁰C ҳароратда 20 мин. давомида олиб борилади. Пишиб чиққан зувалачалар совутилади ва органолиптик баҳоланади.

Ишнинг жавоби:

Автолитик фаоллиги-

Устки қисмидаги ёриқлар-

Юмшоқ қисми-

3- лаборатория иши. Мавзу: Ярим фабрикат органолептик күрсаткичларини аниқлаш. Ярим фабрикатлар намлигини

Ишдан мақсад: Опара ва хамир тайёрлигини аниқлаш ва сифатига баҳо бериш.

Керакли жихозлар:

1. Техник термометр 1-100⁰ шкалали.
2. Чижова асбоби.
3. Қоғоз пакетлари ўлчамлари 16*16 см. 20*14 см. (суюқ опара учун)
4. Эксикатор.
5. Техник торози.

Назарий қисм. Ярим фабрикатлар органолептик күрсаткичлари тайёрланган сиғимида (дежада ёки чанларда) текширилади.

Нон ишлаб чиқаришда ярим фабрикат деб суюқ хамиртуруш, қуюқ ёки суюқ ачитқи, опара, бижғитилгандың қайнатма, хамир ҳисобланади. Бу ярим фабрикатлар тайёрланиши, бижғиши давоми доимо назоратда бўлиши керак.

Чунки, ярим фабрикатлар холати технологик жараёнларнинг кейинги босқичларига таъсир этади ва нон сифатига таъсир күрсатади. Шу мақсадда ярим фабрикатлар органолептик күрсаткичлари, бошлангич ва сўнгги температураси, сўнгги нордонлиги ва намлиги, кўтарилиш кучи назорат қилинади. Ярим фабрикатлар: органолептик күрсаткичлари қуидагича баҳоланади:

Юзасининг холати (кўтарилиган, кўтарилимаган, қанзиган, чўккан, ёриқлар билан, говаклилиги). Консистенцияси (бўш, қаттиқ, меъёрда) ва қорилганлик холати: ранги, таъми, хиди.

Ишнинг бориши

Бижғиган хамир ва опаранинг ташқи кўринишига эътибор берилади. Қўл билан хамир ёки опара юза қисми сурилади ва ҳидлаб кўрилади. Говакли холати эътиборга олинади. Опара ёки хамирга 15-20 см чуқурликка термометр туширилади ва 2-3 минут ўтгач термометр күрсаткичи ёзиб олинади. Бошлангич ҳарорат хамир ёки опара қорилгандан сўнг, сўнгига ҳарорат тайёр бўлгандан сўнг текширилади.

Термометр синиб қолмаслиги учун уни зангламайдиган металл тагликка жойлаштирилади.

Опара ёки суюқ хамир намлиги Чижова асбобида аниқлаш учун қоғоз пакетлари тайёрлаб олинади. Қоғоз пакетлар ўлчамлари Чижова асбоби шаклига боғлиқ. Агар асбоб тўғри бурчакли шаклида бўлса пакетлар 20x14 см қоғозни (газета) буклаб, агар асбоб корпуси юмалоқ шаклида бўлса қоғоз 16x16 см шаклида олиниб тайёрланади, бунда қоғоз четлари 1,5 см қилиб букланади.

Тайёрланган пакетларда аниқлаш учун 2 донаси олинади ва 3 минут давомида Чижова асбобида (160) қуритиб, эксикаторда совитиб олинади. Техник торозида ўлчаб, эксикаторда қуритилади тайёрланган қоғоз пакетлар 2 соат давомида ишлатилиши керак.

Ярим фабрикат намлигини аниқлаш учун оғирлиги маълум бўлган қоғоз пакетларга 5 граммлардан ярим фабрикат солинади ва ўлчанади. Агар ярим фабрикат намлиги 20% кам бўлса 4 грамм намуна олинади. Қуритиш Чижова асбобида 160⁰ олиб борилади. Қуритиш давоми ярим фабрикат намлигига боғлиқ. Агар ярим фабрикатлар намлиги 55% бўлса 5 дақиқа; 55% юқори бўлса 7 минут давомида қуритилади. (Суюқ хамиртуруш намлиги аниқланилаётганда 1-3 грамм олинади). Қуритилгач ярим фабрикат совутиш учун эксикаторга 1-2 дақиқага қўйилади. Сўнг тарозида тортилиб, намлиги % қуидаги формуладан топилади.

$$W = \frac{m_1 - m_2 \cdot 100}{m_3}$$

m_1 – қуритишдан аввал намуна билан пакет оғирлиги г.

m_2 – қуритишдан сунг намуна билан пакет оғирлиги г.

m_3 – бўш пакет огирилиги гр.

Ишнинг жавоби

Ярим фабрикатлар органолептик курсаткичлар:

Юзанинг холати _____

Консистенсияси _____

Ғоваклиги холати _____

Қорилганлик холати _____

Ранги –

Таъми –

Ҳиди –

Температураси: –

Бошланғич ҳарорат –

Сўнги ҳарорат –

Намлиги –

W_1

m_1 -

m_2 -

W_2

m_1 -

m_2 -

4- лаборатория иши. Мавзу:Ярим фабрикат нордрилигини ва кўтариш кучини

Ишдан мақсад: Ярим тайёр маҳсулотлари сифатини аниқлаш услубини ўрганиш.

Асосий тушунчалар

Ярим тайёр маҳсулотларни сифатини назорат қилиш, намуна олиш, органолептик баҳолаш, ҳароратни, нордонлик ва намликни кўтариш кучини аниқлаш услубларидир.

Намуна олиш. Одатда ҳар бир ярим тайёр маҳсулотларнинг сифатига баҳо беришда улардан ўртача намуна танлаб олинади. Ярим тайёр маҳсулот намунаси битта цехда тайёрланган, бир хил рецептурада, аниқ ачиш муддатидаги ярим тайёр маҳсулотнинг ўртача намунасидир. Ярим тайёр маҳсулотлардан ўртача намуна олиш стандартларда кўрсатилган бўлади. Олинган ўртача намуна танланган маҳсулотни ҳамма ҳусусиятларини ўз ичига олган бўлиши керак.

Органолептик баҳолаш. Ярим тайёр маҳсулотни органолептик баҳолаш тўғридан-тўғри цехни ўзида, ўртача намуна олиш вақтида амалда оширилади.

Ярим тайёр маҳсулотнинг ҳарорати.

Ярим тайёр маҳсулот ҳароратини аниқлашда $50-150^{\circ}\text{C}$ шкаласи техник термометр ёки 20 дан 85°C ҳароратни ўлчовчи ТТ-1 асбоби ишлатилади.

Ярим тайёр маҳсулотини ҳароратини ўлчаш учун термометр маҳсулот ичига 15-20 см 2-3 минут туширилади. Одатда бундай ҳолатларда, орқа томони узун бўлган техник термометрлар ишлатилади. Ишлаб чиқариш назоратлари учун маҳсус ишлайдиган емирилмайдиган тайёрланган металл қоплама термометрлар ишлатилади.

Иш бажариш тартиби:

Ярим фабрикатлар кўтариш кучини аниқлаш.

Аниқлашда ярим тайёр маҳсулот ва ун миқдори жадвалда кўрсатилган тартибда олинади.

Шарик хамирини тайёрлаш учун таркибий қисми, г	Қуюқ жавдар ачитки, г	Опара, г	Суюқ ачитки, г	Суюқ жавдар ачитки, г	Суюқ буғдой ачитки, г
Ярим тайёр маҳсулот Ун	18 4	10 4	10 10-12	10 10	12 6-9

Чинни идишни техник тарозида тортиб олинади. Кетма-кет ун ва ярим тайёр маҳсулот идишда тортиб олинади, хамир аниқ иккига бўлинади. Иккита бўлак алоҳида қўл кафтига олинниб, текис зувала қилиб думалоқланади. Зувалачалар 200-250 мл ҳажмли 32°C ҳароратли сув билан тўлдирилган колбага бир вақтда солинади ва шу температурадаги термостатга жойлаштирилади. Зувалаларни сувга сузиб чиқиш вақти аниқланади. Иккита зувалаларни сузиб чиқиши орасидаги фарқ 2 минутдан ошмаслиги керак.

Ярим тайёр маҳсулотларни нордонлигини аниқлаш.

Техник тарозида чашка ёки алюмин пластиинкада 5г ярим тайёр маҳсулот тортилади. Тортим чинни хавончага солиниб 50мл дистирланган сув билан эзилади. Арапашмага индикатордан 3-4 томчи солинади (фенолфталин) ва 0,1н NaOH эритмаси ёрдамида 1 дақиқа давомида йўқолмайдиган пушти ранг ҳосил бўлгунча титрланади. Кислоталик қуидидаги формула билан аниқланади.

X=K 2a

Бу ерда; а—титрлашга кетган 0,1н NaOH эритмасининг ҳажми мл
К—тузатиш коэффициенти $\kappa=1$

Ишнинг натижаси:

Ярим фабрикат температураси _____ град
Кўтарилиш кучи _____ минут
Нордонлиги _____ град

Хулоса:

5- лаборатория иши. Мавзу:Нон маҳсулотларининг органолептик кўрсаткичларини аниқлаш.Нон маҳсулотлари

Ишдан мақсад: Нон маҳсулотлар органолептик кўрсаткичларини ва намлигини аниқлаш услубини ўрганиш.

Керакли асбоблар: 1. Электр қуритиш шкафи СЭШ-3М.

2. Пичоқ, қирғич
3. Металл бюксслар ўлчамлари $\varnothing 44$ мм;
баландлиги 20 мм.
4. Лаборатория тарози. РОСТ 19491-74
бўйича.
5. Эксикатор РОСТ 6371-73 бўйича.

Назарий қисм

Пиширилаётган ноннинг сифати асосан уннинг сифатига ва уни тайёрлашда технологик жараёнининг тўғри боришига боғлиқ. Бизнинг мамлакатимизда нон корхоналарида пиширилган нон маҳсулотлари стандарт талабларига жавоб бериши керак.

Нон маҳсулотларининг органолиптик кўрсаткичларига қуйидагилар киради: ранги, устки қатламнинг холати, таъми, хиди, устки қатламининг қалинлиги, қориш бўйича мағзининг холати, ғоваклиги, эластиклиги, янгилиги, минерал аралашмалар борлиги ёки йўқлиги бўйича ғирчиллаши. Ташқи кўринишини таърифлагандан нонни бутун ўрта намунасини кўриб чиқилади.

Нон намлиги ишлаб чиқариш корхоналарида назорат қилинадиган асосий сифат кўрсаткичлардан биридир. Чунки нон намлиги тайёр маҳсулот сифатига, уннинг физиологик хусусиятига, нон чиқишига таъсири этадиган омиллардан биридир. Нон намлиги юқори бўлган сари уннинг таркибидаги фойдали куруқ моддалар миқдори (оқсил, углевод, витамин ва бошқалар) шунча кам бўлиб, энергетик қиммати ҳам паст бўлади. Нон намлигини меъёридан 1% га ошириш, нон чиқишини 2-3% кўпайтиради. Нон намлигини аниқлаш фақат нон чиқишини ҳисоблаш учунгина эмас, балки технологик жараёнининг тўғри юритилишини (асосий хом ашё унни ва сувни тақсимлаш) текшириш учун ҳам зарур. Нон маҳсулотларини намлиги стандарт усули билан СЭШ-1, СЭШ-3М қуритиш шкафларида аниқланиди.

Ишни бажариш тартиби:

Нон мағзи рангини кундузги ёруқликда аниқланади. У оч, кул ранг ёки тўқ ҳар хил нозик фарқланиш билан бўлиши мумкин.

Мағизни ранги текислигини ва мағизнинг қориш бўйича ҳолатини ҳам белгиламоқ лозим. Нонни мағзини, ғоваклиги, катталиги бўйича – майда, ўрта, катта, текислиги бўйича – текис, нотекис, ғовакларнинг девори қалинлиги бўйича – юпқа девор, ўрта қалин девори деб таърифланади. Мағизнинг эластиклигини уни бармоқлар билан енгил босиши билан аниқланади. Агар мағизни бармоқ билан (енгил) босганда қаттиқ қаршилик кўрсатиб ва бунда кам ўзгарса, бу уни қалин ва жуда қалин деб таърифлайди. Енгил эзилиб ва тез тикланадиган ҳеч қандай из қолдирмайдиган нонни мағизи эластик деб таърифланади. Бармоқларда енгил эзилиб лекин ўзини биринчи структурасини тикламайдиган нонни мағизи ноэластик ёки етарли эластик эмас деб хисобланади.

Ғирчиллаши ва таъмини нонни чайнаб аниқланади. Таъми нормал, тузсиз, тахир ёки маҳсулотга хос бўлмаган бошқа таъмлар бўлиши мумкин. Ноннинг таъми, хиди, мағизнинг

ғоваклиги, эластиклиги, янгилиги, ғирчиллашда минерал аралашмалар йўқлиги ҳам еб кўриб аниқланади.

Нон намлигини аниқлаш учун лаборатория намунаси кўндалангига тенг икки бўлакка кесилади ва баробар ҳар икки бўлакдан, юмшоқ қисмидан 1-3 см қалинликда намуна олинади. Маҳсулотдаги қўшимча хом ашё – майиз, повидло, ёнғоқ ва бошқалар, кўкнори уруғидан ташқари ажратиб ташланади.

Қаттиқ қавати тугагач, 1 см ташлаб юмшоқ қисмидан намуна олинади. Олинган намуна 20 г дан кам бўлмаслиги керак.

Тайёрланган намуналар 2 та парелелл, оғирлиги маълум бюксларга 5 г дан солиниб, бюкслар қопқоғи очик ҳолда, қуритиш шкафига 130 °С 40 минутга қўйилади. Қуритиш тугагач бюкслар қуритиш шкафидан тигель қисқичлар ёрдамида олинниб, қопқоғи ёпилиб, совутиш учун эксикаторга 20 минут қўйилади. Бюкслар совугач, лаборатория тарозида ўлчаниб, маҳсулот намлиги қўйидагича топилади.

$$W = \frac{m_1 - m_2}{m} 100$$

бу ерда:

W – маҳсулот намлиги, %;

m_1 – маҳсулот билан бюкснинг қуритишдан аввалги оғирлиги, грамм;

m_2 – маҳсулот билан бюкснинг қуритишдан кейинги оғирлиги, грамм;

m – намуна оғирлиги, грамм.

Икки паралелл аниқлаш орасидаги фарқ 1% дан ошмаслиги керак.

Намлик 0,5 гача ҳатолик билан ҳисобланади. Масалан, 0,25 дан 0,75 гача бўлса 0,5 га тенгглаштирилади. 0,75 дан юқори сон 1 га тенгглаштирилади.

Ишнинг жавоби

№	Кўрсаткичлар					
1.	Шакли					
2.	Ноннинг мағизининг эластиклиги. Ғоваклигининг структураси.					
3.	Нон мағизининг ранги.					
4.	Таъми.					
5.	Хиди.					
6.						

Маҳсулот номи	№ бюкс рақами	Бўш бюкс оғирлиги	Намуна	Маҳсулот билан бюкс оғирлиги		Намлик %	Ўртча намлик %
				куритишдан аввал	куритишдан кейин		
				грамм	грамм		

Хулоса.

6- лаборатория иши. Мавзу: Ноннинг ғоваклигини аниқлаш..
Нон ва булочка маҳсулотларини нордонлигини аниқлаш.

Ишдан мақсад: Нон ғоваклигини ва нордонлигини аниқлаш услубини ўрганиш ва тайёр маҳсулот сифатига баҳо бериш.

- Керакли асбоблар:**
1. Журавлева асбоби.
 2. Техник тарози.
 3. Нон намунаси.
 4. Пичоқ.

Назарий қисм.

Нон ғоваклиги деганда, ноннинг юмшоқ қисми ҳажмидаги % ифодаланган ғоваклар ҳажми тушунилади.

Ғоваклик ноннинг структурасини (бир текис, майда, қалин, нотекис ғоваклик) ҳамда ноннинг ҳазм бўлиш хоссасини тавсифлайди. Ғоваклиги паст нон бижғимаган хамирдан ёки пишмаган хамир-нондан ва нонвойлик хоссаси паст ундан тайёрланган бўлади. Стандартда нон маҳсулотлари турига кўра ғоваклик кўрсаткичи белгиланган. Масалан, жавдар нони учун ғоваклик 42% кам бўлмаслиги, буғдой нони навига кўра ва пишириш усулига кўра 55-70% ташкил этади. Нон ғоваклиги Завялов усули бўйича Журавлева асбобида донабай нонларда ва вазни 200 г дан кам бўлмаган булочка маҳсулотларида аниқланади.

Журавлева асбоби қўйидаги қисмлардан иборат:

- а) металл цилиндр, бир томони ўткирланган;
- б) ёғоч ва втулка;
- в) кўндаланг деворли ёғоч ёки металл латок.

Латокда деворидан 3,8 см оралиқда чуқурлиги 1,5 мм ўйма бор.

Ишни бориши:

Буғдой ноннинг ғоваклигини аниқлашда нон икки қисмга кесилиб, бир ярим бўлагидан 2 та ўйма, иккинчи ярмидан 1 та ўйма ўйиб олинади. Жавдар ноннинг ғоваклиги аниқланганда, иккитадан 4 та ўйма ўйиб олинади.

Ўймалар цилиндр ёрдамида ўйилади. Бунда ўймалар ҳажми 27 см^3 ташкил этади.

Ўйиб олинган нон ҳажми қўйидаги формуладан хисобланган:

$$V = \frac{3,14 \cdot d^2 \cdot H}{4}$$

бу ерда:

d – цилиндрнинг ички қисми, см;

H – цилиндрдаги нон юмшоқ қисми узунлиги, см.

$$V = \frac{3,14 \cdot 3^2 \cdot 3,8}{4} = 27 \text{ см}^3$$

Иш бошлашдан аввал цилиндрнинг ўткир томонига ўсимлик мойи суриласди (пахта ёғи).

Ҳар бир ўйиб олинган ўйма цилиндр билан лоток ичига жойлаштирилади ва ёғоч втулка ёрдамида лоток деворигача итариб олиб борилади. Пичоқ билан ўйма чети кесиб ташланади. Ноннинг юмшоқ қисмидан ўйиб олинган ўймалар техник тарозида 0,01 г аниқликгача ўлчанади. Нон ғоваклиги % қўйидаги формуладан топилади.

$$P = \frac{(V - g / p) \cdot 100}{V}$$

V – нон ўймаларининг умумий ҳажми, см³;
 m – ўймалар массаси, грамм;
 p – юмшоқ қисмининг ғоваксиз массаси зичлиги, кг/м³;
 ρ – кўрсаткич нон турига кўра турлича бўлади.
 Кепакли ундан нон тайёрланганда –1,21,
 қайнатмали жавдар нонлари – 1,27,
 буғдой нони I нав – 1,31,
 буғдой нони II нав – 1,26.
 Ғоваклик 1,0% аниқликгача ҳисобланади.

Ишнинг жавоби:

Нон ўймалари ҳажми см³ –
 Ўймалар массаси грамм –
 Танланган p кг/м³ –
 Ғоваклик % -
 Хулоса.

Нон ва булочка маҳсулотларини нордонлигини аниқлаш

Керакли асбоблар ва реактивлар: колба, термометр, тўр элак ёки дока, стакан, дистилланган сув, фенолфталеин, натрий ишқори.

Назарий қисм

Нон нордонлиги уннинг сифати (янгилик кўрсатгичи) ва технологик жараёнинг қандай борганлиги ҳақида хулоса қилиш имконини беради. Нордонлик даражаси нондаги хамиртуруш ва рецептурадаги нордонлик берувчи моддалари мавжудлиги ва уларнинг фаолияти билан боғлангандир. Тайёр маҳсулот намунаси иккига бўлинади ва хамир бўлагидан 70 гр атрофида кесиб олинади. Нон бўлаги ташқи қатлами остидаги қаватдан, 1,5 см қолдирилиб юмшоқ қисми тез майдаланади ва аралаштирилади.

Ишнинг бориши: Майдаланган 25 г ноннинг юмшоқ қисми (0,01 аниқланганда) қуруқ бутилкага ёки 500 мл ҳажмдаги банкага солинади. 250 мл ҳажмда ўлчами колба хона ҳароратига тенг бўлган сув билан тўлдирилади. Олинган сувнинг 1/4 қисми нонли бутилкага қўйилади. Сувга ёғоч аралаштиргич ёки учига резинка тиқилган шиша таёқча билан бир хил масса ҳосил бўлгунча аралаштирилади. Бутилка қопқоқ билан беркитилади. Аралаштириб икки минут кучли силкитилади хона ҳароратида 10 минутга тинч холда қолдирилади. Тиндирилган аралашманинг суюқ қисми эҳтиёткорлик билан тўр элак ёки дока орқали қуруқ стаканга туширилади. Стакандан пипетка билан 50 мл эритма олиниб ҳар бири 100-150 мм ҳажмдаги иккита конуссимон колбага солинади. 2-3 томчи фенолфталеин томизилади. Титрлаш асбобида 0,1 н NaOH (КОН) ишқор билан 1 мин давомида, пушти ранг ҳосил бўлгунча титрланади. Маҳсулот нордонлиги градусда ифодаланади ва куйидаги формуладан топилади:

$$H = 2v k$$

Бу ерда: v – титрлаш учун сарфланган ишқор миқдори, мл;
 k – тузатиш коэффициенти. k=1

Ишнинг жавоби:

Маҳсулот нордонлиги формуладан топилади:

Хулоса: Нордонлик стандарти билан таққосланади.

7-лаборатория иши. Мавзу: Ноннинг “Картофел таёқчалари” билан касалланганлигини аниқлаш.

Ишдан мақсад: Ноннинг картофел касаллиги билан касалланганлигини аниқлаш.

Керакли асбоблар ва реактивлар: термостат, пичоқ, нонни ўраш учун мато

Назарий қисм

Картофел касаллигининг моҳияти шундаки, бу касалликни чақирган микроорганизмлар таъсирида нон мағзи чўзилувчан, елимсимон бўлиб, бадбўй, чириган картофелнинг ёқимсиз хидига эга бўлиб қолади. Бу касалликнинг кўзгалувчилари бўлиб, *Bacillus mesentericus* (картофел таёқчалари) турига кирувчи спорасимон микроорганизмлар ҳисобланади. Картофел касаллигининг юзага келишида *Bacillus subtilis* (пчан таёқчалари) туридаги микроорганизмлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу микроорганизмлар табиатида кенг тарқалган бўлиб, хар бир дон юзасида ва унда учрайди.

Микроорганизмлар узунлиги 1,6 дан 6 мкм гача ва йўғонлиги 0,5 мкм бўлган таёқча кўринишида бўлади. *Bacillus mesentericus* спорлари овалсимон шаклга эга ва ҳароратнинг ўзгаришига чидамли бўлади. Бу спораларни ҳалок этиш учун уларга ҳарорати 100°C бўлган сув билан 5...6 соат давомида, $109\ldots113^{\circ}\text{C}$ да 45 – минут ва $122\ldots123^{\circ}\text{C}$ ҳароратда эса – 10 минут таъсири кўрсатиш керак.

Ҳарорати 130°C бўлган буғ таъсирида споралар бирданига ҳалок бўлади. Печдаги нон мағзининг ҳарорати 100°C дан ошмаслиги ҳисобига оладиган бўлсан, бу ҳолда *Bacillus mesentericus* споралари нонни пиширишда ҳаёт фаолиятини йўқотмасдан қолади.

Бу микрорганизмларнинг кўпайиши ва ҳаёт кечириши учун энг мувофиқ ҳарорат $35\ldots50^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қиласи. Шунинг учун ноннинг картофел касаллиги билан касалланиши асосан ёз вақтига тўғри келади.

Ишнинг бориши

Лаборатория шароитда ёпилган қолипли нон печдан чиққач $1,5\ldots2$ соатдан сўнг икки қават қилиб буқланган нам газета қофозига ўралади (газета қофозини нам ҳолатга келтириш учун сувли идишга тушириб хўлланади ва сув сиркитилади). Нам қофозга ўралган нон термостатга кўйилади. Термостатдаги ҳарорат $37\pm1^{\circ}\text{C}$, ҳавонинг нисбий намлиги $85\pm2\%$ бўлиши керак. Намуна термостатда 24 соат қолдирилади сўнг термостатдан олиниб ўткир пичноқ билан кўндалангига кесиб «картофел касаллигига» аниқланади. Бунда нонда спецефик хиднинг бўлиши, юмшоқ қисмининг ёпишқоқ бўлиш ҳолатига эътибор берилади. Текширув тугагач ишлатилган қофоз ёқиб ташланади. Пичноқ ва термостат $3\ldots5\%$ уксус кислотаси эритмаси билан артиб, шамоллатилади.

Текшириш натижаси алоҳида тутилган журналда ва нон корхонасига жўннатиладиган «ун сифат кўрсаткичи» хужжатида қўйидагича қайд қилинади:

-«24 соат ичидаги картофел таёқчалари қайд этилмаган».

-«24 соат ичидаги картофел таёқчалари қайд этилган».

«Картофел» касаллиги қайд этилган ун яроқсиз деб ҳисобланмайди. Бундай ун тезда ишлаб чиқаришда технологик йўриқномага асосан, ноннинг касалланишига қарши чора тадбирларни қўллаб ишлатиб юборилади.

Хулоса

8- лаборатория иши. Мавзу:М иллий нон маҳсулотлари сифат кўрсаткичларини аниқлаш.

Ишдан мақсад: Миллий нон маҳсулотлари органолептик ва физик кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш, сифатига баҳо бериш.

Керакли асбоблар: 1. СЭШ қуритиш шкафи.

2. Металл бюклар (45x20мм).

3. Техник тарози.

4. Эксикатор, тигел қисқич.

5. Линейка, мм.

Назарий қисм: Ўзбек миллий нонлари З гурухга бўлинади. 1-гурух «Оддий ўзбек нонлари», О/н ва I нав ва II нав унидан тайёрланган – оила нон, I нав унидан тайёрланган – Наманган, Қашқадарё нони, Лочира, Кулча, Чап-чап.

2-гурух «Ўзбек патир нонлари»: о/н буғдой унидан тайёрланган – Денов, Бахт патирлари; о/н ва I нав унидан – Баҳор, Ширмой патирлари; I нав унидан – Юбилей, Тошкент, Пиёзли, Оддий патир, пиёзли патир.

3-гурух «Ширмой ўзбек нонлари»: Пиёзли, Сутли, Доктор нон, Тўй нон, Совға, Мехмон нон, Пахта, Ширмой, Бухоро, Хоразм, Гиждувон, Ангрен нонлари.

Миллий ўзбек нонларини тайёрлашда рецептурага асосан ширмой маҳсулотлари (ёғ, тухум, сут, шакар, зираворлар, кунжут) ва бошқа хом ашё ишлатилади. Миллий нонлар бир-биридан оғирлиги билан (0,1-0,6), ташқи кўриниши, қалинлиги, ишлов берилиши, тайёрланиш технологияси таркибидаги хом ашё тури ва миқдори билан фарқланади.

Ишнинг бориши: 1. Органолептик кўрсаткичларини аниқлаш. Миллий нонларнинг органолептик кўрсаткичлари нон партиясидан танланмасдан ўртача намунадан (10%) аниқланади. Нон шакли, ранги, ташқи кўриниши органолептик баҳоланади. Нон таъми, ҳиди, қалинлиги, юмшоқ қисмининг ҳолати, унинг эластиклиги, минерал аралашмаларнинг борлигини аниқлаш учун ўртача намунада 5 та нон олиниб, кесиб, органолептик баҳоланади.

2. Нон намлигини аниқлаш. Маҳсулот намлиги 2 соатдан сўнг аниқланади. Намуна ўртасидан 2 бўлакка кесилади. 1- бўлакнинг юмшоқ қисмидан 20 г. атрофида олиниб, 1 см.гача қалинликда увоқларга бўлинади. Оғирлик маълум бўлган 2 та бюкларга 5 гр.дан нон юмшоқ қисми бўлакларидан жойлаштирилади. Бюклар қуритиш учун шкафига $t=130^{\circ}\text{C}$ 45 минутга кўйилади. Вақт ўтгач тигел қисқичлар ёрдамида бюклар олиниб, қопқоғи ёпилиб, совутиш учун эксикаторга 10-20 мин. кўйилади. (2 соатгacha) бюклар маҳсулоти билан тарозида ўлчанади ва намлиги куйидаги формуладан топилади:

$$W_{\text{ном}} = \frac{m_1 - m_2}{m} * 100\%$$

m_1 – бюкс билан маҳсулотнинг қуритишдан аввалги оғирлиги, гр.

m_2 – бюкс билан маҳсулотнинг қуритишдан кейинги оғирлиги, гр.

m – бўш бюкс оғирлиги %.

Икки параллел аниқлаш орасидаги фарқ 1%дан ошмаслиги керак. (яхлитланиб олиниади)

Ишнинг жавоби

Махсулот номи

Кўрсаткичлар сони	Тавсифи
Ташқи кўриниш юзаси	
Шакли ва ўлчамлари (см)	
Ички диаметри тузилиши	
Ташқи диаметри тузилиши	
Ўрта қисми қалинлиги (см)	
Чекка қисми қалинлиги (см)	
Ранги	
Юмшоқ қисмининг ҳолати (пишганлиги)	
Корилганлиги ҳолати	
Ғоваклиги ҳолати	
Янгилиги	
Таъми, хиди, намлиги	

Хулоса:

9-лаборатория иши. Мавзу: Тешиккулча маҳсулотлари сифат қўрсаткичларини

Ишдан мақсад: тешиккулча маҳсулотлари сифат қўрсаткичларини аниқлаш ва сифатига баҳо бериш.

Керакли асбоблар ва реактивлар:

1. Техник тарози;
2. Линейка (мм);
3. Пичок;
4. Бюкс;
5. СЭЖ;
6. Эксикатор;
7. Тигел қисқич;
8. Чинни ҳавонча;
9. 1% фенолфталеин;
10. 0,1 н. NaOH
11. Титрловчи мослама;
12. Стакан;
13. Алюмин идиш $\varnothing 90$ мм, h=30мм;
14. Сув ҳаммоми;
15. Термометр 100^0

Назарий қисм: Тешиккулча маҳсулотларига тешиккулча ва бубликлар киритилган. Тешиккулчалар буғдой хамиридан ҳалқа шаклида тайёрланади. Ҳалқа қалинлиги ва ўлчамларига кўра қуидаги турларга бўлинади:

Сушкалар: ҳалқа $d=4-6$ см; тасма қалинлиги 1-1,7 см; 1 дона маҳсулот оғирлиги 6,5-12 гр.
 $W=9-13\%$.

Тешиккулчалар – ҳалқалар $d=7-9$ см; тасма қалинлиги 2 см.гача; 1 дона маҳсулот оғирлиги 25-40 гр.

$W=14-19\%$.

Бубликлар: ҳалқа диаметри 7-10 см; тасма қалинлиги 3-3,3 см; 1 дона маҳсулот оғирлиги 50-100 гр.

$W=25-27\%$.

Тешиккулча маҳсулотлари органолептик қўрсаткичлари:

Шакли – овал, ҳалқасимон, юзаси силлиқ, бўртмаларсиз, ёриқларсиз.

Ранги – оч сарик, тўқ жигарранг, куймаган, ифлосланмаган, юза қисми ва ички қисми хом бўлиши керак эмас.

Ички қисми – пишган, ун изларисиз.

Ҳиди, таъми – ўзига хос, бегона таъмларсиз ва бегона хидларсиз.

Нозиклиги – бубликлар юмшоқ.

Бубликлар – нозиклиги майинроқ, юмшоқроқ.

Сушкалар – нозик, қуруқ, қаттиқроқ бўлиши керак.

Маҳсулотлар донабай ва 1 кг.гача 10 жойидан 0,5 кг оғирликда ўртacha намуна олинади.

Намуна бубликлардан 3 соатдан сўнг (124 соатгача), тешиккулча ва сушкалар – 6 соатдан сўнг (48 соатгача) олинади.

Ишнинг бориши:

Тешиккулча маҳсулотлари органолептик қўрсаткичлари (ранги, ҳиди, таъми) ва ташқи кўринишлари аниқланди.

Ички қисмининг ҳолати, нозиклиги З та маҳсулотни бўлиб аниқланади. Тешиккулча маҳсулотлари намлиги асосан стандарт усули билан аниқланади. Ўртача намунадан олинган бир нечта маҳсулот турли маҳсулот турли қисмидан ҳалқачалар кесиб олинади, (20гр.) сўнг пичоқ билан майдаланади.

Маҳсулот намлиги СЭШ асбобида асосий стандарт усули билан 130°C 40 мин. қуритиб аниқланади.

Маҳсулот нордонлигини аниқлаш учун 10гр. майдаланган намуна ўлчаб олинади ва қуруқ чинни ҳавончага солинади (200мл) 100 мл. хона ҳароратидаги сувдан қуийб, бир хил масса ҳосил бўлгунча туйилади. Усти ёпилиб, 15 мин. тиндириб қўйилади. 25 мл. фильтрат олиниб, унга 5 томчи 1% фенолфталеин эритмаси томизилиб, 0,1н ишқорида то пушти ранг ҳосил бўлгунча титрланади.

Тешиккулча маҳсулотлари бўкишини аниқлаш.

Ўртача намунадан Зта тешиккулча олинади, ҳар биридан маҳсус эговловчи ускуна ёки пичоқ ёрдамида 2 см узунлиқда 2 тадан бўлак кесиб олинади.

Оғирлиги маълум бўлган диаметри 90 мм, баландлиги 30 мм бўлган 2 мм тешиклари бўлган алюмин идишга намуна жойлаштирилади. Идиш сув ҳаммомига 5 минутга жойлаштирилади. Вақт ўтгач идиш сувдан олинади, 2 мин. давомида суви сирқитилади, сўнг ўлчаш учун тарозига қўйилади.

Тешиккулча маҳсулотлари бўкиш коэффициенти қуидагича топилади:

$$K = q_2/q_1$$

q_2 – намунанинг бўккандан кейин оғирлиги (гр, идиш оғирлигисиз).

q_1 – намунанинг тўкишдан аввалги оғирлиги (гр. идиш оғирлигисиз).

Бўкиш коэффициенти о/н ва I навли тешиккулча маҳсулотлари учун 2,5 юқори о/н I навли сушкалар учун 3.

Ишнинг жавоби:

Маҳсулот номи:

Органолептик кўрсаткичлари:

Ташқи кўриниши:

Шакли-

Юзаси-

Ранги-

Ички қисми ҳолати-

Таъми-

Хиди-

Нозиклиги-

Бўкиши-

Нордонлиги-

Намлиги-

Сухарий маҳсулотлари сифат кўрсаткичларини аниқлаш

Назарий қисм:

Сухарий маҳсулотлари буғдой уни олий нав, I навларидан шакар, ёғ, тухум ва бошқа қўшимча хом ашёлар қўшиб тайёрланади. Ҳар бир сухарий маҳсулотлари тури учун алоҳида ўлчамлар (эни, бўйи, баландлиги) ва 1 кг сухарийлар сони белгиланган. Сухарийлар бир-биридан юза қисмининг безаги билан фарқланади.

Масалан: «кофейний» сухарий юзасига шакар, «Осенние» сухарийги майизли бўлиб юзасига шакар сепилган бўлади.

Сухарий маҳсулотлари органолептик кўрсаткичлари: ранги, таъми, хиди, нозиклиги, физик-кимёвий кўрсаткичлари – намлиги, нордонлиги, бўкиши, ёғ ва шакар миқдори.

Физик кимёвий кўрсаткичлари:

Намлиги – 8% - 12% гача;

Нордонлиги 4⁰ гача бўлиши керак;

Бўкиши – тўлиқ ва бир текис бўлиши керак:

«Детский», «Школьный», «Дорожний» - сухарийлари бўкиши 2 мин. қолган турлари – 1 мин. бўкиши керак.

Нозиклигини пастлиги, бўкиш вақтининг юқориларига маҳсулотнинг эскилигидан, ғоваклигининг пастлиги печ камерасидаги т пастлиги ва пишиши давомийлиги узун бўлганлигидан далолат беради.

Сухарий маҳсулотлари сақлаш муддати:

-молочные, любительские, горчичные с маком – 45 кун;

-башқа сухарийлар – 60 кунгача;

-қадоқланган сухарийлар – 30 кунгача.

Ишнинг бориши:

Сухарийлар органолептик кўрсаткичлари ўртacha намунадан аниқланади. 1кг.да сухарийлар сони ҳисобланади. Ранги, хиди, таъми, ташқи кўриниши органолептик баҳоланади.

Сухарийлар шакли технологик йўриқномада кўрсатилганидек бўлиши керак.

Нозиклиги 2 дона сухарийни бўлиб аниқланади. Оширма сухарийлар бўкишини аниқлаш учун 2 та сухарий тигел қисқичлар ёрдамида вертикал ҳолатда t=60⁰ бўлган сувга баравар туширилади (1-2 мин). Маҳсулотнинг бир текис ва тўлиқ бўкиши кузатилади. Сухарий маҳсулотлари физик-кимёвий кўрсаткичлари пишиб чиққандан сўнг 24 соат ўтгач аниқланади.

Сухарийлар намлигини аниқлаш учун сухарий бўлаклари лаборатория тегирмончасида майдаланилади ва № 24 ракамли бюксларга 5 гр.дан жойлаштирилиб СЭШ қуригичда 130⁰ 40 мин давомида қуритилади.

Маҳсулот намлиги % қуйидаги формуладан ҳисобланади.

$$W_{cuy} = m_1 - m_2 / m \%$$

m₁ – маҳсулот билан бюкс оғирлиги, қуритишдан аввал (гр)

m₂ – маҳсулот билан бюкс оғирлиги қуритишдан сўнг (гр)

m – бўш бюкс оғирлиги.

Ишнинг жавоби:

Маҳсулот номи –

Ташқи кўриниши –

Шакли –

Юзаси –

Ранги –

Таъми, хиди –

Нозиклиги –

Намлиги –

Хулоса:

10- лаборатория иши. Мавзу: Макарон махсулотлари сифат кўрсаткичларини аниқлаш.

Ишдан мақсад:

Макарон махсулотларини органолептик баҳолаш, намлик, кислоталилик қайнатиш хоссалари, мустахкамлиги, синиқлар, ушоқлар ва деформацияланган махсулотларининг миқдорини аниқлаш

Иш бажариш тартиби:

Макарон махсулотларининг сифатини органолептик баҳолаш. Макарон махсулотларини ташки қўриниши ранги, юзаси, шакли билан тавсифланади. Макарон махсулотларининг ранги, рангли кремсимон ёки сариқ тусли бир жинсли бўлади. Каттиқ буғдойдан ишлаб чиқарилган махсулот олтин–сариқ, ранг, қаҳрабосимон рангли, юмшоқ буғдой ёрмачасидан кремсимон–сариқ, олий навли буғдой унидан оч кремсимон рангли бўлади. Юзаси силлиқ бўлиши керак. Дағал юза махсулотни ташки қўринишини ёмонлаштиради ва қайнатиш жараёнида суюқликлакни лойқалаштиради. Макарон махсулотларини синдирилганда шаффоф бўлиши керак. Махсулотни шаклини тўғрилиги узун махсулотлар тўғри ва девор қалинлиги бир текис бўлиши киради.

Макарон махсулотларининг таъми ва хиди.

Таъми ва хиди турига хос, бегона таъмлар ва хидларсиз бўлиши керак.

Макарон махсулотини намлиги ва кислоталилигини аниқлаш учун намуна тайёрлаш

50 г макарон махсулоти хавончада майдаланилади ва тешиклар диаметри 1 мм бўлган элақдан тўлиқ ўтгунча лаборатория тегирмонида майдаланилади. Элақдан ўтган масса намликни ўлчаш учун олинади. Қолган қисми № 27 эланади. Элақда қолган қисми билан аралаштирилиб кислоталиликни аниқлаш учун ишлатилади.

Макарон махсулотларининг намлигини аниқлаш

Дастлаб қуритилган ва ўлчанган металл бюкслар (диаметри 4 см, баландлиги 20мм) га 0,1г аниқликда ўлчанган майдаланган 5 г макарон махсулоти ўлчаниб солинади. СЭШ – 1 қуритиш шкафи 130°C гача қиздирилади. Шкафга тезда 10 бюкс тортимлар билан қўйилади, ҳарорат пасаяди. Ҳарорат 10 минут давомида 130°C га кўтарилиши керак. Ҳарорат 130°C га етгандан бошлаб тортим 40 минут қуритилади. 40 минутдан сўнг бюкслар шкафдан олинниб, қопқоғи ёпилиб эксикаторда 20 – 25 минут совитилади ва тортилади. Намлик қўйидаги формула билан аниқланади.

$$W = \frac{M_2 - M_1}{M} \cdot 100\%$$

бу ерда; M_2 – бюксни тортим билан қуритилганча бўлган массаси, г.

M_1 – қуритилгандан кейинги массаси, г.

M – тортим массаси, г.

Макарон махсулотларининг кислоталилигини аниқлаш

Тахлил учун ажратилган намунадан техник тарозида 5г макарон махсулоти тортилади ва қуруқ конусимон колбага солиниб 30 – 40мл дистирланган сув қўйилади. Колбадаги 5 минут давомида ёпишган заррачалар дистилланган сув билан ювилади. 5 томчи фенолфталеин томизилиб, 0,1н NaOH эритмаси билан бир минут давомида йўқолмайдиган пушти ранг хосил бўлгунча титрланади.

Кислоталилик қуидаги формула билан аниқланади.

$$X = 2 \cdot a \cdot K^oH$$

а – титрлашга кетган 0,1н NaOH эритмасининг хажми мл.

К – ишкор эритмаси титрига тузатма.

Макарон мустахкамлигини Строгонов асбобида аниқлаш

Строгонов асбобининг рақамли тарози юзасига махкамланган устунга 30 см ли макарон трубкаси жойлаштирилади. Сүнгра макарон трубкасига куч билан таъсир этилади. Секин-аста штурвал рукояткаси ёрдамида айлантирилиб трубка синмагунча юк механизми билан босилади. Трубкани синиш вақтидаги тарози стрелкаси рақам кўрсаткичи синдирадиган кучни аниқлайди. Кетма-кет ўн марта махсулотни мустахкамлиги аниқланади, ўнта тажрибан ўртага арифметик натижалари қийматдан натижга хисобланади.

Макарон маҳсулотларини қайнатиш хоссаларини аниқлаш

50 – 100г макарон маҳсулот устига ўн марта кўп миқдорда қайнатган сув солиниб, тайёр бўлгунча қайнатилади. Тайёр бўлганлиги макарон кесилганда қўндаланг қисмida унли ва қайнамаган қисмлари бўлмаслигидан аниқланади. Маҳсулот қайнагандан сўнг элакка солиниб органолептик баҳоланади.

Ишнинг натижаси: Органолептик кўрсаткичлари

Кўрсаткичларни номланиши	Тавсифи	Кўрсаткичларни номланиши	Тавсифи
Ташки кўриниши Юзаси Синиклар		Шаклини тўғрилиги Ранги Таъми, хиди	

Макарон намлиги _____ %

Кислоталиги _____ град

Макарон мустахкамлиги _____

Макарон маҳсулотлари
қайнатиш хоссалари. _____

Хулоса: натижалар

11- лаборатория иши. Мавзу: Унли қандолат маҳсулотлари сифат қўрсаткичларини аниқлаш.

Ишдан мақсад:

Печенье сифатини органолептик баҳолаш. Печенье намлиги, ўлчамлари ишқорлиги, бўкувчанлигини аниқлаш услубларини ўрганиш.

Иш бажариш тартиби:

Органолептик баҳолаш. Печеньени сифати уни шаклига кўра баҳоланади (квадрат, тўғри бурчакли, думалоқ, овал). Печеньени юзаси текис, расмлари аниқ, шишиб қолмаган бўлиши керак.

Печеньеларнинг размери квадрат - 65x65мм, тўғри бўлакли 90x60мм, думалоқ диаметри 75 мм. Печеньеларни қалинлиги 7,5мм бўлиши керак.

Печенье намлигини аниқлаш. Печенье таркибидаги намлик 5г тортимни 40-минут давомида 130°C ли шкафда аниқланади.

Дастлаб қуритилган ва тортилган металл бюкслар (диаметри 4см, баландлиги 20мм) га 0,1г аниқликда ўлчанган бўлиб, унга майдаланган 5г маҳсулот ўлчаниб солинади. СЭШ – 1 қуритиш шкафи 130°C гача қиздирилади. Шкафга тезда 10 буюкс тортимлар билан қўйилади, ҳарорат пасаяди. Ҳарорат 10 минут давомида 130°C га кўтарилиши керак. Ҳарорат 130°C га етгандан бошлаб тортим 40 минут қуритилади. 40 минутдан сўнг бюкслар шкафдан олинниб, қопқоғи ёпилиб эксикаторда 20 – 25 минут совитилиди ва тортилади. Намлик қўйидаги формула билан аниқланади.

$$W = \frac{M_2 - M_1}{M} \cdot 100\%$$

бу ерда: M_2 – бюксни тортим билан қуритилганча бўлган массаси, г.

M_1 – қуритилгандан кейинги массаси, г.

М – тортим массаси, г.

Печенье ишқорлигини аниқлаш. Агар сирланган печенье бўлса, сири олинниб техник тарозида 25г майдаланган печенье ушоғи олинади ва 500мл қуруқ колбага солинади. 250мл ўлчамли колбада хона ҳароратли дистилланган сув олинади ва тортимга қўйилади. Колба ҳар 10 минутда чайқатилиб, 30 минут ёпиб тиндирилади. Сўнгра устки қавати элак ёки марли орқали сузилиб қуруқ колбага солинади, пипетка ёрдамида 50мл дан икки порция олинади, тўрт томчи 1% ли кўк бром тимил спиртли эритмаси томизилиб 0,1н хлорид ёки сулфат кислотаси билан титрланади. Титрлаш кўк ранг сарик рангга ўтгунча давом этади.

$$X = 2 \cdot a \cdot k^{\circ}H$$

бу ерда: а – титрлашга кетган 0,1н кислота хажми, мл.

к – кислота титрига тузатма

Ҳамма навли печеньелар учун кислоталилик 2°H дан ошмаслиги керак.

Печеньенинг бўкувчанлигини аниқлаш. Печенье бўкувчанлигини аниқлаш учун камида 6 дона печенье олинади. Маҳсус уч қаватли металл сетка сувга тушурилади ва олинниб ташқи қисми фильтр қофози билан артилиб тортилади. Сетканинг ҳар бир қаватига бир донадан печенье қўйилиб техник тарозида тортилади.

Сетка икки минутга хона ҳароратидаги сувли идишга солинади. Сетка олинниб ташқи томони артилиб бўккан маҳсулот билан тортилади.

Бўккан печенье қуруқ печенье массасига нисбати бўкиш даражасини ифодалайди.

$$X = \frac{(M - M_1) \cdot 100}{M_2 - M_1} \%$$

бу ерда: M – сетканинг бўккан маҳсулот билан массаси, г.

M_1 – бўш сетка массаси, г.

M_2 – сетканинг қуруқ печенеъ билан массаси, г.

Ишнинг натижаси:

Органолептик кўрсаткичлари:

Кўрсаткичла рнинг намланиши	Тавсифи	Кўрсаткичлар нинг номланиши	Тавсифи
шакли юзаси ранги		си нишдаги кўриниши хиди ва мазаси консистенцияси	

Печеъе намлиги _____ % .

Печеъе ишкорлиги _____ град.

Печеъенинг бўкувчанлиги

Адабиётлар

1. Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет
2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
4. Пащенко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.-М.:КолосС, 2006.-389с.
5. Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.
6. Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272
7. Лурье И.С. Технология кондитерского производства: Учебник.-М: Агропромиздат, 1992.-400 с.
8. Медведов Г.А. Технология макаронного производства. М.: Колос, 1998. – 272
9. Рустамбекова Р.Т., Айходжаева Н.К. «Нон маҳсулотлари технологияси» фанидан маъруза матнлари, ТошКТИ, 2002 й.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА МАТЕРИАЛЛАР

(мустақил иш топшириқлари)

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

"Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари технологияси" фанини ўрганувчи талабалар аудиторияда олган назарий билимларини мустаҳкамлаш ва Республикамиз озиқ-овқат корхоналаридаги микробиологик масалаларни ечишда кўникма ҳосил қилиш учун мустақил таълим тизимиға асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигига, мустақил иш бажарадилар. Бунда улар қўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб рефератлар ва илмий докладлар тайёрлайдилар, амалий машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўргазмали куроллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини хисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- маҳсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш ва реферат ҳамда конспектлар тайёрлаш.
- янги техникаларни ,аппаратураларни, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;
- компьютер технологиялари тизимлари билан ишлаш;
- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мазмунларини чуқур ўрганиш ;
- масофавий (дистанцион) таълимни ташкил этишда қатнашиш;
- интерактив ва муаммоли ўқитиш жараёнида фаол қатнашиш;
- рейтинг баҳолашга тайёрлаш.

Лаборатория ва амалий машғулотларини бажариш ва ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Маъзуза машғулотларида олган билим ва кўникмаларини амалий машғулотларда хисоб-китоб ишларини амалга ошириш ва лаборатория машғулотларида лаборатория ишларини бажариш билан мустаҳкамлайдилар ҳамда янада бойитадилар.

Талабалар мустақил таълимининг мазмуни ва ҳажми

Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид бўлим ва мавзулари	Мустақил таълимга оид топшириқ ва тавсиялар	Бажарилиш муддатлари	Ҳажми (соатда)
Нонвойлик касбининг ривожланиш тарихи.	Нонвойлик касбининг ривожланиш тарихини ўрганиш.	2-хафта	4
Нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган арпа уни, маккажўхори уни, соя уни кепакларнинг таснифи.	Нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган арпа уни, маккажўхори уни, соя уни кепакларнинг таснифи.	3-4-хафта	4
Миллий нон маҳсулотлари пиширишнинг ўзига хослиги.	Ўзбек миллий нонлари ишлаб чиқариш технологияси. Ўзбек миллий	5-6-хафта	4

	нонлари ассор-тиментининг қисқача таснифи.		
Пишириш қолиплари, листлар, подлар турлари	Уларнинг нон ишлаб чиқаришдаги роли.	7-хафта	4
Пархез нон маҳсулотлари тайёрлашда ишлатиладиган кўшимча хом ашёлар.	Пархез нон маҳсулотлари тайёрлашда ишлатиладиган кўшимча хом ашёларнинг афзаллик томонлари.	8-9-хафта	4
Ноннинг қотишига қарши чора тадбирлар.	Ноннинг қотишига қарши чора тадбирларни ўрганиш.	10-хафта	4
Макарон маҳсулотлари турлари.Шакли,хиллари ва ўлчамлари.	Макарон маҳсулотлари турлари.Шакли,хиллари ва ўлчамларини ўрганиш.	11-хафта	4
Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёрдамчи материаллар.	Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёрдамчи материалларни ўрганиш.	12-13-хафта	4
Какао дуккагини етиштириш, уни тузилиши, ўлчамлари, навлари, кимёвий таркиби.	Какао ўсимлигини етиштириш, уни саноатда ишлатилашини ўрганиш.	14-15-хафта	4
“Ассорти “шоколадли конфетларига шакл бериш.	“Ассорти“ шоколадли конфетларига шакл беришни ишлаб чиқариш корхоналари мисолида ўрганиш.	16-хафта	4
Торт ва пирожнийларни бадиий безаш.	Торт ва пирожнийларни бадиий безашни ўрганиш.	17-хафта	6
Тайёр маҳсулотни сақлаш учун жихозлар турлари ва уларнинг аҳамияти	Тайёр маҳсулотни сақлаш учун жихозлар турлари ва уларнинг аҳамиятини ўрганиш.	18-хафта	6
Жами:			52

П. ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШЛАРИ МАВЗУЛАРИ БҮЙИЧА МЕТОДИК МАТЕРИАЛ.

1-тавзу: Нонвойлик қасбининг ривожланиш тарихи 4с.

Методик тавсиялар: Республикада нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиши. Нон тайёрлашдаги асосий жараёнлар Унни қабул қилиш, сақлаш, ишлаб чиқаришга тайёрлаш. Нонвойлик хамир турушлари, туз ва бошқа хом ашёлар.

Адабиётлар ва манбалар:

1. “Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
2. Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.
3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
4. Лурье И.С. Технология кондитерского производства: Учебник.-М: Агропромиздат, 1992.-400 с.

2-тавзу: Нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган арпа уни, маккажӯхори уни, соя уни кепак. 4с

Методик тавсиялар: Нон чиқиши хақида тушунча. Нон чиқишини хисоблаш. Технологик сарфлар ва йўтишлар уларни камайтириш йўллари

Адабиётлар ва манбалар:

1. “Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
2. Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.
3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
4. Лурье И.С. Технология кондитерского производства: Учебник.-М: Агропромиздат, 1992.-400 с.
5. Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272 с.
6. Пащенко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.-

3-тавзу: Миллий нон маҳсулотлари пиширишнинг ўзига хослиги. 4с

Методик тавсиялар: Буғдой унидан, жавдар унидан, буғдой-жавдар унлари аралашмасидан тайёрланадиган нонлар. Булочка, ширмой маҳсулотлар. Миллий нонлар, пархез нон маҳсулотлари турлари. Тешиккулча, қоқнон (сухарий) маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси. Тешиккулча, қоқнон (сухарий) маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган жиҳозлар.

Адабиётлар ва манбалар:

1. “Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
2. Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.
3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
4. Лурье И.С. Технология кондитерского производства: Учебник.-М: Агропромиздат, 1992.-400 с.

4-тавзу: Пишириш қолиплари, листлар, подлар турлари .4с

Методик тавсиялар: Хамир нонни пишириш давомида бўлиб ўтадиган жараёнлар. Нон тайёрлигини аниқлаш. Нон пишиши давомида оғирлигининг камайиши ва унинг ахамияти. Пишириш печлари

Адабиётлар ва манбалар:

1. “Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
2. Айходжаева Н.К., Джахангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси: Ўкув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.
3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
4. Лурье И.С. Технология кондитерского производства: Учебник.-М: Агропромиздат, 1992.-400 с.
5. Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.-272 с.

**5-тавзу: Пархез нон маҳсулотлари тайёрлашда ишлатиладиган қўшимча
хом ашёлар. 4с**

Методик тавсиялар: Буғдой унидан, жавдар унидан, буғдой-жавдар унлари аралашмасидан тайёрланадиган нонлар. Булочка, ширмой маҳсулотлар. Миллий нонлар, пархез нон маҳсулотлари турлари. Тешиккулча, қоқон (сухарий)маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси. Тешиккулча, қоқон (сухарий) маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган жиҳозлар.

Адабиётлар ва манбалар:

1. Васиев М.Ф., Васиева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент F.Фулом номидаги нашриёт матбаа - 2002 й -128 б.
2. Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.
3. Пучкова Л.И. Лабораторный практикум по технологии ХПП. М.: «Колос» 1982г..

6-тавзу: Ноннинг қотишига қарши чора тадбирлар 4с

Методик тавсиялар: Хом ашё сифатининг пастлигидан, технологик режимнинг бузилиш натижасида келиб чиқсан нон нуқсонлари. Нон касалликлари ва уларга қарши чора тадбирлар

Адабиётлар ва манбалар:

1. Васиев М.Ф., Васиева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент F.Фулом номидаги нашриёт матбаа - 2002 й -128 б.
2. Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.
3. Пучкова Л.И. Лабораторный практикум по технологии ХПП. М.: «Колос» 1982г..

7-тавзу: Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёрдамчи материаллар. 4с

Методик тавсиялар: Унли қандолат маҳсулотлари тавсифи, турлари ва уларнинг озукавий қиммати. Печене, крекер ва галетли печенелар ишлаб чиқариш технологик схемалари. Печене хамири тайёрлаш. Хамирга шакл бериш. Шакл берувчи жиҳозлар. Печене хамирини пишириш. Пишириш печлари. Печенеларни совутиш, ўраш ва қадоклаш. Маҳсулотни сақлаш шароитлари ва сақлаш муддати. Сифатига қўйиладиган талаблар

Адабиётлар ва манбалар:

1. Васиев М.Ф., Васиева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб

чиқариш технологияси Дарслик Тошкент F.Гулом номидаги нашриёт матбаа - 2002 й -128 б.

2. Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.

3. Пучкова Л.И. Лабораторный практикум по технологии ХПП. М.: «Колос» 1982г..

8-тавзу: Макарон маҳсулотлари турлари.Шакли,хиллари ва ўлчамлари. 4с

Методик тавсиялар: Макарон маҳсулотлари технологияси ишлатиладиган хом ашёлар
Макарон маҳсулотлари турлари ва уларнинг озуқавий қиймати

Адабиётлар ва манбалар:

1. Васиев М.Ф., Васиева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент F.Гулом номидаги нашриёт матбаа - 2002 й -128 б.
2. Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.
3. Пучкова Л.И. Лабораторный практикум по технологии ХПП. М.: «Колос» 1982г..

9-тавзу: Какао дуккагини етишириш, уни тузилиши, ўлчамлари,навлари,кимёвий таркиби.“Ассорти “шоколадли конфетларига шакл бериш. 6с

Методик тавсиялар: Пирожний ва торплар ишлаб чиқариш технологик чизмалари. Торт ва пирожнийлар айрим гурухлари тавсифи. Пиширилган ярим фабрикатлар турлари, ретсептураси, уларни тайёрлаш. Ярим фабрикатларни бўлиш, шакллаш, пишириш ва совутиш.

Адабиётлар ва манбалар:

1. Васиев М.Ф., Васиева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент F.Гулом номидаги нашриёт матбаа - 2002 й -128 б.
2. Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.
3. Пучкова Л.И. Лабораторный практикум по технологии ХПП. М.: «Колос» 1982г..

10-мавзу:Торт ва пирожнийларни бадиий безаш. 6с

Методик тавсиялар: Безовчи яриб фабрикатларни тайёрлаш ретсептураси Торт ва пирожнийларни бадиий безаш. Тайёр маҳсулотни қадоқлаш. Технологик жараёнда ишлатиладиган жиҳозлар. Тайёр маҳсулотни сақлаш. Ишлаб чиқаришни бактериологик назорат қилиш

Адабиётлар ва манбалар:

1. Васиев М.Ф., Васиева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент F.Гулом номидаги нашриёт матбаа - 2002 й -128 б.
2. Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.
3. Пучкова Л.И. Лабораторный практикум по технологии ХПП. М.: «Колос» 1982г..

Курс лойиҳасини бажариш ва расмийлаштириш учун

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Курс лойиҳасининг мақсади.

Курс лойиҳасининг асосий мақсади назарий билимларни мустаҳкамлаш ва чукурлаштириш, мустақил, ижодий муҳандислик, илмий-тадқиқот ишларини бажариш кўнкималарини такомиллаштириш.

Курс лойиҳаси мустақил ўкув иш турларидан бири бўлиб, ўз олдига мустақил ижодий ишлаш малакаси ва кўнкималарни ривожлантиришни, замонавий илмий-тадқиқот усулларини эгаллашни, нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари саноатининг асосий илмий техник масалаларини ечишни, фан бўлимининг мавзусини чуқур ўрганишни мақсад қилиб қўяди.

2. Курс лойиҳасининг ташкил этиш.

Курс лойиҳасини бажаришдан олдин фаннинг назарий қисми билан танишиб чиқилади.

Курс лойиҳасини кафедра мудири томонидан тайинланган ўқитувчи раҳбарлигида бажарилади.

Курс лойиҳасини бажариш учун раҳбар ўқитувчи тузган ва кафедра мудири томонидан тасдиқланган шахсий топшириқ берилади. Курс лойиҳаси тегишли фан бўйича ўкув режасида ажратилган вақт давомида бажарилади.

3. Курс лойиҳасининг мавзуси ва ҳажми.

Курс лойиҳасининг мавзулари нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари соҳасига қўйиладиган талабларга жавоб бериши ва тегишли илмий-тадқиқот институти ва нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари саноати корхоналари билан келишилган ҳолда кафедра ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилади.

Ҳар бир курс лойиҳаси технологик ускуналар ва технологик жараёнларни такомиллаштириш, нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари саноати соҳасидаги фан ютуқлари, янги технологик ускуналардан фойдаланиб, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турини кўпайтириш, уларни сифатини яхшилаш ва корхона самарадорлигини ошириш каби мустақил ижодий ишларни ўз ичига олиши керак.

Курс лойиҳасини бажариш учун зарурий маълумотлар, намунавий курс лойиҳаси хужжатлари, маҳсулот ассортименти ва бошқа маълумотлар тавсия этилади.

Курс лойиҳаси график қисми ва тушунтириш хатидан иборат бўлади. Курс лойиҳасининг тушунтириш хати таркибиға қўйидагилар киради:

- 1. Кириш.**
- 2. Ишлаб чиқариш технологик чизма таърифи.**
- 3. Хом ашё ва тайёр маҳсулот тавсифи.**
- 4. Корхона қувватини ҳисоблаш.**
- 5. Моддий ҳисоб.**
- 6. Ускуналарнинг танлаш ва ҳисоблаш.**
- 7. Техно-кимёвий назорат.**
- 8. Фойдаланилган адабиётлар.**

Курс лойиҳаси 210x297 форматдан 25-30 бет қўлёзма вараглар ҳажмидаги ҳисоб тушунтирув ёзувидан ва А1 форматдан 1 вараг ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик схемасидан иборат.

4. Курс лойиҳасининг тушунтириш қисмини тузилиши.

4.1 Кириш.

“Кириш” қисмида соҳанинг ривожланиши ва истиқбол режаларини ёритиши.

4.2 Ишлаб чиқариш технологик схема таърифи.

Лойиҳанинг бу қисмида чизмада келтирилган технологик схема барча позициялари билан тўлиқ тасвирланган бўлиши керак. Агарда ишлаб чиқариш реконструкцияланган бўлса амалдаги технологик схема киритилган ўзгартиришлар билан биргаликда тасвирланиши керак.

Технологик схеманинг баёни чизмада келтирилган схемага айнан мос бўлиши керак.

Схеманинг баёнида хом ашё маҳсулотга айлангунча ўтадиган операциялар кетма-кетлиги бузилмаслиги керак. Шу билан бир қаторда цехлараро хом ашёни, материалларни ва тайёр маҳсулотни ташиш усуллари ҳам баёнда кўрсатилиши керак.

4.3 Хом ашё ва тайёр маҳсулот тавсифи.

Бу қисмида ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё ва тайёр маҳсулотни тавсифлари кўрсатилиб ўтилади. Яъни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган асосий хом ашёлар (ун, хамиртуруш, туз, сув) ва қўшимча хом ашёлар (шакар, маргарин, тухум, солод ва бошқаор) ҳақида корхонага келтирилиши, сақланиши ва ишлаб чиқаришда ишлатилиши кўрсатиб ўтилади ва охирида тайёр маҳсулотга тавсиф берилади.

4.4 Корхона қувватини ҳисоблаш.

Корхона қуввати печнинг ишлаб чиқаришига боғлик, асосан қолибли нонлар ФТЛ печларида, батон, подовой, нонлар, булочка, ширмой маҳсулотларини ПХС печларида, майда дона бай маҳсулотларини Винклер, Минел печларида тайёрлаш мумкин. Миллий нон маҳсулотларини Брувер Салихов печида тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

4.4.1 Печнинг 1 соатда ишлаб чиқиши.

$$P_{coat} = \frac{N^*n^*M^*60}{T} \text{ кг/соат}$$

N- печкадаги ишчи люлкалар сони ёки лентали печлар поди узунлиги бўйича маҳсулот қатори

n- люлқадаги маҳсулот сони ёки лентали печ поди эни бўйича 1 қатордаги маҳсулот сони

M- 1 дона маҳсулот стандарт оғирлиги

T- пишиш вақти

4.4.2 Печнинг 1 суткада ишлаб чиқиши.

$$P_{сут}=P_{coat} * T_c \text{ кг/сут}$$

T_c- печнинг суткадаги ишлаш соати.

4.4.3 Печнинг ишлаш графиги.

№.1

Печ номи	I смена 8 ⁰⁰ -20 ⁰⁰	II смена 20 ⁰⁰ -8 ⁰⁰

4.4.4 Корхонанинг бир суткада ишлаб чиқиши.

№.2

Маҳсулот номи	Печнинг 1 соатда и/ч кг/соат	Ишлаб чиқариш давоми, соат	sutkada ishlab chiqariш xisob bуйича

4.5 Моддий ҳисоб.

Бу қисм курс лойиҳасининг асосий бўлими бўлиб унинг асосида ишлаб чиқаришдаги тайёр маҳсулот чиқиши ишлаб чиқариш рецептураси ва хом ашё захиралари ҳисоблари амалга оширилади.

Тайёр маҳсулот чиқиши:

Хамир чиқишини қуйидаги формуладан топамиз.

$$M_x = \frac{M_{KM} * 100}{100 - W_x}$$

M_{KM} - хом ашёдаги қуруқ моддалар миқдори

W_x -хамирнинг намлиги, %

Хом ашё қуруқ моддалар жараёнининг
ҳисоблаш.

Хом ашё компонентлари	Оғирлиги, кг	Намлиги, %	Қуруқ моддалар	
			%	кг
Ун	M_{yh}	W_{yh}	$100 - W_{yh}$	$Y_{H_{KM}} = \frac{M_{yh} (100 - W_{yh})}{100}$
Хамиртуруш суспензия	M_{xt}	W_{xt}	$100 - W_{xt}$	
Туз эритмаси	M_t			
Шакар эритмаси	M_{sh}			
Маргарин	M_m			
Жами:	M			M_{KM}

$$M_x = \frac{M_{KM} * 100}{100 - W_x}$$

Тайёр маҳсулот чиқиши.

$$M_h = M_x \cdot \left(1 - \frac{\Delta m_x}{100}\right) \cdot \left(1 - \frac{\Delta m_{yh}}{100}\right) \cdot \left(1 - \frac{\Delta m_{yc}}{100}\right)$$

m_x - хамирнинг бижғиши давомида механик йўқотиши ва сарфи

m_{yh} - упёқ, хамир ноннинг пишиш давомида оғирлигининг камайиши

m_{yc} - усушка, сақлаш давомида иссиқ нон оғирлиги камайиши

Опарали хамир кориш учун ишлаб чиқариш рецептурасининг ҳисоблаш.

Ишлаб чиқариш рецептураси берилган рецептурага кўра тузилади. Бунинг учун печнинг бир соатда ишлаб чиқариши ва технологик параметрларни билиш керак.

4.5.1 Бир соатлик ун сарфи.

$$M_{yh} = \frac{P^c * 100}{M_h}$$

P^c - печнинг бир соатда ишлаб чиқиши

M_h - маҳсулот чиқиши, %

4.5.2 Хамир тайёрлаш учун ун сарфи

$$M_{\text{ун}} = \frac{V * q}{100}, \text{ кг}$$

V- дежа ҳажми

q- 100 л геометрик ҳажмдаги ун миқдори, кг

4.5.3 Опарага сарфланадиган ун миқдори

$$M_{\text{ун}}^{\circ} = \frac{M_{\text{ун}} * P}{100} \text{ кг}$$

M_{ун}- умумий ун сарфи, кг

P- опарадаги ун миқдори, %

4.5.4 Опарага сарфланадиган хамиртурууш сүспензияси сарфи

$$M_{\text{хт}} = \frac{M_{\text{ун}} * P_{\text{хт}} * (x+1)}{100}$$

P_{хт}- рецептура быйича хамиртурууш сарфи, кг

X- сувнинг нисбати

4.5.5 Опарадаги қуруқ моддалар миқдори жадвали

Опара компонентлари	Масса, кг	Намлик, %	Қуруқ моддалар	
			%	КГ

4.5.6 Опара чиқишини ҳисоблаш.

$$M_{\text{к.м}} = \frac{M_{\text{он}} * 100}{100 - W_{\text{он}}}$$

M_{к.м}- хом ашёдаги қуруқ моддалар миқдори, кг

W_{он}- опара намлиги, кг

4.5.7 Опара учун сарфланадиган сув миқдори

$$M_{\text{сув}} = M_{\text{он}} * M$$

M- опара компонентлари массаси, кг

4.5.8 Хамир учун сарфланадиган ун миқдори:

$$M_{\text{ун}}^x = M_{\text{ун}} * M_{\text{он}}^{\circ}, \text{ кг}$$

4.5.9 Хамирга сарфланадиган хом ашё миқдорини ҳисоблаш.

$$M_{\text{тз}} = \frac{M_{\text{ун}} * P_{\text{ха}}}{C}$$

С - эритма концентрацияси (туз, шакар)

Хамир компонентлари	Масса, кг	Намлик, %	Қуруқ моддалар
---------------------	-----------	-----------	----------------

4.5.10 Хамир чиқишини ҳисоблаш.

$$Q_x = \frac{M_{km}^x * 100}{100 - W_x}, \text{ кг}$$

M_{km}^x - хамирдаги қуруқ моддалар мөлдөри

W_x - хамир намлиги.

4.5.11 Хамир қоришга сарфланадиган сув мөлдөри

$$M_{cuv} = Q_x * M$$

M -хамирдаги компонентлар массаси, кг

Ишлаб чиқариш рецептұрасы.

Рецептура ва технологик режим	Опара	Хамир
1	2	3
Ун кг		
Туз эритмаси л		
Хамиртурууш сүспензияси л		
Опара кг		
Намлик %		
Бошланғич температура град		
Сүнгги нордонлик град		

5.Усқуналарни танлаш ва ҳисоблаш.

Ишлаб чиқариш печларини танлаш ва қувватини ҳисоблаш.
Ечнинг 1 соатда ишлаб чиқариши:

$$P_c = \frac{N * n * g * m * 60}{tn}$$

N - лист узунлиги бүйічә маҳсулот сони, дона

n - лист эни бүйічә маҳсулот сони, дона

t_n - пишиш давоми, минут

m -вагонеткадаги листлар сони, дона

g -маҳсулот оғирилгі, кг

$$P_c = \frac{(3 * 2) * 10 * 0,5 * 60}{16} = 112,5 \text{ кг/с}$$

Бир суткада техник ишлаш соатини ҳисоблаш.

$$P_{cym} = P_c * T, \text{ кг/сут}$$

T - ишлаб чиқариш давоми;

P_c - печнинг 1 соатда ишлаб чиқариш қуввати;

$$T = \frac{1800}{112,5} = 16 \text{ соат}$$

Печнинг бир суткада ишлаб чиқариши

$$P_{\text{сут}} = 112,5 * 16 = 1800 \text{ кг/сут} = 1,8 \text{ т/сут}$$

Печнинг ишчи графиги

Жадвал № 4

Печ номи	I- смена	II- смена
Винклер	8 ⁰⁰ -16 ⁰⁰	16 ⁰⁰ -24 ⁰⁰

Корхонанинг 1 сутка давомида ишлаб чиқариши

Жадвал № 5

Маҳсулот номи	Печнинг бир 1 соатда ишлаб чиқариш, кг	Ишлаб чиқариш давомийлиги, соатда	Суткада ишлаб чиқариши кг/сут	
Туркман чуреги	112,5	16	1800	1800

Печ ўлчамлари.

Жадвал № 6

Печ номи	Маҳсулот ўлчамлари, см		Пишиш давомийлиги	Печ ўлчамлари, мм		Лист бўйича маҳсулот сони, дона
	эни	бўйи		эни	бўйи	
Винклер	20-21	20-21	16			6

Моддий хисоб

Хом ашё таркибидаги қуруқ моддалар миқдорини ҳисоблаймиз.

Жадвал № 7

Хом ашё номи	Оғирлиги , кг	Хом ашё намлиги, %	Қуруқ моддалар	
			%	кг
1 навли ун	100	14.5	85.5	$\frac{100 * 85.5}{100} = 85.5$
Прессланган хамиртуруш	1.5	75	25	$\frac{1.5 * 25}{100} = 0.38$
Ош тузи	1.5	3.5	96.5	$\frac{1.5 * 96.5}{100} = 1.45$
Жами	103.0			87.8

Хамир чиқишини қўйидаги формуладаги топилади:

$$\chi_x = \frac{m_{km}}{100 - W_x}; \text{кг}$$

m_{km} – хом ашё таркибидаги қуруқ моддалар;

$$W_x - \text{хамир намлиги \%}; \quad \chi_x = \frac{87.3 * 100}{100 - 45} = 158.7 \text{ кг}$$

Тайёр маҳсулот чиқиши

Нон ва нон маҳсулотларининг чиқишини Б.Н.Николаев усули бўйича ҳисоблаймиз.

$$\varphi_H = \varphi_X * \left(1 - \frac{\Delta M_6}{100}\right) * \left(1 - \frac{\Delta M_{yH}}{100}\right) * \left(1 - \frac{\Delta M_{yc}}{100}\right); \%$$

ΔM_6 - хамирни бижғиши давоми;

ΔM_{yH} - ноннинг пишиши давомида хамир оғирлигининг камайиши (6-16%);

ΔM_{yc} - сақлаш давомида иссиқ нон оғирлигининг камайиши (2-4,5%);

$$\varphi_H = 158.7 * \left(1 - \frac{3}{100}\right) * \left(1 - \frac{9}{100}\right) * \left(1 - \frac{4.0}{100}\right) = 124\%$$

Хисоб бүйича нон (пишиши) чиқиши 126.8 %

Ишлаб чиқариш рецептурасини хисоблаш.

Ишлаб чиқариш рецептураси берилган рецептурага асосан тузылади. Бунинг учун печнинг 1 соатда ишлаб чиқариш ва технологик параметрларни билиш керак.

Хамир опарасиз усул билан дежаларда қорилади.

Хамир тайёрлаш учун 1 соатда ишлатиладиган ун сарфи:

$$M^c_{yH} = \frac{P_c * 100}{\varphi_H}; \text{кг}$$

P_c – печнинг бир суткада ишлаб чиқариши;

φ_H – нон чиқиши %;

$$M^c_{yH} = \frac{112.5 * 100}{124} = 90.7 \text{ кг}$$

Бир порция хамирдаги ун миқдори

$$M_{yH} = \frac{V * g}{100}; \text{кг}$$

V – дежанинг холати;

g – 100г геометрик хажмдаги ун миқдори, кг

$$M_{yH} = \frac{330 * 35}{100} = 115.5 \text{ кг}$$

Хамир тайёрлашга сарфланадиган хамиртурууш супензияси миқдори хисоби

$$M_{xt} = \frac{M_{yH} * P_{xt}(x+1)}{100}; \text{кг}$$

P_{xt} – рецептура бүйича хамиртурууш сарфи, кг

X – сувнинг нисбати;

$$M_{xt} = \frac{115.5 * 1.5(2+1)}{100} = 5.2 \text{ л}$$

1 литр хамиртурууш супензиясида 500 гр хамиртурууш бор.

Хамир учун сарфланадиган туз миқдори

$$M_{tuz} = \frac{M_{yH} * P_{tuz}}{C} = \frac{115.5 * 1.5}{26} = 5.6 \text{ л}$$

C – туз эритмаси концентрацияси, 26%

$$M_{cyt} = \frac{115.5 * 10}{100} = 11.55 \text{ кг}$$

Хамир чиқишини хисоблаймиз

$$M_x = \frac{M_{yH} * 100}{100 - W_x}; \text{кг} \quad M_x = \frac{101.8 * 100}{100 - 45} = 185 \text{ кг}$$

Хамир қоришга сарфланадиган сув миқдорини хисоблаймиз

$$M^x_{cyb} = 127.3 - 101.8 = 25.5 \text{ л}$$

Ишлаб чиқариш рецептураси ва технологик параметрлар

Хамир таркибидаги қуруқ моддалар миқдори

Жадвал-10

Хамир компанентлари	Масса , кг	Намлиги, %	Қуруқ моддалар	
			%	Кг
1 навли ун	111,5	14,5	85,5	98,75
Хамиртуруш суспензияси	5,2	75	58	1,3
Туз эритмаси	6,6	74	26	1,7
Жами	127,3	-	-	101,8

Жадвал-11

Рецептура ва технологик режими	Бирлиги	Хамир
1 навли бұғдой уни	кг	115,5
Хамиртуруш суспензияси	л	5,2
Туз эритмаси	л	6,6
Сув	л	25,5
Бошланғич харорат	°C	28-30
Бијкіш давоми	минут	210
Сүнгги тиниш	минут	40

Хом ашё захираси ҳисоби.

$$\text{Сутка давомида ун сарфи: } M_{\text{ун}}^c = \frac{P_c * 100}{\chi_h}; \text{кг}$$

P_c – печнинг бир суткада ишлаб чиқариши;

χ_h – нон чиқиши %;

$$M_{\text{ун}}^c = \frac{1800 * 100}{124} = 1452 \text{ кг}$$

Бир суткада прессланган хамиртуруш сарфи:

$$M_{\text{xt}} = \frac{1452 * 1.5}{100} = 22 \text{ кг}$$

Туз сарфи:

$$M_{\text{түз}} = \frac{1452 * 1.5}{100} = 22 \text{ кг}$$

Сутка давомида хом ашё сарфи:

Жадвал № 7

Маҳсулот номи	Ишлаб чиқариш	1 навли ун	Хамиртуруш	Ош тузи
Туркман чуреги	1800	1452	22	22

Хом ашё ва уни захирасини ҳисоблаш

Ун сақлаш учун БХМ русумли бункерлар танлаймиз.

Бункерлар сони

Жадвал № 8

Ун нави	1 суткада сарфи	Ун захираси, кг	Бункер		Бункерлар сони
			марка	сифим	
1 навли	1452	1452*7=10164	M- 111	15000	$\frac{10164}{15000} = 0.67 \approx 1$

Унни сақлаш учун 2 та бункер ўрнатамиз, 1 таси захира учун.

Хамиртуруш суспензиясини сақлаш учун сифим:

$$V_{x \text{ сут}} = \frac{Mcxt}{100 * c} =; m^3$$

M^c_{xt} - бир суткада хамиртуруш сарфи:

K – чангни кўпайиш коэффиценти – 1,2

t_c – ишлаб чиқаришга тайёрланган хамиртуруш сути микдори – 2 кун;

C – хамиртуруш концентрацияси, 1 литрда хамиртуруш микдори 0,5 кг

$$V_{x \text{ сут}} = \frac{22 * 1.25 * 2}{100 * 0.5} = 0.11m^3$$

Хамиртуруш суспензиясини сақлаш учун ХЕ- 48 сифимини танлаймиз.

Туз эритмасини сақлаш учун сифим ҳисоби:

$$V_{туз} = \frac{22 * 1.25 * 1.5}{100 * 26} = 0.02 m^3$$

26 – туз эритмаси концентрацияси

Туз эритмаси учун Т1-ХСР русумли сифим танлаймиз.

Ишлаб чиқариш учун қўйидаги технологик жихозлар ўрнатилган.

1. ун сақлаш учун бункери – М 111
2. ун эловчи машина – Рапид-Супер
3. хамиртуруш сутини сақлаш ХЕ – 46
4. туз эритмаси учун Т1-ХСР
5. хамиркорувчи машина “Винклер”, W-80-47
6. хамир бўлувчи машина “Винклер”
7. шакл берувчи машина “Винклер”
8. тиндириш шкафи “Винклер”
9. пишириш печи “Винклер”

Хамир қорувчи ва хамир бўлувчи машиналар ҳисоби

Печнинг нормал ҳисоби учун 1 соатда зарур бўлган дежалар сони хисобланади.

$$N = \frac{Mc / ун}{Myн}; \text{дона}$$

$$N = \frac{91}{99.0} = 0.8 \approx 1 \text{дона}$$

Хамир қориш ритми

$$R = \frac{Myн * 60}{Mc / ун}; \text{мин}$$

$$R = \frac{99.0 * 60}{91} = 65.2 \text{мин}$$

Технологик цикл учун зарур бўлган дежалар сони

$$T_{ц} = \frac{T}{R}$$

$$T = t_k + t_b + t_{k,o}$$

t_k - опара ва хамирни қориш вақти

t_b - опара ва хамирнинг бижғиши вақти

$t_{k,o}$ - қўшимча операциялар (дежа ювиш бўлаклаш)

$$T = 10 + 210 + 10 = 230 \text{ мин}$$

$$T_k = \frac{230}{65.2} = 3.5 \approx 4 \text{ дона}$$

Хамир қориш учун 4 та дежа оламиз.

Хамир қорувчи машина сони

$$N = \frac{t_m}{R} = \frac{30}{65.2} = 0.46 \approx 1$$

t_m – машинанинг банд бўлиши вақти

$$t_m = t_{\text{кориш}} + t_{\text{юклеш}} + t_{\text{бўшатиш}} + t_{\text{п кориш}}$$

$$t_m = 20 + 2 + 2 + 6 = 30 \text{ минут}$$

Хамир қориш учун “Винклер” линиясининг W-80-47 русумли машинани танлаймиз.

Хамир бўлувчи жихоз ҳисоби

$$N_b = \frac{Nn * X}{mg}$$

Nn – бир минутда зарур бўлган хамир бўлаклари сони

mg – хамир бўлувчи жихознинг 1 мин ишлаб чиқариш

X – тўхташ коэффициенти $X = 1.05$

$$N_n = \frac{Pc}{g * 60}$$

Pc – печнинг бир соатда ишлаб чиқариш

g – тайёр маҳсулот оғирлиги

$$N_n = \frac{112.5}{0.5 * 60} = 4 \text{ дона}$$

$$N_b = \frac{4 * 1.05}{4} = 1 \text{ ма}$$

Хамирни бўлаклаш учун “Винклер” линиясининг хамир бўлувчи машинаси танланади.

Хамир бўлакларини тиндириш учун “Винклер” линиясининг климатик камераси танланади.

Битта вагонеткада 20 та лист бор. Тиндириш учун зарур хамир бўлаклари сони:

$$N_{\text{тинд}} = \frac{Pc * T}{n * g * 60} = \frac{112.5 * 40}{4 * 0.5 * 60} = 37.5 \approx 38$$

n -листдаги маҳсулот сони

T -сўнгги тиндириш давоми

Тиндириш шкафи унумдорлиги

$$P_t = Np \frac{n * g * 60}{T} = 38 \frac{4 * 0.5 * 60}{38} = 120 \text{ кг / соат}$$

Хамирни тиндириш учун “Винклер” линиясининг тиндириш шкафи танланади.

Тайёр маҳсулотни сақлаши учун жиҳозлар сони.

Тайёр маҳсулотни сақлаш учун жиҳозлар сони лотоклар ва вагонеткалар сони хисоблашда тайёр маҳсулотлар сақлаш муддати эътиборга олинади. Бир соатда зарур бўлган лотоклар сони

$$\Pi = \frac{P}{n * g}$$

$$\Lambda = \frac{112.5}{20 * 0.5} = 11ma$$

Контейнерлар сони

$$N_k = \frac{Pc * tc}{n / лот * Mлот}; \text{дона}$$

$P_{\text{лот}}$ – контейнердаги лотоклар сони – 18 та

$M_{\text{лот}} = 20 * 0.5 = 10 \text{ кг}$

T_c – корхонада маҳсулот сақлаш муддати

$$N_k = \frac{112.5 * 6}{20 * 10} = 4 \text{ дона}$$

Фойдаланилган адабиётлар.

Тушунтириш хатини охирида рақамланған фойдаланилган адабиётлар рүйхати келтирилади. Бу қисмнинг таркибида лойиха матнида ишлатилған адабиётлар ва маълумот материаллари кўрсатилиши керак. Адабиётлар рүйхати алфавит тартиби бўйича жойлашиши лозим.

Адабиётлар манбаида қўйидаги маълумотлар бўлиши керак. Муаллиф, Ф.И.Ш, номи, чоп этилган жойи, босмахона, чоп этилган вақти, умумий бет сони.

Фойдаланилган адабиётларни расмийлаштириш мисоли.

1. Ауэрман Л.Я “Технология хлебопекарного производства.-М: Пищевая промышленность” 1984-512 с.

6. Курс лойихасини чизма қисмини бажариш.

Курс лойихасини чизма қисми ҳажми бўйича 1 чизмадан яъни технологик чизмадан иборат бўлади.

6.1 Ишлаб чиқариш технологик схемаси.

Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш усули танланғандан кейин ишлаб чиқариш технологик схемаси тузилади.

Чизмада жиҳозлар соддалаштирилған ҳолда кўрсатилади, лекин жиҳозларнинг нисбий ўлчамлари сақланиши лозим ва 1:50, 1:100 миқёсда берилиши тавсия этилади.

Чизмада жиҳозлар чапдан ўнг томонга технологик жараён йўналишига караб жойлаштирилади.

Маҳсулот ҳаракати бир жиҳоздан иккинчисига яхлит чизикда ортиқча синишилиз ва бошқа ҳаракат билан кесишиз кўрсатилади.

Маҳсулот йўналишини кўрсатувчи чизиқлар жуда узун бўлса, уларни узиб кўрсатиш мумкин. Бунда аппаратдан чиқиши ва қайси ускунага борса уни тартиб рақами, аппаратга келиши ва қайси ускунадан келгани кўрсатилади.

Чизмада кўрсатилған ҳар бир ускуна ўзининг тартиб рақамига эга бўлиши шарт. Рақам аппаратнинг ичига ёки сиртига чиқариб қўйилиши мумкин.

7. Курс лойихасини расмийлаштирилиши.

7.1 Тушунтириш ёзуви.

7.1.1 Ёзув қисми стандарт шаклидаги қоғозда бажарилади. Ёзув титул варагидан бошланади. Сўнгра талабага берилган топшириқ вараги, мундарижа ва матндан иборат бўлади.

7.1.2 Титул вараги компьютерда ёки ёзув машинаси ёрдамида тайёрланади. Мундарижа тушунтириш ёзувидаги ҳамма бўлимлар ва чизмалар рўйхати келтирилади ва алоҳида бетда бўлади.

7.1.3 Мундарижада тушунтириш ҳисоб ёзувидан барча бўлимларни ўз ичига олади. Бўлимлар, пунктлар, ҳисобларни ҳар бир варагига араб сони билан тартиб рақами қўйилади.

Бет рақамлари кетма-кет бўлиши шарт. Титул вараги, топшириқка бет рақамлари қўйилмайди.

7.1.4 Бўлим номлари қисқача бўлиб, мундарижага мувофиқ бўлиши лозим.

7.1.5 Бўлим номи ва матн орасидаги масофа 10 мм бўлиши керак. Олдинги бўлим охири ва кейинги бўлим бошланиши орасидаги масофа эса 15 мм бўлади ёки ёзув машинасида 4 интервалда бажарилади.

7.1.6 Ёзув матни тоза ва тушунарли қилиб ёзилган бўлиши керак. Ҳар бир варагнинг юқори қисмида унинг тартиб рақами кўрсатилади, чап томонида 25 мм, ўнг томонида 10 мм, пастки ва юқори қисмида 20 мм кенгликка эга бўлган хошия қолдирилади.

7.1.7 Ёзув матнида сўзларнинг кисқартирилиши ман этилади. Умумий қабул қилинган қисқартмалар бундан мустасно.

7.1.8 Ёзув матнида формуналар араб рақамлари билан белгиланади ва тартиб рақами матнинг ўнг томонида формула сатҳида жойлашади.

Курс лойихасининг тушунтириш ҳисоб ёзуви конструкторлик хужжатлари ягона системаси (ЕСКД), ГОСТ 2.105.79 ва ГОСТ 2.106.68лар талаблари бўйича бажарилади.

7.1.9 Ўлчов бирликлари СИ халқаро бирликлар тизимида келтирилади.

7.2 График қисм.

7.2.1 Чизмалар, ЕСКД ГОСТларига мувофиқ қилиб 24 формат варакда бажарилади. (594x841 ўлчамда: ГОСТ 2201x68).

7.2.2 Чизмаларда рамка бўлади, варақ четидан 5 мм хошия қолдирилади. Миқёс ГОСТ 2.302-68 га мос бўлиши лозим.

7.2.3 Ҳар бир чизмани пастки қисмининг ўнг томонида бурчак штамп чизилади. Штампда ўқув даргохининг номи, лойиҳа ва чизманинг номи варажлар сони ва варақ рақами келтирилади.

“Литер” қисмида К-курс лойиҳаси билан белгиланади.

7.2.4 Чизмага варажнинг ўнг бурчагида бурчак штампини устида пастдан юкорига қараб ускуналарни номланиши (экспликация) берилади.

8. Курс лойиҳасининг ҳимояси.

Курс лойиҳасининг ҳимояси кафедра мудири томонидан тасдиқланган ҳайъат мажлисида амалга оширилади.

Ҳимояга талаба чизма ва ҳисоб тушунтириш ёзувини раҳбар қўл қўйган ҳолда тақдим этади.

Ҳимояда талаба бажарилган лойиҳа бўйича қисқа (8-10) минут маъруза қиласи ва ҳайъат аъзолари, ҳимояда қатнашаётган ўқитувчилар саволларига жавоб беради.

Ҳимоя натижалари рейтинг тизими бўйича баҳоланади.

Қониқарсиз ҳимоя тақрор белгиланади ёки талабага янги мавзу берилади. Курс лойиҳасини белгиланган вақтда ҳимояга тақдим қилмаган ёки узрсиз сабабларга кўра ҳимоя қилмаган талаба академик қарздор деб ҳисобланади.

Бажарилган ва ҳимояланган лойиҳа кафедрага топширилади. У ерда бир йил давомида саклангач маҳсус ҳайъат қарори билан йўқотилади.

9. Тавсия этиладиган адабиётлар.

1.Ауэрман Л.Я. Технология хлебопекарного производства. 1984 год.

2.Гришин А.С., Покатила В.Г., Молодых Н.Н. “Дипломное проектирование предприятий хлебопекарной промышленности” 1986 год.

3.Михеев А.А. “Справочник по хлебопекарному производству” 1977 год.

4.Сборник технологических инструкций для производства хлеба и хлебобулочных изделий. 86 г.

5.М.Ф. Васиев, М.А. Васиева, Х.Ш. Илолов, М.А. Сайдходжаева “Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси” 2003 йил.

ГЛОССАРИЙ

атаманинг номланиши			атаманинг маъноси
ўзбек тилида	рус тилида	инглиз тилида	
автоюклагич	автогрузчик	autoship	автомобиль ва вагонларга юк ортиш ва тушириш, омборларда юкни тахлаш, саноат корхоналарида бир цехдан иккинчи цехга юк ташиш учун ишлатиладиган машина.
агрегат	агрегат	aggregate	(лот. <i>aggrego</i> — бирлаштираман, улайман) — техникада машина ёки машиналар мажмуининг бир хиллаштирилган, йириклиштирилган узели; алоҳида вазифаларни мустақил бажаради, ўзаро алмашинувчан бўлади, мас., ички ёнув двигателлари, автомобилларнинг олдинги ва кетинги кўприклари, электр двигателлар, насослар ва б.
адсорбция	адсорбция	adsorption	қаттиқ ёки суюқ моддалар (адсорбентлар) сиртига суюқ ёки газ ҳолидаги модда (адсорбат)ларнинг концентрланиши (ютилиши).
ажралмас бирикма	неотделимое соединение	inseparable combination	машиналарнинг айрим деталлардан яхлит қилиб ясалган қисм ва узеллари. пайванд бирикмалар, парчин михли бирикмалар, елимли, кавшарланган, прессланган, аралаш бирикмалар
ажралувчи бирикма	разлагающее соединение	disunite combination	машиналарнинг айрим деталлардан бўлакларга ажраладиган қилиб ясалган қисм ва узеллари. винтли, болтли, шпонкали, шлицали, понали бирикмалар
аппарат	аппарат	apparatus	(лот. <i>apparatus</i> — асбоб, ускуна) — 1) асбоб, мослама, жиҳозларнинг умумий номи
апробация	апробация		(лот. <i>approbatio</i> — тасдиқлаш, маъқуллаш) — 1) таҳлил қилиш ва текшириш асосида расмий равишда маъқуллаш, тасдиқлаш
асбоб	инструмент, прибор	instrument	(араб. — сабабнинг кўплиги) — бирор иш бажаришда ишлатиладиган қурол
асосий ишлаб чиқариш	основное производство	main production	асосий тармоқ — корхона и. ч. тузилмаси ва ихтинослашувининг режали йўналишини белгилайдиган тармоқ.
асосий материаллар	основные материалы	main materials	тайёрланадиган маҳсулот таркибига кирадиган ва унинг асосини ташкил этадиган материаллар.
бижгиш, ферментация	брожение, ферментация	turn sour	микроорганизмлар ёки улар ажратадиган ферментлар иштирокида органик моддаларнинг (асосан, углеводородларнинг) парчаланиш жараёни
БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)	(ФАО)пищева я и сельско-хозяйственная организация ООН а	food and agricultural organization UNO	хукуматлараро жаҳон ташкилоти, бмтнинг ихтинослашган муассасаси. 1945 й. тузилган. вазифаси: овқатланиш, озиқ-овқат, к. х. масалалари бўйича маълумотлар йигиш ва уларни ўрганиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва б.ни ишлаб чиқариш ва сотишни яхшилашга ёрдам бериш

воситачи	посредник	mediator	товар (хизмат)лар ишлаб ниқарувчилар б-н истеъмол этувчи (сотувчи ва харидор)лар ўртасида алоқалар ўрнатиш, шартномалар, контрактлар тузишда ёрдам кўрсатувчи шахс, фирма, ташкилот
конвейер	конвейер	conveare	корхонада бирор-маҳсулотни тайёrlаш бўйича узлуксиз тизим
стандарт	стандарт	standard	стандартланадиган объектга қўйиладиган ва ваколатли ташкилот томонидан тасдиқланган меъёр (норма)лар, қоидалар, талабларни белгиловчи норматив-техник хужжат
тара	тара	tare	маҳсулот (товар) қадоқланадиган, жойланадиган ва транспортировка қилинадиган юк ёки идиш
экспорт	экспорт	export	сотиш мақсадида товар ва хизматларни олиб чиқишидир
Крахмал	starch		уннинг энг мухим углеводи бўлиб хамирнинг крахмалл доначалари ундаги 40% намликни бирлаштиради. Кўпчилиш жараёнида крахмалнинг бир қисми В-амилазанинг таъсирида қандлашади ва хамирнинг меъёр даражасида кўпчиши учун зарур бўлган мальтозага айланади.
К и ё м	Noon,midday		турли хил қандларнинг (глюкоза, сахароза, малтоза фруктоза ва бошқалар) миқдори 40 % дан ортиқ бўлган эритмасига ёки уларнинг сувдаги аралашмасига айтилади.
Рецептура	retsept	рецептура	маълум навдаги нон маҳсулотини ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган алоҳида хом ашёлар нисбатларининг йиғиндинсига дейилади.
Ун	flour	мука	асосий хом ашё
Сув	water	вода	асосий хом ашё
Туз	saltu	солъ	асосий хом ашё
Маргарин	margarine	маргарин	кўшимча хом ашё
Мой	butter	масла	кўшимча
Хамиртуриш	Yeast,ieaven	дрожа	асосий хом ашё
Хамир	dough	тесто мучное	ун, сув, хамиртуруш, туз қўшиб қорилади
Сифат	quality	качество	Махсулот хоссаларини ўз ичига олиб, уннинг ишлатиш соҳасига тегишли талабларни қондира оладиган кўрсаттичига айтилади.

Тарқатма материаллар

No'annaviy xom ashyo turlari va qo'llanishi



Nonvoychilik, qandolatchilik va boshqa ko'pgina oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarishda asosiy xom ashyolar bilan bir qatorda ko'pgina an'anaviy bo'lмаган mahsulotlar ham ishlataladi. An'anaviybo'lмаган xom ashyolarga emul'gatorlar, parafin, asalari mumi, silikonkabimoddalar misol bo'лади

Parafin yuqori uglevodorod molekulasi neft' mahsuloti hisoblanadi. Tozalangan parafin hidsiz, ta'msiz yogsimon moddadir. U suvda va spirtda erimaydi. Organik erituvchilarda esa yaxshi eridi. Parafindan draje va karamel ishlab chiqarishda yaltiroklik bagishlovchi modda sifatida foydalilanildi. SHuning parafindan qandolatchilik mahsulotlarini o'rash uchun ishlataligan yopishmaydigan qogoz (parafinlangan qog'oz) ishlab chiqarishda foydalilanildi.



Teobromin. Bu modda kuruk fermentatsiya kilinmagan urug massasining 0,8-1,5 % ni tashkil kiladi. U nafakat dukkak urugida, balki urugning atrofidagi kakaovellada xam (0,5-1%gacha) mavjud. Kakao dukkagida biroz mikdorda *kofein* mavjud.

Kraxmal. Kraxmal kakao dukkaklarining xujayralarida kupinchcha oddiy bir yadroldidonlar kurinishida mavjud. Kuruk fermentlashtirilmagan dukkaklarda 5-9 % gacha kraxmal bor. Kraxmaldan tashkari, magiz saxaroza, glyukoza va fruktozaga boy. Tovar dukkaklarida bu kandlarning mikdori fermentasiya darajasiga boglik. Kuruk fermentlashtirilmagan kakao dukkaklarida kand mikdori 1-1,6 % ni tashkil kiladi. Kakao dukkaklari magzida 2,5 % ga yakin selluloza va 1,5 % pentozanlar mavjud; kakaovellada ular mos ravishda: 16,5 va 6 %.


Oksil moddalar. Kako dukkaklarida oksil moddalar, asosan, albumin va globulinlardan iborat. Kakao dukkaklaridagi oksil mikdori 10,3-12,5 % ni, kakao vellada esa 13,5 % ni tashkil kiladi.

Oshlovchi va buyovchi moddalar. Ular kakao dukkaklariga xos achchik, taxir ta'm va rangni beradi. Oshlovchi va buyovchi moddalar polimerli fenol birikmalar (polifenollar) guruxiga kiradi. Ularning kimmatlari xossalardan biri R vitaminini ta'siri xisoblanadi. Kakao dukkaklarining magzida oshlovchi va buyovchi moddalarining mikdori 4-7 % ni tashkil kiladi.



Qandolatchilik, nonvoychilik va makaron mahsulotlari ishlab chiqarishda ularga o'ziga xos hid va ta'm berish uchun kuppina maxsus kukunlar (poroshok) ishlataladi. Kukunlarning olishga kura ikki turi mavjud: sabzavot va meva-rezavor kukunlari. Sabzavot kukunlari karam, sabzi, oshqovoq, qand lavlagi va kartoshkadan, meva-rezavor kukunlar ega olma, nok va boshka mevalardan olinadi.

Sabzavot va meva-rezavor kukunlari maxsus zavodlarda kuyidagi texnologiya asosida olinadi:
 -meva-rezavor va sabzavotlarni zavoda keltirish;
 -xom ashyni aralashmalar, meva-bandlari va barglardan tozalash va yuvish.
 -xom ashyni pasti, urug'i va boshqa qismrlardan holi etish;
 -yanchish va bo'tqa xoliga keltirish;
 -bo'tqadan sabzavot va meva-rezavor sokini ajratib olish;
 -sokni tozalash va quritishga yuborish;
 -quritilgan kukunni tozalash va qadoqlash.





СИРКА кислотаси -
 (CH_3COOH) ўткир, күчлик
 суюқ кислоталар түркүміга киради.
 Саноатда кислота спиртни ачитиб
 олинади.

Сирка кислотаси оз миқдорда түрли
 таомларга құшиб истеъмол
 қилинади ва консерва саноатыда
 маринадлар тайёрлашда
 консерваловчи восита сифатыда
 кенг құпланади.

ЛИМОН кислотаси - ($\text{C}_6\text{H}_8\text{O}_2$) лимонда (5-7%) ва
 бошқа меваларда соф ҳолда учрайди. Саноатда эса
 қандни бижгитиш йўли Билан олинади. Юмшоқ,
 нағис, нордон таъмли оқ ялтироқ кристалл
 кўриниши бўлади. У қандолат ва спиртсиз
 ичимликлар саноатыда кенг қўлланилади.





Ун, асосан, бүгдой ва жавдардан, бальзан арпа, маккаждӯҳори, сули, нӯҳат, соя ва бальзи бощка экинлардан тортилади. Ун тур, тип ва сортларга бўлинади. Уннинг тури ун олингган дон экини билан белгиланади. Нима мақсадга мўлжалланганлигига караб уннинг турлари типларга (нонбоп, макаронбоп ва х.к.), уннинг тур ва типлари эса сифатига караб, товар сортларига бўлинади.



Нон бүгдой ва жавдар унидан ёпилади. Тўйимлилигини ошириш мақсадида айрим сорт нонларга сут, ёғ, шакар, тухум, киём, солод, майиз сингари маҳсулотлар, тъъмлилик эса кўкнор ургуи, седана, кашнич сепилади, арпабодён, ваниль, ванилин, заъфар ва бошқалар солинади.



Миллий сорт нонлар. Ноннинг одатдаги сортларидан ташкари, айрим республикаларда миллий сортлари хам ишлаб чиқарилади. Улар одатдаги сортлардан ҳамирининг таркиби, таъёрлаш жаҳаёни, пишириш воситалари (тандир нони, шакли, ўчами, ташки безати, тъёми ва бошқалари) билан фарқланади. Ноннинг миллий сортлари: озарбайжон чураги, арманча матнакаш, лаваш ва догоик, шоти, мадаури, тандир юмалоги; ўзбекча гижда, оби, патир, ширмой, пўлоти нон, кулча сингари ётган нонлар киради. Ўзбекистонда ўзига хос бўлган нон маҳсулотлари кенг ассортиментда ишлаб чиқарилади.



ИНФОРМАЦИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ

7.1.Асосий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари; муаммолари", Дарслик, проф. Туробжонов С.М. таҳрири остида, Т.: "Фан ва технология", 2014, 460 бет.

2. Васиев М. Нон маҳсулотлари технологияси: Ўқув қўлланма.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2009,- 280 бет 3. Шаумаров Х.Б., Исламов С.Я. "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси", Дарслик – Т.: ТошДАУ, 2011 -194 б.

7.2.Кўшимча адабиётлар:

1. "Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-304 бет.
2. Айходжаева Н.К., Джакангирова Г.З. Қандолатчилик технологияси: Ўқув қўлланма.-Тошкент: Ношир, 2013.-240 бет.
3. Цыганова Т.Б. Технология хлебопекарного производства: Учебник,- М:КолосС, 2002.-428с.
4. Лурье И.С. Технология кондитерского производства: Учебник.-М: Агропромиздат, 1992.-400 с.
5. Медведев Г.М. Технология макаронного производства: Учебник.-М: Колос, 1998.- 272 с.
6. Пащенко Л.П., Жаркова И.М. Технология хлебобулочных изделий: Учебник.- М:КолосС, 2006.-389с.
7. Васиев М.Ф., Васиева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент F.Гулом номидаги нашриёт матбаа - 2002 й -128 б.
8. Васиев М.Ф., Васиева М.А., Илалов Х.Ж., Сайдхўжаева М.А. Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси Дарслик Тошкент Мехнат - 2003 йил - 224 б.
9. Пучкова Л.И. Лабораторный практикум по технологии ХПП. М.: «Колос» 1982г..

7.3.Интернет сайтлари:

- 1.www.google/uz
- 2.[htt://ru/Wikipedia/org](http://ru/Wikipedia/org)
3. [htt://aboutcompany/ru](http://aboutcompany/ru)
- 4.[www/norma/uz](http://norma/uz)

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Нон махсулотлари технологияси нимани ўргатади?

нон-булка махсулотларини ишлаб чикариш технологиясини
нон-макарон, кандолат ишлаб чикариш технологиясини
ундан махсулотлар ишлаб чикариш технологиясини
хаммаси түгри

2. Биринчи катта нон заводлар качон барпо этилган?

1935й 1924й 1917й 1929й

3. Нон ишлаб чикаришда "Винклер" печлари кайси мамлакатники?

Италия Франция Германия Швеция

4. Нон ишлаб чикариш саноатини асосий вазифиси

бетухтов ахолига нон ишлаб чикариш

нон сифатини ошириш

нон махсулотларини купайтириш ва озукавий кийматини ошириш

хаммаси түгри

5. 15 минг йил бурун инсонлар нонни кандай холда истеъмол килишган?

бўтка холда майдаланган бугдой холда

бутун бугдой холида бутка ва тузсиз кулчалар холида

6. Нон махсулотларини ишлаб чикариш неча боскичлардан тузилган?

4 6 3 7

7. Нон ишлаб чикаришда асосий хом-ашега нималар киради?

ун, сув, хамиртуруш,

ун

ун, сув, хамиртуруш, туз

ун, хамиртуруш

8. Нон завод лабараториялари кайси хом-ашени биринчи булиб сифатини текширади?

Унни хамиртурушни тузни тозалигини сувни тозалигини

9. Опара деганда нимани тушунасиз?

бу суюлтирилган хамиртуруш

бу ун ва хамиртурушдан хосил бўлган масса

бу кисман ун, хамиртуруш, сув ва туздан хосил бўлган хамир

түгри жавоб йўк

10. Дежа даганда нимани тушунасиз?

бу жихоз бу печлар булкер хамир кориш учун мослама

11. Уннинг нонвойлик хоссаларига қуйидагилар киради.

уннинг намлиги уннинг кулдорлиги

клейковина микдори

газ хосил қилиш қобиляти, уннинг кучи, уннинг ранги ва нон тайёрлашда тўқлашиш хусусияти

12. Олий навли унни кулдорлиги канча?

0,45 0,75 0,70 0,55

13. 1кг унда металл аралашмаларни микдори?

3мг 0,3мг 0,5мг 2,8мг

14. Бугдой уни неча турда ишдаб чикарилади?

3 4 6 5

15. Жавдар уни неча турда ишлаб чикарилади?

а) 4 б) 5 в) 3 г) 2 д) 6

16. Унни газ хосил қилиш қобиляти нима билан белгиланади?

хамирни бижгиш жараени билан

этил спирти хосил булиши билан

- унни хусусияти билан
 CO_2 (углерод диоксида) микдори билан
17. Унни газ хосил килиш кобилияти кайси асбоб билан улчанади?
 Яго-Островский прибори билан туз эритмаси билан
 хамирдаги хамиртуруш микдори билан клейковина микдори билан
18. Уннинг намлиги канча булиши керак?
 15,0% 14,5% 13% 10%
19. Ун кандай максадларда ишлаб чикарилади?
 нон-макарон ва кандолат махсулотларини ишлаб чикариш учун
 нон ва спирт таерлаш учун
 мухим озука, горва учун кандолат, конфет тайерлашда
20. Ноннинг “картофел таёқчалари” касаллигининг кўпайиши ва хаёт кечириш учун
 энг мувофиқ ҳарорат
 5-50°C 35-50°C 109-113°C 20-30°C
21. Канд микдори бугдойни кайси кисмида купрок?
 Эндоспермда муртакда кобигда
 муртак, кобиг, алайрон катламида, эндоспермга нисбатан купрок
22. Нормал бугдойда ва ундан ишлаб чикарилган унда канд, яъни сахароза канча?
 0,01-0,05 0,015-0,05 0,005-0,05 0,1-0,55
23. Унни канд хосил килиш кобилияти кайси усул билан аникланади?
 Яго-Островский прибори клейковина микдори
 хамиртуруш хусусиятини урганиш Рамзей-ВНИИЗ
24. Ош тузининг нечта навлари мавжуд?
 2 7 4 3
25. Унни канд хосил килиш кобилияти нимага боғлик?
 ун заррачаларини майдалигига ун заррачаларини йириклигига
 унни саклап муддатига унни клейковинасига
26. Унни газ хосил килиш кобилиятини аниклаш учун неча г прессланган хамиртуруш олиниди (лабараторияда)?
 5г 60г 20г 10г
27. Унни газ хосил килиш кобилиятини аниклаш учун неча мл сув олиниш керак?
 10мл 20мл 100мл 60мл
28. Бугдой унида крахмал неча % ташкил килади?
 55% 60% 80% 85%
29. Ундаги крахмал микдори куп булса....
 оксил моддалар микдори кам
 унни кучи кучли унни кучи уртачи
 оксил моддалар микдори куп, уни кучи кучли
30. Унда липидлар (еглар) микдори кепакка нисбатан....
 Камрок купрок бир хил уртacha
31. Оддий липидларда кайси элемент йук?
 Азот фосфор азот, фосфор хамма элементлар бор
32. Унни клейковинаси канча куп булса, шунча....
 ун кучли ун кучсиз структура-механик хусусияти яхши
 структура-механик хусусияти яхши, ун кучли
33. Олий навли унни клейковинаси канча?
 30 27 25 28
34. Обой унини клейковинаси канча?
 30 25 20 28
35. Тритикале деганда нимани тушунасиз?
 бугдой билан жавдври донини арилашмаси жавдари дони
 бугдой ва жавдари унини аралашмаси

бүгдий вэ жавдари донларини чатиштирилгэн натижасида хосил булган дон

36.Хамиртурууш тугри хилларга ажратылгандай каторни топинг?

прессланган, суюк, куритилган прессланган, куюк, куритилган
куритилган, нонли, солодли хамирли, тузли, суюк

37.Прессланган хамиртуруушни намлигини фоиз ифодаси

75% юкори 60% юкори 75% кам 75% ошиши керак эмас

38.Прессланган хамиртуруушни кутарилиш кучи неча?

60мм 55мм 70мм 90мм

39.Нон ишлаб чикаришда тузнинг кайси нави ишлатилади?

экстра, олий олий, 1,2 нав 1 ва 2нав экстра ва 1 нав

40.Унни етилишида куйидаги узгаришлар содир булади....

унни ранги окаради нордонлиги ошади
клейковинани структура-механик хусусиятлари яхшиланади
канд ва газ хосил килиш кобилияти узгармайди

41.Рецептура дегандада нимани тушунасиз?

унни микдори асосий хом-ашени микдори қүшимчада хом-ашени микдори
нон ишлаб чикаришда кушиладиган хамма хом-ашеларни микдори

42.Хамир коришда тузнинг микдори уни умумий микдорига нисбатан..

1,0% гача 3,0% 1,0%-25% 3,0% купрок

43.Хамирни етилиши , бижгиши качон бошланади?

хамирни кориетганда хамир кориб булганда
хамирни булакларга булганда хамирни зувала килишда

44.Сифатига кура куритилган хамиртурууш кандай навли булади?

олий, биринчи биринчи, иккинчи
олий, иккинчи иккинчи, учинчи

45.Куритилган хамиртуруушниниг намлиги канча?

8-10% 10-20% 10-15% 8%

46.Куритилган хамиртуруушнинг сиклаш муддати канча?

5-12 ой 1-5 ой 3-5 ой 10-12 ой

47.Клейковинани ИДК-1 мосламада аниклаш учун неча грамм хамир олиш керак?

14г 8г 2г 4г

48.Клейковинани аниклаш учун хамир булакчасини неча минут тиндириш керак?

10 мин. 5 мин. 20 мин. 15 мин.

49.Уннинг "кучи" неча гурухга булинади?

1 2 3 5

50.Клейковина сифати буйича неча гурухга булинади?

2 3 4 5

51.Дон кобиги ваалейрон катламида неча фоиз клетчатка (целюкоза) ташкил
килади?

50% 60% 70% 90%

52.Минерал моддалар донни (бүгдийни) кайси кисмида купрок?

Кобигда алейрон катламда эндоспермда муртакда

53.Бүгдий унида канча еглар бор?

0,5% 3% 5% 1-2%

54.Сувни каттиклигини улчов бирлиги....

Мг мг-экв %

55.Нон ишлаб чикаришда сувнинг каттиклиги юкори булса....

бу сув ишлатилмийди ишлатилади фарки йук максадга мувофик эмас

56.Ичимлик сувни каттиклигини микдори ... (мг-экв/г)

5 гача 2 купрок 3дан камрок 7 ошиши керак эмас

57. Маргаринларда неча фоиз еглар бор?

50% 82% 70% 80%

58. Бугдой хамирни тайерлашда неча усул билан олиб борилади?
 3 1 2 4
59. Опарали усул билан хамир тайерлашда опорага канча хамиртурууш күйилади?
 50% 30% 10% 100%
60. Опарани бижгиш вакти нечага тенг?
 2 соат 6 соат 0,5 соат 3-4,5 соатгача
61. Опорада тайерланган хамир неча вактда бижгийди?
 0,5 соатда 2 соатда 3 соатда 1-1,5 соатда
62. Суюқ опарали усул билан хамир тайерлашда неча % ун олинади?
 30% 75% 50% 50-70%
63. Хамир тайерлашда суюк компонентларга нима киради?
 сув, суюк хамиртурууш шакар, туз сув, туз
 сув, шакар, туз ва еглар эритмаси, суюк хамиртурууш
64. Нон ишлаб чикаришда асосий хом-аше деб нима хисобланади?
 ун, сув, хамиртурууш, туз ун, сут, хамиртурууш, туз, ег
 ун, сут, тухум, канд ун, сув, канд, туз
65. Нон ишлаб чикаришда учинчи боскич кайси бири?
 хом-аше қабул килиш ва ишлаб чикаришга юбориш
 хамир коришга тайергарлик
 хамирни тайерлаш хамирни булиш, зувала килиш
66. Кайси боскичда ва хароратда хамирни тиндирилади?
 учинчи боскич 35-40°C туртинчи боскич 35-40°C
 учинчи боскич 55-60°C хаммаси нотугри
67. Пишириш жараенида хамир нонда кайси жараенлар содир булади?
 микробиологик физик коллоид хаммаси түғри
68. Прессланган хамиртуруушни оптималь саклаш мүддати ва харорати?
 1 ой t = 20-25° 15 кун музлаган ҳолда 7 кун 0°C 12 кун t = 0-4°C
69. Қайси хом ашё қабул килинганда эритилади, тиндирилади, фильтранади ва
 эритилган ҳолда сақланади? Концентрацияси 26%, зичлиги 1,19%.
 прессланган хамиртурууш шакар туз
70. Донда углевод пентозанларни ўрни.
 сув ютиш қобилиягини оширади
 сув билан елим эритма ҳосил қиласи үсимликларда таянч модда
 хамирни бижгиш жараёнини тезлатади
71. Қайси моддалалар 75-90% хом клейковинани ҳосил қиласи?
 Крахмал клетчатка оқсиллар липидлар
72. Янги янчилган унни сақлашда нонвойлик хусусиятлари ўзгарадими?
 яхшиланади, сақлаш шароити түғри бўлса ёмонлашади
 ёмонлашади, сақлаш шароити яхши бўлса ёмонлашади
 унни сифатига қараб ўзгаради
73. Унни сақлашда намлиги қандай ўзгаради?
 унни намлиги омбор ҳавоси намлигидан паст бўлса, ошади
 уннинг намлиги ҳавони намлигидан юқори бўлса, ошади
 сақлашда ўзгармайди
 ун нимада сақланаётганлигига боғлиқ
74. Нон корхоналарида унни захираси қанча бўлади?
 1 ойлик 2 ойлик 7 кунлик 3 кунлик
75. Унни сақлашда омборни ҳарорати қанча бўлиши керак?
 10°C 14-16°C 8°C ошмаслиги керак 15-20°C
76. Унни сақлашда силослар қайси материаллардан тайёрланади?
 Темир чўян пўлат алюминий
77. Унни тўкма ҳолда (тарасиз) сақлашда уни нимада ташилади?

- Қопда самосвалда махсус ун ташиш машиналарида Түғри жавоб йўқ
78. Нон корхоналарида шакар захираси қанча вақтга мўлжалланган?
15 кун 3 кун 7 кун Түғри жавоб йўқ
79. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ёғларни қандай ҳолатда ишлатилади?
қаттиқ ҳолатда эритилган ҳолатда
эмульсия ҳолатида ҳамма жавоблар түғри
80. Опара тайёрлашда сувни қанча микдори қўшилади?
сувни ҳаммаси рецептура бўйича
2/3 қисми $\frac{1}{2}$ қисми түғри жавоб йўқ
81. Опарани тайёрлашда қайси ускуна қўлланилади?
хамир зувала қилиш ускунаси хамир бўлиш ускунаси
хамир қориш ускунаси ҳамма жавоблар түғри
82. Бижгитиш (етилиш) жараёнида хамирни ҳарорати қандай бўлади?
бошлангич ҳароратига нисбатан $1-2^{\circ}\text{C}$ камаяди
кўпинча ўзгармайди бошлангич ҳароратга нисбатан $1-2^{\circ}\text{C}$ ошади
 10°C га кескин ошади
83. Хамиртуруш кўпайишида оптимал ҳарорат қанча?
 $25-28^{\circ}\text{C}$ 35°C атрофида $10-12^{\circ}\text{C}$ дан ошиш керак эмас $35-40^{\circ}\text{C}$
84. Хамирни етилтириш усулларидан қайси усул асосий?
физикавий усули кимёвий усули механик усули бижгитиш усули
85. Опарасиз хамир қандай тайёрланади?
икки фазада: опара тайёрлаш ва хамир тайёрлаш
рекептура бўйича кўрсатган асосий ва қўшимча хом ашёлар бирга қўшилиб бир вақтда
хамир тайёрланади
учта фазадан иборат: суюқ хамиртуруш, опара, хамир түғри жавоб йўқ
86. Опара ҳолати бўйича бу....
хамирдан суюқроқ хамирдан қуюқроқ хамир билан бир хил ҳамма жавоблар түғри
87. Жавдари хамирини тайёрлашда кўп бўлиши керак....
кислота ҳосил қилувчи бактериялар хамиртуруш хужайралар
кислота ҳосил қилувчи бактериялар ва хамиртуруш хужайралари микдори бир хил
88. Пишириш жараёни деганда нимани тушунасиз?
хамир-нон қиздириш натижасида хамир ҳолатидан нонга ўтиш ҳолати
хамирни физикавий хусусиятини ўзгариши
маҳсулотни ташқи кўринишини ўзгариши
бу жараёнда биокимёвий реакцияларни содир бўлиши
89. Нонни сақлашда эскириши деганда нима тушунасиз?
хамирни кимёвий таркибини ўзгариши
нонни мағзини микроструктурасини ўзгариши б,в түғри жавоб
90. Нон пишганлигини аниқлаш учун қайси усул аниқ ва қулай?
нон мағзини бармоқ билан эзиш
нон мағзини марказий қисмини ҳароратини аниқлаш
хамир-нонни ҳажмини кўтарилиши
ҳамма жавоблар түғри
91. “Упёк” тушунчасига изоҳ беринг.
хамир-нон ва нонни ҳажмини орасидан фарқи
хамир-нон ва пишган нонни оғирлиги орасидаги фарқи
хамир-нонни ташқи кўринишини ўзгариши
түғри жавоб йўқ
92. Унни газ ҳосил қилиш қобилиятига тушунча изоҳ беринг.
клейковинани чўзилувчанлик хусусияти
унни хамир ҳосил қилиш қобилияти

маълум бир вақтда ун, сув ва хамиртурушда ҳосил бўлган хамирда бижғиши жараёнида CO_2 ҳосил бўлиши бижғиши жараёнида ферментлар таъсирида хамирда қанд ҳосил бўлиши

93. Жавдари хамири тайёрлашда клейковина ҳосил бўладими?
буғдой хамирига ўхшаш бунда ҳам ҳосил бўлади
клейковина умуман ҳосил бўлмайди кам миқдорда ҳосил бўлади тўғри жавоб йўқ

94. Хамир тайёрлаш усуллари қандай?
опарали, опарасиз тезлаштирилган узлуксиз узлукли

95. Сақлашщаги тузнинг концентрацияси ва зичлиги қанча?
30%, 1,25 26%, 1,19 25%, 1,10 35%, 1,35

96. Уннинг кулдорлиги қайси приборда аниқланади?
қуритиш шкафида муфель печида ИДК-1 Яго-Островский приборида

97. Обой уни (кепакли) қайси дондан ишлаб чиқарилади?
Буғдой жавдар жўхори буғдой, жавдар

98. Нонни қуришига таъсир қиласиган омиллар.
ҳавони ҳарорати ҳавони нисбий намлиги ҳавони тезлиги ҳамма жавоблар тўғри

99. Нон ишлаб чиқаришда технологик йўқолиш деганда нимани тушунасиз?
хамир тайёрлашдан олдин ун йўқолиши
хамир тайёрлашда, бўлишда, зувала қилишда, шакл беришда хамир йўқолиши
нонни увоғланишида йўқолиши, нонни массаси аниқмаслигига йўқотиш ҳамма жавоб тўғри

100. Нон чиқиши қайси омилларга боғлиқ?
уннинг намлигига уннинг нонвойлик хусусиятларига
қўшимча хом ашё миқдори ҳаммаси тўғри

101. Могорларнинг ўсиши ва ривожланиши учун керакли ҳарорат?
 60°C $65-70^{\circ}\text{C}$ $5-50^{\circ}\text{C}$ 5°C гача

102. Куритилган хамиртушлар неча навга бўлинади?
олий ва биринчи биринчи ва иккинчи экстра ва олий ҳамма жавоб тўғри

103. Унни сифатига боғлиқ нондаги нуқсонлар.
нонга мос эмас ҳид, тишлар орасида ғижирлаш аччиқ, нордон таъм
нонни сирти оқ ҳамма жавоб тўғри

104. Уннинг намлиги кичик бўлса ноннинг чиқишига қандай таъсир этади?
нонни чиқиши кўпаяди нонни чиқиши камаяди
унни намлиги нонни чиқишига таъсир этмайди ҳамма жавоблар тўғри

105. Унни сифат кўрсаткичларидан қайси бири % да ўлчанади?
Нордонлиги унни ҳарорати намлиги иссиқлик ўтказгич

106. Унни қайси нави учун унни автолитик фаоллиги асосий кўрсаткич деб хисобланади?
буғдойни олий навли уни буғдойни 1-нав уни
буғдойни 2-нав уни жавдари уни

107. Картошка таёқчалари ривожланиши учун қайси ҳарорат оптимал?
 $35-50^{\circ}\text{C}$ $25-30^{\circ}\text{C}$ $15-20^{\circ}\text{C}$ $5-10^{\circ}\text{C}$

108. Қандолат маҳсулотлари неча гурухга бўлинади?
4 та 3 та 6 та 2 та

109. Шакар қайси ўсимликлардан олинади?
шакар қамишдан қанд лавлагидан мевалардан шакар қамиш ва қанд лавлагидан

110. Макарон маҳсулотлари асосан қайси хом ашёлардан тайёрланади?
ун, сув, туз ун, суюқ хамиртуш ун, сув ун, сув, туз, хамиртуш

